

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИННИГ АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан нашр этила бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2021 йил, 4 (51)-сон

Таҳрир хайъати раиси

Хатамов Рустам Абдуганиевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи.

Таҳрир хайъати раиси ўринбосарлари

Зиёдулаев Музаффар Зиёдулаевич, ИИВ Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

Нигматов魯фулло Олимжонович, ИИВ Академияси бошлиғининг илмий ва инновациялар бўйича ўринбосари, фалсафа доктори (PhD), доцент.

Таҳрир хайъатъ аъзолари

Турсунов Ахтам Саломович, ИИВ Академияси жиноят-ижроия хукуки кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

Исмаилов Исамиддин, ИИВ Академияси ички ишлар орнагининг маъмурӣ фаолияти кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

Матчанов Алимжан Атабаевич, ИИВ Академияси ташкилий штаб фаолияти кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич, ИИВ Академияси ижтимоий фанлар кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор;

Муродов Баҳтиёржон Баходирович, ИИВ Академияси дастлабки терлов ва криминалистика кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

Хамдамов Абдували Ахмедович, ИИВ Академияси тезкор-кидирув фаолияти кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

Кабулов Рустам, ИИВ Академияси жиноят хукуки кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

Сайдов Баҳром Анварович, ИИВ Академияси ўқув-услубий бошкарма бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

Джавакова Карина Владимировна, ИИВ Академияси давлат-хукукий фанлар ва инсон хукукларини таъминлаш кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор;

Кулматов Шароф Асадович, ИИВ Академияси олий таълимдан кейинги таълим факультети бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

Кабилов Шариф Рахимович, ИИВ Академияси Магистратура хукукий фанлар кафедраси профессори, иктисолади фанлари номзоди, профессор;

Джоробекова Арзыгул Мамаюнусоўна, Киргизистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор;

Мешеряков Владимир Алексеевич, Россия ИИВ Воронеж институти кафедра профессори, Россия давлат одил судлов университети Марказий филиали кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор;

Кирель Виталий Казимирович, Беларусь Республикаси Президенти хузуридаги бошкарув Академияси кафедра доценти, Литва криминалистлар жамияти аъзоси, юридик фанлар номзоди, доцент;

Қодиров Қувонч Бекмуродович, ИИВ Академияси жиноят-ижроия хукуки кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори;

Сирниев Баҳтиёр Назарович, ИИВ Академияси тарбиявий-психологик фаолияти кафедраси бошлиғи, психология фанлари номзоди;

Хўжакулов Сиёвуш Баҳтиёрович, ИИВ Академияси илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент;

Қодиров Умиджон Абдимуратович, ИИВ Академияси Магистратура хукукий фанлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент;

Примов Фарход Абдужабборович, ИИВ Академияси илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Бош муҳаррир

Султонова Махсуда Эргашевна

Ушбу сон муҳаррирлари

И. В. Солохина, Н.Б. Абдураширова

Дизайнер ва саҳифаловчи: Д. Р. Джалилов

Таъсисчи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2009 йил 18 июняда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон карори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 71-265-23-56, 71-265-23-59.

@mail: axborotnoma akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Таҳририй-ноширилик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси”дан олинганилиги кўрсатилиши шарт. Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди.

Кўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди. Муаллиф мақолада келтирилган далил ва маълумотлар учун шахсан жавобгар хисобланади.

Бичими 60×84 1/8. Нашр табаги 22,0. Офсет усулида босилди. Адади 50 нусха. SIGMA-PRINT” МЧЖ босма-хонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар. Ч. Айтматов кўчаси 33-үй.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Босишга руҳсат этилди 18.01.2022 й.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.

ВЕСТНИК АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Издается с 2010 года

Выходит четыре раза в год

2021 год, № 4 (51)

Председатель редакционной коллегии

Хатамов Рустам Абдуганиевич, начальник Академии МВД Республики Узбекистан.

Заместители председателя редакционной коллегии

Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич, первый заместитель начальника Академии МВД, доктор юридических наук, профессор.

Нигматов魯фтулло Олимджонович, заместитель начальника Академии МВД по науке и инновациям, доктор философии (PhD), доцент.

Редакционная коллегия

Турсунов Ахтам Саломович, профессор кафедры уголовно-исполнительного права Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Исмаилов Исамиддин, начальник кафедры административной деятельности органов внутренних дел Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Матчанов Алимджан Атабаевич, начальник кафедры организационно-штабной деятельности Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич, начальник кафедры социально-гуманитарных дисциплин Академии МВД, доктор философских наук, профессор;

Муродов Бахтиёржон Баходирович, начальник кафедры предварительного следствия и криминалистики Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Хамдамов Абдували Ахмедович, профессор кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Кабулов Рустам, профессор кафедры уголовного права Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Сайдов Бахром Анварович, начальник учебно-методического управления Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Джавакова Каринэ Владимировна, начальник кафедры государственно-правовых дисциплин и обеспечения прав человека Академии МВД, доктор философских наук, профессор;

Кулматов Шароф Асадович, начальник факультета послевузовского образования Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Кабилов Шариф Рахимович, профессор кафедры правовых дисциплин Магистратуры Академии МВД, кандидат экономических наук, профессор;

Джоробекова Арзыгүл Мамаюнусовна, заместитель начальника Академии МВД Республики Кыргызстан, доктор юридических наук, профессор;

Мещеряков Владимир Алексеевич, профессор кафедры Воронежского института МВД России, заведующий кафедрой Центрального филиала Российского государственного университета правосудия, доктор юридических наук, профессор;

Кирвель Виталий Казимирович, доцент кафедры Академии управления при Президенте Республики Беларусь, действительный член Литовского криминалистического общества, кандидат юридических наук, доцент;

Кодиров Куонич Бекмуродович, доцент кафедры уголовно-исполнительного права Академии МВД, доктор философии по историческим наукам;

Сирлиев Бахтиёр Назарович, начальник кафедры воспитательно-психологической деятельности Академии МВД, кандидат психологических наук;

Хужакулов Сиёвуш Бахтиёрович, начальник отдела организации научно-исследовательской деятельности Академии МВД, доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент;

Кодиров Умиджон Абдимуратович, начальник кафедры правовых дисциплин магистратуры Академии МВД, кандидат юридических наук, доцент;

Примов Фарход Абдужабборович, учёный секретарь Академии МВД, доктор философии по юридическим наукам (PhD).

Главный редактор

Султанова Махсуда Эргашевна

Редакторы номера

И. В. Солохина, Н. Б. Абдураширова

Дизайн и верстка Д. Р. Джалилов

Учредитель

Академия МВД Республики Узбекистан

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов докторских (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Тел.: 71-265-23-56, 71-265-23-59.

@mail: axborotnomra akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в Редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник "Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси" обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Автор несет личную ответственность за факты и сведения, приведенные в статье.

Формат 60×84 1/8. Уч.-изд.л. 22,0. Печать офсетная. Тираж 50 экз. Отпечатано в ООО "SIGMA-PRINT" г. Ташкент. ул. Ч. Айтматова 33.

Цена договорная.

Подписано в печать 18.01.2022 г.

Заказ № ISSN 2181-4872

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИННИГ АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан нашр этила бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2021 йил, 4 (51)-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН – ТРЕТИЙ РЕНЕССАНС

Нигматов Р. О. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – фуқаролик жамияти шаклланишининг мустаҳкам ҳуқуқий негизи.....	5
--	---

Мамадалиев Ш. О. Ренессанс – кашфиётлар демақдир.....	10
--	----

Тошқулов Ж. Конституция – Ўзбекистон Республикаси мудофааси ва хавфсизлиги ҳуқуқий асосларининг таянч манбаи.....	14
--	----

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

ТЕОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА. ПРАВОВЫЕ УЧЕНИЯ

Худойбердиев А. Қ. Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини эксперт-таҳлилий таъминлашнинг моҳияти.....	23
--	----

Дауменов Б. А. К Концепции оптимизации передачи несвойственных и дублирующих функций хокимиятов соответствующим ведомствам.....	28
--	----

Нишанбаева Н. Б. Ўзбекистонда замонавий сайлов тизими.....	34
---	----

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.

ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Юлдашев Дж. Х. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш амалиёти натижалари таҳлили.....	38
---	----

Сарабеков Х. Д. Аҳоли турмуш тарзи, ижтимоий муҳофазасини яхшилаш борасида секторлар фаолиятини янада такомиллаштириш – давр талаби.....	46
---	----

Джолдасова С. Д. Миграцияни тартибга солишда бандлик ва меҳнат органларининг тутган ўрни.....	56
--	----

Норбутаев Э. Х. Ички ишлар органлари томонидан лицензиялашни амалга оширишдаги вазифалар таҳлили.....	61
--	----

Дўстмуродов У. И. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан кўлланиладиган жисмоний куч ишлатиш чораси маъмурий чеклаш чоралари тизимида: ҳуқуқий табиати, процессуал жиҳатлари.....	70
--	----

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО. СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО

Холмуминов О. Ж. Ер участкасини ниқоблаш мақсадида тузилган битимлар (шартномалар) ва уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари.....	74
--	----

Баратов М., Кулдашев Н. Давлатнинг деликт муносабатлардаги иштироки муаммолари: такомил сари.....	80
--	----

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

УГОЛОВНОЕ ПРАВО. КРИМИНОЛОГИЯ. УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

Хайдаров М. М. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг жиноий жазо тизимида тутган ўрни.....	90
Умирзаков Б. А. Вояга етмаганлар жиноятчилиги миқдор ва сифат кўрсаткичларининг хусусиятлари.....	95
Саидов О. Ч. Маҳкумларнинг жазо ўташни давом эттириш учун фуқароси бўлган давлатга топшириш асос ва шартлари.....	104
Исломов Б. Обстоятельства, смягчающие наказание по уголовному законодательству Федеративной Республики Германия (сравнительный анализ).....	113
Алматов С. З. Экстремизмга қарши қурашиш – долзарб вазифа.....	122
Абдулхамидов А. А. Жиноят содир этган шахсга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинламай, жазолаш тизими.....	127
Матёзов Ш. О. Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларига қарши қурашишнинг назарий ва амалий жиҳатлари.....	130

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА ЭКСПЕРТИЗАСИ

УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

Каримов В. Жиноятчиликка қарши қурашда замонавий техник қурилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари.....	137
Махкамов Ж. М. Тезкор киритиш ва ниқобланган операция тадбирларини қонунчилик билан таъминлашдаги муаммолар.....	145

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ. ПРОБАЦИЯ ФАОЛИЯТИ

ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ ПРАВОНАРУШЕНИЙ. ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ. ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПРОБАЦИИ

Қаршиев Ф. С. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш	152
Давлетов Ў. М. Бола ҳуқуқлари ҳимояси: масала ва ечимлар.....	156

ФАН ВА ТАЪЛИМ

НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ

Юсубов Д. А. Ички ишлар органлари ходимларининг нуқт маданияти.....	161
Разаков Д. Х. Ўзбекистонда давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишда ички ишлар органлари олдида турган вазифалар..	167
Батыров У. А. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг айrim масалалари.....	171
Қодиржонов К. К. Курсант ва тингловчиларнинг касбий фаолиятга тайёрлашда миллый қадриятларни аҳамияти.....	176

Р. О. Нигматов,
ИИВ Академияси бошлигининг
илемий ва инновациялар бўйича
ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, доцент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНинг МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

Аннотация. Мақолада Конституция Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий негизи бўлиб, у халқимизнинг инсон ҳуқуқларига содиқлигини, эзгулик ва бағрикенглик анъаналарига изчил риоя этишини ифодалаши каби асосий қонунимизда ифодаланган эзгу гоялар ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: Конституция, қонун устуворлиги, давлат органи, фуқаролик жамияти, сўз эркинлиги, демократия, ҳуқуқий давлат.

Аннотация. В статье говорится о Конституции Узбекистана, являющейся правовой базой формирования правового государства и правового общества в нашей стране, а также положениях основного закона, в которых отражены верность принципам прав человека, соблюдение требований толерантности, мира и спокойствия.

Ключевые слова: Конституция, приоритет закона, государственный орган, гражданское общество, гласность, демократия, правовое государство.

Annotation. The article talks about the Constitution of Uzbekistan, which is the legal basis for the formation of a legal state and a legal society in our country, as well as the provisions of the basic law, which reflects loyalty to the principles of human rights, compliance with the requirements of tolerance, peace and tranquility.

Keywords: The Constitution, the priority of the law, the state body, civil society, transparency, democracy, the rule of law.

Мустақил юртимизнинг давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёти мустаҳкам ҳуқуқий негизга эга. Айнан Конституция халқимизнинг олий иродасини ўзида мужассамлаб, жамиятнинг илдам ривожланишини белгилаб берди. Асосий қонунимиз давлатчилик, ҳуқуқ тизими ва қонунчилик борасида инсоният тўплаган энг илгор тажриба ва гояларни ўзида мужассамлантирган, олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳокимиятларнинг тақсимланиши,

ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги эзгу қоидалар ундан муносиб ўрин эгаллаган. Ўзбек халқининг кўп минг ийллик давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёти ютуқлари, унинг эрк, озодлик ва мустақиллик хусусидаги азалий орзу умидлари ўз аксини топган.

Конституция Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий негизи бўлиб, у халқимизнинг инсон ҳуқуқларига содиқлигини, эзгулик ва бағрикенглик анъаналарига изчил

риоя этишини ифодалайди. У давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий пойдевори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва миллатларо тутувликнинг ишончли кафолатидир.

Конституциянинг асосий моҳиятини ифодаловчи энг муҳим жиҳатларидан яна бири унда инсон ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилганлигидир. Конституцияда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадрқиммати ва бошқа ажralмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланиши ва муҳофазаланиши белгиланган. Дарҳақиқат, Конституция Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаб берган. Эътиборли жиҳати шундаки, Конституциямиз “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг барча муҳим қоидалари ва нормаларини ўз мазмунига тўла сингдирган.

Эркин тараққиётимизнинг ўтган бутун даври мобайнида Асосий қонуни миз жамиятда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг, мамлакатни модернизация этишининг мустаҳкам қонуний замини бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Конституциямизнинг қоида ва тамойиларидан келиб чиқиб, биз бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ҳамда кенг кўламли ва шиддатли демократик ислоҳотларни бошладик. Уларнинг ҳуқуқий асосини Конституциямизга 7 марта киритилган ўзгартиришлар, қабул қилинган 5 та кодекс ва 250 га яқин қонулар ташкил этмоқда”[1].

Асосий қонуни миз ўз ички салоҳиятига кўра фуқаролик жамияти инфратузилмасини қарор топтириш учун ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтади. Шунга асосланиб таъкидлаш мумкинки, Конституция фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари,

сиёсий шакли, ҳуқуқий маданияти ва маънавий устунлари вужудга келиши ҳамда ривожланишига тўла-тўқис хизмат қиласи.

Эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш Ўзбекистон ҳалқининг улуғвор мақсадларидан биридир. Конституциянинг мазмун ва моҳиятидан шу нарса қатъий аёнки, мамлакатимизда шакллантирилаётган жамият демократия ва адолат тамойилларига таянувчи эркин инсонлар жамияти бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримов шундай деган эди: “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қиласи”[2].

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар бир инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона, ҳуқуқий ҳал этилишини сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Ушбу қоида эса тўғридан-тўғри шахснинг давлат билан ўзаро муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Ушбу муносабатларда “шахснинг ҳуқуқий мақоми” деган тушунчани илмий жиҳатдан мустаҳкамлаб олиш имкониятини яратади.

Илм-фанда муҳим ҳуқуқий категория сифатида “шахснинг ҳуқуқий мақоми” тушунчаси кўп қўлланилишига қарамай, унинг мазмуни ҳамда функциялари бўйича ягона фикр-мулоҳаза мавжуд

эмас. Ушбу атама шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимидағи ўрни ва мавқеини, унинг давлат ҳамда бошқа шахсларга нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Қолаверса, “ҳуқуқий мақом” ва “ҳуқуқий ҳолат” категорияларининг ўзаро муносабатлари юзасидан олимларнинг ягона қарашда эмаслиги ҳам ўрганилаётган тушунчанинг мазмунини янада мураккаблаштиради. Бу борада назарияда қўйидаги уч хил ёндашувни кузатиш мумкин:

биринчиси, ушбу ёндашув доирасида “ҳуқуқий мақом” ва “ҳуқуқий ҳолат” тушунчалари бир-биридан фарқланади ҳамда бутун ва қисм сифатида изоҳланади. Профессор Н. В. Витрукнинг фикрига кўра, ушбу икки атамани икки мустақил категория, деб тан олиш ҳамда “ҳуқуқий ҳолат”ни кенг маънода (шахс ҳуқуқий мақомининг барча элементларини очиб берувчи умумлаштирувчи категория сифатида); “ҳуқуқий мақом”ни эса тор маънода тушуниш лозим[3];

иккинчиси, ушбу ёндашув ҳам дастлабки ёндашувга бироз ўхшашиб, бироқ унда шахс ҳуқуқий мақоми тушунчасининг негизи (асоси) фақатгина ҳуқуқ ва мажбуриятларга асосланиши илгари сурилади. Жумладан, рус олими Г. В. Мальцев бу ҳақда: “ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизими – ҳуқуқ соҳасининг ўзаги, марказидир ва унда асосий ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш калити ётади”, – дейди [4]. Е. А. Лукашева эса мазкур фикрга қўшилган ҳолда, фуқаролик, умумий ҳуқуқдорлик, юридик жавобгарлик ва кафолатлар тизимини шахснинг ҳуқуқий мақоми тизимида иккинчи даражали элемент сифатида эътироф этади [5];

учинчи ёндашув шахснинг “ҳуқуқий мақоми” ва “ҳуқуқий ҳолати” тушунчалари моҳиятини айнан деб тан олиш ҳамда шахс ҳуқуқий ҳолатининг юридик тузилишидаги асосий ва қўшимча таркибий элементлари

ўртасида жиддий тафовут мавжуд эмаслигини эътироф этишга асосланади. Жумладан, Н. И. Матузов ўрганилаётган категорияларнинг этимологик жиҳатини инобатга олиб, олимлар томонидан илгари сурилган шахснинг “ҳуқуқий мақоми” ва “ҳуқуқий ҳолати” тушунчаларини фарқлаш лозимлиги ҳақидаги таклифларни асоссиз, деб ҳисобланган ҳолда, ушбу атамаларни юридик жиҳатдан икки маънода қўллаш учун ҳеч қандай назарий ёки амалий эҳтиёж мавжуд эмаслигини таъкидлайди [6]. Д. М. Миразов, И. Т. Тультеев ва Г. С. Тастанбекова каби олимлар ҳам “шахс (фуқаро)нинг ҳуқуқий мақоми” остида уларнинг жамият ва давлатда Конституция ҳамда қонунлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқий ҳолатини тушунадилар [7].

Э. Т. Хожиев, Г. С. Исмаилова ва М. А. Рахимоваларнинг қарашларида [8], “мақом” ижтимоий маънода: 1) шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи; 2) инсоннинг давлат ва жамият томонидан ўрнатилган мажбурий ва мумкин қадар одоб-ахлоқ меъёрлари (кафолатлар, имтиёзлар, тақиқлар, чекловлар, жавобгарлик); 3) инсоннинг белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга нуқтаи-назари; 4) ижтимоий одоб-ахлоқ шакли; 5) ижтимоий ўрнини назарда тутади. Бу эса шахс мақомининг доираси кенг қамровли эканлигини асослайди ҳамда биринчи ёндашув тарафдорларининг фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмаслигини кўрсатади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, шахснинг ҳуқуқий мақоми деганда, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, албатта, давлат томонидан расмий ҳужжатларда акс эттирилганлиги ва уларнинг давлат олдидаги ҳар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларини акс эттириши тушунилади. Ушбу категория ҳам фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятининг яна бир муҳим хусусиятларидан бири бу Конституция ва қонун устуворлигидир.

Конституция ва қонунларнинг устунлиги, уларнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг муҳим омилидир.

Фуқаролик жамиятида қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бу барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт эканлигини ҳам билдиради.

Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, давлатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этмоқдалар.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий маконни янада кенгайтириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалар моҳиятидан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди.

2018 йил 4 майда давлатимиз раҳбари “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини имзолади.

Фармонда: биринчидан, мазкур соҳанинг ҳозирги ҳолатига муҳтасар ва холис баҳо берилган; иккинчидан, мавжуд камчиликлар очиқ-ошкора кўрсатиб ўтилган; учинчидан, аникланган муаммоларни бартараф этишга доир амалий чора-тадбирлар белгиланган; тўртинчидан, шу таъсирчан чораларни амалга татбиқ этиш ва кутилган

самарадорликка эришишнинг аниқ механизмлари кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда Президентимизнинг бугунги кун ва яқин истиқболда Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ташабbusлари ўз аксини топган.

Давлат ва жамият аҳамиятига молик ҳужжатларни тайёрлашда бутун Ўзбекистон халқининг қизиқишлари тўла инобатга олинишини таъминлаш учун аҳоли ўртасида кенг муҳокамалар ташкил этиш, доимий равища халқ билан мулоқот қилиш тақозо этилади. Бунда, шубҳасиз, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ННТ фаол бўлиши даркор. Ўз навбатида, ушбу ижтимоий тузилмалар билан амалий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тузилди.

Маслаҳат кенгаши фуқаролик жамиятини ташвишлантираётган долзарб масалаларни изчил асосда муҳокама қилиб, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равища хабардор қилиб боради.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштироқини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш, илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва уни Ўзбекистон шароитида жорий

этишда кўмаклашиш ҳам Маслаҳат кенгашининг вазифасидир. Маслаҳат кенгаси фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мувофиқлаштирилади.

Шу ўринда 2019 йил 30 октябрда Президентимизнинг “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқdir.

Қарорда кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашнинг яхлит ва мустақил тизимини шакллантириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, уларни янада ривожлантиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш учун илмий-амалий майдон яратишга қаратилган бир катор муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази мақомида қайта ташкил этилди. Марказнинг хуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Жорий йилнинг 24 октябрь куни бўлиб ўтган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови”да фуқаролик жамияти институтлари ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Зоро, ушбу жамоат тузилмалари давлатнинг ижтимоий шериги сифатида, бир томондан, аҳоли кенг қатламлари ижтимоий-иктисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, иккинчи томондан, фуқароларни демократик ўзгаришлар жараёнига янада кенг жалб қилиш борасида зарур имкониятларни ўзида мужассам этган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимизда барпо этилаётган адолатли, эркин фуқаролик жамиятининг мустаҳкам негизи бўлиб, конституциявий қоидаларнинг бекаму кўст амалга оширилиши, изчиллик билан жамият ҳаётига татбиқ этилиши мамлакатимизнинг илдам ривожланишини кафолатлади. Конституция Давлат раҳбари белгилаб берганларидек, аввало, инсон – жамият – давлат муносабатларида уйғунликни таъминлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи. – 2020. – 7 дек.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. – Б.173.

3. Витрук Н.В. Общая теория правового положения личности. – М., 2008. – С. 25.

4. Мальцев Г.В. Права личности: юридическая норма и социальная действительность // Конституция СССР и правовое положение личности. – М., 1979. – С. 50.

5. Лукашева Е. А. Правовой статус: понятие и структура / Общая теория прав человека. – М., 1996.— С. 30.

6. Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права: учебник. – М., – 2004. – С. 91, 93.

7. Юридик тайёргарлик: Дарслик. – Т., 2009. – Б. 83; Конституциявий хуқуқ: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, Ў.Х. Мухамедов, Б.А. Саидов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т., 2014. – Б. 162.

8. Давлат хизмати: Ўқув кўлланма / Э.Т. Хожиев, Г.С. Исмаилова, М.А. Рахимова. – Т., 2015. – Б. 34, 43.

РЕНЕССАНС – КАШФИЁТЛАР ДЕМАКДИР

Аннотация. Мақолада Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш сари” ғояси кенг талқин қилинган. Янги Ўзбекистонни ривожлантириш – умуммиллий ҳаракатга айланганлиги эътироф этилган.

Таянч сўзлар: Учинчи Ренессанс, Янги Ўзбекистон, “кашфиётлар булоғи”, миллий ғоя.

Аннотация. В статье широко трактуется выдвинутая по инициативе Президента идея “К основанию Третьего Ренессанса”. Признано, что развитие Нового Узбекистана стало общенациональным движением.

Ключевые слова: Третий Ренессанс, Новый Узбекистан, “источник открытый”, национальная идея.

Annotation. The article broadly interprets the idea put forward on the initiative of the President “Towards the foundation of the third renaissance”. It is recognized that the development of the new Uzbekistan has become a nationwide movement.

Keywords: Third Renaissance, New Uzbekistan, “source of discoveries”, national idea.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш сари” ғояси Ўзбекистон халқини бирлаштирувчи ва уни ҳеч кимдан кам бўлмаган ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашга сафарбар этувчи миллий ғоямизга айланди, десак айни ҳақиқатни ифодалаган бўламиз. Чунки бугун Ўзбекистон халқи ривожланиш имкониятларини изламоқда, хар сония, ҳар куни тинчлик ва фаровонликни таъминлашга муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонни ривожлантириш ғояси – умуммиллий ҳаракатга айланди. Мудраётгандар уйғоняпти, иккиланаётган кузатувчи ва томошибинлар ҳаракатга келяпти. Фуқароларнинг сиёсий-хукуқий маданияти ошиб, ижтимоий фаоллик юксаляпти. “Аллоҳ қалбингда, қўлинг ишда бўлсин”, деган Баҳоуддин Нақшбанд

чақириғи рўёбга чиқяпти. Аммо ҳақиқат ўрнида айтиш жоизки, умуммиллий ҳаракат замонавий фан ва амалиётнинг энг сўнгги ютуқларига асосланмаса, геосиёсий манфаатлар тўқнашаётган муросасиз мафкуравий кураш, носоғлом рақобат кетаётган замонда буюк мақсадга эришиб бўлмайди.

Жаҳон тарихига назар ташланса, инсоният эришган энг буюк ўзгаришларга фанда эришилган илмий ихтиrolар сабаб бўлган, десак муболага бўлмайди.

Масалан, буюк географик кашфиётлар дунёнинг глобаллашувига, буғ двигатели, темир йўллар ихтироси – биринчи саноат инқилобига, электр энергия ихтироси, оммавий ишлаб чиқариш – иккинчи саноат инқилобига, компьютер, интернет кашфиёти – учинчи саноат инқилобига сабабчи бўлган.

Ўзбекистонда ҳам IX–XII асрлардаги биринчи Ренессанс, XIV–XVI асрлардаги иккинчи Ренессанс ҳам фандаги буюк кашфиётлар туфайли содир

бўлган. Янги Ўзбекистонда фан ва таълимга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Фан вакилларига ажратилаётган маблағлар кўпайтирилмоқда.

Юқорида келтирилган тарихий фактлардан кўринадики, “Ренессанс – бу “кашфиётлар булоги” демакдир”. XXI аср – сунъий интеллект асири. Ҳозирда билим бойлик манбаи ва енгилмас кучга айланган. Масалан, АҚШ ЯИМ 60 фоизи “интеллект” ҳисобидан яратилмоқда.

Шундай экан фанни ривожлантириш, кашфиёт қилишга ҳар биримиз масъулмиз.

Бугун Ўзбекистон фани, шу жумладан ижтимоий-ҳуқуқий фанлар олдида оддий илмий янгиликлар билан чекланмасдан, балки дунёни сифат жиҳатидан ўзгартирадиган буюк ихтиро ва кашфиётлар қилишдек тарихий вазифа турибди. Зоро, ушбу вазифани бажариш учун замонавий билим, тажриба ва тинимсиз меҳнат талаб этилади.

Фан – инсоният яратган мўъжизаларнинг мўъжизаси. Фан пайдо бўлгандан буён жамият узлуксиз ривожланмоқда. Масалан, ёзув, қофоз, календарь, китобнинг пайдо бўлиши жамият тараққиётини тезлаштириди, уни янги сифат босқичига кўтарди. Буюк географик кашфиётлар дунёning геосиёсий манзарасини тубдан ўзгартириди. Унинг натижасида глобал дунё пайдо бўлди. Буғдвигателининг яратилиши саноат индустриясига асос солди. Радио, телефон, компьютер, интернетнинг яратилиши эса саноатни тўртинчи интеллектуал индустрия босқичига кўтарди. Фан тараққиётнинг белгиловчи кучига айланди.

Ҳозирда дунё бўйича мингдан ортиқ фанлар бўлиб (қадимда ягона фалсафа фани бўлган), ҳар сонияда битта илмий янгилик яратилмоқда. Ҳар икки йилда илмий билимлар тизими ўзгармоқда. Бу тезлик – ҳар бир тадқиқотчидан доимий изланишда бўлишни талаб этади. Бугун жаҳондаги илмий ихтиrolарнинг 50 фоизи АҚШга,

35 фоизи Европа давлатларига, 10 фоизи Хитой, Малайзия, Япония, Ҳиндистонга, 5 фоизи бошқа давлатларга тўғри келяпти. Нобель мукофоти совриндорларининг кўпчилигини ҳам АҚШ олимлари ташкил этади (353 нафар). Бу рақамлар АҚШ ва илғор давлатларнинг фанни бошқариш ва ўқитиш тизими ютуқларини чукур ўрганиш ҳамда миллий манфаатларимизга мос жиҳатларини қабул қилишни талаб қиласди.

XXI аср тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини чукур англаған Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган “Янги Ўзбекистон – учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш сари” эзгу фикри том маънодаги Ўзбекистон ҳалқи манфаатларини ифода этувчи миллий ғоя. Бу миллий юксалиш гоясидир. Янги Ўзбекистон – бу фан ютуқларига асосланган ривожланиш демакдир. Демак, Янги Ўзбекистон келажаги илм изловчи тадқиқотчиларга бевосита боғлиқ.

Хўш, тадқиқотчиларимиз ана шундай шарафли, тарихий вазифани бажариш учун нималардан воз кечиши ва нималарга эътиборни кучайтириши керак?

Бизнингча, биринчи навбатда, аксарият тадқиқотчиларда кузатилаётган “эгоизм”дан воз кечиши керак. Илмий изланишлардаги тарқоқлик, якка муаллифликка ҳирс қўйиш, машҳурлик касали, илмий мактабларнинг нуфузи пасаяётганлиги, мутлоқ ҳақиқатга даъвогарлик каби ҳодисалар эгоизмнинг замонавий кўринишларидир. Эгоизм – фан табиатига зид ҳодиса. Фан – ижтимоий онг маҳсули. Бу дегани ҳар қандай илмий ихтиро ва кашфиётлар кўпчиликнинг машақватли меҳнати туфайлигина амалга ошади. Буюк кашфиётлар тарихи ҳеч бир кашфиёт бир кишига тегишли эмаслигини исботлайди.

Саддий, В. Гейзенберг, Менделеев каби олимлар таъкидлаганидек, “кашфиётлар йўлида 95 фоиз одам меҳнат қиласди, 5 фоиз одамгина унинг

муаллифига айланади”. Эгоизм фандаги мотивация, коммуникация ва ишчи муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Шу сабаб, фан манфаати йўлида эгоизмни енгиб ўтишимиз зарур.

Тадқиқотчиларимиз воз кечиши керак бўлган яна бир иллат – таниш-билишчилик ва маддоҳлик. Маълумки, таниш-билиш билан киши билим, маддоҳлик (софистика) билан эса ихтиро яратиб бўлмайди. Ҳар қандай кашфиёт билим, тажриба ва тинимсиз меҳнатнинг маҳсулидир.

Фан ана шу уч асос – билим, тажриба ва тинимсиз меҳнат асосига қурилади. Маддоҳлик деганда, чиройли сўзлар билан ҳақиқатни бузиб кўрсатиш орқали одамлар ишончини эгаллашга қаратилган нотиқлик тушунилади. Фандаги маълум ҳақиқатларга бошқача шакл бериш орқали уларни янгилик қилиб кўрсатишга қаратилган ҳаракат ҳам маддоҳликдир. Умар Ҳайём “Чиройли сўзловчиларга ишонманг, бу сўзларда ёлғон бор, жим туриб, чиройли ишлар қиласиганларга ишонинг”, деганда салбий маънодаги маддоҳликни назарда тутганига шубҳа йўқ. Бизнингча, XXI аср бошларида бошланган тўртинчи саноат индустрия инқилоби талабларига жавоб бериш учун Ўзбекистонда, жумладан ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий фанлар соҳасида қўйидагиларга устувор аҳамият қаратиш зарур:

биринчидан, фанлараро интеграцияни кучайтириш ва такрорлашга йўл қўймаслик керак. Маълумки, кераксиз фан бўлмайди, ҳар бир фаннинг ўз ўрни бор. Фандаги маҳаллийчилик, яъни бир фанни бошқа фандан устун қўйиш ёки бирор-бир фан имкониятларини бошқа фанлар хисобидан кенгайтириш назарий хато ва амалиёт учун заарарли эканлигини асло унтиб бўлмайди. Шуни унумаслик керакки, фанлар ўзаро ҳамкорлик қиласигина ривожланади. Фанлар интеграцияси ва дифференциацияси ушбу ҳақиқатни тасдиқлайди;

иккинчидан, фаннинг билиш қуроли бўлган илмий-тадқиқот ўтказиш методологиясининг ўқитилишига алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Ҳозирда аксарият олий таълим муассасаларида ушбу фан ўқитилмаяпти (масалан, ИИВ Академияси магистратурасида ушбу фанни ўқитиш назарда тутилмоқда). Ривожланган хорижий мамлакатларда фан методологиясини чуқур ўргатиш амалиёти мавжуд. Чунки фан методологияси илмий изланиш қоидаларини, яъни ихтиро, кашфиёт сирларини ўргатади. Аслида ҳам “илмий тадқиқотчи”, деган ибора фан методологиясини чуқур ўзлаштирган шахсга нисбатан ишлатилади. Шуни унумаслик керакки, фан тараққиёти фанга ажратилган маблағ ёки шинам илмий лаборатория, биноларгагина боғлиқ эмас. У, биринчи навбатда, тадқиқотчининг билими, тажрибаси ва меҳнатсеварлигига боғлиқ. Шу боис ҳар бир тадқиқотчи фан методологиясини чуқур билишига эришишимиз шарт. Акс ҳолда фанга ажратилган маблағлар кўкка совурилади, кўркам лабораториялардан наф бўлмайди;

учинчидан, тадқиқотчиларнинг илмий тафаккур юритиш салоҳиятини юксалтирумасдан учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш мушкул вазифадир. Бугун тадқиқотчиларимизнинг аксарияти илмий тафаккур юритиш масаласида қийинчиликларга дуч келаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Шу сабаб, аксарият олий таълим муассасалари ўқув режасидан алоҳида фан сифатида чиқариб юборилган “Логика” (Мантиқ) фанини ўқув жараёнига қайташ зарур. Логика – тафаккурнинг шакл ва қонунларини, яъни мустақил фикрлаш қоидаларини ўргатувчи фан. Мустақил фикр йўқ жойда эса фан ҳаракатдан тўхтайди. Буюк грек файласуфи Аристотель ўзининг машҳур “Логика” асарида “Барча фанлар – логикадир”, – деган эди. Шу ўринда айтиш жоизки, “логика” у ёки бу фан таркибида ўқитиладиган фан эмас

(хозирда логика, фалсафа фани доирасида 16 соат ўқитилмоқда), аксинча, логика барча олий ўқув юртларида алоҳида фан тили сифатида ўқитилиши шарт. Логика – фан тили. Олий ўқув юртлари тадқиқотчиларининг кўп тилларни билиши (инглиз, рус ва бошқа) илмий тафаккурни юксалтирумайди;

тўртин чидан, фан ахлоқ ва маънавиятдан ташқарида эмас. Агар фан ахлоқ ва маънавият измида бўлмаса, у инсонпарварлик функциясини бажараолмайди, фан бузғунчи ғоялар хизматига ўтади. Инсонпарвар олимлар ушбу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик хусусида доимо бонг уриб келганлар. Бу ўринда Менделеевнинг “Фан барча инсонларга фойда келтириши ва келажакни башорат қилиши шарт”, деган фикрини эслаш ўринлидир. Фан инсонпарварлик ғояси билан сугорилмаса, ундан катта зиён етиши ҳам мумкин. Масалан, ядро қуролларидан қандай мақсадда (бунёдкорлик ёки бузғунчилик) фойдаланиш масаласи инсон тарбиясига боғлиқ. Бугун фанни факат пул, даромад олиш қуролига айлантириб, табиат ва жамиятга хавф туғдираётган, экологик фожиалар сабабчиси бўлаётган фан вакилларини ахлоқ измида, деб бўлмайди. Ренессанс – бу яратувчилик демакдир. Шундай экан опиум ёки бошқа заарли моддаларни ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган илмий лабораторияларнинг мавжудлиги илмий

ахлоқ тарбиясининг долзарблигидан далолат беради.

Минг йиллик фан тарихида яратилган илмий қадриятларни асрраб-авайлаш масаласи ҳам долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бугун шогирд устозини беҳурмат қилаётгани ёки устоз шогирдидан тамагирлик кутаётганини кузатиш одатий ҳодиса бўлиб қолди. Бу ҳодиса “устоз-шогирд” ўртасидаги ахлоқий қадриятларга эътиборсизлик натижасида содир бўляпти. Унутилаётган илмий қадриятларимиздан бири – илмий жамиятлардир. Фан тарихида илмий жамиятлар илмий ижодий муҳитни ривожлантиришга хизмат килган. Масалан, Афлотун Академияси минг йил, Аристотель Ликейи бир неча юз йиллар фаолиятида барқарор ижодий муҳитни сақлади. Ижодий муҳит – фан учун кислород каби муҳим. Фан ижодий муҳитсиз ривожланмайди. Шу боисдан мамлакатимизда илмий жамиятларни тиклаш, мавжудларини эса ишchan режимга ўтказиш лозим (масалан, Файласуфлар жамияти, Тарихчилар жамияти, Ҳуқуқшунослар жамияти ва х.к.). Чунки илмий жамиятлар мотивация, коммуникация ва ишчи муҳитни вужудга келтириши билан ҳам қадрлидир.

Хулоса қилиб айтганда, Учинчи ренессанс пойдеворини уч асос, яъни тадқиқотчиларнинг инсонпарварлик билими, тажрибаси ва меҳнатсеварлиги ташкил этади.

Ж. Тошқұлов,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясы
Давлат ва ҳуқуқ институты бўлум мудири,
юридик фанлар доктори, профессор

КОНСТИТУЦИЯ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФААСИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАЯНЧ МАНБАИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Конституцияси мамлакат мудофааси ва хавфсизлигининг ҳуқуқий манбаи сифатидаги ўрни ва аҳамияти, конституциявий қоидалар тараққиётининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Ўзбекистон Конституцияси, конституциявий қоидалар, мудофаа ва хавфсизлик, мудофаа тизими, куролли кучлар.

Аннотация. В статье анализируются роль и значение Конституции Узбекистана как правового источника защиты и безопасности страны, социальные, политические и правовые аспекты развития конституционных положений.

Ключевые слова: Конституция Узбекистана, конституционные положения, оборона и безопасность, система обороны, вооруженные силы.

Annotation. The article analyzes the role and significance of the Constitution of Uzbekistan as a legal source of protection and security of the country, social, political and legal aspects of the development of constitutional provisions.

Keywords: Constitution of Uzbekistan, constitutional provisions, defense and security, defense system, armed forces

Ҳар бир давлатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти унинг мудофаа ва хавфсизлигини тегишича таъминлашдир. Шу муносабат билан юртимизда мустақил миллий давлатчилик масаласи кун тартибига қўйилган дастлабки кунлардан эътиборан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ҳуқуқий асосларини яратишга киришилди. Хусусан, Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан 20 июнь 1990 йилда қабул қилинган “Мустақиллик Декларацияси”да:

1. “Ўзбекистон ССРнинг мустақиллиги республиканинг ўз худудида барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРнинг давлат худуди чегараси дахлсиз ва бу ҳуқуқ халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб,

ўзгартирилиши мумкин эмас”[1], – дейилган эди.

“Мустақиллик декларацияси”да илгари сурилган ушбу ғояларни амалга ошириш бўйича қатор сиёсий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 1991 йил 25 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги, унинг мудофааси ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим қадам бўлди. Фармон билан Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик комитети, республика худудидаги Ички ишлар вазирлиги қўшинлари бевосита республика Президентига бўйсундирилди, республика Давлат хавфсизлик комитети, Ички ишлар вазирлиги, прокуратура, суд органлари, ҳарбий қисмлар ва Туркистон

ҳарбий округи партия ташкилотлари тарқатиб юборилди[2].

31 август 1991 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти”да қуидагилар алоҳида қайд этилди: “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларини ҳамда худудий бутунлигини ҳимоя қилиш мақсадида Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий Гвардия тузилади. Республика худудида жойлаштирилган СССР Ички ишлар вазирилиги, СССР давлат хавфсизлиги қўмитасининг идоралари, шунингдек, ички қўшинлар Ўзбекистон Республикасининг ҳукуқий тобелигига олинади.

Ўзбекистон Республикаси СССР Мудофаа вазирлигининг республика худудида жойлаштирилган ҳарбий қисмлари ва қўшилмаларини шакллантириш ҳамда уларга раҳбарлик қилишга ҳақли эканлигини маълум қиласди. Жамоа хавфсизлигини вужудга келтириш ва ССР Иттифоқининг стратегик қўшинларини сақлашга қатнашади.

Халқаро ҳамжамиятларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашади, унинг асосий мақсади мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, ўз худудини қурол-яроғлардан холи қилиш, ядрорий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазийк ўтказишга, энг аввало, ҳарбий куч қўллашга йўл қўймаслик, инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишда давлатлар ҳамкорлиги ва халқлар бирдамлигидан иборатдир”[3].

“Олий Кенгаш Баёноти”да илгари сурилган ғоялар 31 август 1991 йилда Олий Кенгаш томонидан қабул қилиниб, ўша йилнинг сентябрь ойида

Конституциявий қонун мақомини олган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида ўзининг мустаҳкам ифодасини топди: “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий Гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳукуқига эга.

Суверен Ўзбекистон Республикаси худудида СССР Қуролли Кучларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳукуқини ўзида сақлаб қолади”[4].

Ўзбекистонда Конституция тарихида илк бор 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида республиканинг мудофааси ва хавфсизлигини таъминлашга оид нормалар ўзининг мустаҳкам ифодасини топди. Конституциянинг 17-моддаси 2-қисмида қайд этилишича: “Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузилиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”; 52-моддасига биноан: “Ўзбекистон Республикаси ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”; 78-моддаси 18 бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларидан бири сифатида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси га ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирига мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш”; 19 бандига биноан: “Ўзбекистон Республикаси

Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш”; 80-моддасининг 7-банди бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатларидан бири “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш”dir ва бошқалар.

Асосий Қонунимизнинг 93-моддасининг 2, 18, 19, 20, 24-бандларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мудофаа ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ваколатлари мустаҳкамлаб кўйилди. Уларда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикасининг Президенти: Ўзбекистон Республикаси суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий – давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради; Ўзбекистон Республикасига ҳужум килинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қиласи ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдигига кирилади; фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айrim жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдигига кирилади; Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Олий Бош кўмондони ҳисобланади, Қуролли

Кучларнинг Олий Қўмондонларини тайинлайди ва вазифаларидан озод қиласи, олий ҳарбий унвонлар беради; Давлат хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Сенати тасдигига кирилади [5].

Конституциянинг 100-моддасига кўра, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш маҳаллий давлат ҳокимият органларининг ваколатларидан биридир [6].

Конституциясининг 125-моддасига биноан: “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч хаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади”. Унинг 126-моддасига кўра: “Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Куролли Кучларга эга”[7].

Конституциянинг 7-моддасининг 3-қисми, 33 ва 57-моддаларида Ўзбекистон Республикасининг мудофааси ва хавфсизлигига таҳдид солувчи тузилмаларни тузиш, уларнинг фаолиятини амалга ошириш тақиқланиши ва бундай ҳатти-ҳаракатларни содир этганлик қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлиши таъкидланди: “Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимиятидоралари фаолиятини тўхтатиб кўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади”. “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳукуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари факат хавфсизлик

нуктаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ва тугатиш хуқуқига эга”. “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларининг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамият ва уюшмалар тузиш тақиқланади[8].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси конституциявий нормалар асосида ўзининг мудофааси ва хавфсизлигини ишончли таъминлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Коллектив Хавфсизлик Ташкилотига аъзо бўлди. НАТО билан ҳамкорликни йўлга кўйди. Қатор ривожланган давлатларининг Қуролли Кучлари, махсус хизмат органлари, фавқулодда вазиятлар ва ички ишлар органлари иштирокидаги ҳарбий, аксил террор ва бошқа ўкув машқларида иштирок этди. Россия, Украина, Белорусь, Хитой, АҚШ каби давлатлар билан ҳарбий-техникавий, кадрлар тайёрлаш, ахборот алмашиш, хавфсизликнинг турли соҳаларидаги таҳдидларга биргаликда қарши курашиш бўйича ҳамкорлик қилиш масалаларида кўп томонлама ва икки томонлама шартномаларни имзолади.

Ўзбекистон Республикасининг мудофааси ва хавфсизлигига оид конституциявий нормаларнинг ижросини таъминлашда 1995 йил 30 августда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиснинг қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий

доктринаси” ва унинг ўрнига 2018 йил 9 январда Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси” ҳамда 1997 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хаавфсизлик концепцияси” муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасида ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлашнинг принцип ва ёндашувлари белгилаб берилди. Ушбу хужжатда Доктринанинг мудофаа хусусиятига эгалиги, Ўзбекистон ҳеч бир давлатни ўзининг душмани деб ҳисобламаслиги, барча мамлакатлар билан муносабатларни мамлакат миллий манфаатларининг устуворлиги асосида ҳамда ҳалқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларини инобатга олган холда, ўзаро наф кўриш, тенг хуқуқлилик ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч восита ва музокаралар йўли билан ҳал қилиш, давлатлараро шаклланган чегараларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини тан олиш асосида қурилиши таъкидланди.

“Доктрина”да унда қўлланиладиган асосий тушунчалар изоҳи берилди. Ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусияtlари, ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка бўлган асосий таҳдидлар, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсатининг асосий мақсад ва принциплари, мамлакатни эҳтимол тутилган ҳарбий можароларга тайёрлашнинг асосий йўналишлари, замонавий ҳарбий можароларнинг хусусияти, Қуролли Кучлар, уларнинг асосий вазифа ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, Қуролли Кучларнинг аҳоли ва обьектларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатлари, мамлакат мудофааси ва Қуролли Кучларига раҳбарлик қилиш,

мамлакат мудофаасининг ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш асослари, мамлакатнинг сафарбарлик тайёргарлиги, мудофаа саноати комплексининг таркибий қисмлари ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва бошқалар белгилаб берилди [9].

“Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси”да шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларига сиёсий, иқтисодий, экологик, ҳарбий ва бошқа таҳдидлар, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришнинг чора-тадбирлари мажмуи белгилаб берилди.

Божхона хизмати, Ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги, Радиациявий хавфсизлик, Ахборот хавфсизлиги, Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунлар, мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш билан шуғулланувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш, соҳалар бўйича кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларини ташкил этиш, соҳа ходимларнинг ижтимоий-хуқуқий химоясини таъминлаш, соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш каби масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида республикамизда қабул қилинган қатор қонунларда мудофаа ва хавфсизликни таъминлашга оид конституциявий нормалар аниқлаштирилди, мазмунан бойитилди ва ривожлантирилди. Хусусан, мудофаа ва Хавфсизлик тушунчаларининг мазмун-моҳияти очиб берилди: “Мудофаа тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида қайд этилишича: “мудофаа деганда, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, худудий яхлитлигини, ахолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини химоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-хуқуқий,

ахборот, ташкилий ва бошқа тадбирлар мажмуи тушунилади”[10].

“Давлат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунга биноан: “давлат хавфсизлиги – Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг, суверенитетининг, худудий яхлитлигининг ва бошқа давлат манфаатларининг ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини ҳамда фуқароларнинг конституциявий хуқуқлари ва эркинликлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди”[11].

Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунларида мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг ва хавфсизликни таъминлашда иштирок этувчи давлат органлари фаолиятининг асосий принциплари белгилаб берилди. Жумладан, “Мудофаа тўғрисида”ги қонунга биноан мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қўйидагилар: бошқа давлатга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси тегишли шартномалар билан боғланган давлатларга ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно; халқаро хуқуқ нормаларига мувофиқ равишда коллектив хавфсизлик тизимларида иштирок этиш; ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик; ҳарбий қурилишнинг замонавий урушлар ва куролли можароларнинг хусусиятига монанд бўлиши; ядрорий ва бошқа турдаги ялпи қирғин қуролларини ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, олишни, сақлашни, тарқатишни ва жойлаштиришни рад этиш; Куролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, худуднинг тажовузни даф этишга доим шай туриши; мудофаанинг етарли даражада бўлиши; ҳарбий хизмат шарафли эканлигини таъминлашдир[12].

Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари билан Ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати,

Давлат божхона хизмати, Миллий гвардия фаолиятининг асосий принциплари этиб қонунийлик, фукароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, ягоналик ва мустақиллик белгиланди. Бундан ташқари, давлат ҳавфсизлик хизмати фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, “Давлат ҳавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонун билан юқорида зикр этилган принципларга қўшимча этиб, фукаролар ёрдамига таяниш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси устуворлиги, конспирация принциплари ҳам белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг қатор қонуларида мудофаа ва ҳавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат органларининг ваколатлари хақидаги конституциявий нормалар янада кенгайтирилган, аниқлаштирилган ва ривожлантирилган ҳолда мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, “Мудофаа тўғрисида”ги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти қўйидаги ваколатларга эга:

“Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсати ва ҳарбий курилишининг асосий йўналишларини белгилайди;

давлат бошқарув органларининг мудофаа соҳасидаги фаолиятига раҳбарлик қиласи;

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти таъминланиши, унинг суверенитети, ҳавфсизлиги ва худудий яхлитлиги муҳофаза этилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

Куролли Кучларни куриш, кўллаш ва ривожлантириш режаларини, шунингдек, мудофаани ташкил этиш юзасидан давлатнинг бошқа режа ва дастурларини тасдиқлади;

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари вабошқа ҳарбий тузилмаларининг тинчлик ва уруш даврига мўлжалланган тузилиши, таркиби ва жойлашувини тасдиқлади;

ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши тўғрисида, шу жумладан ҳалқаро тинчликпарварлик тадбирларида қатнашиш, шунингдек Куролли Кучларни ўзларига бевосита тааллуқли бўлмаган вазифаларни бажаришга жалб этиши тўғрисида қарор қабул қиласи ва Куролли Кучларга буйруқ беради;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган тартибда: Ўзбекистон Республикаси ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қиласи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айrim жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва бошқалар”[13].

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳавсизлиги ва мудофаа қобилиятига оид ваколатлари, унинг бошқа ваколатлари қаторида қайд этилди: Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини, давлат чегаралари қўриқланишини таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади”[14].

“Мудофаа тўғрисида”ги қонунда Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимият органларининг ваколатлари янада аниқлаштирилиб, батафсил баён этилди. Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: давлат ҳарбий буюртмаларини шакллантириш ва мудофаа аҳамиятига молик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди; мамлакат иқтисодиётининг сафарбарлик тайёргарлиги, шунингдек сафарбарлик ва стратегик давлат захирапарини шакллантириш ҳамда улардан

фойдаланиш режаларини ишлаб чиқади, мазкур режаларнинг ижроси устидан назорат олиб боради; Куролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг моддий ва ижтимоий-маиший таъминоти масалаларини ҳал этади; Куролли Кучларнинг тегишли равишда қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий-техникавий ва ашёвий мол-мулклар, озиқ-овқат ҳамда бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланиши ва таъминланишини ташкил этади; қурол-яроғлар ва ҳарбий техника, стратегик материаллар экспорти ҳамда импорти устидан назорат олиб боради; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар мудофаа эҳтиёжларига доир вазифаларни бажарганилиги муносабати билан улар сарф қилган моддий харажатларнинг ўрнини қоплаш тартибини белгилайди; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: тегишли сафарбарлик топшириқлари бажарилишини таъминлайдилар; ўз ҳудудларида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда сафарбарлик режалари ҳамда давлат ва сафарбарлик захиралари моддий бойликларини жамлаш топшириқлари бажарилиши устидан назорат олиб берадилар; ҳарбий ҳисобга олиш ишини, ҳарбий ва муқобил хизматга чақиришни, сафарбарлик, ҳарбий йиғинларни ташкил этишда, шунингдек сафарбарлик ва уруш даврида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига брон беришда қатнашадилар; фуқаро муҳофазаси тадбирлари бажарилишини таъминлайдилар; ҳудудий мудофаа тадбирларини режалаштиришда ва уларнинг бажарилишини таъминлашда қатнашадилар; Куролли Кучларнинг зарур маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотларига, иссиқлик ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини таъминлайдилар, уларга алоқа воситаларини берадилар, коммунал-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатадилар; ҳарбий қисмлар, Курол-

ли Кучларнинг корхона, муассаса ва ташкилотлари эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда ер, хизмат хоналари ҳамда турар жой берадилар; фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташи, жанговар ҳаракатларда қатнашиши муносабати билан уларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун белгиланган ижтимоий кафолатлар амалга оширилишини таъминлайдилар; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар[15].

Шунингдек, ушбу қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мудофаа соҳасидаги ваколатлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳамда фуқароларнинг мудофаани таъминлашдаги иштироки билан боғлиқ бўлган муносабатларини тартибга солувчи қоидалар ҳам ўз аксини топди.

Тегишли қонунларда мудофаа ва хавфсизликни таъминлашда бевосита иштирок этувчи давлат органларининг вазифалари батафсил белгилаб берилди. “Мудофаа тўғрисида”ги қонунга биноан “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўз тасарруфидаги қўшинларга бошқарувни амалга оширади, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати юритилишини, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларининг замонавий қурол-яроғлар, ҳарбий техника ва моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини, ҳарбий ҳамкорлик кенгайтирилишини, чақирувнинг ва Куролли Кучлар кадрлари тайёрлашнинг ташкил этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади”[16].

“Миллий гвардия тўғрисида”ги қонун бўйича Миллий гвардиянинг асосий вазифалари қуидагилар:

жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини

химоя қилиш; терроризмга қарши курашишда, шунингдек террорчилик харакатларининг ҳамда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этиш; терговга қадар текширувни амалга ошириш, суриштирув ўтказиш, жиноят ишларини қўзгатиш ва маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш; давлат обьектларини, ўта муҳим, тоифаланган обьектларни ҳамда бошқа обьектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини қўриқлаш; қўриқлашфаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш; хукуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан мазкур хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ва бошқалар. Миллий гвардия Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин[17].

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунга биноан Ички ишлар органларининг вазифалари қўйидагилар этиб белгиланди: Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат [18].

Мудофаа ва хавфсизликни таъминлашда Қуролли Кучлар, ички ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати, божхона хизмати ва миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг алоҳида ролини, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ўзига

юклатилган мажбуриятларни адо этишда турли усул ва воситалардан фойдаланишларини ҳисобга олиб, ушбу жараёнда вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишига тегишли қонунларда алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, “Мудофаа тўғрисида”ги қонунда уруш ҳолатида, уруш даврида, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилинганда, ҳудудий мудофаани таъминлашга жалб қилинганда, қуролли мажаролар келиб чиқкан ва Ўзбекистон Республикаси бу мажароларга тортилган тақдирда Қуролли Кучлар томонидан қўриладиган чора-тадбирлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи асосий қоидалар белгилаб берилди.

Тегишли қонунларда куч ишлатиши хукуқига эга бўлган тузилмалар (ҳарбий қисмлар, органлар, хизматлар ва бош)нинг тизими, уларнинг мансабдор шахсларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби, бўйсуниши ва ҳисбдорлиги, фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳамкорлиги, ҳарбий хизматчилар томонидан жисмоний куч ишлатиши, маҳсус куч ва воситаларни, ўқотар қуролни қўллаш, улар томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш; ушбу тузилмалар фаолиятини амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг ижтимоий-хукуқий ҳимояси, уларнинг ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирлари; тузилмалар ҳарбий хизматчиларининг хукуқий мақоми ва ижтимоий-хукуқий ҳимояси; мазкур тузилмаларнинг ахборот, молиявий ва моддий-техник таъминоти, ҳарбий хизматчиларнинг хизматни ўташ тартиби, хукуқлари ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги кабилар билан боғлиқ қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Хуллас, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг мудофааси ва хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам хукуқий базаси яратилди.

Соҳага оид муносабатларни тартибга солувчи нормалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонуности хужжатларида белгилаб берилди. Ушбу нормаларни хаётга татбиқ этиш натижаси ўлароқ мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини тъминлашнинг ташкилий тузилмаларини

ташкил этиш, уларга кадрлар тайёрлаш, уларнинг моддий-техник базасини яратиш, соҳа бўйича халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, улгайиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда диққатга сазовар ишлар амалга оширилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мустақиллик декларацияси //<https://lex.uz>.
2. Qarang: O'zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasi Prezidetining Farmoni// Karimov I.A O'zbekiston mustaqillikka erishish ostanasida. – Т., 2012. – В. 360–361.
3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида”ти қонуни//lex.uz.
5. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси// <https://lex.uz>.
6. Ўша манба.
7. Ўша манба.
8. Ўша манба.
9. Ўша манба.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ти қонуни//lex.uz.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хавфсизлиги тўғрисида”ти қонуни//lex.uz.
12. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ти қонуни//lex.uz.
13. Ўша манба.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ти қонуни //lex.uz.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ти қонуни //lex.uz.
16. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ти қонуни //lex.uz.
17. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ти қонуни//lex.uz.
18. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти қонуни//lex.uz.

А. Қ. Худойбердиев,

ИИВ Академияси давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон
ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси бошлиги ўринбосари,
юридик фанлари доктори, доцент

ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЭКСПЕРТ-ТАҲЛИЛИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ МОҲИЯТИ

Аннотация. Илмий мақолада ҳуқуқ ижодкорлигини эксперт-таҳлилий таъминлаш билан боғлиқ масалалар, унинг моҳияти ва экспертиза турлари, қонунчилик техникаси талабларини таъминлаш учун ҳуқуқий экспертиза ўтказишнинг аҳамияти ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнини эксперт-таҳлилий таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари кўриб чиқилади.

Таянч тушунчалар: ҳуқуқ ижодкорлиги, қонун ижодкорлиги, экспертиза, эксперт таъминлаш, қонунчилик технологияси

Аннотация. В научной статье рассматриваются вопросы, связанные с экспертно-аналитическим обеспечением правотворчества, его сущностью и видами, важностью правовой экспертизы для обеспечения требований законодательной техники и правовыми аспектами экспертно-аналитического обеспечения законотворческого процесса.

Ключевые слова: правотворчество, законотворчество, экспертиза, экспертное обеспечение, законодательная техника.

Annotation. The scientific article discusses issues related to expert-analytical support of lawmaking, its essence and types of such expertise, the importance of legal expertise to ensure the requirements of legislative techniques and legal aspects of expert-analytical support of lawmaking process.

Keywords: lawmaking, lawmaker, expertise, expert provision, legislative technology

Дунёда қонунчилик жараёнини такомиллашириш, халқнинг талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида англаш ҳамда қонунчиликда кенг миқёсда жорий этиш долзарб масалалардан биридир. Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлат мукаммал қонунчилик фаолиятига таянади. Қонунлар муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, мамлакатда ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга, умумдавлат миқёсида адолат ўрнатишга хизмат қиласди.

Жаҳоннинг илғор ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин олишга интилаётган Ўзбекистон учун жамият сиёсий ва ҳуқуқий тизимини замон талаблари асосида ислоҳ этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли таъминлаш, халқ ҳокимиятчилигини қарор топиши, қонунларнинг самарадорлигини юксалтириш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини эксперт-таҳлилий таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимиз қонун ижодкорлиги жараёнига илғор ғояларнинг кириб келиши ишлаб чиқилаётган қонунларнинг

сифати ва самарадорлиги оширилишига, ахолининг турмуш тарзи ва орзу-истаклари яхлит ифодаланишига замин яратади. Шу сабабли мамлакатимиз парламентининг қонун ижодкорлиги фаолиятида қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Ҳуқуқий экспертиза қонун чиқариш жараёни ва ҳуқуқ ижодкорлигининг мұхим таркибий кисмiga айланиб улгурди.

“Экспертиза” сўзи текшириш деган маънени ифодаловчи лотинча “expertus” сўзидан олинган бўлиб, тажриба асосида синаш, малакали ва тажрибали мутахассис томонидан муайян масалани таҳлил ҳамда тадқиқ этиш маъноларини англатади. Экспертиза – фан, техника, санъат соҳасида маҳсус билим ва тажрибага эга мутахассис томонидан ўтказиладиган текширув. Баъзан “экспертиза” муайян масала бўйича мутахассис хulosасини олиш учун таҳлил қилиш сифатида таърифланади. Ҳусусан, экспертизанинг мазмуни “амалий ва ҳужжат билан асослантирилган натижада, яъни экспертнинг хulosасида қайд этилишни англатади” [1; 494-б.].

Ҳуқуқий соҳага оид адабиётлар ва қонунчилик фаолиятида экспертиза ўтказиш қуйидаги икки турга ажратилади:

1. Норасмий экспертиза. Қонун лойиҳаси дастлабки тарзда тузиш ва муайян қонун лойиҳасига бўлган эҳтиёжларни ўрганиш бўйича ишлар дастлаб қонунчилик ташаббуси субъектлари ёки уларнинг топшириғига биноан мутахассислар, илмий муассасалар, вазирлик ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Мазкур фаолият қонун ижодкорлиги жараёни бошлангунига қадар олиб борилади. Бу даврда ҳам табиийки, қонун лойиҳасини тайёрлашда мутахассислар, олимлар иштирок этиши ва дастлабки лойиҳа эксперталар таҳлилидан ўтказилиши мумкин.

2. Расмий экспертиза. Қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг

субъекти томонидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритилганидан сўнг қонунда назарда тутилган тартибда Маъсъул қўмита (ёки тегишли қўмита) томонидан тайинланадиган ва тегишли ташкилот ва мутахассислар томонидан амалга ошириладиган экспертизалар қонун лойиҳасининг расмий экспертизаси ҳисобланади [2; 32-б.].

Қонунчилик техникаси талабларини таъминлаш учун ҳуқуқий экспертиза билан боғлиқ қуйидаги жиҳатларга аҳамият бериш мақсадга мувофиқ:

1) қонун лойиҳалари Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари, комиссияларида лойиҳа устидаги ишларни тугалланганидан кейин экспертизадан ўтказиш;

2) қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишга олимлар, амалиётчи ходимлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш;

3) лойиҳани экспертизадан ўтказиш натижалари юзасидан тайёрланган хulosаларни қўмита мажлисида мухокама қилиш ва ҳ.к [3; 16-б.].

Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилган. Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари сирасига: “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик Палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги (11.10.2006 й.), “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги (13.04.2018 й.) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (03.04.2018 й.) ПФ-5395-сонли, “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги(08.08.2018 й.) ПФ-5505-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 29.01.2016 йилдаги қарори

билин қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти (янги таҳрири), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жорий этишининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги (08.04.2018 й.) 284-сонли қарори кабиларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев қонунларнинг жамият ҳаётига самарали таъсири бўйича қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтган эди: “Қонунчиликни янгилашдан мақсад – нафақат қонунни қабул қилиш, аксинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ҳакида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим” [4].

Ўзбекистон парламенти қонун ижодкорлиги жараёнига Конституциянинг 83-моддасида назарда тутилган қонунчилик ташабbusи хуқуқи субъектларини, сиёсий партияларни (уларнинг парламентдаги фракцияларини), фуқаролик жамиятининг барча институтларини, айниқса оммавий ахборот воситаларини кенг жалб этади. Қонун ижодкорлиги жараёнида ҳалқ оммаси, фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш парламент событилик билан риоя этадиган демократик конституциявий принципdir. Шунинг учун қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамаларининг кенг миқёсдаги жамоатчилик экспертизаси, деб ҳисоблаш мумкин.

Киритилган лойиҳани сифатига баҳо бериш учун норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси бошқа хил (иктисодий, молиявий, илмий-техникавий, экологик каби) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилот ва шахслар

жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлат ва ҳалқаро ташкилотлардан олим, мутахассислар таклиф этилиши мумкин. Экспертлар норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасига баҳо беришда мустақил бўлиб, экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ эмасдирлар.

Эксперт тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 67-моддасида қуйидаги фикрлар баён этилган: хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида маҳсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида чакирилиши мумкин.

Шунингдек, мутахассис тушунчасига эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 69-моддасида қуйидаги фикрлар баён этилган: тергов ва суд муҳокамасини ўтказища далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чакирилади. Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чакирилиши мумкин.

Юқоридагилар жиноят-процессуал соҳасига оид фикрлар ҳисобланади. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар бўйича ҳам мутахассис жалб қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрдаги “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатасига киритиши тартиби тўғрисида”ги қонунида қонун лойиҳасини экспертизадан ўтказиш тартиби белгиланган (23-модда). Унга кўра, қонун лойиҳаси устидаги иш тугалланганидан сўнг унинг сифатига баҳо бериш учун қонунчилик ташабbusи хуқуқи субъектининг қарорига биноан лойиҳа хуқуқий ва бошқа хил (иктисодий, молиявий, илмий, экологик, коррупцияга қарши каби) экспертизадан ҳам ўтказилиши, экспертлар қонун

лойиҳасининг экспертизаси натижалари бўйича тегишли хулоса тақдим этишлари, экспертлар сифатида қонун лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этмаган ташкилот ва (ёки) шахслар жалб қилиниши, қонун лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида билдирилган ёки экспертларнинг хулосаларида баён этилган таклиф ва мулоҳазалар тавсия хусусиятига эга эканлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги ваколати доирасида: қонун ижодкорлиги ва хуқуқнинг кўлланилиш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати олиб борилишини таъминлайди; қонун ижодкорлиги фаолиятини таомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди; қонун лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек, ҳавола қилувчи нормалар кўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан хуқуқий экспертизадан ўтказади; қонун лойиҳаларини улардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароитлар яратадиган, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг асоссиз харажатлар қилишига олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоида ва нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлил қиласи [5].

Мазкур хужжатда қонун лойиҳасини тайёрлаш тартиби батағсил белгиланган. Унга кўра, қонун лойиҳасини тайёрлаш қўйидагилардан иборат: қонун лойиҳасини тайёрлаш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилиш; қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан

таъминлаш; зарур материаллар ва ахборот тўплаш; қонун лойиҳасининг концепциясини ишлаб чиқиш; қонун лойиҳасини тузиш; хуқуқий ва бошқа зарур экспертизалар ўтказиш (қонун лойиҳасига молиявий-иктисодий асосларни илова этган ҳолда Қонунчилик палатасига тақдим этади). Мазкур асосларни қонунчилик ташаббуси хуқуки субъекти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига келишиш учун мажбурий тартибда юборади. Жавоб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли ёзма мурожаат келиб тушган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай қонунчилик ташаббуси хуқуки субъектига юборилади. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни айнан шу мақсадда қабул қилинган. Қонуннинг 1-моддасида таъкидланганидек, у “давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш”га хизмат қиласи. Қонунда жамоатчилик назоратининг обьекти, субъектлари, асосий принциплари, шакллари, муҳокамаси, экспертизаси, жамоатчилик субъектларининг хуқуқ ва мажбуриятлари масалалари ўз ифодасини топган. Унга кўра, давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий хужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланишнинг давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг обьекти ҳисобланади (4-мода).

Жамоатчилик назорати хилма-хил шаклларда олиб борилади. Қонунда жамоатчилик назоратининг қўйидаги шакллари белгиланган: жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик эшитуви; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси; жамоатчилик фикрини ўрганиш ва бошқалар. Демак, қонуннинг

биз тадқиқ этаётган масала билан боғлиқ жиҳати шундаки, унда бошқа масалалар билан бирга, бевосита “жамоатчилик экспертизаси” масаласи кўзда тутилган. Унга кўра, “жамоатчилик экспертизаси норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарор лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир” [6].

Жамоатчилик экспертизаси нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари томонидан ўтказилиши мумкин. Қонунда жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга мутахассисларни жамоатчилик асосида жалб этиши ҳам белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш зарурки, жамиятни ташкил этган ҳар бир гурух, қатлам, уюшмалар ўз манфаат ва истакларига эгадир. Қонун

ижодкорлари томонидан ўз манфаат, истак ва эҳтиёжларини ўз вақтида англаш ҳамда қонун лойиҳаларида муҳокама этиш ўта муҳим ҳисобланади. Буни амалга оширишнинг бош йўли – ушбу қатлам, гурух ва уюшмаларнинг ўзларига тааллуқли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишига кенг жалб қилиш.

Фикримизча, давлат ҳокимиятини шакллантиришга оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг муҳокамаси ва экспертизасида – сиёсий партиялар, аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ҳамда манфаатларига, оила ва бошқа мавзуларга оид қонун лойиҳалари экспертизасида – Жамоатчилик палатаси ва унинг жойлардаги тузилмалари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги, “Оила” Республика маркази, “Ёшлар ишлари агентлиги” ташкилоти ва унинг жойлардаги ташкилотлари, Республика касаба уюшмалари кенгаши ва унинг жойлардаги ташкилотлари каби қатор жамоат бирлашмалари фаол иштирок этиб келмоқдалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Юридическая энциклопедия / Под ред. М.Ю. Тихомирова. – М., 2001. – С. 494.
2. Одилқориев Х.Т. Қонун лойиҳаларини илмий-хуқуқий экспертиза қилишни такомиллаштириш // Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари. – Т., 2005. – Б. 32.
3. Сайдов А.Х. Қонун ҳужжатларини экспертиза қилиш – хуқуқий назария ва амалиёт бирлигининг инъикоси // Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари. – Т., 2005. – Б. 16.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси // Xalq сўзи. – 2020. – 25 янв. – № 19(7521).
5. “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатасига киритиш тартиби тўғрисида”: Ўзбекистон Республикаси қонуни (2006.11.10). – URL: <https://lex.uz/docs/1069260>.
6. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”: Ўзбекистон Республикаси қонуни (2018.12.04). – URL: <https://lex.uz/docs/3679092>.

Б. А. Дауменов,

доцент кафедры “Права человека, государственное право и управление” Каракалпакского государственного университета им. Бердаха, кандидат юридических наук

К КОНЦЕПЦИИ ОПТИМИЗАЦИИ ПЕРЕДАЧИ НЕСВОЙСТВЕННЫХ И ДУБЛИРУЮЩИХ ФУНКЦИЙ ХОКИМИЯТОВ СООТВЕТСТВУЮЩИМ ВЕДОМСТВАМ

Аннотация. В статье исследованы проблемы вертикального взаимоотношения органов исполнительной власти в Республике Узбекистан по перераспределению полномочий между ними. С учетом международного и зарубежного опыта разработаны рекомендации по оптимизации полномочий местных органов государственной власти.

Ключевые слова: исполнительная власть, хокимият, административная реформа, органы самоуправления граждан.

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимияти органларининг улар ўртасидаги ваколатларни қайта тақсимлашга доир вертикал муносабатлари муаммолари кўриб чиқилган. Халқаро ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ижро ҳокимияти, ҳокимият, маъмурий ислоҳотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Annotation. The article examines the problems of the vertical relationship of executive authorities in the Republic of Uzbekistan on the redistribution of powers between them. Also author developed the international foreign experience and recommendations to optimize the powers of local government bodies.

Keywords: executive authoritie, khokimiyat, administrative reform, citizens' self-government bodies.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 8 сентября 2017 г. “Об утверждении концепции административной реформы в Республике Узбекистан” № УП-5185[1] были обозначены концептуальные проблемы, непосредственно касающиеся необходимости оптимизации функционального предназначения местных органов исполнительной власти, к которым отнесены следующие:

первое, основы организации деятельности органов исполнительной власти не обеспечивают своевременное решение накопившихся проблем на местах, снижающих темпы развития территорий;

второе, декларативный характер задач, возложенных на отдельные органы исполнительной власти, недостаточность организационно-правовых механизмов их реализации, дублирование функций

и избыточность государственного регулирования отрицательно сказываются на эффективности реализуемых реформ;

третье, отсутствуют четкое разграничение сфер ответственности органов исполнительной власти и их руководителей, действенные механизмы внутриведомственного и межведомственного взаимодействия органов исполнительной власти, особенно на местах;

четвертое, чрезмерная централизация государственных функций и полномочий приводит к снижению роли органов исполнительной власти на местах в формировании программ развития территорий и решении насущных проблем населения;

пятое, отсутствие должной ответственности и инициативности у отдельных руководителей отрицательно сказывается

на своевременном и качественном решении поставленных задач и целевых установок по комплексному социальному-экономическому развитию территорий.

В решении данных проблем были определены следующие задачи:

повышение самостоятельности органов исполнительной власти и их руководителей при осуществлении государственной политики в закрепленной сфере;

конкретизация задач (функций, полномочий), механизмов их реализации и сфер ответственности органов исполнительной власти, совершенствование процессов координации и взаимодействия, предусматривающие:

определение конкретных задач (функций, полномочий) и сфер ответственности органов исполнительной власти, внедрение четкой системы координации и контроля за деятельностью вверенных структур;

усиление полномочий органов государственной власти на местах в вопросах подбора и расстановки руководящих кадров территориальных органов исполнительной власти путем поэтапной передачи соответствующих полномочий хокиму.

По итогам решения данных проблем и задач ожидаемые результаты по оптимизации и децентрализации системы государственного управления за счет устранения избыточных и несвойственных задач, функций и полномочий, ликвидации дублирования и параллелизма.

Кроме того, в послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису 2020 года было отмечено: “В настоящее время законодательством предусмотрено выполнение хокимиятами около 300 задач и функций. Из них 175, по сути, не входят в основную компетенцию хокимов и дублируют функции других ведомств, что не может не отразиться на качестве работы и исполнительской дисциплине”[2].

В свою очередь, для реализации поставленных целей и задач необходим

следующий алгоритм организационно-правовых мероприятий:

1. Следует разобраться в практике состояния правового регулирования проблемы:

а) Какие полномочия закреплены в законах (их форма, содержание, количество). В частности, в Законе “О государственной власти на местах” в статье 25 закрепляется: “Хоким решает и другие вопросы, отнесенные законодательством к его компетенции планирования, бюджета, финансов, учета, управления собственностью области, района, города и взаимодействия с предприятиями, учреждениями, организациями различных форм собственности, сельского хозяйства, использования земли и других природных ресурсов, охраны природы, строительства, транспорта, дорожного хозяйства и связи, коммунального, торгового, социально-культурного обслуживания, социальной защиты населения, обеспечения законности, правопорядка и безопасности, охраны прав и свобод граждан”[3].

Как видно, закрепление полномочий хокима носит не императивный, а диспозитивный характер. Такая законодательная техника дает вышестоящим органам власти основание неограниченно по вертикали делегировать свои полномочия хокимиятам.

Поэтому возникает задача по необходимости совершенствования законодательной техники в части определения вопросов местного значения.

б) Какие полномочия закреплены в подзаконных актах (их форма, содержание, количество). Так, итоги проведенной инвентаризации Министерством юстиции показывают, что с учетом делегированных полномочий всего за хокимиятами закреплены 424 полномочий[4]. Здесь следует отметить, что делегированные полномочия носят императивный характер. При этом они, как правило, не передаются одновременно (в упражке) с

материально-финансовыми средствами для обеспечения их реализации.

2. Необходимо разобраться в научно-теоретическом и практическом вопросах в решении проблемы по передаче несвойственных и дублирующих функций хокимиятов соответствующим ведомствам.

а) Следует установить какие полномочия по правовой природе местных органом государственной власти должны относиться к их собственным (основным, базовым) полномочиям.

Так, основное ядро “собственных” полномочий органов местного самоуправления составляют полномочия по решению вопросов местного значения.

При этом, эффективной реализации вопросов местного значения не способствует также и установленный законодателем подход к определению полномочий по решению вопросов местного значения. Определяя полномочия хокимиятов по решению вопросов местного значения, законодатель установил общий перечень полномочий для всех хокимиятов, независимо от их типов (область, район, город и т.п.), в то время, как необходимо учитывать специфику, комплекс факторов, влияющих на территориальное развитие, с учетом которых и определять организацию деятельности хокимиятов, в том числе их полномочия. Имеется ввиду, что в законодательстве необходимо реализовать дифференцированный подход к определению перечня полномочий хокимиятов.

При разработке подобного подхода возможно использовать эффективно действующий механизм осуществления полномочий местными органами в зарубежных странах. Так, в Испании обязанности муниципалитета по представлению определенного вида услуг различаются в зависимости от числа проживающих на конкретной территории лиц. Вместе с тем независимо от этого в Испании представляются следующие

виды услуг: общественное освещение; содержание кладбищ, уборка мусора; уборка улиц; бытовое водоснабжение; канализация; мощение дорог; контроль пищевых продуктов и напитков. В городах с населением более 5 тыс. человек к указанным услугам добавляются услуги по содержанию парков и общественных библиотек, а также по утилизации отходов. В городах с населением более 20 тыс. человек местные органы дополнительно предоставляют следующие виды услуг: защита граждан; социальное обслуживание; пожаротушение; содержание спортивных объектов для государственных нужд. В городах с населением более 50 тыс. человек предоставляются услуги в сфере городского пассажирского транспорта и охраны окружающей среды. Вместе с тем у муниципалитета есть законодательная возможность отказаться от соответствующей услуги в случае невозможности обеспечить создание и предоставление услуги со стороны городского совета.

Таким образом, сущность дифференцированного подхода заключается в том, что основной (базовый) перечень полномочий хокимията необходимо определять, исходя из специфики территориальной единицы, на примере Постановлений. К примеру, Постановлением Президента Республики Узбекистан “О дальнейшем совершенствовании деятельности местных исполнительных органов власти” от 22 декабря 2016 года № ПП-2691[5].

При этом, в процессе оптимизации разграничения полномочий между различными уровнями хокимиятов приоритет должен отдаваться наделению полномочиями нижестоящего хокимията в решении местных вопросов.

При оптимизации полномочий целесообразно исходить из того принципа, что хокимияты должны иметь больше возможностей влиять на формирование инвестиционного климата и решение со-

циальных вопросов на соответствующих территориях. Однако для этого им необходимы не только полномочия, но и соподчиненные с ними финансовые ресурсы.

3. Необходимо установить правовой механизм делегирования полномочий хокимиятам.

Целесообразно на законодательном уровне ввести механизм соглашений при делегировании полномочий. Так, закрепляя возможность заключения соглашений между различными типами и уровнями публичной власти, устанавливается правило, что передача части полномочий от одного органа другому должно сопровождаться передачей субвенций для их осуществления. Законом также должны быть установлены требования к содержанию таких соглашений. Соглашения должны: заключаться на определенный срок; содержать положения, устанавливающие основания и порядок прекращения их действия, в том числе досрочного, порядок определения ежегодного объема субвенций, необходимых для осуществления передаваемых полномочий; предусматривать финансовые санкции за неисполнение соглашений.

При этом следует подчеркнуть, что посредством заключения соглашений могут быть переданы лишь отдельные полномочия, но не вопросы местного значения в целом.

Следует отметить, что эффективность механизма заключения соглашений будет достигнута лишь при условии законодательного установления объема передаваемых полномочий, а также самостоятельного осуществления хокимиятами полномочий, касающихся вопросов местного значения.

Таким образом, анализ “собственных” полномочий хокимиятов выявляет, что эффективное их осуществление возможно при соблюдении совокупности следующих факторов: во-первых, при законодательном закреплении полномочий за органами и должностными

лицами хокимиятов следует исходить из специфики хокимията конкретного типа; во-вторых, при осуществлении органами и должностными лицами хокимията полномочий необходимо соподчиненное финансовое обеспечение их реализации.

К примеру, в России по итогам мониторинговых визитов в октябре 2018 года и марта 2019 года представителей Конгресса местных и региональных властей Совета Европы (КМРВСЕ) в рамках миссии Конгресса с целью мониторинга выполнения Российской Федерацией положений Европейской хартии местного самоуправления “рекомендовано Правительству Российской Федерации и Федеральному Собранию Российской Федерации рассмотреть возможность[6]:

- исключить закрепление одинаковых или сходных полномочий за разными уровнями публичной власти, а также четко разграничить собственные полномочия между органами государственной власти субъектов Российской Федерации и органами местного самоуправления;
- рассмотреть вопрос об исключении из компетенции муниципальных образований не свойственных им функций;

- законодательно ограничить количество полномочий, передаваемых для осуществления органам местного самоуправления в порядке наделения их отдельными государственными полномочиями, отдав предпочтение закреплению соответствующих полномочий в качестве собственных в случае необходимости их осуществления на местном уровне, руководствуясь принципом субсидиарности, закрепленным в Европейской хартии местного самоуправления;

- в целях обеспечения сбалансированности местных бюджетов завершить работу по инвентаризации полномочий органов местного самоуправления, предусмотренных отраслевым федеральным законодательством, в целях приведения их в соответствие с вопросами местного значения, закрепленными в Федеральном законе № 131-ФЗ;

– в целях исключения размывания ответственности за исполнение полномочий, закрепленных за органами власти разных уровней, и отвлечения финансовых ресурсов местных бюджетов по финансовому обеспечению собственных полномочий, законодательно ограничить расширение перечней прав органов местного самоуправления на решение вопросов, не отнесенных к вопросам местного значения муниципальных образований;

– в целях применения системного подхода к определению компетенции муниципальных образований в Федеральном законе № 131-ФЗ рассмотреть возможность установления требования о том, что внесение изменений в данный Федеральный закон осуществляется только отдельными федеральными законами, по аналогии с гражданским и бюджетным законодательством;

– внесения изменений в Федеральный закон № 131-ФЗ, предусматривающих, что:

а) “перераспределение” (делегирование) полномочий от органов государственной власти субъекта Российской Федерации органам местного самоуправления возможно только путем наделения законом субъекта Российской Федерации органов местного самоуправления отдельными государственными полномочиями с передачей необходимых для их осуществления материальных и финансовых средств, а также с учетом установленного Конституцией Российской Федерации (статьи 71 – 73) и федеральными законами разграничения предметов ведения и полномочий Российской Федерации, субъектов Российской Федерации и муниципальных образований;

б) перераспределение полномочий органов местного самоуправления по решению вопросов местного значения путем их временной передачи органам государственной власти субъекта Российской Федерации возможно только законом субъекта Российской Федерации на основании законодательно

определенных критериев, допускающих такую возможность;

в) передача и перераспределение полномочий органов государственной власти или органов местного самоуправления от одного уровня публичной власти к другому, не влечет изменения их правовой природы и соответствия их тому или иному предмету ведения или вопросу местного значения (если при этом не меняется принадлежность тому или иному уровню публичной власти самого предмета ведения или вопроса местного значения).

4. Необходимо установить правовой механизм предупреждения повторения несанкционированных делегирований полномочий хокимиятам.

Необходимо учредить единый уполномоченный координационно-аналитический центр при Правительстве, который мог бы в случае возникновения оптимальности перераспределения полномочий в дальнейшем, дать заключение о его целесообразности и предупреждения повторного возникновения тенденции самопроизвольного возобновления скапливания несанкционированных полномочий в нижестоящих хокимиятах.

По такой же проблеме Узбекистана, на примере России, в рекомендациях парламентских слушаний отмечается: “В-третьих, следует вернуться к рассмотрению необходимого и достаточного перечня вопросов местного значения сельских поселений, установленного ч. 3 ст. 14 Федерального закона от 6 октября 2003 г. № 131-ФЗ. Анализ складывающейся практики правоприменения показывает, что значительное число субъектов Российской Федерации, как уже отмечалось выше, вновь наделили сельские поселения целым рядом изъятых у них вопросов местного значения”[7].

В современных условиях было бы наиболее оптимальным в качестве уполномоченного координационно-аналитического центра определить Министерство по поддержке махалли и семьи,

переименовав его в Министерство по делам регионов. При этом целесообразно расширить функции министерства, распространив их также на местные органы государственной власти. К примеру, в России, Казахстане, Израиле, Латвии - Министерство регионального развития, в Италии – Министерство по делам регионов.

Более того, если фундаментально проанализировать социально-политическую природу органов самоуправления граждан, то выяснится, что они не есть ННО, а публичная власть, имеющая государственно-властные полномочия с общей компетенцией. Было бы правильней их отнести к системе местных органов государственной власти. Тогда сложится цельная система уровней публичной власти (от органа самоуправления граждан до областного уровня местной государственной власти). Что важно, идентичные проблемы (оптимизация полномочий) имеются и в отношении махаллей, что решило бы и их проблему.

Это необходимо, учитывая то обстоятельство, что основными проблемами при наделении хокимиятов полномочиями являются отсутствие ограничений для передачи государственных полномочий по объёму и (или) содержанию, недостаточная гарантированность материально-

финансового сопровождения переданных полномочий, субделегирование районным (городским) хокимиятам делегированных республиканскими органами областным хокимиятам полномочий.

На примере России вопрос о перераспределении полномочий правительства субъектов Российской Федерации не является раз и навсегда решенным. С изменением социально-экономических условий, кадрового потенциала муниципальных образований должно осуществляться перераспределение полномочий с целью эффективного управления.

5. Форма правовой реализации предлагаемых мер.

Для реализации предлагаемых мер целесообразно принятие “Концепции по передаче несвойственных и дублирующих функций хокимиятов соответствующим ведомствам”, утверждаемой Указом Президента Республики Узбекистан.

На основе Концепции все предлагаемые меры должны реализовываться на законодательном уровне. Целесообразно подумать по опыту Грузии принятие Кодекса[8] для регулирования комплекса вопросов организации деятельности местных органов государственной власти, отнеся к ним также органы самоуправления граждан.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2017. – № 37. – Ст. 979.
2. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису // <https://president.uz/ru/lists/view/4057>.
3. Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан. – 1993. – № 9. – Ст. 320.
4. Текущий архив Министерства юстиции Республики Узбекистан за 2020 год.
5. <https://lex.uz/docs/3101496>.
6. Рекомендации по результатам совещания в г. Хабаровске “Полномочия органов местного самоуправления, их оптимальный набор для каждого вида муниципальных образований и вопросы их реализации” // <http://cmokhv.ru/materials/mat20190731-mm/>.
7. Кидяев В.Б. Практика применения законодательства о местном самоуправлении в разъяснениях Комитета Государственной Думы по федеративному устройству и вопросам местного самоуправления. – М.: Издание Государственной Думы, 2015. – С. 20. // <http://duma.gov.ru/media/files/ptMTx49aOjBI0lRfcEauN6u8tAkyTQ6V.pdf>.
8. Кодекс Грузии о местном самоуправлении // <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/2244429/4/ru/pdf>.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИ

Аннотация. Замонавий сиёсий партиялар бир қатор вазифаларни бажаради. Улар, авваломбор, шахс, жамият билан давлат ўртасидаги алоқани амалга оширади. Муайян ижтимоий гурухларнинг манфаатларини аниқлаб, уларни маълум бир шаклда давлат бошқарув органларига етказиш орқали вакиллик вазифасини бажаради. Сиёсий партиялар ўзларининг аниқ мақсадларига эгадирлар. Шу асосда улар ўз мағкураси ва дастурларини ишлаб чиқади, жамият тараққиётининг стратегиясини белгилашда иштирок этади.

Таянч сўзлар: сиёсий партия, давлат бошқаруви, ижтимоий гурух, жамият, номзод, сиёсий рақобат.

Аннотация. В статье рассмотрены ряд функций современных политических партий, выполняющих роль связующего звена между человеком, обществом и государством. Выявляя интересы определенных социальных групп, они доводят их до органов государственной власти в определенной форме. На этой основе они разрабатывают собственную идеологию и программы, участвуют в определении стратегии развития общества.

Ключевые слова: политическая партия, управление государств, социальная группа, общество, кандидат, политическая конкуренция.

Annotation. The article examines a number of functions of modern political parties that act as a link between a person, society and the state. They bring them to the state authorities in a certain form by identifying the interests of certain social groups. Moreover, on this basis, parties develop their own ideology and programs, participate in determining the development strategy of society.

Keywords: political party, direction of state, social group, society, candidate, political competition.

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий ҳаёти заминида мазкур жамият табиатини ифода этувчи турли хил ижтимоий меъёрлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар мажмуаси ётади. Ахлоқ инсонларнинг жамиятдаги хатти-ҳаракати, фаолияти ва муносабатларини тартибга солади, мувофиқлаштиради ва бошқаради[1]. Инсон хукуқлари этикасининг тамойилларидан инсонлар ахлоқий онгининг мазмунини ташкил этувчи тушунчалар – яхшилик ва ёмонлик, ҳаётнинг маъноси, адолат ва бурч кабилар шаклланади. Бу тамойиллар барча хукуқий хужжатларда, жумладан жиноят ва фуқаролик кодексларида мустаҳкамлаб қўйилган.

XIX асрнинг охирига келиб, сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг ўз-ўзини ташкил этиш усули, демократик жамиятнинг муҳим ижтимоий-сиёсий институти, давлат билан фуқаролик жамиятини ўзаро боғлаб турувчи восита сифатида майдонга чиқди.

Партия сўзи лотинча “pars” – “қисм” сўзидан олинган бўлиб, у ёки бу жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий гурухлар, табақалар, қатламларнинг бир одатда уларнинг илфор ва фаол қисмини бирлаштирадиган сиёсий ташкилотни англатади. Замонавий сиёсий партияларнинг ўзига хос муҳим белгилари қуйидагилардан иборат:

1) муайян расмий ташкилот сифатида мавжудлиги;

2) маълум бир фаолият дастурига эга бўлганлиги;

3) алоҳида ижтимоий мақомга эгалиги;

4) жамият сиёсий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатиши;

5) ўз номзодлари билан сайлов комиссияларини тайёрлаш ва ўтказишдаги муҳим роли;

6) давлат бошқарувини шакллантириши ва унинг амал қилишидаги иштироки;

7) муайян ижтимоий базасининг мавжудлиги;

8) муайян иқтисодий асосга эга эканлиги;

9) Ўзбекистон символикасига эга эканлиги.

Замонавий сиёсий партиялар бир қатор вазифаларни бажаради. Улар, авваломбор, шахс, жамият билан давлат ўртасидаги алоқани амалга оширади. Муайян ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини аниқлаб, уларни маълум бир шаклда давлат бошқарув органларига етказиш орқали вакиллик вазифасини бажаради. Сиёсий партиялар ўзларининг аниқ мақсадларига эгадирлар. Шу асосда улар ўз мафкураси ва дастурларини ишлаб чиқади, жамият тараққиётининг стратегиясини белгилашда иштирок этади.

Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги одоби (этикаси), авваломбор, инсон хуқуқлари олий қадрият эканлигига асосланади. Инсон хуқуқлари этикаси ахлоқнинг умуминсоний талаблари доирасида амал қилиши билан бирга, унинг ўзига хос ички тамойиллари ҳам мавжуд. Бу тамойиллар қуидагилардан иборат:

– шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаш;

– эркинликларининг тенглиги;

– хуқуқ ва қонун устуворлиги;

– хусусий мулк дахлсизлиги;

– инсонлар ўртасидаги зиддиятларни тинч, муроса йули билан ҳал этиш;

– ҳамкорлик;

– ўз зиммасига олган мажбуриятни вижданан бажариш;

Сиёсий рақобат сайловолди компаниясининг муҳим қисмидир. У турли партия ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловларда ўз номзодлари ғалабасини таъминлаш мақсадида олиб борадиган фаолияти ва ўзаро муносабатларидир. Халқаро сайлов стандартлари депутатликка номзоднинг сайловчи ва бошқа номзодлар билан бўладиган муносабатларини белгилаб берувчи маълум одоб қоидаларини қамраб олади. Жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (EXXT)нинг Демократик институтлар ва Инсон Хуқуқлари Бюроси талабларида “номзодлар сайлов комиссиясини масъулиятли ўтказилишини таъминлаш учун ахлоқ Кодексини қабул қилишлари мумкин, улар ташвиқот учун қандайдир зўрлик шаклларини қўлламасликлари керак”, дейилган [2].

Шубҳасиз, бу масала, биринчи навбатда, ахлоқий моҳиятга эга бўлиб, иккинчи навбатда эса номзодларга, айниқса уларнинг номзодлигини кўрсатаётган сиёсий партия раҳбарларига катта масъулият юклайди.

Сайлов тизимиининг халқаро стандартлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида қайд этилган: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш хуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш хуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади [3].

Бугунги кун сайловчилари маълумоти, дунёқараши, маданияти билан ўтган сайлов иштирокчиларидан анча фарқ қиласи. Улар қуруқ танқиднинг орқасидан эргашадиган инсонлар эмас. Уларни бугун аниқ таклифлар, реал амалиётлар, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий тараққиётини янада жадаллаштиришга қаратилган фаолият қизиқтиради.

Сиёсий партиялар ахлоқида муҳим ўринни миллий менталитет ва миллий психология эгаллаши лозим. Ғарб сиёсий партиялар тажрибасини мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятига тўғридан-тўғри кўчириб булмайди. Чунки партиянинг кучи ва таъсири унинг манбаси бўлган халқнинг психологияси, дунёқараши ва анъаналари билан узвий боғланган. Агар бирорта сиёсий партия томонидан кўрсатилган номзод ўзининг рақиби тўғрисида тасдиқланмаган маълумотларни йиғса ва учрашувларда улардан фойдаланса у нафақат сайловда ғалаба қозона олмайди, балки ўз партиясига надоматлар олиб келади. Бундай ахлоқизлик айни вақтда бутун сайлов жараёнига, сиёсий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бизнинг ўзимизга хос миллий, демократик тамоилларимиздан бири бу кенгашлиликdir. Хориж тажрибаси хусусида шуни қайд этиш лозимки, кўппартиявийлик тизимини ўзига хос хусусиятларига кўра, Ўзбекистон Республикаси учун уни тўлиқ қабул қилиш имкони йўқ [4].

Масалан, АҚШдаги иккипартиялик тизими сайлов жараёни субъектлари сонини икки-учтадангина иборат бўлишига олиб келади. Беш ва ундан ортиқ партия ўртасида рақобат бўлаётган пайтда мухолифнинг ҳар қандай танқидий фикри овозларнинг танқидчига эмас, рақиб фойдасига ўтиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, сайлов жараёнида “компромат” (фош қилувчи материаллар йиғиш) хориж тажрибасида кенг тарқалган усувлардан биридир. Бунда мухолифни обрўсизлантириш, рейтингини мавқеини тушириш мақсадида турли йўллар, воситалар билан таржима ҳоли, фаолиятидан салбий, кораловчи характерга эга бўлган факт, далиллар қидириб топилади ва мақсадга эришиш учун улардан фойдаланилади. Бундай усувлар инсон эрки ва хуқуки дахлсизлигига қилинган

тажовуз ҳисобланиб, жиноят сифатида тасниф қилинади [5].

Сайлов тизимининг энг кўп тарқалган, қўлланилган тури Плюрал тизими (кўп миқдордаги) ВОТУМ – конституциявий хуқуқда битта сайловчига бир неча марта овоз бериш хуқуқининг берилганлигини ифодалайди. Мазкур амалиёт кўп қўлланилган давлатлар Буюк Британия, Германия ва Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида фуқаро турар-жой бўйича сайлов рўйхатига киритилиши билан бирга, унинг кўчмас мулки ёки у олий маълумот тўғрисида диплом олган университет жойлашган округ рўйхатига ҳам киритилган. Плюрал вотум Австралиянинг айрим штатларида ва Янги Зеландияда сақланган. Бу ерда йирик мулқорлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда бир неча овозга эга бўладилар[6].

Албатта, бугунги кунга қадар мамлакатимиздаги барча партиялар имконияти даражасида халқимиз орасида сиёсий-мағкуравий ишларни олиб бормоқда.

Аммо юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, уларнинг фаолияти ва таъсирчанлиги бугунги кун талабларига тўлажавоб бериши лозим [7]. Фикримизча, бир партия томонидан иккинчи партияни танқид қилишнинг энг яхши усули бу – мазкур партия томонидан танқид остига олинган партия дастурига нисбатан мукаммалроқ дастур тайёрлаш, унинг фаолиятига нисбатан мазмунлироқ, сермаҳсул фаолият кўрсатиш ва ўз фояларининг таъсирчанлигини ошириб, уни халқимиз турмуш тарзи ривожланиши учун йўналтириш лозим. Чунки бугунги кун сайловчилари қуруқ танқиднинг орқасидан эргашадиган инсонлар эмас. Уларни бугун аниқ таклифлар, реал амалиётлар, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий тараққиётини янада жадаллаштиришга қаратилган фаолият қизиқтиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 2020. – 12 б.
2. Сайловларни кузатиш бўйича демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг қўлланмаси. – Варшава, 2019. – Б. 26.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 2020. – 31б.
4. Избирательный кодекс Республики Узбекистан. – Т., 2020. – С. 8–15.
5. Давлат статистикаси қўмитаси сайти. URL: <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novostigks/3581innovatsion-rivozhlanish-bu-kelazhak-poydevori>.
6. Сайловларни кузатиш бўйича демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг қўлланмаси. – Варшава, 2019. – Б. 55,56.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. www.president.uz.

Дж. Х. Юлдашев,
ИИВ Академияси докторанти,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ФУҚАРОЛИГИГА МАНСУБЛИКНИ АНИҚЛАШ АМАЛИЁТИ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш амалиётида кузатилаётган муаммо ва камчиликлан таҳлил қилиш асосида амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: фуқаролик, фуқароликка мансублик, фуқароликка мансубликни аниқлаш, доимий яшаш, рўйхатдан ўтиш.

Аннотация. В статье разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию действующего законодательства на основе анализа проблем и недостатков в практике определения принадлежности к гражданству Республики Узбекистан.

Ключевые слова: гражданство, принадлежность к гражданству, определение принадлежности к гражданству, постоянное проживание, регистрация.

Annotation. In the article are given develops proposals and recommendations for improving the current legislation based on the analysis of problems and shortcomings in the practice of determining belonging to the citizenship of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: citizenship, belonging to citizenship, determination of belonging to citizenship, permanent residence, registration.

Шахснинг фуқароликка доир субъектив ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган муносабатлар ичida унинг фуқароликка мансублигини тан олиш (уни фуқароликка мансуб деб топиш) элементи муҳим аҳамият касб этади. Шахснинг фуқароликка мансублигини тўғри баҳолаш унинг фуқаролик олиш борасидаги субъектив ҳуқуқларини кафолатлади. Сабаби шахснинг давлатдаги ҳуқуқий мақоми (ҳуқуқ ва эркинликларининг даражаси) айни шу жараён асосида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига доир ишларни юритиш амалиётида юзага келаётган муаммо-

ларнинг мазмуни ҳамда йўналиши юзасидан мутахассислар фикрини ўрганиш учун ўтказилган анкета сўрови натижаларидан маълум бўлишича, фуқароликка доир қонунчилик ижросини таъминлаш бўйича энг кўп юзага келаётган муаммолар: 1) шахснинг фуқароликка мансублигини аниқлаш ва баҳолаш соҳасида (97,6 фоизи); 2) фуқароликка қабул қилиш ва ундан чиқишига доир хужжатларни юритиш соҳасида (89,1 фоизи); 3) фуқароликни бекор қилиш (йўқотиш) соҳасидаги хужжатларни юритиш бўйича юзага келаётган (78,4 фоизи) муаммолар эканлигини қайд этиб ўтишган.

Этимологик жиҳатдан қарайдиган бўлсак, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича [1], “мансублик” атамаси арабчада: “алоқадорлик, тааллуқлилик, тегишли бўлиш”, деган маъноларни англатади. Шу маънода фуқароликка мансублик деганда, шахснинг бирор бир давлатга ҳуқукий жиҳатдан алоқадорлигини тушуниш лозим бўлади.

Фуқароликка мансубликни аниқлаш борасидаги асосий қоидаларни белгилаш масаласи ҳуқукий ворисийлик асосида мавжуд бўлган давлатлар учун марказий савол ҳисобланади. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши натижасида ташкил топган Ўзбекистон Республикасида ҳам бугунги кунга қадар ўз фуқаролари доирасини белгилашга қаратилган ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки давридан, яъни 1992 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 632-ХII-сон қонуннинг қабул қилиниши билан унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари доирасини аниқлаштиришга қаратилган нормалар ўз аксини топа бошлади* 2020 йил 13 мартағи “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги УРҚ-610-сон қонун эса, мамлакат фуқаролари доирасини бирмунча кенгайтириди.

Конунда назарда тутилган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сифатида тан олиш ҳамда уларга паспорт расмийлаштириш масаласи ваколатли давлат органлари томонидан олиб бориладиган маҳсус текширувларни талаб этади ва мазкур текширувлар натижалари асосида ҳал этилади.

Фуқароликка мансубликни аниқлаш қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олмаган шахсларга нисбатан ўтказиладиган текширув ҳисобланади. Яъни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ёки идентификация ID-картасига эга бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига

алоқадорлигини(яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ҳуқуқига эга лигини) аниқлаш ва баҳолашга қаратилган фаолиятдир. Баъзида эса шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ёки идентификация ID-картасига эга бўлса-да, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш асослари қонунийлигига шубҳа туғилган ҳолларда ҳам юзага келиши мумкин.

Таҳлиллар қуйидаги тоифа шахслар фуқароликка мансублик борасидаги текширувлар обьекти бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда:

- 1) Ўзбекистон Республикаси худудида доимий истиқомат қиласидиган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган шахслар;
- 2) чет элда доимий истиқомат қиласидиган ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қиласидиган шахслар;

- 3) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисида маълумотнома олишни истовчи шахслар.

Умуман олганда юқоридагиларга таяниб, фуқароликка мансублик ва уни аниқлашга қаратилган фаолият тушунчалари юзасидан қуйидагича хulosалар қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

фуқароликка мансублик – Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига алоқадорлиги ҳолати;

фуқароликка мансубликни аниқлаш – шахснинг мурожаатига мувофиқ ёки унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги бўйича шубҳа туғилган ҳолларда ваколатли давлат органлари томонидан ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига алоқадорликни текшириш жараёни.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни баҳолаш мезонлари ва шартлари “Ўзбекистон Республикасининг

фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон (13.03.2020) қонуннинг 5–6-моддаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 мартағи ПФ-6185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиши тартиби тўғрисида”ги Низомнинг IX бўлимида белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун ҳужжатларида белгиланишича, шахснинг Ўзбекистон фуқаролигига мансублигини аниқлашда унинг Ўзбекистон Республикаси билан алоқадорлиги фақатгина доимий рўйхатдан ўтганлиги (прописка) фактига асосланади ҳамда бу борадаги бошқа мезонлар инобатга олинмайди. Шу билан бирга, қонунчиликда шахснинг ихтиёрий равишда фуқароликка мансублик фактини суд тартибида белгилаши мумкинлиги хақидаги норма ҳам мавжуд бўлиб, ушбу қоидани татбиқ этишнинг механизмлари йўқлиги сабабли амалда ишламайди.

Бугунги кун амалиётида шахсга тегишли собиқ Иттифоқ паспортининг рўйхатга олинганлик (прописка) муҳри туширилган ва рақлари сақланмаганлиги, айrim шаҳар (туман)ларда прописка фактини тасдиқловчи уй дафтарлари юритилмаганлиги, юритилган бўлсада, маълум сабабларга кўра* ҳозирга қадар сақланмаганлиги, шунингдек, фуқаронинг яшashi давомида бир уйдан бошқа уйга кўчиб ўтганлиги натижасида йўқолиб кетганлиги каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Амалиётда шахснинг қонун кучга киргунга қадар (1992 йил 28 июль) Ўзбекистонда яшаганлигини унинг ҳарбий хисобга олинганлиги, давлат чегараси орқали республикамизга кирганилиги, конуний тирикчилик манбаси (мехнат фаолияти)га эга бўлганлиги, фарзанд кўрганлиги, никоҳдан ўтганлиги, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлаганлиги каби фактларнинг мавжудлиги билан ҳам асослаш мумкин бўлса-да, амалдаги қонунчиликдаги мавжуд қоидаларда

белгиланган талаблар бунга имкон бермайди. Бу эса Қ. Ю. Садуллаев таъкидлаганидек, индивид билан давлат ўртасидаги ҳам миллий ҳуқуқда, ҳам халқаро ҳуқуқда вужудга келувчи ҳуқуқий муносабатларнинг ҳаққонийлигига путур етказади [2, 7-б.].

Жумладан, фуқаролиги йўқ шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини тан олиш амалиётида юзага келаётган асосий муаммолардан бири бу – “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон (13.03.2020) қонуннинг 6-моддаси талабларини қўллаш билан боғлиқ бўлиб, унга кўра икки ҳолатда шахс Ўзбекистон фуқаролигига мансуб деб топилиши мумкин:

1) 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда муқаддам чет давлат фуқаролигида бўлмаган тақдирда;

2) ариза билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистонда камида 15 йил доимий яшаб келаётган ва мазкур давр мобайнида чет давлат фуқаролигида бўлмаган бўлса.

Қонун нормасини амалиётга татбиқ этишни назарда тутувчи ҳужжатда[3] белгиланишича, фуқаролиги йўқ шахслар Ўзбекистон фуқаролигига мансуб деб тан олиниши учун юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам қуидаги шартларга жавоб бериши лозим:

– 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси худудига кириб келган ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган (15 йил доимий яшаб келаётган), мурожаат қилгунга қадар Ўзбекистон Республикасида узлуксиз яшаган;

– чет давлат фуқаролигини қабул килмаган;

– 2020 йил 1 апрелга қадар яшаш гувоҳномаси асосида яшаб турган ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлиши.

Ушбу шартлардан лоақал бирининг мавжуд эмаслиги, Ўзбекистон фуқаролигини тан олишни рад этишга асос ҳисобланади.

Бугунги кун амалиётда қонуннинг 6-моддаси талабларини қўллаш жараёнидаги энг асосий муаммо фуқаролиги йўқ шахснинг Ўзбекистонда доимий яшаганлик фактини белгилаш билан боғлик бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 мартағи ПФ-6185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 27-банди талабларига кўра, мазкур холат фуқаролиги йўқ шахсга нисбатан юритилган йиғма иш жилдида сақланган собиқ Иттифоқ паспорти ҳамда ҳисоб варакалари, уй дафтари ёки хўжалик китобида доимий рўйхатдан ўтганлик (прописка) ҳақидаги белгининг мавжудлиги билан тасдиқланиши мумкин.

Ўрганишлар натижасида маълум бўлишича, ота-онаси фуқаролиги йўқ шахслар бўлган, 1992–2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси худудида туғилган болаларни доимий рўйхатга қўйишида ота-онасининг фуқаролиги йўқ шахс учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олган кундан бошлаб ҳисобга (рўйхатга) қўйилганлиги, шунингдек, ўз навбатида, болаларнинг ота-онаси рўйхатга олинган кундан бошлаб рўйхатга қўйилганлиги (рўйхатга қўйилган деб ҳисобланиши)* натижасида мазкур даврда туғилган болаларнинг аксариятини Ўзбекистон фуқаролигига мансуб деб баҳолаш (топиш) имконияти йўқолмоқда.

Мисол учун, 1999 йил 19 майда Сурхандарё вилояти Жарқўргон тумани “Кирон” МФЙда туғилган фуқаролиги йўқ шахс А.нинг ота-онаси Б. ва В.лар 1999 йилда Ўзбекистон Республикасида кўчиб келиб, Жарқўргон туманида доимий яшаб келаётган бўлса-да, 2011 йилда фуқаролиги йўқ шахс учун

Ўзбекистонда доимий яшаш гувоҳномаси билан хужжатлаштирилган. Натижада уларнинг 1999–2005 йилларда туғилган фарзандлари ҳам 2011 йилдан бошлаб доимий рўйхатдан ўтказилган. Оқибатда уларнинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни тан олиш тўғрисидаги мурожаатларига рад жавоби берилган [4].

Мазкур ҳолатни рақамларда кўрадиган бўлсак, маълумотларга кўра бугунги кунда биргина Сурхандарё вилоятининг ўзида доимий яшаётган фуқаролиги йўқ шахслар сони 13.864 нафарни ташкил этиб, ундан 1513 нафари (10,9 фоизи) гина 2005 йил 1 январь кунига қадар доимий рўйхатдан ўтган. Шунга ўхшаш ҳолатни республикамизнинг бошқа минтақаларида ҳам кузатиш мумкин.

Юзага келган муаммонинг ечими юзасидан амалиёт мутахассисларининг қарашларини ўрганиш мақсадида ўтказилган социологик сўровларда, уларга “Сизнингча, 1992–2005 йилларда республикамизда туғилган фуқаролиги йўқ шахсларнинг Ўзбекистон фуқаролигига мансуб деб топишда уларни мамлакатда яшаганлик фактини доимий рўйхатдан ўтганлиги асосида белгилаш имкони бўлмаган ҳолларда, қандай тартибда йўл тутиш мақсадга мувофиқ?”, деган савол билан мурожаат қилинганда респондентларнинг 66,9 фоизи – туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси асосида, деган жавобни беришган.

Юқорида гиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 мартағи ПФ-6185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-банди саккизинчи хатбошисини қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдириш тавсия этилади:

“Бундай белги билан тасдиқлаш имкони бўлмаганда, 1992–2005 йилларда Ўзбекистон худудида туғилган фуқаролиги

йўқ шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси асосида баҳоланиши мумкин”.

Шунингдек, амалиёт натижаларининг гувоҳлик беришича бугунги кунда миллӣ норматив базанинг янгиланиши (“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши 13.03.2020) натижасида мамлакатимизда илгари фуқароликка мансуб деб ҳисобланмаганлиги сабабли фуқаролиги бекор қилинган ҳамда ҳозирда қонуннинг 6-моддаси таъсирига тушувчи шахслар улуши ҳам талайгина. Яъни 1995–2000 йиллар давомида шахсларнинг фуқароликка мансублиги аниқланмаган ҳолда, уларга ноқонуний ва асоссиз паспорт берилишига йўл қўйилганлиги натижасида биометрик паспорт тизимига ўтилиши муносабати билан олиб борилган текширувлар вақтида фуқароликка мансуб эмаслиги бўйича хulosса қилинган шахслар сони анчани ташкил этмоқда.

Юқорида келтирилган тоифадаги шахсларнинг аксарияти эса қонуннинг 6-моддаси талабларига мувофиқ фуқароликка мансуб шахслар ҳисобланади. Сабаби унга кўра, 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиб, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ёхуд 15 йил давомида мамлақатда доимий яшаётган, илгари олган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ноқонуний асосларга кўра берилган, деб хulosса қилиниши оқибатида фуқаролиги йўқ шахс гувоҳномаси билан ҳужжатлаштирилган шахсларнинг баъзилари эндиликда фуқароликка мансуб ҳисобланади.

Давлат органлари иш ҳажмининг кўплигини, ушбу тоифадаги шахслар бўйича илгари фуқаролиги йўқ шахс мақомини олиш вақтида йигма иш жилдлари белгиланган тартибда юритилганини, уларнинг ортиқча сарсон бўлишларини

олдини олиш ҳамда сарф-харажатлари тежалишини таъминлаш мақсадида уларга нисбатан “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон (13.03.2020) қонуннинг 6-моддаси талабларини қўлламаган ҳолда қарор қабул қилиш ваколатини ҳудудий ички ишлар органларига бериш ҳамда улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти (идентификация ID-картаси) ни расмийлаштириш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада ҳуқуқшунос И. С. Далдинованинг мамлакатда икки ёки ундан ортиқ муддат давомида ноқонуний яшаб келаётган шахсларни фуқароликка қабул қилишда “миграцион амнистия”ни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги [5, 6-б.] ҳақидаги қараши ҳам фикримизни муайян даражада далиллайди. Шунингдек, Финляндиянинг фуқаролик тўғрисидаги қонунига кўра (33-моддаси 4-қисми)[6], ёлғон маъумотлар тақдим этиш орқали фуқаролик олган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир (фуқароликдан маҳрум этиш) чорасини қўллаш мумкин бўлган муддат 5 йилни ташкил этади.

Юқоридаги тажрибаларга асосланиб, мамлакатимиз қонунчилигига ҳам фуқаролик масаласида “миграцион амнистия”ни қўллашнинг асослари, шартлари ва тартибини назарда тутувчи ҳуқуқий механизmlарни яратиш мақсадга мувофиқдир.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон (13.03.2020) қонуннинг 6-моддасида шахснинг республикамизда доимий яшashi асосида фуқароликка мансуб деб тан олиниш муддатининг 15 йил этиб белгиланганини инобатга олиб, уни қуйидаги мазмундаги алоҳида норма билан тўлдириш келгусида юқорида таҳлил этилган муаммонинг ечимига хизмат қилиши билан бирга, шахснинг табиий ҳуқуқлари кафолатини юқори босқичга олиб чиқишига имкон беради:

“Шахс, ваколатли давлат органлари томонидан берилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ёки идентификация ID-картаси билан Ўзбекистон ҳудудида ўн беш йил давомида доимий яшаб келаётган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги ҳамда уни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги масаласи кўриб чиқилмайди”.

Амалиёт мутахассислари ўртасида ўтказилган анкета сўровларида, уларнинг миграцион амнистияни қўллаш асослари, шартлари ва муддатларини қонунчиликда белгилаш борасидаги фикрлари ўрганилганда, респондентларнинг 87,1 фоизи – таклиф этилаётган норманинг киритилиши лозимлигини маъқуллашган.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон (13.03.2020) қонуннинг 14-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган, ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган бола туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши қайд этилган. Мазкур норма талқин этилишига кўра, агарда бола Ўзбекистон Республикасида туғилган вақтда ота-онаси чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ва фуқаролиги йўқ шахс мақоми остида яшаётган бўлса, у туғилганлик бўйича фуқаролик олиши лозим.

Бироқ хуқуқни қўллаш амалиётида бола (Ўзбекистон Республикасида) туғилгунга қадар собиқ Иттифоқ паспортига эга бўлиб, туғилгач фуқаролиги йўқ шахс гувоҳномасини олган шахслар тоифаси ҳам мавжуд бўлиб, юқорида таҳлил этилган қонун нормаси мазкур вазиятга ечим бермайди.

Масалан, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани “Шомбулоқ” МФЙ Шараф кўчаси 179-йда яшовчи фуқаролиги йўқ шахс А. 2021 йил 4 май куни

туман ИИБга мурожаат қилиб, аризасида 2005 йил 28 апрелда ушбу туманда туғилгани, туғилган вақтида отаси фуқаролиги йўқ шахс гувоҳномаси, онаси собиқ Иттифоқ паспортига эга бўлганлигини ҳамда шу кунга қадар бошқа давлат фуқаролигини қабул қилмаганлигини кўрсатган ҳолда ўзининг фуқароликка мансублиги аниқлаб берилишини сўраган[7]. Кўриб чиқилаётган қонун нормасидаги бўшлиқ натижасида туман ИИБ томонидан мурожаатни қаноатлантириш имкони бўлмаган.

Ўтказилган анкета сўрови натижалари таҳлили мазкур ҳолатда амалиёт ходимларининг аксарияти (78,4 фоизи) – амалдаги қонунчиликка тегишли қўшимчалар киритиш тарафдори эканлигини кўрсатмоқда. Шунга асосан фикримизча, қонуннинг 14-моддаси учинчи қисмини қўйида таклиф этилаётган таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир:

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган, ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) фуқаролиги бўлмаган ёки собиқ Иттифоқ паспортига эга бўлиб, бошқа давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган шахслар бўлган бола туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади”.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 632-XII-сон (02.07.1992) қонун амал қилган даврда, унинг 15-моддаси (унга кўра, фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади) талабларига мувофиқ ота-онаси фуқаролиги йўқ шахс бўлган, улардан бири бола туғилган вақтда доимий рўйхатга қўйилмаганлиги сабабли фуқаролиги йўқ шахс гувоҳномаси билан ҳужжатлаштирилган болаларнинг ҳам мавжудлигини инобатга олиб, уларга

нисбатан янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ти ЎРҚ-610-сон (13.03.2020) қонуннинг 6-моддаси талабларини қўлламаган ҳолда фуқаролик паспортини расмийлаштириш зарурати юқори бўлиб қолмоқда.

Масалан, Фарғона вилояти Бувайдадумани Янгиқўргон шаҳарчаси, Боғиэрм кўчаси, 156-йда яшовчи 1994 йил 25 сентябрда туғилган фуқаролиги йўқ шахс А. туман ИИБга мурожаат килиб, аризасида ота-онаси фуқаролиги йўқ шахслар эканлиги, бошқа давлат фуқаролигини қабул қилмаганлигини кўрсатиб, ўзининг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти билан хужжатлаштиришини сўраган. Мурожаатни ўрганиш жараёнида аризачининг (отаси 1993 йил 20 марта, онаси 1998 йил 12 марта доимий рўйхатдан ўтганлиги сабабли) 1998 йил 12 марта буён доимий яшаётганлиги маълум бўлиб, қонуннинг 6-моддаси талабларига мувофиқ паспорт расмийлаштирилиши бўйича тушунтириш берилган[8].

Бундан ташқари, амалдаги қонунчилигимизда суд томонидан отаоналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, вафот этган ёки бедарак йўқолган, деб топилган шахслар фарзандларининг васийликка (ҳомийликка) олинганда Ўзбекистон фуқаролигини қай тартибда сақлаб қолиши (масалан, чет эл фуқаролари томонидан васийликка олинган Ўзбекистон фуқаролигига мансуб шахсларнинг фуқаролиги) билан боғлиқ масала эътибордан четда қолган. Бу эса мазкур тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва хужжатлаштиришга амалда тўсқинлик қилган ҳолда, У. Э. Фозилов таъкидлаганидек [9, 8-9-б.], фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири бўлган “инсон эҳтиёжлари ҳамда талаб-истакларини давлат ҳокимияти органлари сиёсатида ифодалаш”га имкон бермайди.

Масалан, 33-моддада Ўзбекистон худудида яшовчи боланинг ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон фуқаролигидан чиқсалар ва айни вақтда улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари васийликка ёки ҳомийликка олган боланинг тарбиясида иштирок этмасалар, ота-онасининг нотариал тартибда тасдиқланган аризасига, васий ёхуд ҳомийнинг илтимосномасига кўра, бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади, дейилган ҳолда, агарда ота-она суд томонидан отаоналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, вафот этган ёки бедарак йўқолган топилган бўлса масала қай тартибда ҳал этилади, деган саволга жавоб мавжуд эмас.

Натижада, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бундай тоифадаги шахсларнинг аризаларини қаноатлантириш имкони йўқолмоқда. Таҳлил қилинаётган масала бўйича хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, Россия (14-м. 2-к.)[10], Қозогистон (26-м. 2-к.) [11], Туркманистон (18-м. 3-к.) [12] давлатларида ушбу муносабатлар қонун доирасига киритилган.

Назаримизда, мазкур тажрибаларни инобатга олиб, қонуннинг 33-моддасини қуидаги мазмундаги 2-қисм билан тўлдириш асосида мавжуд ҳуқуқий бўшлиқнинг бартараф этилишига эришиш мумкин:

“Суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, вафот этган ёки бедарак йўқолган деб топилган ота-она (ёлғиз ота ёки она)нинг нотариал тасдиқланган илтимоси бундан мустасно”.

Ўйлаймизки, юқоридаги таклиф ва тавсияларнинг қонунчилигимизда ўз аксини топиши мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларнинг бартараф этилишига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни баҳолаш амалиётини таомиллаштиришга хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изохли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008) // URL: https://nziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20M.pdf (мурожаат вақти: 17.12.2021).

2. Садуллаев К.Ю. Фуқароликнинг миллий ва ҳалқаро ҳуқуқий асослари: юрид. фан. номз. дис. ... Автореф. – Т., 2011. – Б. 7.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 мартағи ПФ-6185-сон Фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 26-банди // URL: <https://lex.uz/docs/5325578> (мурожаат вақти: 15.12.2021).

4. Сурхандарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг 2021 йил 18 майдаги 22/1028-сон хатига иловалар.

5. Дальдинова И.С. Конституционно-правовое регулирование приобретения и прекращения гражданства в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ставрополь, 2005. – С. 6.

6. Закон о гражданстве Финляндской Республики от 16 мая 2003 года № 359 // URL: <http://zakony.fi/perevodyfi/35-zakon-o-grazhdanstve-finlyandskoy-respubliki.html> (мурожаат вақти: 08.04.2020).

7. Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармасининг 2021 йил 19 майдаги 12/2-1044-сон хатига иловалар.

8. Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармасининг 2021 йил 9 майдаги 22/1524-сон хатига иловалар.

9. Фазилов У.Э. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. номз. дис. ... Автореф. – Т., 2009. – Б. 8–9.

10. Федеральный закон Российской Федерации от 31 мая 2002 года № 62-ФЗ (с изменениями на 26 июля 2019 года) “О гражданстве Российской Федерации” // URL: <http://docs.cntd.ru/document/901819226> (мурожаат вақти: 10.10.2021).

11. Закон Республики Казахстан от 20 декабря 1991 года № 1017-XII “О гражданстве Республики Казахстан” (с изменениями и дополнениями по состоянию на 27.12.2019 г.) // URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=1000816#pos=398;-31 (мурожаат вақти: 10.10.2021).

12. Закон Туркменистана от 22 июня 2013 года “О гражданстве Туркменистана” // URL: <http://www.turkmenistan.gov.tm/?id=4419> (мурожаат вақти: 10.10.2021).

* Изоҳ: Қонуннинг 4-моддасига кўра қуидаги шахслар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб деб баҳоланган: 1) қонун кучга кирган вақтда (1992 йил 28 июль) Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлат фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар; 2) давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўкиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот килган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва Қонун кучга кирганидан (1992 йил 28 июлдан) кейин кечи билан бир йил ичida Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар; 3) қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахслар.

* Изоҳ: Бундай сабаблардан бири сотиб юборилган ёки хусусий мулк сифатида бошқа мулкдорга ўтказилган уй учун янги уй дафтари юритилиши бўлиб, уйнинг илгариги эгаси пропискаси тўғрисидаги белги эски уй дафтарида қолиб кетади. Эски уй дафтарлари йўқ бўлиб кетиши оқибатида (уй дафтарларини сақлаш мuddати 5 йил) рўйхатдан (пропискадан) ўтганликни тасдиқловчи далиллар ҳам йўқолади ва мансубликни тасдиқлаш имкони бўлмайди.

* Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 21-моддаси 2-қисми талабларига кўра, 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилиари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи хисобланади.

АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИ, ИЖТИМОЙ МУХОФАЗАСИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДА СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Аннотация. Мақолада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: “секторлар” тушунчаси, “камбағаллик” тушунчаси, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, хотин-қизларни қўллаб-куватлаш, камбағаликдан чиқариш.

Аннотация. В статье рассматривается вопрос дальнейшего совершенствования работы секторов по выводу нуждающегося в социальной защите населения из бедности.

Ключевые слова: понятие “секторы”, понятие “бедность”, население, нуждающееся в социальной защите, “железная тетрадь”, “женская тетрадь”, “молодёжная тетрадь”, поддержка женщин, вывод из бедности.

Annotation. The article discusses the issue of further improving the work of the sectors to lift out of poverty the population in need of social protection.

Keywords: concept of “sectors”, concept of “poverty”, population in need of social protection, “iron notebook”, “notebook of women”, “notebook of youth”, support for women, getting out of poverty.

“Давлатимиз сиёсатининг барча устувор йўналишиларини амалга оширишида камбағалликни қисқартириши муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу соҳадаги фаолиятни тизимили ва самарали ташкил этилиши эса, камбағалликдан чиқиб кетишинг энг муҳим омили бўлган инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари харакат қилиши имконини яратди”.

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон Стратегияси” асарида мамлакат тарихида илк бор 2020 йилда “камбағаллик” тушунчаси мамлакат барқарор ривожланишига таъсир этувчи жиддий муаммо сифатида эътироф этилиб, мазкур йўналиш ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий масалаларидан бирига айланганлигини баён этди.

Бу борада қўйидагилар назарда тутилди:

биринчидан, камбағаллик жиноятчиликнинг ўсишига таъсир қиласи.

Жиноятчилик аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасида кенг тарқалади ва улар “даромад олиш”нинг жиноий шаклларига мурожаат қилиш эҳтимоли катта;

камбағалликнинг иккинчи салбий оқибати-турмуш даражаси паст ва даромадлари юқори бўлмаган аҳоли қатламларининг соғлиғига салбий таъсири;

учинчидан, камбағаллик алкогизм ва гиёхвандликнинг ўсишига ҳам бевосита таъсир қиласи;

тўртингчидан камбағалликнинг юқори даражаси жамиятдаги ижтимоий кескинликнинг кучайишига сабабdir.

Камбағалликнинг хавфли оқибатларидан яна бири, бу аҳолининг умумий маълумот даражаси пасайишидир.

“Камбағалликнинг салбий оқибатлари ни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимизда унга қарши курашнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бирига айланди”, – деб таъкидлаб, ички ишлар органлари ходимлари олдига аҳолини камбағалликдан қутқариш борасида секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришни вазифа қилиб қўйди[1].

Секторлар – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар худудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳар)лар ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати худудий органлари раҳбарлари бошчилик қиласидан туманлар (шаҳар)лар ва худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг кўмаклашувчи коллегиал ишчи тузилмаси.

Секторлар ишчи гурухи – сектор раҳбари бошчилигига иқтисодиёт, инвестиция, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаси, давлат бошқаруви органларининг туман (шаҳар)лар тузилмаларининг малакали мутахассислари ва тижорат банклари ходимларидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланадиган маҳсус ишчи гуруҳлари.

“Темир дафтар” – Коронавирус пандемияси шароитида ижтимоий аҳвол ва турмуш шароити оғирлашган ва сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилаларни қайд этиш дафтари.

“Аёллар дафтори” – ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим, касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз аёлларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ҳамда назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

“Аёллар маслаҳат кенгаши” – ижтимоий ҳимояга муҳтоҷларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фарзанд тарбиясидаги роли ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган маслаҳатлар бериш, “одобли қиз”, “иффатли келин”, ва “маърифатли аёл” ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида ҳар бир фуқаролар йиғинида ташкил этиладиган жамоатчилик асосида фаолият юритувчи тузилма.

“Ёшлар дафтори” – бу ҳар бир сектор худуди кесимида истиқомат қилаётган 18 ёшга тўлган 30 ёшдан ошмаган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларни муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

“Ёшлар дафтори”ни сектор котиби ва Ёшлар ишлари агентлигининг туман бўлими бошлиғи юритади.

“Ёшлар дафтори”га ёши, жинси, касбга лаёқати бўйича: битирувчи ёшлар, ҳозирда ишсиз бўлган, ишга муҳтоҷ ногирон, хориждан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёшлар киритилади.

Сектор раҳбари томонидан ишчи гурухи билан биргаликда, маҳаллалар кесимида ишсиз ёшлар хатловдан ўтказилади ва “Ёшлар дафтори”га рўйхаттга олинади. Бунда таълим муассасалари ўз битирувчиларини, маҳалла ва ёшлар агентлиги ишсиз ёшларни, ички ишлар органлари хориждан қайтган ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёшларни аниқлашга кўмаклашади.

“Аёллар дафтори” ва “Ёшлар дафтори”ни шакллантириш юзасидан

туман, сектор раҳбари томонидан ҳар 5–6 та маҳаллаларни ўрганишга 1 тадан ишчи гурух тузилади.

Ишчи гурух таркиби:

- туман ҳокимият бўлимлари;
- туман ИИБ профилактика инспекторлари;
- маҳалла фаоллари;
- ёшлар агентлиги;
- туман ДСИ;
- халқ таълим бўлими.

Ҳар бир сектор худудларида ижтимоий ҳимояга муҳтож маҳаллалардаги кам таъминланган фуқаро ва оилалар аниқланиб, уларни “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га тегишилиги асосида рўйхатга киритиб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш орқали таъминланади.

“Аёллар дафтари”ни шакллантиришда хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёjlари ва қизиқишилари қуйидаги тарзда ўрганилади:

- секторлар ишчи гурухлари томонидан бириктирилган маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ходимлари ва фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни ҳар ярим йилда бир маротаба, бунда ярим йиллик биринчи ойнинг дастлабки 15 кунида уйма-уй юриш орқали;

- хотин-қизларнинг мурожаатларини, шу жумладан, “Аёллар маслаҳат кенгаши”га мурожаатларини кўриб чиқиши орқали.

Ўрганиш давомида хотин-қизларнинг муаммо, эҳтиёj ва қизиқишилари анкетасўровномалар орқали аниқланади. Аниқланган муаммолар сектор штаб котиблари ва фуқаролар йиғини ходимлари томонидан хотин-қизларнинг шахсий индивидуал анкеталарига 3 кундан ошмаган муддатда киритилади. Индивидуал анкеталар сектор раҳбарлари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғига тўлдирилган кундан бошлаб 1 кун муддатда тақдим этилади. Сектор

раҳбарлари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи 3 кундан ошмаган муддатда индивидуал анкеталар кўриб чиқилишини ташкил қиласди.

Индивидуал анкеталарни кўриб чиқиши жараёнида маълумотлар Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади.

Таҳлил натижалари асосида сектор раҳбарлари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи томонидан 7 кундан ошмаган муддатда “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳасини имзолangan ҳолда, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун киритилади.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ва “Йўл харитаси” белгиланган тартибда тасдиқланади ҳамда ижрога қаратилади. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар сектор штабларининг котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда Маҳалла ягона ахборот тизими дастурига (кейинги ўринларда – ахборот тизими) киритилади. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган “Аёллар дафтари”га киритилган шахслар рўйхати 3 кун ичida

туман (шахар)лар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади ва янгилаб борилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш қўйидагилар орқали таъминланади:

1. “Аёллар дафтари”га киритилган ҳамда ижтимоий ҳимояга мухтоҷ ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- туман (шахар)лар ҳокимлари, инвестиция бўлимлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлариiga киритилган лойиҳаларда хотин-қизлар учун яратилаётган янги иш ўринлариiga ишга жойлаштириш;

- туман (шахар)лар ҳокимлари аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд бўш ва захира (квота) иш ўринлариiga ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

- туман (шахар)лар ҳокимлари аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда кооперативларга жалб этиш;

- туман (шахар)лар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишини ташкил этиш, тадбиркорликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил равишда банд қилишни ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш;

- ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш чораларини кўриш.

- Ушбу кўрсатилган йўналишлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга томорқадан даромад манбай сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш. Туман (шахар)лар ҳоким-

ликлари, маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, тижорат банклари билан ҳамкорликда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали бандлигини таъминлаш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади: а) енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш; б) парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқиши йўлга қўйиш; в) “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш.

3. Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар уюшмаси, “Хунарманд” уюшмаси ҳамда ҳудудий хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари жойларда ўқув курслари ташкил этиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ва “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг тадбиркорлик кўнималарини ошириш ва бизнес лойиҳаларини тузишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг туман (шахар) филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кредит олиш истагида бўлган хотин-қизларга тижорат банкларга ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўйидаги хизматлар кўрсатилади:

- бизнес лойиҳаларни ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тузишни ўргатиш;

- кредит олишга кўмаклашиш;
- кредит ажратилгандан сўнг хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун доимий қўллаб-қувватлаш.

Кредитлар “Аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Бунда кредитлар базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача миқдорда ажратилади. Кредитларнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида белгиланади. Кредитларни илгари олинган кредитлар ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш, чорвачиликни ривожлантириш, шахсий эҳтиёж учун автотранспорт воситаси сотиб олиш, маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан автотранспорт воситасининг таъминоти, мебель, алоқа хизматлари тўлови ва уяли телефон сотиб олиш ҳамда қонун ҳужжатлари, Марказий банкинг қоидаларига кўра, тақиқланган фаолиятларга ажратишга йўл қўйилмайди. Кредитлар б ойгача имтиёзи давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади. Кредитлар қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан кредит шартномасида белгиланган мақсадлар учун тегишли ташкилотларнинг банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан ажратилади. Кредитлар Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг туман (шаҳар) филиаллари томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг фамилияси, исми, отасининг исми бўйича алфавит тартибида шакллантирилган қатъий навбат асосида берилади.

4. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатиш. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан тўрт бараваригача бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.

Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тўлаш учун:

а) фуқаролар йиғинлари, сектор раҳбарлари билан келишилган ҳолда,

боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож II гурӯҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гурӯҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг эҳтиёжмандлик даражасидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган хотин-қизларга (ҳар бир фуқаронинг фамилияси, исм, отасининг исми, паспорт серияси ва рақами кўрсатилган ҳолда) бир марталик моддий ёрдам бериш миқдорлари кўрсатилган рўйхатни туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлимига тақдим этилади;

б) туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими:

– “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-куватлаш жамғармасининг даромадлари тушумлари прогнозидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) молия бўлими билан келишилган ҳолда, бир марталик моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимларининг маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш масалалари бўйича ўринбосарларига тасдиқлаш учун киритади. Бунда тасдиқланган ойма-ой тўлаш графикининг нусхаси фуқаролар йиғинларига ҳам тақдим этилади;

– тасдиқланган графикка асосан ҳар ойнинг 5-санасига қадар фуқаролар йиғинлари томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида тўлов ведомостлари шакллантирилиб, туман (шаҳар)лар ҳокимликларнинг бухгалтерия бўлимлари ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлимига (филиалига) тақдим этилади;

в) туман (шаҳар)лар ҳокимликларининг бухгалтерия бўлимлари тасдиқланган ойма-ой тўлаш графикиги ҳамда тўлов ведомостлари асосида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур маблағларни хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлимига (филиалига) кўчиради;

г) Ўзбекистон Республикаси акция-дорлик тижорат Халқ банкининг тегишли бўлими (филиали) томонидан бир марталик моддий ёрдам тўловлари ҳар ойнинг 5–27-саналарида амалга оширилади. Ойнинг охирги иш кунида ведомостлар ёпилади, тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилиб олинмаган моддий ёрдам уни олувчининг номидаги маҳсус депозит ҳисобварагига ўтказилади ва олувчининг биринчи талабига кўра тўланади. Ёпилган ведомостнинг бир нусхаси туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тақдим этилади;

д) туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими муҳтож хотин-қизларга тўланган бир марталик моддий ёрдам тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимиға киритади ҳамда ёпилган ведомостнинг нусхасини тегишли фуқаролар йиғинига тақдим этади.

“Аёллар дафтари”га киритилган ва уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гурӯҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизларга кўмаклашиш сектор раҳбари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Бир марталик моддий ёрдам олган хотин-қизлар “Аёллар дафтари”дан чиқарилмаган ёки бир йил ичida қайта киритилган ҳолларда, бир марталик моддий ёрдам бир календарь йили давомида бир маротаба берилади.

5. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турар жой ижара компенсациясини тўлаш. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари тасдиқланган рўйхат асосида фуқаролар йиғинлари томонидан турар жой учун ижара компенсациясини тўлаб бериш бўйича талабномалар сектор раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғига тақдим этилади.

Сектор раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-

қувватлаш бўлими бошлиғининг хulosаси асосида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турар жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилади. Бунда:

биринчидан, турар жой ижараси тўғрисидаги шартнома уч томонлама – ижарага берувчи, ижарага олувчи ва туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ўртасида 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган муддатга тузилади;

иккинчидан, турар жой ижараси учун тўловлар “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижарага берувчига тўғридан-тўғри тўланади.

Шартнома суммаси ҳисобланганда:

– “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва улар билан бирга турадиган оила аъзолари, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган умумий майдони энг кўпи билан ўн олти квадрат метрдан (кресло-аравачада харакатланадиган ногиронлар учун эса йигирма уч квадрат метрдан) кам бўлмаган ҳажмда, бироқ бир оила учун жами 48 м² ошмаган ҳолда назарда тутилади;

– турар жойдан фойдаланганлик учун ижара ҳақи Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Давлат уй-жой фондидағи турар жойларни ижарага бериш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомда назарда тутилган миқдорларда белгиланади.

6. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиши. Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиши қуйидаги тартибда амалга оширилади:

– тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг соғлиги сектор ишчи гуруҳлари томонидан тегишли тиббиёт ходимини жалб қилган ҳолда ўрганилади;

– ўрганиш натижаси бўйича касаллик аниқланган ва тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтиш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси

кўп тармоқли марказий поликлиникасига юборилади;

– тиббий кўрик натижаси юзасидан кўрсатма бўйича туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида стационар ёки амбулатор шароитда даволанади;

– ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган беморлар белгиланган тартибда кўрикдан ўтиш учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилади.

7. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш. Ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизларга сайёр қабуллар орқали қуидагилар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади: прокуратура органлари – ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш, судга мурожаат қилиш тартибини тушунтириш, судга мурожаат қилиш учун керак бўладиган ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш; ички ишлар органлари – тазийқ ва зўравонликтан жабрланган хотин-қизларни ушбу таҳдидлардан ҳимоя қилиш; адлия органлари – ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.

8. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга психолого-педагогик ёрдам кўрсатиш. Психолого-педагогик маслаҳатга муҳтож хотин-қизларга “Аёллар маслаҳат кенгаси”, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш маркази, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳузуридаги “Хотин-қизлар ҳуқуқий, психолого-педагогик маслаҳатхонаси”, таълим муассасаларининг малакали психологлари томонидан психологик маслаҳатлар бериб борилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чоратадбирларини молиялаштириш. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чоралари:

– ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш – Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Жамоат ишлари жамғармаси,

“Аёллар дафтари” жамғармаси ва “Саховат ва кўмак” жамғармаси, халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари;

– томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланишга кўмаклашиш – Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

– тадбиркорликни йўлга қўйиш ва кредит олишга кўмаклашиш – Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, “Оиласий тадбиркорликни ривожлантириш” дастурлари, халқаро молия институтларидан жалб этиладиган имтиёзли кредит ва грантлар;

– моддий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни тиклаш ва бошқалар – “Аёллар дафтари” жамғармаси, “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари;

– туар жой ижараси билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш – “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам молиялаштирилиши мумкин.

Мазкур бандда белгиланган манбалар ҳисобидан туман (шаҳар)лар кесимида ажратиладиган маблағлар тақсимоти ҳар чорак учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаси ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан ҳар чоракдан олдинги ойнинг 20-санасига қадар туман (шаҳар)лар ҳокимликларига етказилади.

Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ушбу манбалар ва ўз маблағлари ҳисобидан хотин-қизларга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамларнинг турини ва уларни оловчилар сонини белгилайди.

Хотин-қизлар қуидаги ҳолларда “Аёллар дафтари”дан чиқарилади:

- бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
- бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда;
- турар жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилганда;
- малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;
- ўз аризасига кўра;
- “Аёллар дафтари”га ноконуний киритиши ҳолати аниқланганда;
- бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этишини назарда тутувчи хукми қонуний кучга кирганда;
- хизматлар кўрсатиш бўйича иш олиб бориши имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар юзага келганда;
- шахс вафот этган тақдирда.

“Аёллар дафтари”га икки ва ундан ортиқ масалаларини ҳал этиш учун киритилган хотин-қизларнинг барча масалалари тўлиқ ҳал этилиши дафтардан чиқариш учун асос бўлади.

Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа худудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан “Аёллар дафтари”га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Сектор раҳбарлари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи мазкур юқоридаги асослар кўрсатилган ҳолатлар бўйича “Аёллар дафтари”дан чиқариш юзасидан таклифларни Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари мухокамасига киритади.

Хотин-қизларни “Аёллар дафтари”дан чиқариш, унга ўзгартиришлар киритиши Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида “Аёллар дафтари”дан чиқарилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар секторлар штаблари котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда ахборот тизимиға киритилади.

“Аёллар дафтари”дан чиқарилган хотин-қизлар туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари томонидан 5 кун ичida бу ҳақда ёзма равишида хабардор қилинади.

Секторлар, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ахборот тизимида “Аёллар дафтари”ни юритиши билан боғлиқ масалаларни тўлиқ акс эттириб борилишини таъминлайди.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш:

- маҳалла даражасида – туман (шаҳар) сектор раҳбарлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари бошлиқлари;

- туман (шаҳар) даражасида – вилоят сектор раҳбарлари, Касаба уюшмалари федерацияси худудий бўлинмалари, Қорақалпогистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш худудий бошқармалари;

- вилоят даражасида – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар;

- республика даражасида – Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишида ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан амалга оширилади.

Мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимлари, сектор штабларининг котиблари томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган ҳар бир хотин-қизларнинг аниқланган муаммолари бартараф этилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар ҳар куни соат 18.00 гача ахборот тизимиға киритиб борилади.

Сектор раҳбарлари, сектор ишчи гуруҳлари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбар ходимлари томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишларни ҳар ойда жойига чиққан ҳолда мониторинг қилиб боради.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси”нинг ижроси ҳар чорақда камида бир марта Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида муҳокама қилинади.

Кенгаш сессияларида муаммоларни ҳал қилишга масъул бўлган секторлар ва ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшлиб борилади.

“Ёшлар дафтари”ни шакллантириш.

Бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсати – давлат томонидан амалга ошириладиган, ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ҳамда бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий ва хуқуқий чора-тадбирлар тизимини амалга ошириб келмоқда. Шундай чора-тадбирлардан бири бу ишсиз ёшлар учун ишлаб чиқилган “Ёшлар дафтари”дир.

“Ёшлар дафтари”га ёши, жинси, касбга лаёқати бўйича: битирувчи; ҳозирда ишсиз бўлган; ишга муҳтоҷ ногирон; хориждан қайтган; жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган; ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар киритилади.

Сектор раҳбари томонидан ишчи гуруҳ билан биргаликда маҳаллалар кесимида ишсиз ёшлар хатловдан ўтказилади ва “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олинади.

Бунда, таълим муассасалари ўз битирувчиларини, Маҳалла ва Ёшлар агентлиги ишсиз ёшларни, ИИБ хориждан қайтган ва ЖИЭМдан озод этилган ёшларни аниқлашга кўмаклашади.

Хатлов натижасида секторлар кесимида шакллантирилган рўйхатлар секторлар котиби ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан маҳсус дастурга (“Ёшлар дафтари”га) киритилади.

“Ёшлар дафтари”га ёши, жинси, касбга лаёқати бўйича қуидаги мезонлар асосида киритилади:

а) умумий ўрта таълим ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари битирувчилари;

б) расман иш билан банд бўлмаган, ишсиз ёшлар;

в) имконияти чекланган, бироқ меҳнатга лаёқатли ишсиз ёшлар;

г) короновирус пандемияси сабабли қўлланилган карантин чоралари натижасида ўзининг иш ўрни ва даромад манбаний йўқотган фуқаролар, жумладан четдан қайтган ёш меҳнат муҳожирлари;

д) жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган, ишсиз ёшлар;

е) муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, бироқ иш билан банд бўлмаган ёшлар;

ё) оиланинг ўзгалар қарамоғига муҳтоҷ кексаларга ғамхўрлик қилаётган ёшлар;

ж) оиланинг ҳақиқатда эҳтиёжманд, ноchor ва моддий кўмакка муҳтоҷлиги.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 132-сон қарори билан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди. Низомга кўра, “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари, жумладан қуидагиларга йўналтирилади:

• “Ёшлар дафтари”га киритилган моддий аҳволи қийин ёшларга БҲМнинг 4 бараваригача (980 минг сўм) миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатишга;

• ёшларни тадбиркорлик ва касбхунарга ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланадиган

харажатларнинг 75 фоизигача қисмини қоплашга;

• “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотуар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларини кўпи билан бир йилда БХМнинг 25 бараваригача (6 млн 125 минг сўм) миқдорда қоплашга;

• “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлиш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат куролларини харид қилиш учун БХМнинг 40 бараваригача (9 млн 800 минг сўм) миқдорда субсидия ажратишга;

• мамлакатимиздаги ОТМда ўқиётган “Темир дафтар”га киритилган оилалар фарзандлари тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, аммо БХМнинг 50 бараваридан (12 млн 250 минг сўм) ошмаган миқдорда тўлаб беришга;

• “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг ахволи оғир бўлган бемор фарзандларига мамлакатда ёки хорижий давлатда даволаниш билан боғлиқ харажатларни БХМнинг 50 бараваридан (12 млн 250 минг сўм) ошмаган миқдорда қоплашга.

Жамғарма маблагларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш мақсадида манфаатдор муассаса раҳбарлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат таркибда Васийлик кенгashi тузилади. Васийлик кенгashi раиси ҳар чоракда Жамғарма даромад ва харажатлари ижроси тўғрисида Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига ҳисобот беради. Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлими Жамғарманинг ишчи органи ҳисобланади. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблаглари кейинги йилга ўтади ва туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига олиб қўйилмайди.

“Темир дафтари”ни шакллантириш. “Темир дафтар” – карантин шароитида ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтоҷ оилаларнинг маҳаллада шакллантирилган шаффоф рўйхатидир.

“Темир дафтар”, ўз навбатида, фуқаролар йиғинлари раисининг сектор ва ҳудуд раҳбари билан ҳамкорликдаги фаолиятини мустаҳкамлайди. “Темир дафтар”ни юритишида эҳтиёжманд оилаларнинг 7 тоифаси, жумладан:

- кам таъминланган;
- ногиронлиги бўлган;
- ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оилалар;
- якка-ёлғиз кексалар;
- доимий ишсиз фуқаролар;
- карантин туфайли ишсиз қолган фуқаролар;
- оғир эпидемиологик ҳудудлардан қайтариб келинган фуқароларни камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади.

Шунингдек, масъул ходимлар ўзининг кунлик амалга оширган ишлари юзасидан “Темир дафтари”даги маълумотларни saxovat.argos.uz сайтига рақамли имзо калити орқали электрон шаклда киритиб бориши ҳақида маълумот берилади. “Темир дафтар”га тушган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини жорий йилда иш билан таъминлаб, шу орқали уларни муҳтоҷликдан чиқариш чоралари кўрилади. Кам таъминланган оилаларни камбағалликдан қутқариш сектор фаолларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Аҳолини “Темир дафтар”дан чиқаришдан асосий мақсад – ушбу оилани иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун ёрдам кўрсатиш орқали уларни яшаш шароитини яхшилаш ва камбағаликдан кутқаришдан иборатdir.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. М. “Янги Ўзбекистон Стратегияси” асари. – Т., 2021. – Б. 442–443.
2. Мирзиёев Ш. М. “Янги Ўзбекистон Стратегияси” асари. – Т., 2021. – Б. 438–439.

С. Д. Джолдасова,
ИИВ Академияси мустақил тадқиқотчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент

МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Ушбу мақолада, миграцияни ҳуқуқий тартибга солишида меҳнат органларининг тизими, жумладан Бандлик ва меҳнат вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаолияти ва ваколатлари ҳуқуқий таҳлил қилиниб, ушбу органларнинг айрим ваколатларини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар таклиф этилган.

Калит сўзлар: аҳоли миграцияси, миграцияни тартибга солиш, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари, ваколатлар, меҳнат мигранти, чет эллик мутахассислар, ижтимоий ва ҳуқуқий химоя.

Аннотация. В данной статье осуществлён правовой анализ системы органов труда, в частности Министерства занятости и трудовых отношений, Агентства трудовой миграции в правовом регулировании миграции, предложены рекомендации по совершенствованию некоторых полномочий данных органов.

Ключевые слова: миграция населения, регулирование миграции, органы занятости и трудовых отношений, полномочия, трудовая миграция, зарубежные специалисты, социальная и правовая защита.

Annotation. This article provides a legal analysis of the system of labor bodies, in particular the Ministry of Employment and Labor Relations, the Labor Migration Agency in the legal regulation of migration, and offers recommendations for improving some of the powers of these bodies.

Keywords: population migration, migration regulation, employment and labor relations authorities, authorities, labor migration, foreign specialists, social and legal protection.

Дунёда аҳоли миграцияси кўлами ва ўсиш даражасини кузатиб борар эканмиз, ҳар бир давлатнинг иқтисодий, жуғрофий, демографик ва бошқа омиллар таъсирида миграция моделларининг ҳар хил кўринишлари шаклланмоқда. Халқаро миграция ташкилотининг маълумотларига асосан 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, халқаро мигрантларнинг сони 281 миллионга етган бўлиб, уларнинг 164 миллиондан ортигини (60%) меҳнат мигрантлари ташкил этади [1].

Миграция жараёнига жаҳоннинг деярли барча давлатлари жалб этилган бўлиб, бундан Ўзбекистон ҳоли эмас. Мамлакатимиз халқаро миграция жараёни, шу жумладан меҳнат мигра-

циясида иштирок этар экан, унинг асосий омилларидан бири – бу кўп миқдорда ва ёш ишчи кучи ҳамда ички меҳнат бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳисобланди. Шу боис фуқароларимиз мамлакатимиз ташқарисига чиқиб, жаҳон меҳнат бозорида меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда.

Ўзбекистоннинг миграцион жараёнларида икки тенденция кўзга ташланади: биринчисида – ўзбек мигрантларининг халқаро меҳнат бозорига интеграцияси кучаяди; иккинчисида – мамлакат иқтисодий ривожланишининг барқарорлашуви мигрантлар сонини қисқаришига олиб келади [2, 20].

Ўзбекистонда меҳнат миграцияси ҳолати қўйидаги статистик маълумотларда намоён бўлади. Масалан, мамлакатимиздан чиқиб кетувчилар сони кўчиб келувчиларга нисбатан кўпроқни ташкил этмоқда. Хусусан, 2000–2010 йиллар оралиғида мамлакатимиздан чиқиб кетганлар сони ўртача 2 391 726 нафарни ташкил этган бўлса [3], бу кўрсаткич ушбу давр оралиғида кўчиб келганлар сонига нисбатан 786 545 нафарга кўпроқ [4].

Кўчиб кетганларнинг аксарияти МДҲ давлатларига тўғри келмоқда. Мисол учун, Россия Федерацияси (кейинги ўринларда – РФ) Президенти ҳузуридаги Россия халқ ҳўжалиги ва давлат хизмати Академияси эксперtlари томонидан олиб борилган РФ ижтимоий-иктисодий ҳолатининг мониторинги натижалари маълумотига кўра, РФга кириб келувчи чет элликларнинг аксарияти МДҲ давлати фуқаролари ҳисобланади. Хусусан, РФга МДҲ давлатларидан кириб келувчи фуқароларнинг 2019 йил 1 август ҳолатига кўра, 8,9 млн. (барча чет эл фуқароларининг 83 %, меҳнат мигрантларнинг 97 %) ташкил этди. Шундан Ўзбекистон фуқаролари 2,2 млн, яъни 25 %ни ташкил этган (2018 йилга нисбатан 1%га ошган). Меҳнат миграцияси асосан учта давлат – Ўзбекистон, Тоҷикистон ва Қирғизистон ҳисобидан ўсганлиги кузатилган [5, 40-41].

Иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида унинг асосий омиллари сифатида виза билан боғлиқ чекловларнинг йўқлиги, тарихий алоқалар мавжудлиги, тилни билиш ва мамлакатларнинг туташ жойлашганлиги келтирилмоқда [6, 116].

Ушбу кўрсаткичлар дунёда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлашнинг институционал асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, барча давлатлар меҳнат миграциясини бошқарища ўзининг сиёсатини белгилаш ҳуқуқига эга. Халқаро меҳнат нормалари ва бошқа

халқаро ҳужжатлар ушбу сиёсатнинг келишувчанлиги, самарадорлиги ва адолатлилигини таъминлашда раҳбарий принциплар сифатида муҳим роль бажариши лозим [7].

Меҳнат миграциясини бошқариш ва ҳуқуқий тартибга солишда меҳнат органларининг фаолияти катта аҳамиятга эга. Чунки ушбу соҳанинг асосий қисмини меҳнат миграцияси ташкил этади. Ўз навбатида, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда бевосита меҳнат органлари иштирок этиши табиий, албатта.

Маълумки, мамлакатимизда меҳнат миграциясини тартибга солиш ва бу борада ягона давлат сиёсатини олиб бориши вазифаси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига юклатилган.

Вазирлик меҳнат миграциясини тартибга солишда қўйидаги йўналишларда иш олиб боради:

биринчидан, меҳнат миграцияси жараёнларини таҳлил қиласи, ташки мөхнат миграцияси сабаблари ва омилларини аниқлайди;

иккинчидан, ташки мөхнат миграцияси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларни ишга жойлаштиришда кўмаклашади;

учинчидан, меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга кўйиш, мустаҳкамлашда халқаро ташкилот, хорижий мамлакатлар билан меҳнат ва бандлик соҳасида самарали ҳамкорлик механизmlарини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

тўртинчидан, меҳнат ва бандлик масалалари юзасидан Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда ҳамкорлик қиласи, Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари бўйича тегишли чоратадбирларни амалга оширади;

бешинчидан, меҳнат ҳукуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича аҳоли, иш берувчилар ўртасида кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш масалалари бўйича меҳнат, бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат миграцияси соҳасидаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини изоҳловчи материалларни тайёрлайди ҳамда аҳоли ўртасида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоқлари орқали тарқатади;

олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш, уларни Ватанга қайтариш, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш вақтида ҳукуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатнома, Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳукуқи учун хорижий фуқароларга тасдиқномалар бериш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш, уларнинг меҳнат ҳукуқларини таъминлаш жараёнларини тартибга солиш масалалари бўйича чет давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қиласди;

еттингчидан, меҳнат миграцияси соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади.

Алоҳидатайкидлашкеракки, Вазирлик хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларнинг ҳукуқлари ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш вақтида тазиёққа учраган, мажбурий меҳнатга жалб қилинган, таҳқирланган, меҳнат ва бошқа ҳукуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволда, шунингдек, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тириклик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳукуқий ва ижтимоий ҳимоя қиласди, уларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришга кўмаклашади, хорижда

ишга жойлаштириш учун кўрсатилган номзодлар билан дастлабки мослаштириш тадбирларини ўтказади [8].

Гувоҳи бўлганимиздек, Вазирлик меҳнат миграциясида иштирок этувчи Ўзбекистон фуқароларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, уларнинг меҳнат фаолияти қонунийлиги, яъни уюшган ҳолда ташкил этилишини таъминлайди.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш ва уларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш масалалари бўйича Вазирликнинг ваколатли органи ҳисобланади.

Агентлик республика фуқароларини мамлакат ҳудудидан ташқарида ишга жойлаштириш борасидаги ўз фаолиятини ҳалқаро ҳукуқий норма ва қоидаларга асосланиб, республиканинг миллий ва Ўзбекистон Республикасидаги юридик шахс мақомига эга хорижий фуқаролар манфаатларини инобатга олган ҳолда амалга оширади. Масалан, 2012 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ўртасида бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчиларни Корея Республикасига юбориш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланган. Унга кўра, Ўзбекистон фуқаролари Корея Республикасига ишга кетишдан олдин тил ўрганиш орқали маҳсус тест синовларидан ўтган ҳолда, бандликка рухсат бериш тизими жорий этилди. Бу, ўз навбатида, фуқароларимизнинг хорижий давлатда тезроқ мослашиши ҳамда самарали ишлаш учун хизмат қиласди.

Шу ўринда ташқи меҳнат миграцияси тизимида катта аҳамиятга эга бўлган мазкур давлат муассасасининг асосий фаолият йўналишлари ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқ. Бу ташкилот:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини танлаш, тайёрлаш,

мослаштириш тадбирларини ўтказиш ва хорижда ишга жойлаштириш жараёнларини самарали бошқариш ҳамда назорат қилиш орқали уларга хорижда меҳнат фаолиятини олиб боришига доир ҳукуқларини амалга оширишда кўмаклашиш;

иккинчидан, ташқи меҳнат миграциясини комплекстахлил қилиш, шуасосда норматив-хукукий базани таомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга ишга жойлашишда кўмаклашиш;

учинчидан, меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш жараёнларини тартибга солиш ва уларнинг меҳнат ҳукуқларини таъминлаш масалалари юзасидан хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касбий малакасини тасдиқлаш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни аккредитациядан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ишчи органи вазифаларини бажариш;

бешинчидан, юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатнома ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни белгиланган тартибда бериш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилаётган хорижий фуқаролар ҳисобини юритиш [9]ни амалга оширади.

Ташқи миграция агентлиги маълумотига кўра, 2019 йилда 13458 та фуқаро чет элда ишга жойлаштирилган бўлиб, шундан 10247 таси агентлик орқали

амалга оширилган. Бироқ бу кўрсаткич 2020 йилда COVID-19 Пандемияси билан боғлиқ вазиятда сал камайганини кўришимиз мумкин. Яъни 2020 йилда чет элда ишга жойлаштирилган 10272 та фуқародан 9558 таси агентлик томонидан ишли бўлган. Чет элда ишга жойлашган фуқароларнинг асосий қисми Россия Федерациясига тўғри келади ва 7876 иш ўринни ташкил этган [10]. Икки йиллик маълумотларда фуқароларнинг чет эл давлатларида ишга жойлаштиришда агентликнинг ҳиссаси 90 фоиздан кам бўлмаганини кўришимиз мумкин.

Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг реинтеграция қилиш Ташқи меҳнат агентлиги фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, меҳнат миграциясидан қайтган, худудий меҳнат органлари томонидан ишсиз сифатида рўйхатга олинган шахсларнинг бандлигини таъминлаш ёки тадбиркорликка йўналтириш мақсадида тадбиркорлик қўнималари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сон қарорига мувофиқ, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг реинтеграция қилишда Ташқи меҳнат агентлиги томонидан ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга ҳамда меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг тадбиркорлик ташаббусларини кўллаб-қувватлаш ва шу каби мақсадлар учун субсидиялар ажратиш белгиланган [11].

Бундан ташқари, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оила аъзоси сифатида эътироф этилган ва хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириб,

қайтиб келган шахсларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан қуийдаги харажатларни қоплаш учун базавий хисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида субсидия берилмоқда. Хусусан: якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ёки кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказган вактдан бошлаб биринчи уч ой давомида ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ижара ҳақини тўлаш; тадбиркорлик асослари ва молиявий саводхонликка ўқиш; кредит олишда тъминот сифатида тақдим этиладиган суғурта полиси бўйича тўловларни амалга ошириш. Ташқи миграция агентлигининг маълумотига кўра, 2019 йилда чет

элдаги 60122та меҳнат мигрантларимизга ёрдам кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 141 302тани ташкил этди [12].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимиизда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга жўнаб кетаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини тъминлаш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва моддий қўллаб-куватлаш масаласи Ўзбекистоннинг ўрта истиқболдаги давлат миграция сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади. Буларни амалга оширишда бандлик ва меҳнат муносабатлари органларининг роли бекиёс ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. International migration 2020: report/ Department of Economic and Social Affairs Population Division/ United Nations. New york, – 2020. P. 2–3, 10. www.un.org, www.un.org/development/desa/pd/#UNPPopulation.
2. Парманов Ф.Я. Миграция жараёнлари: трансформацияси ва интеграциялашув тенденциялари. Соц. фан. д-ри. дис. ... Автореф. – Т., 2021. – Б. 20.
3. www.stat.uz/open_data/ru/13.9%20Number%20of%20arrivals_rus.pdf.
4. www.stat.uz/open_data/ru/13.10%20Number%20of%20departures_rus.pdf.
5. Ежемесячный мониторинг социально-экономического положения и самочувствия населения: 2015 г. – август 2019 г. // Российская академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации / Под ред. Т. М. Малевой. – 2019. – С. 40–41.
6. Маматханов А.А. Вопросы регулирования трудовой миграции в Республике Узбекистан // Вестник РЭУ им. Г.В. Плеханова. Т.17. – 2020. – № 4 (117). – С. 116.
7. Многосторонние основы МОТ по вопросам миграции рабочей силы. Необязательные в правовом отношении нормы и руководящие принципы подхода к миграции рабочей силы, основанного на соблюдении прав человека, Международное бюро труда, 2008 // www.ilo.org/publins.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 21. – 379-модда.
9. “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон карори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 13.09.2018 й., 09/18/725/1874-сон; 31.12.2018 й., 09/18/1066/2428-сон, 11.08.2019 й., 09/19/661/3571-сон, 11.08.2019 й., 09/19/661/3571-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон; 01.01.2020 й., 07/20/4555/4257-сон, 04.06.2020 й., 10/20/3238/0712-сон.
10. Ташқи меҳнат миграцияси соҳасига оид асосий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот // www.migration.uz/post/view/38, 39.
11. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг “Ўзбекистон Республикаси бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия ва грантлар ажратиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2020 йил 24 мартағи 7-2020/Б-сонли бўйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 марта рўйхатга олинган № 3163-1) // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2020 й., 10/20/3163-1/0387-сон.
12. Ташқи меҳнат миграцияси соҳасига оид асосий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот // www.migration.uz/post/view/38, 39.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЛИЦЕНЗИЯЛАШНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари томонидан лицензиялашни амалга оширишдаги вазифалари, олимларнинг фикрлари ва амалиётни ўрганиш натижалари асосида уни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: лицензия, маъмурий ҳуқуқ, лицензияловчи органлар, лицензия талабгорлари, шакл, усул, тартиб, таомил, лицензиялаш фаолияти.

Аннотация. В статье рассмотрены задачи органов внутренних дел по осуществлению лицензирования. На основе изучения мнений ученых и правоприменительной практики даны предложения, направленные на его совершенствование.

Ключевые слова: лицензия, административное право, лицензирующие органы, соискатели лицензий, форма, метод, способ, лицензионная деятельность.

Annotation. The article deals with the law-enforcement bodies of licensing, the law-enforcement bodies of legal category and given invitations for improving results of learning practice of scients. .

Keywords: license, authority of law, organs of licensing, client of licensing, shape, style, activity of licensing.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартағи 138-сон “Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги қарорига асосан фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон қарори билан тасдиқланган “Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги Низом [1] га асосан пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш,

сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш (хавфлиликнинг I–V класслари), техник ва маҳсус мақсаддаги пиротехника буюмларидан фойдаланиш (хавфлиликнинг III–V класслари) фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш, беришни рад этиш, тўхтатиш, унинг амал қилишини қайта тиклаш ёки тўхтатиб туриш, шунингдек уни бекор қилиш ҳамда қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинади [2].

Ички ишлар органлари томонидан лицензиялашни амалга ошириш тартиботлари қуйидаги босқичлардан иборат:

лицензия талабори томонидан лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш, лицензия олиш учун ички ишлар органларига ариза топшириш;

ички ишлар органлари томонидан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни қабул қилиш;

ички ишлар органлари томонидан (лицензиянадиган фаолият туридан келиб чиқкан ҳолда) лицензия талабори топширган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида тегишли фаолият тури билан шуғулланиш учун қонун ва тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилган лицензиялаш талаблари, шартларига мувофиқлигини текшириш;

текширув натижалари бўйича лицензия талаборига лицензия берилиши ёки лицензия берилишини рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш ва уни лицензия талаборига етказиш;

ижобий қарор қабул қилинган тақдирда лицензияловчи орган ва лицензия талабори орасида лицензия битимини тузиш ҳамда лицензия бериш;

лицензия бериш тўғрисидаги ариза юзасидан рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганида мазкур ҳолат ҳақида лицензия талаборини хабардор қилиш, рад этиш асосларини етказиш, қайта ариза топшириши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар бериш;

ички ишлар органларининг лицензиялаш тартиботларининг истисно босқичларига лицензияни қайта расмийлаштириш; лицензия дубликатини бериш; лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш; лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш; лицензияни бекор қилиш.

Ички ишлар органлари томонидан лицензиялашни амалга ошириш тартиботларининг биринчи босқичи – ариза топшириш.

Лицензия талабгорлари фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳамда пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиб, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш, техник ва маҳсус

мақсаддаги пиротехника буюмларидан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш, лицензияни тўхтатиб, унинг амал қилишини қайта тиклаш ёки тўхтатиб туриш, шунингдек, уни бекор қилиш ҳамда қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза билан лицензияловчи орган – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий масъул бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин. Унда:

лицензия бериш тўғрисида ариза (юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли) унинг жойлашган жойи (пошта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисобраками, лицензиялананаётган фаолиятнинг (унинг бир қисмининг) юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури, лицензия талаблари ва шартларига лицензиялананаётган фаолият турининг алоҳида ҳудуддаги муайян объектларда амалга оширилиши кирадиган ҳолларда эса улар жойлашган жой.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББнинг статистик маълумотларига кўра 2020 йилда ички ишлар органларига лицензия-руҳсатнома бериш масаласида келиб тушган мурожаатномалар ҳудудлар кесимида қўйидаги кўрсаткичларга эга бўлган: ИИВ – 3,3%, Тошкент шаҳри – 14,0%, Тошкент вилояти – 0,2%, Андижон вилояти – 8,3%, Бухоро вилояти – 14,8%, Жиззах вилояти – 4,1%, Қашқадарё вилояти – 2,5%, Навоий вилояти – 5,1%, Наманган вилояти – 7,4%, Самарқанд вилояти – 3,3%, Сурхондарё вилояти – 1,3%, Сирдарё вилояти – 0,7%, Фарғона вилояти – 17,1%, Хоразм вилояти – 2,3%, Қорақалпогистон Республикаси – 15,4% [3];

фаолиятнинг лицензиялананаётган турлари бўйича кўрсатилган барча зарур ишларни лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ амалга ошириш учун моддий-техника база тўғрисидаги маълумотлар (Миллий гвардия органларининг техник-қўриқлаш пункти томонидан қўриқлашга қабул қилинганлик

шартномаси ҳамда пиротехника буюмлари омборининг паспорти, пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ёки утилизация қилиш учун иншоотлар ва асбоб-ускуналарни қабул қилиш далолатномаси, яшиндан химоя қилиш, қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситаларини фойдаланишга қабул қилиш далолатномалари);

лицензияланаётган фаолият турлари билан боғлиқ ёнғинлар ва бошқа ҳалокатли вазиятларни бартараф этиш бўйича харакатланиш режаси;

фаолиятнинг лицензияланаётган турларига рухсат этилган юридик шахс раҳбарлари ва ходимлари рўйхати (унда уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган сана ва жойи, доимий яшаш жойи, эгаллаб турган лавозими, белгиланган тартибда ҳудудий ички ишлар органлари билан келишилган фаолиятнинг лицензияланаётган турлари ёки саноат мақсадидаги портловчи материаллар билан ишлаш бўйича стажи кўрсатилиши керак);

фаолиятнинг лицензияланаётган турлари билан боғлиқ ишларни бевосита бажарувчи юридик шахс раҳбарлари ва ходимларининг малакавий таркиби тўғрисидаги маълумотлар (тегишли ҳужжатлар (олий ва/ёки ўрта кон-техника бўйича ёхуд бошқа ўрта маҳсус маълумот тўғрисидаги дипломларнинг, меҳнат дафтарчаларининг, хавфли юкларни ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг, малака тоифаси бериш, охирги 5 йилда малака ошириш ва/ёки маҳсус тайёргарлик курсларидан ўтганлик тўғрисидаги сертификатлар ва ҳужжатларнинг нусхалари);

лицензия талаборида ҳайдовчиларни тиббий қўрикдан ўтказиш ва автотранспорт воситаларини техник қўриқдан ўтказиш пунктлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (лицензия талабори томонидан тегишли соҳа ташкилоти

билан ўзига тиббий ва техник қўрикни ўтказиш имкониятини бериш тўғрисида тузилган шартнома нусхаси [4]);

лицензия талабори томонидан унинг аризаси қўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция)лар бўлиши керак.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларнинг натижаларига кўра ўрнатилган тартибдан келиб чиқсан ҳолда, ички ишлар органлари (лицензияловчи орган) лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд зарур ҳужжат ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот алмашув йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олиши керак. Бунда лицензия бериш учун бошқа ваколатли органлардаги мавжуд зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олиниши керак [5]. Бу эса лицензия талаборидан юқорида қўрсатилган ҳужжатлардан бошқаларини тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмаслигини ҳам англатади.

Ҳужжатларни топшириш бир неча йўл билан амалга оширилади, яъни ҳужжатлар лицензия талабори томонидан ички ишлар органларига бевосита топширилиши мумкин ёки почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади ёхуд электрон почта орқали етказиб берилиши мумкин. Талабор томонидан топширилган ҳужжатлар ички ишлар организининг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинishi, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига топширилиши ёки юборилиши керак.

Лицензия талабори замонавий информацион технологиялар имкониятларидан фойдаланилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза топширганида унинг электрон манзили қўрсатилиши

лозим, ушбу манзилнинг кўрсатилиши аризачининг қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришномани ўз аризаси бўйича ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш учун розилиги хисобланади [6]. Лицензия талабгорининг электрон рақамли имзоси билан электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар тасдиқланиши муҳим.

Ариза ва мазкур хужжатлар топширилиши билан ички ишлар органларининг лицензиялаш тартиботларининг биринчи босқичи якунланади.

Ички ишлар органлари томонидан лицензиялашни амалга оширишнинг иккинчи босқичи – хужжатларни қабул қилишдан иборат.

Лицензия олишга талабгор шахслар томонидан тақдим этилган хужжатлар ариза ва мурожаатларни қайд этиш, лицензия ва рухсатномалар бериш журналида қайд этилади. Худди шу журналда аризани кўриб чиқиш натижалари, аризачига лицензия ёки рухсатнома ёхуд уларни бериш рад этилгани ҳақида ёзма билдириш берилгани ҳам ёзилади. Агарда талабгор томонидан барча зарур хужжатлар аризага илова қилинмаган ҳолда тақдим этилса, унда бу хужжатлар қабул қилинмайди ва лицензия беришни рад этиш учун асос бўлади.

Ички ишлар органлари томонидан лицензиялашни амалга ошириш тартиботларининг учинчи босқичи – бу ариза ва топширилган хужжатларни кўриб чиқиш, лицензия талабгорининг лицензияланадиган фаолиятини амалга ошириш талаблари ва шартларига мувофиқлигини текширишдир.

Лицензиялаш тартиботларини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тартибга солувчи қонунчилик нормаларига риоя этилиши шарт бўлиб, ички ишлар органлари лицензия беришга оид материалларни – ариза берилган кундан бошлаб 1 ой ичida кўриб чиқишилари ва ҳал қилув қарорини қабул қилиши керак.

Ариза ва унга илова қилинган хужжатлар орасида лицензия талабори қонун хужжатларига риоя этиши шартлигини зиммасига олганлигини тасдиқловчи, лицензияланадиган тадбиркорлик фаолиятининг турини амалга оширишдаги малака, жумладан маҳсус белгилардаги талаблар тўғрисидаги фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишнинг маҳсус шартлари ҳамда фойдаланиладиган моддий техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситаларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим.

Лицензия бериш тўғрисидаги хужжатларни кўриб чиқиш, улар юзасидан хуносалар тайёрлаш учун лицензияловчи орган хисобланадиган ички ишлар органлари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассис ҳамда эксперталаридан иборат эксперт комиссияси ташкил этилади. Унинг фаолиятини амалга оширилишини тартибга солувчи низом ва унинг таркиби Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилади, ИИВ томонидан тасдиқланади.

Ички ишлар органлари лицензия бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиша тегишли хуносалар тайёрлаш учун бошқа ташкилотлардан экспертлар [7] ни жалб қилиш ҳукуқига эга. Эксперт комиссияси йиғилиши зарурат бўлганда ўтказилади.

Эксперт комиссиясининг фаолияти пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжат талаблари [8]га асосан ташкиллаштирилади.

Талабгорнинг аризаси барча зарур хужжатлар билан биргаликда, ички

ишилар органлари томонидан қабул қилинганидан сўнг шу куннинг ўзида эксперт комиссиясига кўриб чиқиш учун киритилиши лозим. Эксперт комиссияси, лицензия талабори томонидан топширилган ҳужжатлар ўн етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилиши, эксперт хulosаси тайёрланиши ва ички ишилар органларига лицензия талаборига лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида таклиф тақдим этиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартағи 138-сон “Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишилаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги қарорига асосан фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дориларини ишилаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш мақсадида лицензия талаборига томонидан берилган ариза кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида йифим ундирилиши белгиланган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон қарори билан тасдиқланган “Пиротехника буюмларини яратиш, ишилаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги Низом[9] га, пиротехника буюмларини яратиш, ишилаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, утилизация қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш мақсадида лицензия талаборига томонидан берилган ариза кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида йифим ундирилиши белгиланган.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йифим суммаси эса лицензияловчи

органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабори берилган аризадан воз кечган ёки лицензияловчи орган томонидан лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, тўланган йигим суммаси қайтарилмайди.

Белгиланган талабларга асосан лицензия талабори лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати ўтганидан сўнг лицензияловчи орган лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, лицензияловчи органи ёзма равишда хабардор қилган ҳолда аризада кўрсатилган фаолият турини амалга оширишга ҳақли [10]. Бундай ҳолларда лицензияловчи орган лицензия талаборининг ёзма хабарномаси олингандан кейин беш иш куни давомида унга лицензия бериши шарт.

Ички ишилар органлари томонидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор уч кун муддатда эксперт комиссиясининг хulosаси асосида қабул қилиниши керак ва бу эксперт комиссиясининг хulosаси ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини англатади. Шу билан бирга, қабул қилинган қарор тўғрисида лицензия талабори ички ишилар органлари томонидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилиши лозим.

Лицензия беришга қарор қилинганилиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисобрақами, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шунингдек лицензиат имзолаши учун лицензия битими илова қилинган ҳолда юборилади (топширилади).

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январдаги “Давлат божи тўғрисида”ги ЎРҚ-600-сон қонуни [11]га асосан лицензия берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида давлат божи олинади ва давлат божининг суммаси республика бюджетига ўтказилади.

Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган лицензиялаш тартиботларининг бешинчи босқичи бу “лицензияловчи орган ва лицензия талабори ўртасида лицензия битимини тузиш”дир.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари [12] билан тасдиқланган Низомларга асосан “Лицензия битимида лицензиат ва лицензияловчи органнинг ўзаро хукуқлари ва мажбуриятлари белгиланади ва қуидагилар кўрсатилади:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензияланыётган фаолият тури (пиротехника буюмларини ташиб ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият бундан мустасно) амалга ошириладиган манзил (манзиллар);

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиб, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятнинг муайян турларини амалга ошириш хусусиятларига тааллуқли бошқа шарт-шароитлар” [13].

Агарда лицензия қайта расмийлаштириладиган бўлса лицензия битимиға тегишли ўзgartериш ва қўшимчалар киритилиши мумкин ёки янги лицензия битими тузилиши керак. Лицензиялар

катъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланадиган, ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлган маҳсус бланкаларда расмийлаштирилиши керак. Фуқаролик қонунчилигига белгиланган умумий тартибдан келиб чиқсан ҳолда лицензия битими икки нусхада – лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилиши керак.

Ички ишлар органларининг лицензиялаш тартиботларининг бешинчи босқичи лицензия талаборига лицензияни расмийлаштириб бериш билан якунланади.

Лицензия лицензия талабори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда расмийлаштирилиши, берилиши керак. Мабодо лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги хақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлиdir.

Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган лицензиялаш тартиботининг олтинчи босқичи бу “лицензия бериш рад этилганда лицензия талаборига бу ҳақида хабар бериш ва унинг оқибатларини тушунтириш”.

Лицензия бериш фақат “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Узбекистон Республикаси қонуни[14]нинг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек, лицензияловчи органнинг мансабдор шахси хатти-харакатлари (харакатсизлиги) юзасидан қонун

хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш хуқуқига эга.

Лицензия беришни рад этиш түғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш түғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига нима учун рад этилғанлыги ва лицензия талабори күрсатыб ўтилған сабабларни бартараф этиб, хужжатларни такроран күриб чиқишига тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Лицензия беришни рад этиш хақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

Лицензия талабори томонидан лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилған тақдирда, хужжатлар лицензия талабгорининг аризаси барча зарур хужжатлар билан биргалиқда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда қайта кўриб чиқилади. Бунда қайта тақдим этилған хужжатлар эксперт комиссиясига улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун киритилади [15].

Эксперт комиссияси етти кундан ошмайдиган муддатда тақдим этилған хужжатларни қайта кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш түғрисида эксперт хulosасини тайёрлайди.

Ички ишлар органлари учкун муддатда эксперт комиссиясининг хulosаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш түғрисида қарор қабул қиласи. Ички ишлар органлари лицензия талабгорини икки кун муддатда қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қиласи. Лицензия талабгорларининг аризалари қайта кўриб чиқилғанлиги учун йифим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишида илгари лицензия беришни рад этиш түғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ички ишлар органлари лицензиялаш тартиботларини истисно босқичлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- лицензияни қайта расмийлаштириш;
- лицензия дубликатини бериш;
- лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш;
- лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш;
- лицензияни бекор қилиш.

Лицензияни қайта расмийлаштириш, дубликат бериш фақат норматив-хуқукий хужжатларда аниқ белгиланган ҳолларда амалга оширилиши мумкин. Бунга лицензиат ўзгартирилғанлиги, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарғанлиги, янги ташкил этилған юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган санада лицензияланадиган бир хил турдаги фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга лицензиатлар қўшилғанлиги асос бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар юзага келганда лицензиат ёки унинг хуқукий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан сўнг бир ой муддатда лицензияловчи орган бўлган ички ишлар органларига юқорида келтирилған ҳолат ва маълумотларни тасдиқлайдиган тегишли хужжатлар билан бирга, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза тақдим этиши керак. Шундан сўнг тегишли лицензия қайта расмийлаштирилиб берилади.

Лицензиянинг амал қилиши лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тўхтатилган ҳолларда, лицензия қайта расмийлаштирилишига рухсат берилади.

Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилған фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширишига йўл қўйилади [17]. Ички ишлар органлари лицензияни қайта расмийлаштирган ҳоларда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритиши керак. Лицензияни қайта расмийлаштириш муддати аниқ белгиланган бўлиб, лицензияловчи орган томонидан тегишли

хужжатлар илова қилинган тақдирда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан ёки лицензиянинг амал қилишини лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилиши белгиланган. Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талаборининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йифим ундирилиб, йифим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилиши керак.

Лицензия қайта расмийлаштирилганда лицензиат илгари берилган лицензияни Ички ишлар органларига қайтариб бериши шарт.

Лицензиянинг дубликатини бериш ҳам ўз хусусиятларига эга бўлиб, дубликат факат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўrniga лицензиатнинг аризасига кўра берилиши мумкин. Бунда лицензиат оммавий ахборот восита-ларида йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар чоп эттириши, шунингдек, чоп этилган хабарни ишчи органга тақдим этиши керак. Лицензиянинг дубликати лицензияловчи орган сифатида ички ишлар органлари

томонидан янги лицензияга “Дубликат” белгиси кўйилган ҳолда берилади.

Лицензия талаборининг лицензиянинг дубликатини бериш ҳақидаги аризаси бўйича тегишли низомларда белгиланган лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йифим ундирилади ва у тўлигича, яъни бутун сумма лицензияловчи органнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, шунингдек, лицензияни бекор қилиш “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 22–24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи органнинг қарори бўйича амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор юзасидан судга^[18] шикоят қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, ушбу қарорни қабул қилган орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2010. – № 42–43. – 363-модда. – 2012. – № 6. – 57-модда. – № 44. – 507-модда; – 2014. – № 10. – 105-модда. – № 32. – 398-модда. – 2015. – № 1. – 9-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон; 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон, 05.07.2018 й., 09/18/503/1458-сон, 30.10.2018 й., 09/18/884/2128-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси худудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 234-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2010. – № 42–43. 363-модда. – 2012. – № 6. – 57-модда. – № 44. – 507-модда. – 2014. – № 10. – 105-модда. – № 32. – 398-модда. – 2015. – № 1. – 9-модда. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон; 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон, 05.07.2018 й., 09/18/503/1458-сон, 30.10.2018 й., 09/18/884/2128-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБнинг 2019 йил статистик маълумотлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси

худудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 234-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – № 42–43. – 363-модда. – 2012. – № 6. – 57-модда. – № 44. – 507-модда. – 2014. – № 10. – 105-модда. – № 32. – 398-модда. – 2015. – № 1. – 9-модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон; 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон, 05.07.2018 й., 09/18/503/1458-сон, 30.10.2018 й., 09/18/884/2128-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон.

5. Селиманова С.М. Ўзбекистон Республикасида лицензиялаш тизимини такомиллаштиришнинг маъмурий-хукукий жиҳатлари. докторлик дис. ... Автореф. – Т., 2016. – Б. 25

6. Салиева Ш. Совершенствование правовых основ лицензирования банковской деятельности в Узбекистане // Вестник Высшего хозяйственного суда. – 2015. – № 6. – С. 71–75.

7. Тарасов С.А. Лицензирование как метод государственной разрешительной политики в сфере предпринимательской деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001. – 25 с.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон қарори билан тасдиқланган “Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги Низомга, ҳамда фуқаровий ва хизмат куролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятниамалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартағи “Ўзбекистон Республикаси худудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 138-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, www.lex.uz

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – № 42–43. – 363-модда. – 2012. – № 6. – 57-модда. – № 44. – 507-модда. – 2014. – № 10. – 105-модда. – № 32. – 398-модда. – 2015. – № 1. – 9-модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон; 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон, 05.07.2018 й., 09/18/503/1458-сон, 30.10.2018 й., 09/18/884/2128-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон

10. Хамедов И.А. К вопросу о понятии и инвентаризации государственных услуг в Республике Узбекистан. // Вестник Высших учебных курсов Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. – Т., 2015. – № 2 (22). – С.25–29.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январдаги “Давлат божи тўғрисида”ги ЎРҚ-600-сон конуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартағи 138-сон “Фуқаровий ва хизмат куролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги “Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 234-сон қарори.

13. Ўша манба.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2000. – № 5–6. – 142-модда. – 2003. – № 1. – 8-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. – № 14. – 110-модда. – 2006. – № 41. – 405-модда. – 2011. – № 36. – 363-модда. – 2013. – № 18. – 233-модда. – 2014. – № 50. – 588-модда. – 2015. – № 33. – 439-модда. – № 52. – 645-модда. – 2017. – № 1. – 1-модда. – № 16. – 265-модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 04.10.2018 й., 03/18/494/1992-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.

15. Ўша манба.

16. ИИВ ППХва ЖТСББнинг 2019 йил фаолияти ҳакидаги статистик маълумотлар.

17. Селиманова С.М. Административно-правовые основы совершенствования лицензионной системы в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 2016. – 85 с.

18. Ярмухамедова А. Приостановление деятельности субъектов предпринимательства как мера процессуально-обеспечительного характера // Вестник Высшего хозяйственного суда. – 2011. – № 2. – С. 67–69.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖИСМОНИЙ КУЧ ИШЛАТИШ ЧОРАСИ МАЪМУРИЙ ЧЕКЛАШ ЧОРАЛАРИ ТИЗИМИДА: ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ, ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари ходимлари томонидан қўлланиладиган жисмоний куч ишлатиш чорасини маъмурий чеклаш чоралари тизимидағи ўрни, мазмуни, қўллаш тартиби ва асослари ёритилган.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлаштиш чорасини қўллашнинг процессуал тартибига оид қоидаларни мукаммал билиши билан бирга, уни қўллашнинг психологик, тактик жиҳатларига эътибор қаратилиши алоҳида қайд этилган.

Таянч сўзлар: жисмоний куч, ички ишлар органлари ходимлари, маъмурий чеклаш чоралари, процессуал тартиб, курашнинг жанг усуллари, ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунчилик

Аннотация. В статье рассматривается место физической силы в системе мер пресечения, содержания, порядок и основания применения сотрудниками органов внутренних дел физической силы.

Отмечается, что сотрудникам органов внутренних дел не только достаточно знать процессуальный порядок применения физической силы, но также обратить внимание на психологические и тактические аспекты ее применения.

Ключевые слова: физическая сила, сотрудники органов внутренних дел, меры пресечения, процессуальный порядок, боевые приемы борьбы, законодательство об органах внутренних дел.

Annotation. The article examines the place of physical force in the system of preventive measures, content, procedure and grounds for the use of physical force by employees of internal affairs bodies. Author noted that employees of the internal affairs bodies not only need to know the procedural procedure for the use of physical force, but also pay attention to the psychological and tactical aspects of its use.

Keywords: physical strength, officers of the internal affairs bodies, measures of restraint, procedural order, fighting techniques of struggle, legislation on the internal affairs bodies.

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, барвакт ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуийи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш, замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот, қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш

соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш мақсадида жиддий ислоҳотларни амалга оширилмоқда. Ички ишлар органларини халқил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлантириш борасида ташкилий-ҳуқуқий, амалий чоралар кўрилмоқда. Ана шундай янгиланишлар шароитида ички ишлар органларининг барқарор профессионал кадрлар таркибини шакллантириш, ходимларнинг хизмат, жанговар тайёргарлиги қаторида улар-

нинг жисмоний тайёргарлигини ошириш, бу борада тизимли ишларни йўлга қўйиш мухим аҳамият касб этади.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида бир қатор маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш ваколати қонун билан тартибга солинган. Жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминлашда маъмурий чеклаш чоралари қўлланиш тартиби, асослари билан алоҳида хусусият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасида жисмоний куч ишлатилиши бошқа маъмурий чеклаш чоралари қаторида улар қўлланилишидан аввал ушбу чорани қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши кераклиги, жисмоний куч ишлатилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги, жисмоний куч ишлатилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек, имкон қадар қисқа вақт ичida тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари қўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичida бу ҳақда хабардор қилиниши кераклиги, ушбу чора қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органининг ходими бевосита бошлиғига, ички ишлар органлари тегишли прокурорга дарҳол хабар бериши шартлиги ҳақида алоҳида талаблар назарда тутилган [1].

Қонунчиликка кўра, агар ички ишлар ходими зиммасига юклатилган мажбуриятларни куч ишлатмасдан туриб бажаришининг иложи бўлмаса, у қуйидаги ҳолларда куч ишлатилиши, жумладан курашнинг жанг усулларини қўллаши мумкин:

жиноятларга ва маъмурий ҳуқукбузарликларга чек қўйиш учун;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқукбузарликлар содир этган шахсларни

энг яқиндаги ички ишлар органига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб бориш ва бу шахсларни ушлаб туриш учун;

ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш учун.

Қонун талабларига асосан ички ишлар органи ходими маҳсус воситалар ёки ўқотар курол қўлланилишига руҳсат этилган ҳолларда ҳам жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик талабларига мувофиқ маҳсус воситаларни қўллаш ички ишлар органи ходимига қуйидаги ҳолларда руҳсат этилади:

фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган хужумни қайтариш учун;

жиноятга ёки маъмурий ҳуқукбузарликка чек қўйишда;

ички ишлар органи ходимига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;

жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахси ушлашда;

куролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

ушлаб турилган шахсларни ва қамоқقا олинган, маъмурий қамоқقا олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа файриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини

бажармаган транспорт воситасини тўхтатища;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқук-бузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

муҳофаза қилинадиган обьектларни химоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гурӯхларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишида.

Демак, қайд этилган ҳолатларда ҳам ички ишлар органлари ходимлари жисмоний куч ишлатиши мумкин.

Бундан ташқари, қонун ички ишлар органи ходимига фуқароларни ёхуд ўзини хаёт ёки соглиқ учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган ҳужумдан химоя қилишда, гаровдагиларни озод қилишда, ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида кўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, ички ишлар органларининг ўқотар қуролларини, ўқдориларини, портловчи моддаларини, транспорт воситаларини, маҳсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишида, фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органларининг ба бошқаташкилотларнинг қўриқланадиган обьектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гурӯх бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни даф этишда, қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамоқдан қочиб кетишига чек қўйишида, агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф тугдирса ҳамда ички ишлар

органи ходимининг қонуний талабларига қарамай, тўхташдан бош тортса, ушбу транспорт воситасини шикастлаш йўли билан тўхтатиша ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқини беради. Ушбу ҳолларда ҳам ички ишлар органлари ходимлари жисмоний куч ишлатиши мумкин.

Жисмоний куч ишлатиш ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги, фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно эканлиги қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган.

Жисмоний куч ишлатиш чораси маъмурий чеклаш чоралари тизимида алоҳида хусусиятга эга. Шу асосда маъмурий ҳуқуқ соҳаси олимлари бу турдаги маъмурий чеклаш чораларини уч турга ажратади [2]. Биринчиси, умумий маъмурий чеклаш чоралари, буларга мажбурий даволаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат [3], фойдаланишни тақиқлаш. Маҳсус маъмурий чеклаш чораларига ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни зудликда тўхтатиш мақсадида қўлланиладиган чоралар киради, бу чораларга жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни қўллаш, ўқотар қурол қўллаш каби чоралар киради.

Процесс уал чораларга эса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган чоралар киради. Бу чоралар, кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари ҳам деб юритилади. МЖТКнинг 285-моддасига мувофиқ бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш,

хуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни хуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўриқдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда хужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади.

Шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсан кўриқдан ўтказиш, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечириш ва ашё ҳамда хужжатларини олиб қўйиш тартиби МЖТК ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилиги билан белгиланади.

Маъмурий чеклаш чораларини ушбу таснифни ҳам тўлиқ, деб бўлмайди. Юридик адабиётларда бошқача таснифларни ҳам учратиш мумкин. Жисмоний куч ишлатиш чораси ушбу таснифда бевосита шахс, яъни хуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган чора сифатида, шунингдек, мулкий, техник хусусиятдаги маъмурий чеклаш чоралари (ўқотар қуролини олиб қўйиш, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бузиш ва х.к.)га ҳам ажратилган[4].

Жисмоний куч ишлатиш чораси, ўзининг юридик табиатига кўра, алоҳида ҳолатларда қўлланиладиган, процессуал тартибга эга маҳсус маъмурий чеклаш чорасидир. Шу жиҳатдан ушбу чорани қўллаш алоҳида процессуал расмийлаштириш қоидаларига эга. Ички ишлар органлари ходимлари ушбу маъмурий чеклаш чорасини қўллашнинг процессуал тартибига оид қоидаларни мукаммал билиши билан бирга, уни қўллашнинг психологик, тактик жиҳатдан муайян кўнилмаларига эга бўлишида ходимнинг психологик тайёргарлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунга кўра, агар ички ишлар ходими зиммасига юклатилган мажбуриятларни куч ишлатмасдан туриб бажаришининг иложи бўлмаса, ходим куч ишлатиши, жумладан курашнинг жанг усулларини қўллаши мумкинлиги белгиланган. Қонуннинг ушбу нормасида фақат курашнинг жанг усулларини қўллаш қайд этилган.

Шу ўринда жисмоний куч ишлатиш институти ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунчилик доирасида аниқ ҳуқуқий тартибга солиниши, унда қўллаш тартиби, процессуал расмийлаштириш қоидалари кенгроқ белгиланиши, ноқонуний қўллаш оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби ҳам белгиланиши мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.
2. Қаранг: Маъмурий хукуқ; Дарслик. – Т., 2016. – Б. 180., Axmedova M. T., Xakimov G'T, Babaev D.D., Murakaeva Z. I. Ma'muriy huquq: Darslik . – Т., 2018. – В. 200.
3. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2019 й., 03/19/532/2873-сон.
4. Безлепкина О.В. Основные направления совершенствование института применения физической силы сотрудниками полиции на современном этапе развития общества // Правопорядок: история, теория, практика. – 2015. – № 2. – С. 9–13.

О. Ж. Холмуминов,

ИИВ Академияси Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар
кафедраси доценти, юридик фанлари бўйича
фалсафа доктори (*PhD*), доцент

ЕР УЧАСТКАСИНИ НИҚОБЛАШ МАҚСАДИДА ТУЗИЛГАН БИТИМЛАР (ШАРТНОМАЛАР) ВА УЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада мамлакатда ер участкасини ниқоблаш мақсадида тузилган битимлар, шартномаларнинг мазмун-моҳияти ва улар юзасидан янги ҳуқуқий механизмлар белгиланганлиги, шунингдек ер участкасига бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг электрон хисобини олиб борилиши жорий этилганлиги борасидаги фикр-мулоҳазалар асосида таклиф-тавсиялар келтирилган.

Таянч сўзлар: ниқоб, ниқоблаш, кўзбўямачи, кўзбўямачилик, битим, шартнома, ер участкасини ниқоблаш мақсадида тузилган битимлар (шартномалар), кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы применения договоров на земельные участки, их содержание и новые правовые механизмы, а также электронный учет государственной регистрации прав на земельные участки и даны рекомендации на основе отзывов.

Ключевые слова: маска, маскировка, обман, сделки, договор, сделки (договоры), заключаемые с целью маскировки земельного участка, государственная регистрация объектов недвижимости.

Annotation. In the article analyzes the country-established transactions, contracts for land plots, the content of contracts and new legal mechanisms for them, as well as introduced electronic registration of state registration of rights to land plots and made recommendations based on reviews.

Keywords: mask, disguise, deception, deceptions, transactions, agreement, transactions concluded for the purpose of masking a land plot, state registration of real estate objects.

Мамлакатимиз қонунчилигига белгиланган, қўлланиб келинаётган юзга яқин битим ва шартномаларни расмийлаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, келишилган шартлар, қоидаларга риоя этиш томонлардан мазкур ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни ўз вақтида бажаришни талаб киласди. Шу ўринда ҳуқуқ субъектлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг молмукидан фойдаланишда белгиланган

тартибга амал қилиш юзасидан қатъий талаблар қўйилмоқда. Бироқ барча ҳуқуқ субъектлари ҳам белгиланган тартибга риоя этмай келаётганликларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Демак, фуқаролик ва ер қонунчилигига белгиланган ҳуқуқ нормаларига эътибор қаратишдан олдин, мазкур соҳадаги бир қатор тушунчалар мазмунини шарҳлаш жоиз. “Ниқоб” арабчадан “ёпинчиқ”, “юзга тутиладиган тўр”, маъноларни англатиб,

ўзини танитмаслик ёки ҳимоя қилиш учун юзга тутиладиган, кийиладиган нарса, “Никоблаш”(“никобламок”) эса “ниқоб тутиб”, “таниб, билиб бўлмайдиган, кўринмай қилмоқ”, деган тушунчаларни билдиради [1].

“Кўзбўямачи” – ўз фойдаси учун маълумотларни, воқеа-ходисаларни бузиб, “нотўғри кўрсатувчи”, “бошқаларни алдовчи”, “алдоқчи”, “Кўзбўямачилик” эса кўзбўямачига хос иш, хатти-харакат бўлиб, “очик ҳаракат қилишга халқдан кўрқадиганлар” ҳамда “писмиқлик, кўзбўямачилик билан иш кўрадилар” каби маънолар касб этади [2].

Битим деб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади (ФКнинг 101-м.) [3].

Шартнома деганда, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви тушунилади (ФКнинг 353-м.).

Ер участкасини никоблаш мақсадида тузилган битимлар (шартномалар) – қалбаки битимнинг моҳиятини очиб берган, ушбу ҳаракатлар мазкур битимда қатнашмаётган муайян шахсларни, уларда битим иштирокчиларининг ниятлари тўғрисида сохта тасаввур ҳосил қилган ҳолда, алдаш учун амалга оширилишини белгилайди [4].

Ер участкасини никоблаш мақсадида тузилган битимлар (шартномалар)ни расмийлаштириш, қалбаки ва кўзбўямачиликни хисобга олган ҳолда, ўзида куйидагиларни асосий мақсад қилиб қўяди:

– банкротлик содир этилган жиноят учун мол-мулкни мусодара этиш хавфи юзага келганда мол-мулкни қалбаки сотиш;

– битимнинг қалбакилиги битим тарафларни ўзаро боғламаслиги ва улар уни ижро этиш ёки ижро этишни талаб қилиш ниятига эга эмаслигини тушунишини назарда тутади;

– қалбаки битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади ва у ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни туғдирмайди;

– тарафлар ушбу битимни ижро этиш ниятида эмас, бироқ у бажарилаётгани тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун айрим ҳаракатларни, яъни мол-мулкни бошқага бериш, зарур ҳужжатларни тузиш ва ҳоказони амалга оширади;

– кўзбўямачилик битими бошқа битимни беркитиши мақсадида тузилади ва олди-сотди, ҳадя шартномаларида беркитиши ва аксинча мақсадда фойдаланиш мумкин, чунки улар бир-биридан осон никобланадиган текинлик белгиси билан ажралиб туради;

– кўзбўямачилик битими учинчи шахсларда ёлғон тасаввур ўйғотиши учун тузиладиган ва сохта, ёлғондакам ҳисобланган битим сифатида қаралади;

– кўзбўямачилик билан беркитилган, тарафлар назарда тутган ва ижро этиш ниятида бўлган битимдир.

Юқорида қайд этилган тушунчалардан келиб чиқиб, фикримизча, мамлакатимиз аҳолиси орасида ана шундай фуқароларнинг борлиги ҳамда уларга тегишли бўлган ёки келгусида эгалик қилиши мумкинлиги юзасидан мол-мулкидан ҳуқуқий жиҳатдан тўғри фойдаланиши нуқтаи назаридан ҳуқуқий муносабатларга киришаётганлигини инобатга олиб, барча давлат органларининг асосий вазифаларига сидқидилдан ёндашишга ва энг асосийси, қонун устуворлигига сўзсиз риоя этишга ундейди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 124-моддаси мазмунида: “Юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим (қалбаки битим) ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Агар битим бошқа битимни никоблаш мақсадида тузилган бўлса (кўзбўямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилади”, деган ҳуқуқий норманинг белгиланганилиги ва уларни қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган

битимнинг ҳақиқий эмаслиги қайд этилган. Шу аснода, ушбу соҳадаги масалалар қуидаги фуқаролик-хуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини айтиб ўтиш мумкин:

1. Фуқаролик кодексининг 14-моддаси талабида зарарни қоплаш масаласида, хуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиш хуқуқини вужудга келтиради.

2. Фуқаролик кодексининг 101-моддаси мазмунидаги битим тушунчаси талабига жавоб бермайди.

3. Фуқаролик кодексининг 105-моддаси талабидаги битим шакллари риоя этилишини амалга оширмайди.

4. Фуқаролик кодексининг 114, 116-моддалари мазмуни билан эса бу масалада тузилган битимларни тузилиши ҳеч қандай хуқуқий оқибатларга олиб келмаслиги ва тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмаслигини белгилайди.

5. Фуқаролик кодексининг 26–27-бобларида белгиланган талабларга зид равишда хуқуқий муносабатларга киришганлигидан далолат беради.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигида кўчмас мулк бўйича битим ёки шартнома тузилиши (ёки расмийлаштирилиши) қайд этилмаганлиги хуқуқни қўллашда турли хил низоли ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 90-моддаси мазмунида белгиланишича, ер тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун қуидаги ҳолатларда жавобгар бўлиши белгиланган:

биринчидан, ерлардан белгиланган мақсадда фойдаланмаганликда;

иккинчидан, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликда;

учинчидан, қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирсанликда, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилиари ва оқова сувлар билан ифлослантиранликда;

тўртинчидан, ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни

жойлаштиранликда, қурганликда, лойиҳалаштиранликда, фойдаланишга топширанликда;

бешинчидан, ерлардан фойдаланишнинг табиатни муҳофаза қилишга оид талабларини бажармаганликда;

олтинчидан, вақтинча эгаллаб турилган ерларни қайташиб муддатини бузганликда ёки ерларни белгиланган мақсадда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга оид мажбуриятларни бажармаганликда;

еттинчидан, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижаравчиларга ва мулқдорларга қарашли ер участкаларининг марза белгиларини йўқ қилганликда;

саккизинчидан, давлат ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатганликда;

тўйқизинчидан, ўзбошимчалик билан пичан ўрганликда ва чорва моллар боқсанликда;

ўнинчидан, ёвойи ўтлар ва зараркунандаларга қарши кураш чораларини кўрмаганликда;

ўн биринчидан, ерлардан хўжасизларча фойдаланганликда, ерларнинг ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ва тупроқ ҳолатининг ёмонлашувига олиб келадиган бошқа жараёнлардан саклаш мажбуриятларини бажармаганликда;

ўн иккинчидан, ер участкалари бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишининг белгиланган муддатлари ва тартибини бузганликда.

ўн учинчидан, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганликда [5].

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Фуқаролик кодексининг 111-моддаси 1–2-қисмлари мазмунида, битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш борасида: “Ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узок муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчмас мол-мулк хусусида тузилган битимларни рўйхатдан ўтказиш ва тегишли реестрларни юритиш тартиби қонунчилик билан белгиланади” [6], деган ҳуқуқий норма белгиланган. Бироқ ҳуқуқ субъектлари бўлган мулкдорлар талабига кўра, ваколатли нотариал идоралар томонидан “Нотариат тўғрисида”ги қонуни [7] талаблари асосида амалда бундай тартиб бўйича шартнома сифатида расмийлаштириш амалиёти мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, кўчмас мулкни битим сифатида расмийлаштириш юзасидан аниқ бир ҳуқуқий нормалар акс этмаганлиги, битимлар билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида ҳуқуқ нормалари ҳавола этиш мақсадида ҳуқуқ субъектларига таклиф ёки ҳавола этилганлигини қайд этиш мумкин. Аммо Фуқаролик кодексининг умумий қисмидаги 353–385-моддалари талабидан келиб чиқиб, Фуқаролик кодексининг маҳсус қисмида белгиланган айrim шартномалар ер участкасидан ҳуқуқий жиҳатдан фойдаланиш (вақтинча) ёки эгалик қилиш учун муҳим ҳуқуқий ҳужжат вазифасини бажаради. Жумладан, олди-сотди (ФКнинг 386-м.), кўчмас мулкни сотиш (ФКнинг 479-м.), корхонани сотиш (ФКнинг 489-м.), хадя (ФКнинг 502-м.), рента (ФКнинг 512-м.), умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш (ФКнинг 530-м.), мулк ижараси (ФКнинг 535-м.), бино ва иншоотни ижарага бериш (ФКнинг 573-м.), корхонани ижарага бериш (ФКнинг 579-м.), уй-жойни ижарага бериш (ФКнинг 600-м.), текин фойдаланиш (ФКнинг 617-м.), пудрат (ФКнинг 631-м.), қурилиш пудрати (ФКнинг 666-м.), кредит (ФКнинг 744-м.) ва мулкий сувурта (ФКнинг 915-м.) каби шартномалардир. Санаб ўтилган шартномаларнинг барчаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан, яъни фуқаролик қонунчилиги асосида мулкдорлар томонидан аниқ расмийлаштирилмоқда, дейишнинг ўзи қийин масалалардан биридир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ваколатли давлат органлари томонидан берилган статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, юқорида расмийлаштирилиши ва давлат рўйхатидан ўтказиш лозим бўлган мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 2021 йилнинг 11 ойи давомида ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши ва у ерда ўзбошимчалик билан иморат қурилишига оид 15 416 та (2 496,5 га) қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Шундан: – қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда 8 395 та (1 911 га); – аҳоли пунктлари ерларда 6 331 та (487 га); – саноат, транспорт, алока, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларда 17 та (2 га); – ўрмон фонди ерларда 31 та (3 га); – сув фонди ерларда 83 та (2 га), – захира ерларда 559 та (91 га)ни ташкил этади.

Мазкур аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича муҳим ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда. Ер қонун бузилишини содир этган 15 416 та шахсга огоҳлантириш хатлари юборилди. Ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман (шахар) ҳокимликларига 8 500 та (1 173 га) тақдимномалар киритилди. 2 655 та (260,3 га) судларга киритилган даъво аризаларига асосан 496 та (26,7 гектар) суднинг ҳал қилув қарори (ноқонуний қурилмаларни бузиш бўйича) қабул қилиниб, 2 159 та (233,6 га) ҳолат бўйича суд жараёни давом этаётганлигини таъкидлаш мумкин. Бундан ташқари, айни вақтда бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида 4 720 та (805,9 га) ҳолат юзасидан прокуратура органларига маълумотлар тақдим этилган [8].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5930-сон Фармони [9] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 535-сон қарори [10] асосида “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасига кўйиш учун тайёрланган ер участкаси ҳақидаги материаллар ушбу ер участкаси бўйича кадастр йигма жилди шаклида қабул қилинади. Давлат рўйхатига олиниши белгилаб берилиши эса ушбу соҳадаги узоқ йиллар мобайнида ҳал қилинмай келаётган ҳамда ўз ечимини топишни назарда туваётган масалаларни ҳал қилиш учун муҳим хуқуқий манба бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган хуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сон Фармони [11]нинг 4-бандига кўра, “2021 йил 1 августдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш хуқуки бекор қилиниши” юзасидан қатъий хуқуқий нормани белгиланганилиги ҳам ер участкасини ниқоблаш мақсадида тузилган турли битимлар (шартномалар)ни расмийлаштираслик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2003 йил 28 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш хуқуки билан боғлиқ нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 110-сон қарорининг 11-бандида: “Судларга тушунтирилсинки, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ва ҳар қандай чеклашлар ёхуд талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечишнинг қўшимча шартлари тарафларнинг келишувларига

биноан шартномада назарда тутилиши мумкин”лиги тўғрисидаги тушунтириш кайд этилганлиги ҳам ишни кўраётган фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича судларга тақдим этилган аризага илова қилинадиган ҳужжатларни хуқуқий баҳо бериш ва малакалашда жиддий эътибор қаратишни талаб этади [12].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ер участкасини ниқоблаш мақсадида тузилган битимлар (шартномалар) ва уларнинг фуқаролик-хуқуқий ҳолати юзасидан қўйидаги таклиф-тавсияларни билдириш мумкин:

биринчидан, ер участкасини ниқоблаш мақсадида тузилган битимлар (шартномалар) кўп йиллик йиғилиб қолган масалаларидан бири эканлигини назарда тутиб, оммавий ахборот воситаларида тарғибот ва ташвиқот ишларини жадаллаштириш;

иккинчидан, ер участкасини ниқоблаш мақсадида тузилган битимлар (шартномалар)ни давлат рўйхатидан ўтказиш учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан миллий қонунчилик талабларига риоя этиши ва тегишли хуқуқий жавобгарликдан сақланиш;

учинчидан, ер участкасини ниқоблаш мақсадида, Фуқаролик кодексида қандай ҳолатларда битимлар тузилиши нуқтаи назаридан, қатъий шартномавий-хуқуқий нормаларини киритиш;

тўртинчидан, ер участкасини ниқоблаш мақсадида тузилган битимлар (шартномалар)ни давлат рўйхатидан ўтказища талаб этиладиган ҳужжатлар орқали исботлаш масаласида турли қийинчиликлар мавжудлигини инобатга олган ҳолда, фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича суд органларига аниқ ва мустақил қарор қабул қилиш ваколатини бериш;

бешинчидан, ҳозирги кунга қадар, ер участкасини ниқоблаш мақсадида тузилган битимлар, шартномалар сонини кескин камайтириш, аниқланган ҳолатларга имкон қадар тез муддатларда ўз ечимини топиш ва уларни низо

вужудга келган жойини ўзида ҳал қилиш учун мулкдорларнинг хуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини таъминлаш мақсадида, хуқуқий имтиёз-

лар, преференциялар бериш орқали, ҳалқимизни давлат ва ваколатли давлат органлари фаолиятидан рози бўлишга эришиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изоҳли лугати “Н” ҳарфи. – Б. 43–44. <http://n.ziyouz.com/books/pdf>. (Мурожаат вақти 05.12.2021 й.).
2. Ўзбек тилининг изоҳли лугати “К” ҳарфи. – Б. 447. <http://n.ziyouz.com/books/pdf>. (Мурожаат вақти 05.12.2021 й.).
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси. – 1996. – № 2. <https://lex.uz/docs/111189> (Мурожаат вақти 07.12.2021 й.).
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси биринчи қисмига шарх. https://nrm.uz/content?doc=428148_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_fuqarolik_kodeksi_birinchi_qismiga_sharh (Мурожаат вақти 11.12.2021 й.).
5. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси. – 1998. – № 5–6. – 82-м. <https://lex.uz/docs/152653> (Мурожаат вақти 07.12.2021 й.).
6. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-683-сон қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон (Мурожаат вақти 11.12.2021 й.).
7. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги “Нотариат тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси – 1997. – № 2. – 42-м. <https://lex.uz/docs/54458> (Мурожаат вақти 11.12.2021 й.).
8. KADASTR AGENLIGI.uz. (Мурожаат вақти 11.12.2021 й.).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5930-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.02.2020 й., 06/20/5930/0105-сон (Мурожаат вақти 11.12.2021 й.).
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 535-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2020 й., 09/20/535/1247-сон (Мурожаат вақти 11.12.2021 й.).
11. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган хукуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6243/0540-сон. <https://lex.uz/docs/5450176> (Мурожаат вақти 11.12.2021 й.).
12. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2003 йил 28 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш хуқуки билан боғлиқ нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 110-сон қарори. <https://lex.uz/docs/1636320>. (Мурожаат вақти 11.12.2021 й.).

М. Баратов,
ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиги,
юридик фанлар доктори, профессор;

Н. Кулдашев,
ИИВ Академияси фуқаровий-ҳуқуқий фанлар
кафедраси бошлиги, юридик фанлар номзоди, доцент

ДАВЛАТНИНГ ДЕЛИКТ МУНОСАБАТЛАРДАГИ ИШТИРОКИ МУАММОЛАРИ: ТАКОМИЛ САРИ

Аннотация. Мақолада давлат иштирокидаги деликт муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни кўллаш амалиёти таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: деликт, деликт институти, заар, деликт жавобгарлик, деликвент, жабрланувчи, заарни қоплаш, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик), “ижтимоий давлат тамойили”, “ҳуқуқий давлат тамойили” хисобланади.

Аннотация. В статье раскрывается специфика деликтных отношений с участием государства. Проанализировано действующее законодательство и правоприменительная практика Республики Узбекистан. Внесены предложения о внесении изменений в Гражданский кодекс Республики Узбекистан.

Ключевые слова: деликт, институт деликта, вред, деликтная ответственность, правонарушитель, потерпевший, компенсация, незаконное действие (бездействие), “принцип социального государства”, “принцип правового государства”.

Annotation. The article reveals the specifics of tort relations with the participation of the state and current legislation and law enforcement practice of the Republic of Uzbekistan. Author gives proposals to amend the Civil Code of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: tort, institute of tort, harm, tort liability, offender, victim, compensation, illegal action, “the principle of the welfare state”, “the principle of the rule of law”.

Фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятлар вужудга келиш асосига кўра, шартномали ва заар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга бўлинади. Заар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар илмий муомалада деликт мажбуриятлар ҳам деб юритилади. Бу ҳолатда, мажбурият ғайриқонуний хатти-ҳаракат (деликт) натижасида вужудга келганилиги сабабли ҳам деликт мажбуриятлар, деб аталади.

Давлатнинг деликт муносабатларидаги иштироки унинг шартномавий муносабатлардаги иштирокидан тубдан

фарқ қиласди. Чунки шартномавий муносабатларда давлат бевосита фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси сифатида ҳаракат қиласа, ҳуқуқий муносабатда ўз номидан иштирок этса, деликт муносабатларида давлат билвосита, яъни давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида иштирок этади. Шу билан бирга, шартномавий муносабатларда давлат ўз хошиш-иродаси асосида ва ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий лаёкатини амалга ошириш мақсадида ҳуқуқий муносабатда иштирок этса,

деликт муносабатларида давлат, фуқаролик хуқуқининг бошқа субъектлари каби жавобгар сифатида мажбурий равишда иштирок этади [1]. Бундай иштирок фуқаролик қонунчилигига қатъий белгиланган бўлиб, фуқаролик хуқуқининг бошқа субъектлари каби давлат ҳам ундан “бош тортиш”га ҳақли эмас. Чунки фуқаролик хуқуқи субъектларининг тентлиги тамойилининг моҳиятида ҳам айнан жавобгарликнинг барча учун бир хилда татбиқ этилиши ётади. Боз устига, мамлакатда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотларнинг яна бир йўналиши бу – давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш [2].

Маълумки, деликт муносабат субъектлари – жабрланувчи (зарар кўрган шахс) ва етказилган зарар учун жавобгар шахс (деликвент) ҳисобланади. Жабрланувчи – бу зарар етказилган шахс бўлиб, айни пайтда мажбурият хуқукий муносабатида кредитор бўлиб қатнашса, зарар етказувчи эса бу ҳолатда қарздор сифатида иштирок этади.

Таъкидлаш лозимки, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларда жабрланувчи бўлиб, фуқаролик хуқуқининг ҳар учала субъекти ҳам ҳисобланса, зарар етказувчи фақат фуқаролар бўлиши мумкин [3, 507 с.]. Зеро, мол-мулкка, ашёга ёки фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига зарар жисмоний шахснинг ғайриқонуний ҳаракати натижасида етказилади. Бироқ фуқаролик қонунчилигига деликт мажбуриятлари учун нафақат жисмоний шахслар – фуқаролар жавобгар бўладилар, балки юридик шахслар ва давлат ҳам жавобгарлик субъекти бўлиши мумкин. Фуқаро жисмоний шахснинг деликт мажбуриятларидаги жавобгарлигини кўпчилик ҳолатларда “бевосита жавобгарлик” [4, 10 б.], деб номлаш мумкин бўлса, юридик шахслар ва давлатнинг жавобгарлигини “бильвосита жавобгарлик”, деб атаса бўлади. Чунки юридик шахс ўз ходимининг хизмат вазифасини ўташ вақтида етказган зарари

учун жавобгар бўлса, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракати туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик давлатнинг зиммасидадир.

Бугунги кунда халқаро хуқуқий майдонда давлат органлари томонидан етказилган зарар учун давлатнинг деликт жавобгарлиги масаласида икки хил тенденция кетмоқда. Булар “ижтимоий давлат тамойили” ва “хуқукий давлат тамойили” ҳисобланади.

Биринчидан, ижтимоий давлат тамойилини қабул қилган давлатларнинг миллий қонунчилигига оммавий хуқуқ субъектлари томонидан етказилган зарарларни қоплашда деликвент (зарар етказувчи)нинг айборлик масаласини ҳал қилмасдан жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш тартиби белгилаб қўйилган. Масалан, шундай давлатлардан бири сифатида АҚШни мисол келтириш мумкин. АҚШда 2020 йил 25 май куни полиция ходими томонидан шахсни қўлга олиш вақтида қўлланилган ғайриқонуний ҳаракат оқибатида АҚШ фуқароси Жорж Флойд вафот этган. АҚШнинг Миннеаполис шаҳри маъмуриятининг Жорж Флойдинг оиласига 27 миллион доллар миқдорида товон пули тўлаб бериш тўғрисидаги қарорини шаҳар кенгаши бир овоздан маъқуллайди. Эътиборли жиҳати шундаки, полиция ходимиининг ҳаракати судда ғайриқонуний эканлиги исботланмасдан (айби исботланмасдан) товон пули тўлаб берилган [5.]. Полиция ва умуман оммавий хуқуқ субъектлари томонидан етказилган зарарни айб масаласини ҳал қилмасдан тўлаш тартиби АҚШнинг 1984 йилдаги “Жиноят қурбонлари тўғрисида”ти (Victims of Crime Act of 1984, VOCA) ҳамда 2004 йилдаги “Жиноятдан жабрланганларнинг хуқуқлари тўғрисида”ти қонунида белгилаб қўйилган.

Иккинчидан, хуқукий давлат тамойилини қабул қилган давлатларда эса деликвент (зарар етказувчи)нинг

айби суд томонидан исботлангандан сўнг заарни қоплаш масаласи ҳал қилиниши назарда тутилган. МДҲнинг деярли барча мамлакатлари қонунчилиги шундай тартибга асосланган. Масалан, 2009 йилнинг 27 апрелида Москва шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими майор Д. В. Ефсюков супермаркетга кириб, хизмат қуролидан тартибсиз ўқ узиши оқибатида 24 нафар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказади ва улардан 2 нафари вафот этади. Москва шаҳар суди Евсюковга умрбод қамоқ жазосини тайинлади ва унга жабрланувчиларга етказилган заарни қоплаш мажбуриятини ҳам юклиди. Мазкур ҳолатда заарни қоплаш мажбурияти давлатга юклатилмади ва бунга асос сифатида Евсюков томонидан етказилган зарар унинг ишдан ташқари вақтида бўлганлиги ва унинг табель қуроли ҳам қидирудва экани келтирилди. Жабрланувчиларнинг мурожаати билан 2017 йил 25 апрелда Инсон хуқуqlари бўйича Европа суди (ЕСПЧ) ишни кўради ва Россия хукуматига жабрланувчилар учун 38 000 евро миқдорида товои пули тўлаш тўғрисида қарор чиқарди. Афсуски, 2018 йилда Москва суди Инсон хуқуqlари бўйича Европа суди чиқарган қарорни бекор қиласи ва зарар давлат томонидан тўланмаслиги ва уни тўлаш мансабдор шахснинг зиммасида эканлиги бўйича қарор қабул қиласи [6].

Давлатнинг деликт жавобгарлиги нафақат давлат органларининг чиқарган ғайриқонуний қарорлари, балки давлат мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан ҳам вужудга келади.

Давлатнинг деликт муносабатларида иштирокининг асослари ФКнинг 15-моддасида кўзда тутилган бўлиб, кодекснинг 1995 йил 21 декабрдаги таҳририда “давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари

(ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган хужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак”лиги қайд этилганди. Амалдаги таҳрирда эса мавжуд муносабат мазмунан жиддий ўзгаришга учради. Яъни “Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонунчиликка мувофиқ бўлмаган хужжат қабул қилиниши, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаро ёки юридик шахсга етказилган заарнинг ўрни давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши лозим. Бундай заарнинг ўрни давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари ҳисобидан қопланади. Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бекор қилинган, уларнинг маблағлари етишмаган ёхуд давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари бўлмаган тақдирда фуқарога ёки юридик шахсга етказилган заарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади. Зарар қайси давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган бўлса, суднинг қарори билан заарнинг ўрнини қоплаш ушбу органлар мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилиши мумкин” [7].

Мазкур нормада зарар етказувчи субъектлар сифатида қўйидагилар кўзда тутилган:

1. Давлат органлари.
2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

3. Мазкур органларнинг мансабдор шахслари.

Ушбу органлар оммавий ҳокимият ваколатларини, шунингдек, бу ваколатларни улар ўзларига шундай ваколатдан фойдаланиш имкониятини берган оммавий-хуқуқий тузилма давлат номидан амалга оширадилар. Шунинг учун ҳам давлат ўз, ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Одатда давлат етказилган заарни хазинасидан ўзининг молиявий органлари орқали қоплайди.

М.Ф. Сатторованинг фикрича, етказилган заарни қоплаш бўйича фуқаролик-хуқуқий мажбурият тарафи сифатидаги мансабдор шахснинг хуқуқ субъектлигини аниқлаш учун қуйидаги белгилар муҳим аҳамиятга эга:

- давлат органида эгаллаб турган мансабнинг мавжудлиги;
- шахсга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, назорат ва текширув функцияларининг юклатилганлиги;
- хизмат бўйсунувида бўлмаган шахсларга татбиқ этилиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти ваколатларининг берилганлиги [8].

Бу ҳолатларга мансабдор шахс томонидан чиқарилиши мумкин бўлган хужжатнинг ўзига хос мажбурийлик тусга эгалигини ҳам киритиш мумкин. Зеро, бундай хужжатларсиз суд жараёнида мансабдор шахс томонидан амалга оширилган ҳаракат фуқаролар ёки юридик шахсларга зарар етказилганлигини исботлаш қийин кечади.

Бунда жабрланувчи сифатида фуқаролар ва юридик шахслар хуқуқий муносабатда иштирок этишади.

Фуқаролик хуқуқининг умумий қоидаларидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари таркибига кирмайдиган давлатга тегишли муассасалар (таълим, соғлик сақлаш, фан, маданият ва бошқа муассасалар) томони-

дан етказилган зарар учун жавобгарлик давлатнинг деликт мажбуриятлари субъекти сифатида фуқаролик-хуқуқий муносабатларга иштирок этишини таъминламайди. Давлатга тегишли муассасалар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик юридик шахснинг ўз ходими томонидан етказилган зарари учун жавобгарлик ҳолатига мос келади. Чунки давлатга тегишли муассасалар, бошқа юридик шахслар давлат ёки ўзини ўзи бошқариш органлари ва унинг мансабдор шахслари каби ҳокимият ваколатига эга бўлмайдилар. Бу эса мазкур муносабатларда ҳокимият ваколатлари соҳиби давлатнинг соф маънодаги бевосита ёки билвосита иштирокини билдирамайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ФКнинг 15, 990-моддаларида давлат органлари деликвент тараф сифатида деликт муносабатларда иштироки назарда тутилган. Аммо фуқаролик қонунчилигига давлат органларининг хуқуқий мақоми белгиланмаганлиги, давлат органлари айнан давлатнинг қайси ташкилотлари эканлиги масаласида ноаникликлар мавжуд.

Деликт муносабатларида давлатнинг иштирокини таҳлил этганда, аввало, давлатга нисбатан деликтни татбиқ этишнинг энг асосий шартини аниқлаб олиш зарур.

Маълумки, етказилган заарни қоплашда фуқаролик қонунчилиги умумий тамойилдан келиб чиқади, бу тамойиллар фуқаролик хуқуқига оид адабиётларда “бош деликт тамойили”, деб юритилади. Мазкур тамойилга мувофиқ, бир шахс томонидан иккинчи шахсга етказилган заарнинг ўзиёқ етказилган заарни қоплаш мажбуриятини вужудга келтириш асоси ҳисобланади. Шу муносабат билан жабрланувчи заар етказувчи ҳаракатининг хуқуққа хилофлигини ва унинг айбини исботлаши талаб этилмайди. Бунда заар етказувчи хуқуққа хилоф ҳаракат қилмаганлигини

ва ўзининг айби йўқлигини исботлаши шарт [9, 366-367 с.].

Бош деликт тамойили Франция Гражданлик кодексининг 1382-моддасида тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, бошқа шахсга зарар етказган кишининг ҳар қандай ҳаракати, зарар айби билан етказилган шахсга зарарни қоплаш мажбуриятини юклайди.

Англия фуқаролик ҳуқуқида бош деликт анъанаси мавжуд эмас. Англияда судлар томонидан ишлаб чиқилган алоҳида деликтлар амалда бўлади.

Бундан ташқари, Англияning деликт ҳуқуқи Франция ва Германиядан фарқли тарзда давлат органлари томонидан етказилган зарар масаласида анча сахидир. Чунки Англия қонунчилигида давлат ҳокимияти қарорлари оқибатида етказилган зарар учун юридик жавобгарлик белгиланмаган.

А.К. Губаева “Англия қонунчилиги Франция ва Германиядан фарқли тарзда давлат ҳокимияти органларининг қонуний қарорлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгарликни назарда тутмаган, лекин оммавий субъектлар томонидан ихтиёрий тарзда бу зарар компенсация қилиниши (ex gratia) ва бу юридик жавобгарлик сифатида эмас фақат ахлоқий бурчга асосланиши”ни айтади [10, 23 с.].

Республикамизда бош деликт тамойили ФКнинг 985-моддасида кўзда тутилган бўлиб, унга мувофиқ, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки молмулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Етказилган зарар учун давлатнинг жавобгарлигига тўлиқ маънода бош деликт тамойилини татбиқ этиш хусусида кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар (Е.А.Суханов, Ю.К.Толстой) асосан бир хил фикрни билдирадилар. Уларнинг таъ-

қидлашларича, бош деликт тамойилини давлатнинг жавобгарлигига нисбатан тўлиқ татбиқ этиб бўлмайди. Агар бош деликт тамойилига мувофиқ жавобгарликнинг дастлабки асоси зарарнинг етказилганлиги бўлса [11, – Б.16-19.], деликтнинг мазкур турида дастлабки асос давлат органи ёки мансабдор шахсининг ғайриқонуний ҳаракати ҳисобланади [12, – Б.399-400., 715-716].

А. П. Куннинг фикрича, давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарда, зарар фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган ҳаракат орқали эмас, балки ҳуқуқнинг бошқа соҳалари – маъмурий ҳукуқ, жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси ва бошқалари орқали тартибга солинадиган ҳаракат орқали етказилади [13, 11-с.].

Дарҳақиқат, мазкур фикрларнинг ҳар бири мантиқий ва ҳуқуқий асосга эга. Давлат органи ҳаракатининг ғайриқонуний эканлиги ушбу ҳаракат қайси ҳуқуқ соҳаси томонидан тартибга солинса, шу ҳуқуқ нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Агар бош деликт тамойилида зарар етказувчининг ҳаракатининг ҳуқуққа хилофилигини жабрланувчи исботлаши талаб этилмаса, деликтнинг бу турида давлат органи ёки мансабдор шахси томонидан амалга оширилган ҳаракатнинг қонуний эканлиги исботланиши лозим бўлади.

Е.А.Сухановнинг таъкидлашича, бош деликт тамойилидан бу тарзда чекиниш ва жабрланувчига зарар етказувчи ҳаракатнинг ғайриқонуний эканлигини исботлаш мажбуриятининг юкланиши ўзига хос асосга эга. Чунки бир вақтнинг ўзида давлат органлари ва мансабдор шахслар нафақат бир томонлама мажбурий ва ваколатли фаолият олиб борувчи шахслар ҳисобланадилар, балки уларнинг фаолияти кимнингдир мулкий манфаатларига зид келиши мумкин. Бу эса ҳамма вақт ғайриқонуний ҳаракат ҳисобланмайди. Зоро, давлат фақат

мукофот ва бошқа ноз-неъматларни инъом этувчи ташкилот эмас, балки халқ манфаатлари учун кураш олиб борувчи субъект ҳисобланади [14, –С.399-400].

Фикримизча, бундай тартиб субъектларнинг тенглиги нуқтаи назаридан мантиқий асосга эга эмас. Бу ҳолатда жабрланувчи шахсларнинг давлат органи ёки мансабдор шахси томонидан амалга оширилган ҳаракатнинг хуқуққа хилофлигини исботлаш жуда кўплаб мураккабликларни вужудга келтиради. Шу муносабат билан мазкур деликт муносабатларида жавобгарлик асоси сифатида хуқуққа хилофлик жабрланувчи томонидан эмас, давлат органи ва мансабдор шахс томонидан амалга оширилган ҳаракатнинг хуқуққа хилоф эмаслиги исботланиши лозим. Давлат органи ва мансабдор шахс ҳар доим қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб боришлари лозим, қонун ҳужжатидан четга чиқиш ёки қонун ҳужжатида кўзда тутилмаган хатти-ҳаракатни ҳокимият ваколатлари орқали амалга оширилиши ғайриқонуний ҳаракат ҳисобланади.

Давлат органларининг ғайриқонуний ҳаракати ҳаракатнинг ваколатлар доирасидан четга чиқиб амалга оширилиши ёки ваколатларнинг сустеъмол қилинишида намоён бўлади. Умумий қоидага кўра, давлат органи ёки мансабдор шахснинг ғайриқонуний ҳаракати улар томонидан ҳокимият ваколатларини амалга ошириб қабул қилинадиган бирор бир хуқукий ҳужжат (фармон, йўриқнома, қарор, буйруқ ва бошқалар) ни қабул қилиш шаклида ифодаланади. Шу билан бирга, давлат органи ва мансабдор шахсларининг зарар етказувчи оғзаки буйруклари, топшириклари, кўрсатмалари фуқаролар ва юридик шахслар учун бажарилиши мажбурийлиги туфайли ҳам ғайриқонуний ҳаракат ҳисобланади.

Масалан, 2019 йил давомида 537 нафар мансабдор шахс томонидан 1 трлн. 665 млрд. сўм миқдорида моддий зарар етказилган бўлиб, шундан 1 трлн.

621 млрд. сўм ёки 97,3 % ундирилган бўлса, 2020 йилда 459 нафар мансабдор шахс томонидан 172 млрд. 260 млн. сўм моддий зарар етказилган бўлиб, улардан 114 млрд. 267 млн. сўм ёки 66 % ундирилган [15]. Яъни 2020 йилда давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан етказилган зарарнинг 34 фоизи турли сабабларга кўра жабрланганларга ундириб берилмаган. Бу эса давлат органлари, шу жумладан ички ишлар органлари ва мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг хуқуқий тартиби, молиявий манбаларини қонун ҳужжатларида аниқ белгилаш, соҳага оид халқаро нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати мавжудлигини қўрсатади.

Шуни айтиш лозимки, давлат органи ва мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракати деганда, нафақат улар томонидан ғайриқонуний норматив ҳужжатлар қабул қилиниши, балки уларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ҳам тушунилади.

ФКда давлатнинг деликт муносабатларидаги иштирокига нисбатан иккита модда бағишлиланган бўлиб, мазкур нормаларда улар томонидан етказилган зарар қопланиши лозимлиги белгиланади. Бунда мансабдор шахснинг айбидан қатъи назар етказилган зарар қопланиши кераклиги ФКнинг 990-моддасида белгиланган.

Ушбу ҳолатда қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

- давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари қонунга хилоф бўлиши;
- бундай қонунга хилоф қарорлар натижасида фуқароларга ёки юридик шахсларга зарар этиши.

Мазкур ҳолатда давлат органларининг қарорлари суд томонидан қонунга хилоф деб топилиши зарур. Бунда давлат органининг қонунга хилоф қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш алоҳида суд процессида, етказилган зарар қоплаш эса бошқа суд процессида ҳал этилиши керак.

Масалан, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган биргина ички ишлар органлари қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ оммавий низолар 2018 йилда – 8, 2019 йилда – 16 ва 2020 йилда 18 тани ташкил этган бўлса, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ оммавий низолар 2018 йилда – 121, 2019 йилда – 138 ва 2020 йилда – 88 тани ташкил этган [16].

Давлат органининг ғайриқонуний ҳаракати натижасида етказилган зарарни қоплаш учун биринчи навбатда суд давлат органларининг ҳуқуққа хилоф ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топиши ва шундан сўнгина етказилган зарар масаласини ҳал этиши лозим [17, 131-с.].

Р. Н. Любимованинг таъкидлашича, бундай ёндашув ФКнинг 12-моддаси иккинчи қисмидан келиб чиқади. Унга кўра, суд ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб топган тақдирда бузилган ҳуқуқ ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усувларда химоя қилиниши керак, яъни биринчи навбатда ҳужжат ҳақиқий эмас деб топилади, кейин ушбу ҳужжат томонидан бузилган ҳуқуқ тикланади [18, 55-с.].

А. Л. Маковский ҳам ушбу ёндашувнинг тарафдори сифатида фикр билдириб, ФКнинг 15 ва 990-моддалари 12-моддадан фарқли равишда давлат органлари ҳужжатлари қонунийлигининг билосита назоратини ўзида ифодалайди, – деб ҳисоблайди. Бунда давлат органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиб, суд етказилган зарарни қопланиши хусусида қарор чиқариши лозим [19, 108-с.].

Мазкур масала фуқаролик қонунчилиги томонидан ҳар доим ҳам бир хилда тартибга солинмаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, РСФСРнинг 1992 йилги Гражданлик кодексининг 407-моддасида давлат органларининг ҳуқуққа хилоф ҳужжатлари учун жавобгарлик, ушбу ҳужжатлар дастлаб суд ва маъмурий орган томонидан

ҳақиқий эмас, деб топилгандан сўнг вужудга келиши белгиланган. Агар шахс белгиланган тартибда ўз вақтида мурожаат қилмаса, етказилган зарар қопланмайди. Бироқ ҳозирги фуқаролик қонунчилигида давлат органларининг ҳуқуққа хилоф ҳужжатлари учун жавобгарлиги масаласида олдиндан маъмурий органга бу ҳужжатдан шикоят қилиб мурожаат этиш талаби белгиланмаган. Бу эса тўғридан тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Айнан шундай тартиб Евropa Иттифоқи, Франция, Германия давлатлари ҳуқуқида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, бу давлатларда давлат органининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари учун жавобгарлиги масаласи олдиндан шикоят қилиш билан боғланмаган. Бу давлатларда ҳам судга давлат органларининг ҳуқуққа хилоф ҳужжатлари учун етказилган зарарни қоплаш мажбуриятларини белгилаш хусусида судларга бевосита мурожаат қилиш мумкин [20, 218-с. – С.193–194.; – Р. 543–544].

Давлатнинг деликт муносабатларида жавобгарлиги ҳар қандай давлат хизматчисининг эмас, фақатгина мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда вужудга келади.

Мансабдор шахс тушунчasi Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида берилган бўлиб, мансабдор шахс деганда, доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек ҳалқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун

чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунилади [21]. Масъул мансабдор шахс тушунчаси эса (яъни, Жиноят кодекси саккизинчи бўлими йигирманчи хатбоиси) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРК-391-сон қонунига асосан чиқарилди [22].

Албатта, мансабдор шахс тушунчасига берилган юқоридаги таъриф жиноят хукуқи нормаларини татбиқ этиш мақсадига тўлиқ мос келади. Бироқ деликт муносабатларида давлатнинг иштироки вужудга келиши учун мансабдор шахс сифатида фақатгина хизмат вазифаси бўйича ўзига бўйсунмайдиган шахсларга нисбатан, фармойиш характеристидаги хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган шахслар қарорлари оқибатида зарар етказилиши лозим. Бунда мансабдор шахс деганда, ҳокимият вакиллари бўлган шахслар тушунилади. Одатда улар жумласига ички ишлар органлари, солиқ ва божхона хизмати, прокуратура, турли хилдаги давлат назорати ходимлари киради. Зеро, бу шахслар бевосита ўзига хизмат вазифаси бўйича бўйсунмайдиган шахслар учун фармойиш тусиға эга бўлган хатти-ҳаракатларни амалга оширадилар (қарорлар қабул қилиш, қонуний ҳаракатлар ва шартларни амалга оширишини талаб қилиш ва ҳ.к.).

Деликт муносабатларида давлат жавобгарлиги юзага келишининг яна бир асоси мансабдор шахс ўз хизмат вазифасини бажариш вақтида қабул қилинган қарорларнинг қонунга хилоф бўлишидир. Бундай қарор жумласига маъмурий бошқарувга тегишли бўлган ҳокимият тусидаги турли ҳужжатлар: фармонлар, фармойишлар, кўрсатмалар ва тегишли шахс томонидан бажарилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлар киради.

Масалан, АҚШнинг Ист-Кливленд шаҳар маъмурияти томонидан чиқарилган қарордан норози бўлиб, шу шаҳарда яшовчи Инес Мур АҚШ Конституциявий

судига мурожаат қилиб, коммунал квартирада яшаш бўйича оила аъзолари сифатида кимлар эътироф этилиши масаласини сўраган.

АҚШ Конституциявий суди бу масалада И.Мур ҳақ эканлиги тўғрисидаги қарорни қабул қиласи ва етказилган зарар Ист-Кливленд шаҳар маъмурияти томонидан тўланади [23. –С.31-34.].

Давлатнинг деликт муносабатларидағи муаммоларнинг яна бир жиҳати шундаки, ФКнинг 991-моддасига мувофиқ, қонунга хилоф тарзда хукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳакида тилҳат олишни қонунга хилоф кўлланиш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади. Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин [24].

Бу ҳолат давлат ҳокимиятининг яна бир тармоғи – суд ҳокимияти ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф бўлган процессуал ҳужжатлари натижасида фақатгина фуқарога етказилган зарар қоплаши мумкин. Зеро, мазкур вазиятда фақатгина фуқаро жабрланувчи бўлиши мумкин. Чунки ФКнинг 991-моддасида кўзда тутилган процессуал ҳужжатлар фақатгина фуқаро ва унинг шахсига қаратилган.

Масалан, 1995 йилда “Фридл Австрияга қарши”, “Фуқаролар Швейцарияга қарши”, “Мюррей Буюк Британияга қарши” каби суд ишларида суд, прокуратура, тергов муассасаларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш ва етказилган

зарарларни қоплаш масалалари кўтарилиган ва унда фуқароларга етказилган заарлар тўлиқ давлат ҳисобидан қопланган [25. –С.230-231.].

Шу ўринда ФКнинг 991-моддасида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинадиган барча процессал хужжатлар санаб ўтилмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз [26]. Масалан, тинтуб ўтказиш хақидаги қарор амалга оширилганидан сўнг фуқарога етказилган заар ким томонидан қопланиши масаласи ФКда очиқ қолдирилган.

Албатта, бу ҳолатга нисбатан ФКнинг 990-моддаси талабларига мувофиқ, давлат органи ва мансабдор шахслари томонидан етказилган заар учун жавобгарлик нормаларини татбиқ этиш мумкин. Бироқ ФКнинг 990-моддасида маъмурий-бошқарув характеридаги қонунга хилоф қарорлар натижасида етказилган заар учун жавобгарлик

белгиланган. Шу муносабат билан суд ва суриштирув органларининг жиноий-хуқукий характердаги қарорлари ФКнинг 991-моддасида ўз ифодасини топиши лозим.

Деликт муносабатларида давлатнинг иштироки ҳар доим фуқаролик хуқуки субъектларининг тенглиги тамойилидан келиб чиқишини таъкидлаган ҳолда, етказилган заарни қоплашда мансабдор шахсларнинг айби мавжуд эканидан қатъи назар, жавобгарлик вужудга келишини ва мазкур деликт муносабатларининг субъекти ҳамма вақт давлат ҳисобланишини эътироф этиш зарур. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлат органлари томонидан етказилган заар учун давлатнинг деликт жавобгарлиги тамойилини, яъни мазкур деликт бўйича етказилган заарни қоплаш масаласида халқаро хуқукий майдонда тан олинган “ижтимоий давлат принципи” қоидаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Давлатнинг мол-мулкига етказилган заарларда ҳам давлат етказилган заарни қоплашни талаб қилиш мақсадида деликт муносабатларда иштирок этишга мажбурдир. Мазкур ҳолатда фуқаролик хуқуқининг бошқа субъектлари етказилган заарни қоплашни талаб қилишда ўз хошиш-иродаларига мувофиқ ҳаркат қилсалар, давлатда бундай эрк-ирода мавжуд бўлмайди. Зеро, давлат ҳам фуқаролик хуқуқининг “бевосита” эмас, балки “бильвоста” субъектидир. Чунки давлат ҳамма вақт ҳалқ манфаатларини ифода этувчи шахс ҳисобланади ва ҳар доим хуқукий муносабатларда мана шу манфаатларни амалга ошириш ёки ҳимоя қилиш мақсадида қатнашади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (29.12.2020) // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

3. Гражданское право. Часть вторая: Учебник / Под общ. ред. А.Г.Калпина. – М., 2000. – 576 с.

4. Баъзи ҳолатларда фуқаро бошқа фуқаро томонидан етказилган заар учун жавобгар бўлиши мумкин. Масалан, васий ва ҳомийлик остида бўлган шахслар томонидан етказилган заар учун васий ва ҳомий жавобгар бўлади. Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила хуқуқида васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти, уни амалга ошириш усуслари: юрид. фан. номз. дис. ... Автореф. –Т., 2005. – 10 б.

5. Жорж Флойднинг оиласи 27 миллион доллар товон пули олади // <https://kun.uz/34834197>.

6. https://ru.wikipedia.org/wiki/Дело_Евсюкова.

7. ФКнинг ушбу нормаси Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 22 январдаги ЎРҚ-603-сон Қонуни таҳририда // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 йил,

8. Сатторова М.Ф. Проблемы возмещения вреда, причиненного предпринимателям незаконными актами должностных лиц: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Т., 2004. – 25 с.
9. Гражданское право: В 2 т. Том II. Учебник / Отв. ред. Е.А.Суханов. – М., 2002. – 486 с.
10. Губаева А.К. Некоторые современные тенденции развития института деликтной ответственности (сравнительно-правовой аспект) // Вестник СПбГУ. Сер. 14. 2012. Вып. 4. 23-с. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-sovremennye-tendentsii-razvitiya-instituta-deliktnoy...> (мурожаат вақти: 23.10.2021).
11. Оқюлов О. Фуқаролик-хукукий жавобгарликни қўллаш асослари // Қонун химоясида. – 1999. – № 9. – 84 б.
12. Гражданское право: В 2 т. Том II. Учебник / Отв. ред. Е.А.Суханов. – М., 2002. – 486 с., Гражданское право. Т.2. / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – М., 1998. – 816 с.
13. Кун. А.П. Возмещение вреда, причиненного гражданину актами власти: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ленинград, 1984. – 24 с.
14. Гражданское право. В 2 т. Т. II. Учебник / Отв. ред. Е.А.Суханов. – М., 2002. – 486 с.
15. Мансабдор шахслар жиноятлари оқибатида жорий йилда 172 миллиард 260 миллион сўм зарар етказилган. – URL: <http://old.aza.uz/oz/society/mansabdar-shakhslar-zhinoylatlari-o-ibatid-15-07-2020>.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018-2020 йиллардаги архив материаллари / Олий суднинг 2021 йил 12 июлдаги 07/14-12396-236-сон маълумотномаси.
17. О некоторых проблемах связанных с привлечением государства к внедоговорной ответственности // Хозяйство и право. – 2002. – № 10. – 148 с.
18. Любимова Р.Н. Ответственность органов власти за вред, причиненный актами, не соответствующими закону, незаконными действиями (бездействием) // Вестник ВАС РФ. – 2000. – № 3. – 124 с.
19. Маковский А.Л. Гражданская ответственность государства за акты власти // Гражданский кодекс России. Проблемы. Теория. Практика. – М., 2018. – 108 с.
20. Брэбан Г. Французское административное право. – М., 1998. – 488 с., Европейское право / Под общ. ред. Л.М.Энтина. – М., 2000. – 494 с., Shaw J. Law of the European Union. London. 2000. 614 р.
21. Жиноят кодекси саккизинчи бўлимнинг ўн тўққизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сон Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – № 33. – 439-модда.
22. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – № 33. – 439-модда.
23. Гольдман Р., Лентовска Э., Франковски С. Верховный суд США: права и свободы граждан. – М., 1996. – 254 с.
24. Фуқаролик кодексининг Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сон Қонуни таҳририда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 йил, 03/19/542/3177-сон.
25. Гольдман Р., Лентовска Э., Франковски С. Верховный суд США: права и свободы граждан. – М., 1996. – 254 с.
26. Фуқаролик кодекси 991-моддасининг Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сон Қонуни таҳририда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019.

М. М. Хайдаров,
ИИВ Академияси Тест маркази бошлиги, доцент

ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИНГ ЖИНОЙИ ЖАЗО ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг жиноий жазо тизимида озодликни чеклаш жазосининг тутган ўрни ҳақида фикр юритилган ва таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: жазо, жазо тизими, жазо тизимининг тузилиши, озодликни чеклаш, енгил жазо, оғир жазо.

Аннотация. В статье рассматривается и анализируется роль ограничения свободы в системе уголовного наказания по Уголовному кодексу Республики Узбекистан.

Ключевые слова: наказание, система наказания, структура системы наказания, ограничение свободы, легкое наказание, суровое наказание.

Annotation. The article examines and analyzes the role of restriction of freedom in the system of criminal punishment of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: punishment, punishment system, structure of the punishment system, restriction of liberty, light punishment, severe punishment.

Республикамизда суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўз навбатида, жиноий жазо тизимини ҳам четлаб ўтмади. Зеро, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, мамлакатимиз жиноят қонунчилигидан мол-мулкни мусодара қилиш, ўлим ва қамоқжазолари чиқарилди. Озодликни чеклаш ҳамда мажбурий жамоат ишлари каби озодликдан маҳрум қилиш билан боялиқ бўлмаган жазолар жорий қилинганилиги эса сўзимизнинг тасдигидир.

Бугунги кунда ҳам жазолар тизими ва уларни тайинлаш механизмларини қайтадан кўриб чиқиш, эскирган ҳамда замонавий талабларга жавоб бермайдиган жазо шакл ва турларини чиқариб ташлаш [1] долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўз навбатида, озодликни чеклаш тариқасидағи жазонинг жиноий жазо тизимида тутган ўрнини тадқиқ қилиш мухим аҳамият касб этади. Ҳар қандай жиноий жазонинг мазмуни жиноят содир этишда айбор деб топилган шахснинг муайян хуқуқ ва эркинлигини чеклаш ёки улардан маҳрум этишда ифодаланади[2]. Жиноят содир этишда айбор деб топилган шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш жиноий жазо чорасининг жазоловчи белгисини ифодалайди. Жазо чоралари орасидаги фарқ шахснинг муайян хуқуқ ва эркинлигини чеклаш ёки улардан маҳрум этиш даражаси, миқдорига боялиқдир.

Озодликни чеклаш жазосининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48¹-моддасининг

биринчи қисмидә белгиланган бўлиб, унга кўра озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлаш ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиши чеклашдан иборат.

Бундан ташқари, қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қўшимча тақиқлар (чеклашларни) ҳамда маҳкумнинг тузалишига кўмаклашувчи мажбуриятларни юклashi мумкин.

Юридик адабиётлар таҳлили ҳукуқшунос олимлар томонидан озодликни чеклаш жазосининг жиноий жазолар тизимида тутган ўрни хусусида турли баҳс-мунозаралар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шу боис бу борадаги тортишувларни таҳлил қилиш асосида озодликни чеклаш жазосининг жиноий жазо тизимида тутган ўрнини ёритишга тўхталиб ўтсак.

Маълумки, жиноят қонунчилигига ҳар қандай янги жазо тури киритилар экан, уни жиноий жазо тизимидағи ўрнига, яъни уни мавжуд жазоларга нисбатан оғир ёки енгиллигига эътибор қаратилади. Зеро, қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасида жиноий жазолар тизимини белгилар экан, уларни енгилидан оғирига қараб жойлаштирганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасида келтирилган жазо тизимиға кўра, озодликни чеклаш жазоси жарима, муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш жазоларидан оғирроқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоларидан енгилроқ жазо сифатида белгиланган. Демак, озодликни чеклаш жазоси жиноий жазо тизимида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган ва билан боғлиқ бўлмаган жазо

чоралари орасидаги чегарада жойлашган жазо чорасидир[3].

Бироқ юридик адабиётларда айрим олимлар томонидан озодликни чеклаш жазосини жазо тизимида чиқариш ёки унинг жазо тизимидағи ўрнини ўзгартиришга оид фикрлар билдирилган. Хусусан, Г.В. Верина озодликни чеклаш жазоси ўз моҳиятига кўра, кўпроқ бошқа жиноят-ҳукукий хусусиятдаги чоралар талабларига жавоб беришини[4] таъкидлайди. Ушбу ёндашувни О.В. Тюшнякова[5] ва А.А. Шульгалар[6] ҳам кўллаб-қувватлади ва озодликни чеклаш жазосида жиноий жазонинг жазо элементи йўқлигини ва уни бошқа жиноят-ҳукукий таъсир чораларига ўтказиш лозимлигини таъкидлайди.

Ушбу фикрларга қарама-қарши бўлган фикрни Е.А. Пермиловская билдириб, унинг фикрича озодликни чеклаш жазосини ўташ жараёнида шахснинг кўплаб конституциявий ҳукуқ ва эркинликлари сезиларли даражада чекланади, бу эса озодликни чеклаш учун жиноий жазо мақомини сақлаб қолиш зарурлигини кўрсатади[7].

Дарҳақиқат, Г.В. Верина, О.В. Тюшнякова ва А.А. Шульгаларнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Зеро, Е.А. Пермиловская тўғри таъкидлаганидек, озодликни чеклаш жазоси шахснинг кўплаб конституциявий ҳукуқ ва эркинликларини сезиларли даражада чеклашни назарда тутади ва унинг жазо элементлари жиноий жазо мақомини сақлаб қолиш учун етарли ҳисобланади.

Бошқа бир олимларнинг фикрича, озодликни чеклаш жазосининг жазо тизимида ҳозирги вақтда эгаллаб турган ўрнини фақатгина унинг мазмунига маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган қўшимча чекловлар ва мажбуриятларни киритиш орқалигина сақлаб қолиш мумкин. Жумладан, А.Н. Тарбагаев тадқиқ қилинаётган жазо мазмунига қўшимча сифатида бир қатор мажбуриятини киритишни[8] таклиф этади. А.В. Звонов

ва О.В. Соколова ҳам шу нұқтаи назарни илгари сурадилар[9].

Бундан ташқари, И.В. Соколов[10] ва З.Р. Раҳматулинлар[11] ҳам озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ислоҳ қилиш учун унинг мазмунига маҳкумлар учун бошқа тақиқ ва мажбуриятлар қўшиш лозимлигини билдиради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур фикрлар Россия Федерацияси қонунчилигига назарда тутилган озодликни чеклаш жазосига нисбатан билдирилган бўлиб, унга кўра озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан юклатилиши мумкин бўлган мажбуриятлар доираси чекланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48¹-моддасининг тўртинчи қисмига асосан озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд томонидан юклатилиши мумкин бўлган мажбуриятлар доираси чекланмагандир, яъни суд маҳкумнинг тузалишига кўмаклашувчи ҳар қандай мажбуриятларни юклаши мумкин.

Бугунги кунда кенг тарқалган муно-зарали ҳолатлардан яна бири бу озодликни чеклаш жазосининг жазо тизимида тутган ўрни билан боғлиқ бўлиб, бу борада А.И. Рарог[12] ва Е.А. Пермиловская[7] озодликни чеклаш учун жиноий жазо мақомини сақлаб қолиш, бироқ уни жазо тизимида тутган ўрнини ўзгартириш лозимлигини таъкидлайдилар. Р.С. Рыжов[13] ва О.С. Татуаров[14] эса озодликни чеклаш жазосини жазо тизимида жарима жазосидан сўнг иккинчи ўринга қўйиш лозимлигини билдиrsa, Д.А. Гарбатович[15], А.А.К. Манна ва Э.С. Ширализаделарнинг[16] фикрича озодликни чеклаш жазоси ўзининг жазовий мазмунига қўра жарима, мажбурий ва ахлоқ тузатиш ишларига нисбатан енгилроқ жазо ҳисобланади. Т.В. Непомнящая эса жиноий жазолар тизимида бу турдаги жазо жарима шаклидаги жазодан кейин ёки ҳеч бўлмаганда мажбурий меҳнат тариқасидаги жазодан олдин

келиши кераклигини баён қиласи[17]. Ф.В. Грушин ва Э.В. Лядовлар озодликни чеклаш жазосининг жазо тизимидағи ўрни асосий жазолардан олдин бўлиши кераклигини таъкидлайдилар[18].

Мазкур муаллифлар ўзларининг фикрларини асосан қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлашади:

– қонунда назарда тутилган ҳуқуқий чекловларнинг табиати ва қўлами имкон бермаслиги;

– маҳкумларнинг белгиланган чекловларга риоя этишини назорат қилиш механизмида муаммолар мавжудлиги;

– озодликни чеклаш жазоси ҳам асосий ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкинлиги (Россия Федерацияси қонунчилигига кўра).

Бизнингча, юқоридаги фикрларга қўшилиб бўлмайди ва буни қуйидагилар билан изоҳлашимиз мумкин.

Биринчидан, ушбу жазо учун қонунда назарда тутилган ҳуқуқий чекловларнинг табиати ва қўлами унинг жазо тизимида тутган ўрнини сақлаб қолиш учун етарли бўлиб, шахснинг қуйидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекланишида намоён бўлади.

1. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари:

– турар-жой даҳлсизлиги ҳуқуки (қонунда рухсат этилган вактда пробация бўлинмаларининг ходимлари текшириш ва назорат учун маҳкумнинг турар-жойига киришга ҳақлилиги сабабли);

– Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга қўчиш, унга келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуки (маҳкумга нисбатан яшаш жойини тарк этиш бутунлай тақиқланиши ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиши; муайян жойларга бориши; тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқиши чекланиши орқали);

– ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуки (муайян шахслар билан алоқа ўрнатиш; алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланиш тақиқланиши орқали).

2. Сиёсий хукуқлари:

— ўз ижтимоий фаоллигини митинг, йиғилиш ва намойишлар шаклида амалга ошириш хукуқи ҳамда оммавий ҳаракатларда иштирок этиш хукуқи (оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказиша иштирок этиш тақиқланиши орқали).

3. Иқтисодий ва ижтимоий хукуқлари:

— мулкдор бўлиш хукуки (муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик чеклови белгиланиши орқали);

— меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш хукуқи (муайян фаолият билан шуғулланиш; маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз иш жойини ўзgartириш чеклови белгиланиши орқали).

Иккинчидан, маҳкумларнинг белгиланган чекловларга риоя этишини назорат қилиш механизмидаги муаммолар жазонинг жиноят-ижроия хукуқий жиҳати билан боғлиқ бўлиб, ушбу муаммолар озодликни чеклаш жазосининг жиноий жазо тизимида тутган ўрнига таъсир этиши мантиқ қоидаларига тўғри келмайди.

Учинчидан, озодликни чеклаш жазоси ҳам асосий ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши унинг жазо тизимида тутган ўрнига салбий таъсир қиласи, деган фикрлар Россия Федерацияси қонунчилигидан келиб чиқсан ҳолда билдирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига кўра озодликни чеклаш жазоси фақат асосий жазо сифатида қўлланилади.

Рус хукуқшунос олимлари А.В. Звонов ва О.В. Соколовалар озодликни чеклаш жазоси ҳам асосий ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши унинг жазо тизимида тутган ўрнига салбий таъсир қиласи, деган фикрларни рад этган ҳолда, жазо тизимида у ёки бу жазони ўрнини

аниқлашда, компенсация функциясини бажарадиган қўшимча жазо эмас, балки асосий жазо сифатида озодликни чеклашнинг хукуқий табиатини ҳисобга олиш кераклигини таъкидлашади[9].

Мазкур ҳолатда, А.В. Звонов ва О.В. Соколоваларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаб, юридик адабиётларда бир қатор муаллифлар томонидан озодликни чеклаш жазосининг жиноий жазо тизимида тутган ўрни тўғрилиги хусусида ҳам фикрлар билдирилган. Хусусан, Р.С. Зайнутдинов озодликни чеклаш жазосининг жазо тизимида ўрни тўғрилигига тўхталиб, у жиноят ҳамда жиноят-ижроия қонунчилиги қоидаларини таҳлил қилиб, озодликни чеклаш жазосини тайинлаш ва ижро этишда қонун чиқарувчи томонидан белгиланган жазонинг барча мақсадларига эриши мумкин, деган холосага келади[19]. Шунга ўхшаш фикрни А.А. Медведев ҳам билдириб, озодликни чеклаш жазосининг жазо тизимида ҳозирги турган ўрни адолатлилигини таъкидлайди[20].

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга холоса сифатида айтиш жоизки, қонун чиқарувчи томонидан республикамиз жиноят қонуни жазо тизимида озодликни чеклаш жазосининг ўрни тўғри белгиланган бўлиб, ушбу жазо тури учун қонунда назарда тутилган хукуқий тақиқлар (чекловлар) ва мажбуриятларнинг табиати, қўлами озодликни чеклашнинг нафақат жиноий жазо мақомини, балки жиноий жазо тизимида тутган ўрнини ҳам сақлаб қолиш учун етарлидир. Зоро, озодликни чеклаш жазоси тайинланганда шахс бир қатор конституциявий хукуқ ва эркинликларида жиддий чекловларга дош беришига тўғри келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://www.lex.uz/docs/3735818> (мурожаат қилингандан сана: 01.12.2021).

2. *Рустамбоев М.Х.* Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) умумий қисм / М. Рустамбоев. – Т., 2016. – Б. 336.
3. *Ходжалиев С.А.* Теория и практика ограничения свободы как вида наказания: Дис. ... канд. юрид. наук. – Грозный, 2019. – С. 55.
4. *Верина Г.* Ограничение свободы как вид уголовного наказания в свете законодательных новелл // Уголовное право.– 2010. – № 5. – С. 10.
5. *Тюшнякова О.В.* “Бессистемная” система уголовных наказаний // Юридическая наука и правоохранительная практика. – 2015. – № 4 (34). – С. 82.
6. *Шульга А.А.* Проблемы законодательной регламентации назначения и исполнения наказания в виде ограничения свободы // Ежемесячный научный журнал. Национальная ассоциация ученых (НАУ). – № 2 (7) / 2015. Часть 6. – С.133.
7. *Пермиловская Е. А.* К вопросу о месте ограничения свободы в современной системе уголовных наказаний // Вестник института: преступление, наказание, исправление. – 2017. – № 4 (40). – С. 49.
8. *Тарбагаев А. Н.* Проблемы эффективности системы наказаний в российском уголовном праве // Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. – 2014. – № 4. – С. 80.
9. *Звонов А.В., Соколова О.В.* О месте ограничения свободы в системе мер уголовно-правового воздействия // Уголовно-исполнительное право. – 2015. – № 4 (22). – С. 22, 20.
10. *Соколов И.В.* Ограничение свободы как вид уголовного наказания: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Уфа, 2012. – С. 10.
11. *Рахматулин З.Р.* Проблемы оптимизации законодательства, регламентирующего содержание уголовного наказания в виде ограничения свободы/ З.Р. Рахматулин // Эпоха науки. – 2016. – № 8. – С. 81–82.
12. *Парог А.И.* Уголовно-правовое воздействие: Монография / Коллектив авторов; под ред. А.И. Парог. – М., 2014. – С. 144.
13. *Рыжов Р. С.* Ограничение свободы и его место в системе уголовных наказаний // Человек: преступление и наказание. – 2010. – № 1 (68). – С. 83.
14. *Татауров О.С.* Ограничение свободы как новый вид наказания: уголовный аспект // Вестник Амурского государственного университета. – 2011. – Вып. 52: Сер. Гуманитар. науки. – С. 79.
15. *Гарбатович Д. А.* Проблемы эффективности уголовного наказания в виде ограничения свободы // Российская юстиция. – 2013. – № 8. – С. 33.
16. *Манна А.А.К., Ширализаде Э.С.* Сущность и содержание наказания в виде ограничения свободы. // Вестник РУДН. Научный журнал. Серия Юридические науки. – 2014. – № 3. – С. 90.
17. *Непомнящая Т.В.* Альтернативные виды наказаний: проблемы развития и совершенствования // Вестник Омского университета. Серия “Право”. – 2012. – № 3 (32). – С. 219.
18. *Грушин Ф.В., Лядов Э.В.* Ограничение свободы как уголовное наказание в России, Белоруссии и Казахстане // Юридический вестник ДГУ. Т. 35. – 2020. – № 3. – С. 141.
19. *Зайнутдинов Р.С.* Ограничение свободы: уголовно-правовые и уголовно-исполнительные аспекты // Вестник Кемеровского государственного университета. Т. 3. – 2014. – № 4 (60). – С. 282.
20. *Медведев А.А.* Ограничение свободы в системе уголовных наказаний: сравнение с исправительными и принудительными работами // Ведомости уголовно-исполнительной системы. – 2019. – № 3. – С. 26.

Б. А. Умирзаков,
ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарлар профилактикаси
ва криминология кафедраси катта ўқитувчиси,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ МИҚДОР ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолати, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, динамикаси, даражаси ва тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Украина, Озарбайжон, Қозогистон, Туркманистон, Белорусь, Бельгия, Финляндия, Швеция, Дания, Канада, Германия, Люксембург, Франция, Австрия, АҚШ, Швейцария, Италия, Венгрия, Греция, Словения, Болгария, Польша, Испания, Гонконг, Япония, Хорватия, Румыния, Португалия ва Хитой давлатларининг жиноятчилик даражаси, статистика маълумотлари, вояга етмаганлар жиноятчилигининг профилактикаси ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолати, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, динамикаси, даражаси ва тузилиши, статистика маълумотлари.

Аннотация. В статье рассматриваются состояние, количественные и качественные показатели, динамика, уровень и структура, характеристика преступности несовершеннолетних, статистические данные, состояние и профилактика преступности несовершеннолетних в ряде стран СНГ и зарубежных государств.

Ключевые слова: состояние преступности несовершеннолетних, количественные и качественные показатели, динамика, уровень и структура, статистические данные.

Annotation. The article examines the state, quantitative and qualitative indicators, dynamics, level and structure, characteristics of juvenile delinquency, statistical data, state and prevention of juvenile delinquency in a number of CIS and foreign countries.

Keywords: state of juvenile delinquency, quantitative and qualitative indicators, dynamics, level and structure, statistical data.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари бирбири билан узвий боғлиқдир. Агар уларнинг бири бутунлай ёки маълум бирқисми ўзгарса, албатта, иккинчисиники ҳам худди шундай бўлади. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари вояга етмаганлар жиноятчилигининг динамикаси, даражаси ва тузилиши орқали очиб берилади.

Баъзи адабиётларда юқоридагилардан ташқари, “жиноятчилик ҳолати” ибораси ҳам ишлатилади. И. И. Карпецнинг фикрига кўра, “Жиноятчилик ҳолати содир этилган жиноятлар ва уларни содир

этган шахслар миқдоридир” [1, 109-б.]. Ушбу фикрни маъқуллаш мумкин, чунки жиноятчиликнинг умумий ҳолатини содир этилган жиноятлар билан бир вақтда, уни содир этган шахслар ҳам ташкил этади. Бизнингча, жиноятчиликнинг ҳолати миқдор ва сифат кўрсаткичлари орқали аниқланади. Жиноятчиликнинг миқдор кўрсаткичлари жиноятчиликнинг динамикаси орқали очиб берилса, унинг сифат кўрсаткичларини эса жиноятчиликнинг даражаси ва тузилиши ташкил этади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг динамикаси, даражаси ва тузилишини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларига

тўхталадиган бўлсак, жиноятчилик динамикаси деганда, муайян давр (ой, йилнинг чораги, ярим йиллик, йиллик, беш йиллик, ўн йиллик, йигирма йиллик ва ҳ.к.) оралиғида умуман жиноятчилик ҳамда унинг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши ёки камайиши тушунилади.

Кўйида вояга етмаганлар жиноятчиликининг динамикасини вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳамда вояга етмаган жиноят содир этган шахслар кесимида таҳлил этамиз.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг динамикаси вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 4,7 %га, 2017 йилда 16,1 %га, 2018 йилда 35,5 %га, 2019 йилда 20,0 %га камайганлигини кўрсатади. Бунда вояга етмаганлар жиноятчилиги динамикасининг пасаяётганлигини кўрамиз. Энг ижобий кўрсаткич вояга етмаганлар жиноятчилигининг динамикасида 2018 йилга тўғри келмоқда. Чунки 2017 йилга нисбатан 2018 йилда вояга етмаганлар жинояти 35,5 %га камайган. Аммо 2019 йилга нисбатан 2020 йилда вояга етмаганлар жинояти 53,5 %га ортган [12].

Охирги беш йил оралиғида вояга етмаганлар жиноятчилиги 58,70%га камайган. Аммо 2020 йилда вояга етмаганлар жиноятчилиги 2019 йилга нисбатан 53,5 %га ўсган. Бу ҳолат ўтган йилларда вояга етмаганлар жиноятчилигида латентли даражаси юқори бўлганлигидан далолат беради. Латентли даражаси ортгани сайин, вояга етмаганлар жиноятчилигига оид маълумотларнинг аниқлик даражаси пасаяди. Бу эса вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишни режалаштириш, унинг олдини олиш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Вояга етмаган жиноят содир этган шахслар динамикасида вояга етмаган жиноят содир этган шахсларнинг 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 9,02%га,

2017 йилда 16,13%га, 2018 йилда 36,31%га, 2019 йилда 25,64%га камайганлигини кўрамиз. Бу вояга етмаган жиноят содир этган шахсларнинг динамикасининг пасаяётганлигини кўрсатади. Энг ижобий кўрсаткич бунда ҳам 2018 йилга тўғри келмоқда. Негаки, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда вояга етмаган жиноятчилар миқдори 36,31 %га камайган. 2019 йилга нисбатан 2020 йилда вояга етмаган жиноятчилар миқдори 56,0 %га [12] ортганлигини кўриш мумкин.

2015 йилга нисбатан 2019 йилда вояга етмаган жиноят содир этган шахслар сони 63,86%га камайган. Бу, албатта, вояга етмаганлар жиноятчилигининг 2015–2019 йиллар динамикасида ижобий ўзгаришлар борлигини билдиради [12]. Аммо 2019 йилга нисбатан 2020 йилда вояга етмаган жиноятчилар миқдори 56,0 %га ошган.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, вояга етмаганлар жиноятчилигини динамикасида содир этилган жиноятлар ҳамда вояга етмаган жиноят содир этган шахслар кесимида ҳам охирги беш йилликда (2015–2019) камайиш кузатилган. 2020 йилнинг якуни бўйича вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг динамикасида (2019 йилга нисбатан 56,0 %) кескин ўсиш бўлган. Бу эса вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш ва уни олдини олишда бир қанча муаммолар борлигини билдиради.

Жиноятчилик даражасини ўрганиш жиноятчиликка қарши курашиш, унга тўғри баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади.

“Жиноятчилик даражаси деганда, мамлакат ёки унинг маъмурий-худудий бирлигига, маълум даврда содир этилган жиноятлар ёки уларни содир этган шахслар мутлак миқдорининг ўша худудда яшовчи аҳолининг айрим қисмига нисбатан олинган миқдори тушунилади. Жиноятчилик даражаси нисбий миқдорда кўрсатилади. Бунда ҳар минг ёки ўн минг

ёхуд юз минг кишига нечта жиноят ёки жиноятчи тўғри келиши аниқланади. Жаҳон криминология амалиётида юз минг кишига нечта жиноят ёки жиноятчи тўғри келишини аниқлаш умумэътироф этилган. Бироқ жиноятчилик даражасини аниқлашда аҳолининг қанча қисмига нисбатан олиш масаласи таҳлил қилинаётган худуд (муайян республика, вилоят, туман, шаҳар, маҳалла)да яшовчи аҳолининг умумий миқдорига қараб ўзгариши мумкин” [5, 63-64.].

Г.А. Аванесов шундай деб ёзади: “Жиноятчилик даражаси – муайян худудда содир этилган жиноятлар миқдоридан келиб чиқиб, шу худудда яшайдиган аҳоли сонига нисбатан ҳисобланади” [3, 459-б.]. Дарҳақиқат, даракта кўрсаткичлари факат нисбий рақамларда ифодаланади. Жиноятчилик даражасини янада аниқлаштириш учун бутун аҳолини эмас, балки амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ жиноят учун жавобгарлик ёшига етганларгина ҳисобга олиниши зарур. Албатта, биз ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражасига аниқлик киритамиз.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси муайян худуд ё жойда, давр ёки вақтда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар миқдоридан келиб чиқади ҳамда ўша худуд ёинки жойда яшайдиган аҳолининг вояга етмаган (жиноий жавобгарлик ёшига етган) қисмининг сонига нисбатан ҳисобланади, шунингдек, юз минг кишига нечта жиноят ёки жиноятчи тўғри келиши аниқланади. Алоҳида эътиборга олинадиган жиҳати шундан иборатки, вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражаси 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган қисмига нисбатан олиниши лозим, чунки бу аҳолининг айнан шу ёшгача бўлган шахслари томонидан содир этилган жиноятлар йифиндисидан иборат бўлади.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси қўйидаги формула асосида аниқланади:

2019 йилда Ўзбекистон аҳолиси 33 миллион 255 минг 538 нафар бўлган. Шундан 2 миллион 557 минг 146 нафари (7,7 %)ни 14–18 ёшдаги шахслар ташкил этган. 2019 йилда вояга етмаган (14–18 ёшдаги) лар томонидан 739 та жиноят содир этилган бўлса вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражасини аниқлашда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятни 100 минга кўпайтириб, 2 миллион 557 минг 146 га бўламиз, шунда вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражаси келиб чиқади:

Ўзбекистонда 2019 йилда 100 минг аҳолига 28,9 та вояга етмаганлар жинояти тўғри келмоқда.

Таққослаш учун 2018 йилда 32 миллион 656 минг 660 нафар аҳоли бўладиган бўлса, шундан 2 миллион 593 минг 34 нафари (7,9 %)ни 14–18 ёшдаги шахслар ташкил этган. 2018 йилда вояга етмаган (14–18 ёшдаги)лар томонидан 923 та жиноят содир этилган, бу эса 100 минг аҳолига 35,6 та жиноят тўғри келган.

Тадқиқотлар 2018 йилга нисбатан 2019 йилда вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражаси анча яхшиланганлигини кўрсатади.

2020 йилда вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражаси 44,3 тага [12] тўғри келиб, 2020 йилда вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражасида салбий ўзгаришлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Жиноятчилик, энг аввало, ижтимоий ҳодиса бўлгани учун унинг миқдор ва сифат ҳусусиятлари, динамикаси ва тузилишидаги ўзгаришларнинг туб сабаблари жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, тарихий, жуғрофий-сиёсий ва демографик жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ [6, 14-б.].

Жиноятлар статистикасига кўра, Ўзбекистонда 1990 йилгача жиноят содир этган вояга етмаган шахслар ҳар беш йилда ўрта ҳисобда 4–8% га ўсиб борган. 1991 йилдан бу тенденция сезиларли

даражада ўзгарди. 1995–1996 йилларда рўйхатга олинган вояга етмаганлар 8% ни ташкил этди. Таққослаш учун бу кўрсаткич Россия Федерациясида 20%, Украинада – 16,8%, Озарбайжонда – 18,1, Қозоғистонда – 14,9%, Туркманистанда – 9%, Белоруссияда – 9,8%ни ташкил этган [7, 558-б.]. 2019 йилда эса Ўзбекистонда рўйхатга олинган жами жиноятларда вояга етмаганларнинг ҳиссаси 1,6 %ни ташкил этди [12]. Бундан кўриниб турибдики, республикамизда амалга оширилиб келинаётган бу соҳадаги ислоҳотлар ўз самарасини бериб, жиноятчиликда вояга етмаганларнинг ҳиссаси беш барорбарга камайганлигини кўришимиз мумкин.

В. В. Лунеев 1994 йил жаҳоннинг турли мамлакатларида рўйхатга олинган жиноятчилик даражасига (ҳар 100 минг аҳолига нисбатан) оид қуидаги маълумотларни келтиради:

Бельгияда – 58330,9 та; Финляндияда – 14798,6 та; Швецияда – 12620,3 та; Данияда – 10524,6 та; Канадада – 10351,6 та; Германияда – 8037,7 та; Люксембургда – 7383,8 та; Францияда – 6782,7 та; Австрияда – 6313,8 та; АҚШда – 5374,4 та; Швейцарияда – 5168,4% та; Италияда – 3828,0 та; Венгрияда – 3789,2 та; Грецияда – 2956,3 та; Словенияда – 2572,1 та; Болгарияда – 2522,4 та; Польшада – 2351,0 та; Испанияда – 2286,6 та; Россияда – 1778,9 та; Гонконгда – 1448,6 та; Японияда – 1490,3 та; Хорватияда – 1334,4 та; Румынияда – 1039,0 та; Португалияда – 988,8 та; Хитойда – 127,7 тани ташкил этади [4, 21-б.].

Ироқлик олим М. Раишахрий келтирган маълумотларига кўра, бир йилда (1989) Ер юзида рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий миқдори 500 миллионга етган. Агар шу суръат сақланиб қолса, XXI асрнинг биринчи ярмида бу ракам миллиарддан ошиб кетиши мумкин [2, 20-б.]. В. Лунеев маълумотларига кўра, охирги 25 йил ичida жаҳонда жиноятчилик ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 4 баравар кўпайган [2, 20-б.].

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг тузилиши вояга етмаганлар томонидан содир этилган барча жиноятларнинг турларига ажратилган мажмуудир. Шунингдек, жиноятчилик тузилишини оғирлик даражаси (ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир) орқали ҳам фарқлаш мумкин. Бу, албатта, жиноятчилик тузилишини янада аниқлаштиришга хизмат қиласди.

Жиноятчиликнинг тузилиши жиноятхуқуқий белгилари ва бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам ажратилиши мумкин. Мисол учун, Ўзбекситон Республикаси ЖК Махсус қисми боблари ёки моддалари, айб шакллари, жазонинг хусусияти, иштирокчилик шакли, такрорийлик белгиси ва субъектнинг ўзига хос хусусиятларига кўра (масалан: вояга етмаганлик) [10, 26-б.].

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг тузилишини аниқлашда статистика маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда умумий жиноятчиликнинг тузилиши бўйича статистик маълумотлар юритилиб борилади, бироқ вояга етмаганлар жиноятчилигининг тузилиши борасида статистик маълумотлар юритилмайди. Бу мазкур жиноятчилик тузилишини аниқлаш, унга қарши курашишни режалаштириш, олдини олиш чораларининг самарадорлигини ошириш ва баҳо беришда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Келгусида жиноятчилик статистикасини шакллантирадиган давлат органларига ўрганилаётган жиноятчиликнинг тузилиши бўйича статистика маълумотларини киритиб боришини таклиф этамиз. Ушбу маълумотлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлаш ва самарали профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишига хизмат қиласди.

Биз вояга етмаганлар жиноятчилигининг тузилишини аниқлашда тадқиқот доирасида ўрганилган 125 та вояга етмаганлар томонидан содир

этилган жиноят ишлари ҳамда тарбия колониясида тарбияланаётган 50 дан ортиқ тарбияланувчилар орасида ўтказилган анкета сўров натижаларини умумлаштириш орқали аниқлик киритдик.

Вояга етмаганлар ва улар иштироқида содир этилган 125 тажиноятиши [13] ҳамда тарбия колониясида тарбияланаётган 50 дан ортиқ тарбияланувчилардан олингандан анкета сўровлар ўрганилганда, 201 нафар вояга етмаган томонидан 188 та жиноят содир этилганлиги аниқланди. Улар томонидан ўғирлик 118 та, босқинчилик 14 та, фирибгарлик 8 та, талончилик 12 та, қасддан баданга шикаст етказиш (2 та енгил, 11 таси оғир) 13 та, безорилик 9 та, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш 2 та, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш 1 та, хужжатлар, штамплар, мухрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш 2 та, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш 1 та, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш 5 та, ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш 2 та, зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш 1 та содир этилганлиги маълум бўлди.

Ушбу жиноявларнинг 62,8% ўғирлик, 7,4% босқинчилик, 6,9% қасддан баданга шкаст етказиш, 6,4% талончилик, 4,8% безорилик, 4,2% фирибгарлик, 2,6% транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, 4,9% бошқа жиноявларга тўғри келмоқда. Жиноявларнинг 80,8% ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш ташкил этмоқда.

Айборларнинг 48 таси такроран жиноят содир этган. Такроран жиноят-

ларнинг барчаси ўғил болалар томонидан содир этилган ўғирлик ҳисобланади. 67 та ҳолатда гуруҳ таркибида жиноявлар содир этилган, барча айборларнинг 33,4% гуруҳ таркибида жиноявлар содир этган, уларнинг барчаси ўғил болалардир. Шундан, 45 та (67,2%) ўғирлик, 8 та (11,9%) босқинчилик, 5 та (7,5%) қасддан баданга шкаст етказиш, 5 та (7,4%) талончилик, 2 та (2,9%) ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш, 1 та (1,5%) безорилик, 1 та (1,5%) хужжатлар, штамплар, мухрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жиноявлари гуруҳ таркибида содир этилган. Гуруҳ таркибида содир этилган жиноявларнинг энг кўпи 38,1 % ўғирлик жиноятига тўғри келмоқда.

2017 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жами жиноявларнинг 54,4% ўғирлик, 5,5% безорилик, 5,2% талончилик, 3,1% баданга оғир шикаст етказиш, 2,9% босқинчилик, 2,1% фирибгарлик ва қолган 26,6% бошқа жиноявлар ташкил этган [11]. Юқоридагилардан кўриниб турибдик, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жами жиноявларнинг 64,7%ни ўғирлик, босқинчилик, талончилик, фирибгарлик жиноявлари ташкил этади.

Ушбу таҳлиллардан вояга етмаганлар жинояччилигининг тузилишида ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноявлари, унинг таркибида ўғирлик катта қисмини ташкил этмоқда, шунингдек, такрорий ва гуруҳ таркибида жиноят содир этилиши ҳам анча кўп.

2019 йилда жиноят содир этган вояга етмаганларнинг 64,4%ни мактаб, 20,4%ни коллеж ва академик лицей ўқувчилари, 7,3%ни ишлайдиганлар ва қолган 7,9 %ни ўюшмаган (ўқимайдиган, ишламайдиган)лар ташкил этган [12].

Адабиётларда жинояччилик қўйидаги:
1) расмий ҳисобга олингандигига;
2) худудий миёсига; 3) жинояччининг жинсига; 4) жинояччининг ёшига;

5) жиноятчининг касбига; 6) жиноятчининг фуқаролигига; 7) содир этилган жойига; 8) содир этилган соҳасига; 9) тажовуз йўналишига; 10) бошқа мезонларга кўра [5, 60-62.] турларга ажратилганлиги таъкидланган.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳудудий тақсимланишини ўрганиш криминологик аҳамиятга молик бир қанча тенденцияларни намоён этди. Статистик кузатиш билан қамраб олинган республика ва унинг вилоятлари ўртасида жиноятчилик даражасида жиддий миқдорий тафовутлар мавжудлиги аниқланди.

Вояга етмаганлар жиноий фаоллигининг энг катта даражаси сўнгги беш (2015–2019) йилда Тошкент вилояти (16,5%), Тошкент шаҳри (15,2%), Фарғона (15,0%), Самарқанд (8,6%), Наманган (8,3%), Андижон (6,9%), Кашқадарё (5,6%) ва Сурхондарё (5,6%) вилоятларида, шунингдек энг паст кўрсаткичлар – Навоий (2,1%), Жиззах (2,5%), Сирдарё (2,7%), Хоразм (2,9%), Бухоро (4,4%) вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикаси (3,4%) да кузатилмоқда.

Умумий жиноятчиликда вояга етмаганларнинг ҳиссаси 2015 йилда 2,4 %, 2016 йилда 2,2 %, 2017 йилда 2,1 %, 2018 йилда 2,1 %, 2019 йилда 1,9 %, 2020 йилда 2,6 %ни ташкил этган [13]. Ушбу таҳлилдан кўриниб турибдики, умумий жиноятчиликдаги вояга етмаганларнинг улуши яхши эмас. Чунки биз юқорида вояга етмаганлар жиноятчилигининг динамикасини таҳлил қилганимизда энг яхши кўрсаткич бу 2018 йилга тўғри келган эди. Яъни 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 35,5 %га камайган, бироқ вояга етмаган шахснинг умумий жиноятчиликдаги содир этганларнинг улуши 2017 йилда ҳам 2,1%, 2018 йилда ҳам 2,1%ни ташкил этмоқда. Умумий жиноятчиликдаги вояга етмаганларнинг улуши 2020 йилда энг юқори кўрсаткичга тўғри келмоқда.

Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, вояга етмаганлар жиноятчилиги умумий жиноятчиликдаги ҳиссаси эса деярли ўзгаришсиз қолмоқда ҳатто айрим вақтларда ўсиш кузатилмоқда. Бу эса бу соҳада олиб борилаётган профилактик ишларнинг етарли эмаслигини англаатади.

Жиноятчилик миқдор ва сифат кўрсаткичларининг тўғри ва чуқур тадқиқ этилиши жиноятчиликнинг ҳақиқий ҳолати ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш ва ҳудудлардаги криминоген вазияти ҳақида маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Аммо баъзи ҳолатларда амалиётда ҳудудлар кесимида жиноятчиликнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг нотўғри ҳисоб-китоб қилинаётганлиги, хусусан, муайян бир ҳудудда ўтган йили 1 та кейинги йилда 2 та жиноят содир этилганида, жиноятчилик 100 %га ошган, дея криминоген вазияти оғир ҳудудга киритилаётганлиги, бошқа бир ҳудудда ўтган йили 100 та кейинги йилда 50 та жиноят содир этилганида, жиноятчилик 50 %га камайган, деб баҳоланиб, криминоген вазияти оғир ҳудудлар қаторига киритилмаётганлиги асосланган. Бундай ҳолат, ҳудудлардаги криминоген вазиятга тўғри баҳо бериш, жиноятчиликка қарши курашиш учун куч ва воситаларни тақсимлашга нисбатан нотўғри ёндашув шаклланганлигини кўрсатади.

Худди шундай ҳолат вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлашда ҳам кузатилмоқда. Юқоридаги сингари ҳатоларни бартараф этиш учун қўйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган: 1) ҳудудда содир этилган жиноятларнинг умумий сонидан келиб чиқиб, ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг (жиноий жавобгарлик ёшига етган) сонига нисбатан минг, ўн минг ва юз минг кишига нечта жиноят ёки жиноятчи тўғри келиши аниқланиши лозим; 2) вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси аҳолининг 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган қисмига

нисбатан олиниши керак; 3) содир этилган умумий жиноятчиликнинг таркибида оғир, ўта оғир, мулкка қарши, гуруҳ таркибида ва бошқа жиноят турларининг улуши аниқланиши зарур. Юқоридаги тавсияларга амал қилиниши ҳудуддаги криминоген вазиятга тўғри баҳо берилиши, жиноятчиликка қарши курашиш учун куч ва воситаларни мақсадга мувофиқ тақсимланиши ҳамда жалб этилишига хизмат қиласди.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгаришига вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлари ва профилактик ҳисобда турганликлари ҳам таъсир этади.

Тошкент шаҳар ИИБдан олинган маълумотларга асосан вояга етмаганларнинг 2014–2018 йиллардаги ҳуқуқбузарликларига оид статистикага эътибор берилса, 2014 йилдан 2018 йилгача профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар сони 2014, 2016, 2017 ва 2018 йилларда сезиларли даражада пасайланлигини кўришимиз мумкин. 2015 йилда (+4,8 %)га ўсган ва бошқа йилларга нисбатан энг кўп вояга етмаганлар профилактик ҳисобга олинган.

Уларнинг тоифаларига назар ташласак, ҳисобга олинган вояга етмаган шахслар орасида мактаб ўқувчилари салмоқли ўринни эгаллаб, 2015 йилда (+15,0 %)га ва 2018 йилда (+3,2 %)га ўсганлигини қолган даврларда эса уларнинг кўрсаткичи пасайланлиги маълум бўлди.

Профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганларнинг ёши таҳлил қилинганда 7 ёшдан 14 ёшгacha бўлган шахслар 2014 йилда (+38,4 %)га, 2016 йилда (+4,4 %)га, 14 ёшдан 16 ёшгacha 2014 йилда (+9,7 %)га, 2015 йилда (+15,0 %)га ва 16 ёшдан 18 ёшгacha 2015 йилда (+1,3 %)га, 2018 йилда (+11,8 %)га ошганлигини кўрсатмоқда. Колган даврда ушбу ёшга оид кўрсаткич пасайланлиги аниқланди, аммо 14 ёшдан 18 ёшгacha бўлган вояга

етмаган шахслар профилактик ҳисобга олинганларга нисбатан қўплиги билан ажралиб туради.

Профилактик ҳисобда турган вояга етмаганларнинг таҳлили мактаб ўқувчиларини профилактик ҳисобга олиш йилдан йилга қўпайиб бораётганлиги ва бу 2017 йилдан 2018 йилга нисбатан 13,5 %га ошганлигини кўрсатади. Бу эса мактаб ўқувчилари томонидан ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир қилганлиги учун профилактик ҳисобга олиш даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганлар орасида қизларнинг сони кўпайиб бормоқда. Улар 2014 йилда 22,1 %ни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 26,7 %гача кўтарилиган. Бу эса қиз болалар орасида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

2014 йилда профилактик ҳисобда бўлган вояга етмаганларнинг 49,7 % маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги, 33,3 % жиноят содир қилганлиги, 14,6 % оиласидан, ихтисослаштирилган ўқуттарбия муассасасидан ўзбошимчалик билан мунтазам равишда кетганлар 1,6 % заҳарли ёки гиёхвандлик моддаларини, 0,6 % спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги учун профилактик ҳисобга олинган.

2018 йилда эса 50,8 % маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги, 34,2 % жиноят содир қилганлиги, 12,6 % оиласидан, ихтисослаштирилган ўқуттарбия муассасасидан ўзбошимчалик билан мунтазам равишда кетганлар ва бошқа сабаблар, 1,9 % заҳарли ва гиёхвандлик моддаларини истеъмол қилганлиги, 0,3 % спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги учун профилактик ҳисобга олинган.

Энг кўп вояга етмаганлар маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этганлиги учун профилактик ҳисобга олинган, шунингдек, ўрганиш давомида йилдан йилга маъмурий ҳуқуқбузарлик

содир этган вояга етмаганларнинг сони камайиб бораётган бўлсада, лекин бошқа тоифаларга нисбатан фоизи ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Мисол учун, 2014 йилда ҳуқуқбузарлик учун профилактик ҳисобга олинганлар 49,7 % ташкил қиласа, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич 63,9 % ўси. Бу эса профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганларнинг яримидан кўпи маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қиласа ниги кўрсатади.

2014–2018 йилларда Тошкент шаҳарида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар статистикасини ўрганиш айrim йилларда муайян жиноятларнинг ошганлиги ва айримларини йилдан йилга пасайганлигини кўрсатади.

Масалан, қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-м.) 2014 йилда 66,7 %, 2016 йилда 75,0 % ва 2017 йилда 20,0 %; қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-м.) 2015 йилда 50,0 %, 2017 йилда 14,3 %; номусга тегиши (ЖК 118-м) 2016 йилда 40,0 %; босқинчилик (ЖК 164-м.) 2015 йилда 22,0 %, 2017 йилда 70,6 % ва ўғирлик (ЖК 169-м.) 2017 йилда 2,6 %; гиёхвандлик воситаларининг гайриқонуний муомаласи 2015 йилда 22,3 %, 2017 йилда 30,0 % ошган.

Ушбу йилларда Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар томонидан содир этилган ўғрилик ва безорилик бошқа турдаги жиноятларга нисбатан кўп содир этилган.

Тошкент шаҳрида умумий жиноятчиликнинг ўғрилик 36,4 %–50,0 %; безорилик 27,0 %–18,3 %; талончилик 10,0 %–6,6 %; бошқа жиноятлар 16,6 %–11,0 % ташкил қиласа.

Юқоридаги таҳлиллар вояга етмаганлар томонидан ўғрилик, безорилик, талончилик, босқинчилик нисбатан кўп содир этилганлигини кўрсатади.

Тошкент шаҳрида 2014 йилга нисбатан 2018 йилда вояга етмаганлар жиноятчилиги 73,8 %га камайган. Ўрганилган барча тоифаларнинг жиноят содир этиш ҳолати пасайган бўлса-да, аммо улар

орасида касб-хунар коллежи ва мактаб ўқувчилари, уюшмаган (ўқимайдиган ва ишламайдиган) вояга етмаганларнинг салмоғи бошқа тоифаларга нисбатан юқорилиги билан ажралиб турибди.

Таҳлиллар профилактик ҳисобда турган муқаддам судланган вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари, 2014 йилда 5,0 %, 2015 йилда 20,0 % ошганлигини, қолган йилларда уларнинг улуши камайиб, 2018 йилда эса муқаддам судланган вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилмаганлигидан далолат беради.

Статистик маълумотларнинг таҳлилига асосланиб, айтиш мумкинки, сўнгги 5 йилда вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор кўрсаткичлари пасайган бўлсада, оғир, ўта оғир жиноятлар миқдори сезиларли даражада камаймаган.

Криминологлар: вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси билан минтақани тавсифловчи вояга етмаганлар умумий сони ва улуши; ишламайдиган ва ўқимайдиган меҳнатга лаёқатли вояга етмаганлар улуши; судланганлар, майший ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар (алкоголли ичимликларни сунистеъмол қилувчилар, безорилар ва ҳ.к.) улуши; ҳар хил тиббий рўйхатларда турувчи шахслар (алкоголизм, гиёхвандликка чалинганлар, руҳий касаллар ва б.к.) улуши каби кўрсаткичлар ўртасида изчил боғланиш мавжудлигини аниқлаганлар [8, 379-б].

Биз олиб борган тадқиқотлар вояга етмаганлар жиноятчилигидаги минтақавий фарқлар ва бузилган оиласлар ўртасида ҳам узвий алоқа мавжудлигини кўрсатди. Айни шу кўрсаткичга кўра, вояга етмаганлар жиноятчилигининг энг кам ва катта даражаси қайд этилган минтақалар билан ажрашган эр-хотинлар сонига кўра, ўхшаш минтақаларнинг деярли тўлиқ мос келиши кузатилди [9]. Бу вояга етмаганлар билан тарбиявий профилактик ишларнинг устувор

йўналишларини белгилашда оиласдаги бекарорликка бош мезон сифатида қараш кераклигини кўрсатади.

Вояга етмаган жиноятчиларнинг шахсий хусусиятлари ҳам диққатга сазовор. Мазкур тоифага мансуб жиноятчилар орасида доимий даромад манбаига эга бўлмаган (ишламайдиган ва ўқимайдиган), яъни уюшмаганлар кўпчиликни ташкил этишини тадқиқотчилар қайд этадилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, вояга етмаганлар жиноятчилигида умумий динамикаси ва даражасида 2015 йилдан 2019 йилгача пасайиши мавжуд, бироқ 2020 йилда ўсиш кузатилмоқда, шунингдек, тузилишида оғир, ўта оғир, мулкка қарши, гурух таркибида содир этилган жиноятлар миқдори камаймаган. Демак, вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичидаги салбий ўзгаришлар мавжуд.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Карпец И. И.* Проблема преступности. – М., 1969. – 109 с.
2. *Иншаков С. М.* Криминология. – М., 2000. – С. 20.
3. *Аванесов Г. А.* Криминология и социальная профилактика. – М., 1980. – С. 459.
4. *Лунеев В. В.* Преступность XX века. Мировые, региональные и российские тенденции. Предисловие академика Российской академии наук В. Н. Кудрявцева. – М., 1999. – С 21.
5. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов / Масъул мухаррир Ш.Т. Икрамов. – Т., 2015. – 272 б.
6. *Абдурасулова Қ. Р.* Аёллар жиноятчилигининг жиноят хукукий ва криминологик муаммолари. Монография / Масъул мухаррир: юрид. фан.д-ри. проф. М.Х.Рустамбоев. – Т., 2005. – Б. 14.
7. Криминология. – М., 2009. – С. 558.
8. Криминология. – Алматы, 2008. – С. 379.
9. Опыт длящегося криминологического изучения личности во взаимодействии с социальной средой. – М., 1992., *Жигарев Е.С.* Административная ответственность несовершеннолетних: понятие, виды и её профилактика. – М., 1992.
10. *Абдурасулова Қ.Р.* Криминология: Дарслик / Масъул мухаррир: юрид. фан. д-ри. проф. М.Х. Рустамбоев. – Т., 2008. – 26 б.
16. *Бобожонов П.Р.* Халқ давлатдан рози бўлиши кўп жиҳатдан фидойилигимизга боғлиқ ва биз бу мақсадга албатта эришамиз://<http://uza.uz> (18.02.2018й.).
10. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот-таҳлил марказининг 2019 йилдаги статистик маълумотлари.
11. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот-таҳлил марказининг 2015–2019 йиллардаги статистика маълумотлари.
12. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>.
13. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бухоро вилояти ИИБ ҳамда Тошент шахри Юнусобод туман жиноят ишлари судининг хукмлари архивидан 2018–2020 йиллар.

МАҲҚУМЛАРНИНГ ЖАЗО ЎТАШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ УЧУН ФУҚАРОСИ БЎЛГАН ДАВЛАТГА ТОПШИРИШ АСОС ВА ШАРТЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада жазо ўташни давом эттириш учун фуқароси бўлган давлатга маҳкумни топшириш бўйича халқаро ҳамкорлик асос ва шартлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан мазкур асос ва шартларнинг халқаро хукуқ, халқаро жиноят хукуқи ҳамда миллий хукуқ нормалари билан боғлиқ жихатлари кенг ёритилган бўлиб, бу борада турли хукукшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари келтирилган. Таҳлил натижасида, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, маҳкумларни топшириш шартлари таснифланган.

Таянч сўзлар: халқаро ҳамкорлик, топшириш асослари, топшириш шартлари, экстрадиция, маҳкумни топшириш.

Аннотация. В данной статье проанализированы основания и условия передачи лиц, осужденных для отбывания наказания, в государство, гражданами которого они являются. Автором раскрывается взаимосвязь оснований и условий международного сотрудничества по уголовным делам с нормами международного права, международного уголовного права и национального права. Приведены мнения учёных-правоведов по данным вопросам.

Ключевые слова: международное сотрудничество, основания передачи, условия передачи, экстрадиция, передача осужденных.

Annotation. In this article is analyzed the basics and conditions of transfer of prisoners to serve their sentences in the States of their nationality. The author reveals the relationship of the conditions of transfer of prisoners to serve their sentences in the States of their nationality with the norms of international law, international criminal law and national law. Also, it's given the opinions and reasoning of jurists on these issues. As a result of this analysis, the conditions of transfer of prisoners are classified.

Keywords: international cooperation, basics of transferring, conditions of transferring, extradition, transfer of prisoners.

Мамлакатимизнинг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига, маҳкумни топшириш учун хуқуқий асос ва шартлари белгиланмаган. Мазкур жараён фақат халқаро шартнома ёки давлатларнинг ваколатли органларининг ўзаролик принципи асосидаги ёзма келишувларда ўз ақсини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Туркманистон Республикаси билан “Озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисида”ги шартномаси мавжуд бўлиб, шартноманинг З-моддасига кўра,

маҳкумнинг (қонуний вакили) ёки унинг яқин қариндошларининг Аҳдлашувчи томонлардан ҳар бирининг марказий органига юборган аризаси маҳкумни топшириш тартибини қўзгатиш учун асос бўлиб хизмат қилиши белгиланган.

Юридик адабиётларда маҳкумларни топшириш асос ва шартларини аниқлашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Мисол учун, А.И. Бойцов маҳкумларни топширишнинг меъёрий ва фактик асосларини аниқлайди[1]. Бунда, давлатнинг имзолаган халқаро шартномаси ва ўзаролик принципига асосланган давлатларнинг ёзма келишуви мавжудлиги

ҳамда маҳкумларни топшириш халқаро хуқуқ нормаларини ҳисобга олган ҳолда, давлатлараро муносабатлар шаклида амалга оширилишини таъкидлайди. Башқа олимлар эса тегишли давлат органларининг тақдимномаси, хорижий давлатнинг ваколатли органларининг сўрови, шунингдек, маҳкумнинг ўзини (унинг қонуний вакили) уни топшириш тўғрисидаги масалани суд томонидан кўриб чиқиш учун берган илтимосномаси асосида амалга оширилиши керак, деб тушунилади [2].

Бундай илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳам ҳукм чиқарувчи, ҳам жазони ижро этувчи давлат ваколатли органларига оғзаки ёки ёзма шаклда берилиши мумкин. Маҳкумга ушбу хуқуқ унинг топширилишининг хуқуқий оқибатлари кўрсатилган ҳолда тушунтирилиши шарт [3].

Маҳкумларни топшириш соҳасидаги халқаро шартномаларда шундай талаб мавжудки, унга кўра, суд маҳкумнинг топшириш тўғрисидаги аризасини қаноатлантирганда фуқаролиги ёки доимий яшаш жойидаги давлатнинг консуллик муассасалари, қонуний вакили ва адвокати, яқин қариндошларини ёзма равища хабардор қилиши шарт [4].

МДҲ доирасида қабул қилинган “Маҳкумларни топшириш тўғрисида”ги конвенциянинг ижобий томони шундаки, давлат ваколатли органлари жавобининг аниқ муддатларини белгиловчи нормалар мавжудлигидадир. Демак, маҳкумни фуқаролиги мавжуд бўлган давлатга топшириш тўғрисидаги сўровни қабул қилган ваколатли орган зарур хужжатлар олинган кундан бошлаб 40 кундан ортиқ бўлмаган муддатда розилик бериши ёки рад этиши ёинки ваколатли орган ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги қарор ҳақида сўраклаётган давлатни бир ой муддатда хабардор қилиши шарт.

В. М. Волженкинанинг фикрича, ратификация қилинган халқаро шартнома маҳкумларни топшириш соҳасида давлатлар ўртасида халқаро

ҳамкорликни ривожлантиришнинг хуқуқий асослари учун зарурдир, халқаро шартнома бўлмаса, давлатлар бундай топширишнинг концептуал шартлари бўйича ўзаро келишишлари керак [5].

Хуллас, жазо ўташни давом эттириш, маҳкумни топшириш учун иш қўзғатишига асос сифатида қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш керак:

маҳкум (қонуний вакили) ёки яқин қариндошларининг топшириш тўғрисидаги илтимосномаси;

топширилиши сўраклаётган давлат билан икки ёки кўп томонлама шартноманинг мавжудлиги;

ўзаролик принципининг аниқ механизми мавжудлиги ва бошқ.

Мазкур белгиланган асосларга таянган ҳолда маҳкумларни топшириш тартиби бир қанча шартлар асосида амалга оширилиши талаб этилади.

Маҳкумларнинг топшириш тўғрисидаги халқаро, хусусан, универсал шартномалардан БМТ Намунавий шартномаси, минтақавий доирада 1983 йилги Маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Европа конвенцияси ҳамда МДҲ доирасида қабул қилинган “Маҳкумларни топшириш тўғрисида”ги конвенцияси ва Ўзбекистоннинг давлатлар билан имзолаган икки томонлама шартномаларида умумий шаклда қуйидаги шартлар асосида амалга оширилиши кераклиги белгилаб қўйилган:

1) маҳкум томонидан содир этилган қилмиш маҳкумнинг фуқаролиги ёки доимий яшаш жойидаги давлат қонунларига мувофиқ жиноят деб топилиши ҳамда суд ҳукми қонуний кучга кирган бўлишлiği;

2) маҳкумнинг ёки қонуний вакилининг ёзма шаклда ифодаланган топширишга розилиги мавжудлиги;

3) хорижий давлат суд ҳукмини тан олишлiği;

4) маҳкумнинг жазо ўташни истаган давлат фуқаролиги ёки доимий яшаш жойи мавжудлиги;

5) давлат ваколатли органлари томонидан топшириш шартлари келишиб олинган бўлишлиги;

6) топшириш тўғрисидаги илтимоснома олинган вақтда ўталмаган жазо муддати камида олти ойни ташкил этиши [6];

7) топширишнинг барча босқичларида маҳкумларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминланиши.

Ҳар бир шартни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1. Маҳкум томонидан содир этилган жиноят ҳукм чиқарган давлат ҳамда ҳукмни ижро этувчи давлат қонунларига мувофиқ жиноят деб тан олиниши керак. Давлатнинг жиноят қонунчилигига тегишли қоида бўлмаса, хуқуқбузарлик жиноят деб тан олиниши мумкин эмас [7]. Бундан ташқари, агар шахс жиноий жавобгарлик ёшига етмаган бўлса, жиноят таркиби йўқ, деб ҳисобланади.

Шунингдек, ҳалқаро шартномаларда томонлар, агар қонунчилигига чиқарилган ҳукм хорижий давлатда судланган фуқароси содир этган қилмиши жиноят деб топилса-ю, лекин озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони назарда тутмаса, у ҳолда, ҳукмни ижро этувчи давлат суди жиноят қонунчилигидан ташқарига чиқмасдан, чет эл судининг ҳукмига энг мос келадиган жазо тайинлаши кераклиги белгилаб қўйилади.

Ҳукмни ижро этувчи давлат қонунчилигига асосан ушбу қилмиш учун озодликдан маҳрум этишнинг энг узоқ муддати ҳукм бўйича тайинланганидан кам бўлса, ҳукмни ижро этувчи давлат суди худди шундай қилмиш учун бу давлат қонунчилигига назарда тутилган озодликдан маҳрум этишнинг энг узоқ муддатини белгилайди [8]. Бинобарин, маҳкумларнинг ўз фуқаролиги давлатларига топшириш нафақат муайян муддатга озодликдан маҳрум этилганларга, балки умрбод қамоқ жазосини ўтаётган шахсларга ҳам тегишилдири. Шу билан бирга, айрим икки томонлама

битимлар маҳкумларни нафақат озодликдан маҳрум қилиш, балки бошқа турдаги жиноий жазоларга топшириш имкониятини истисно қилмайди.

Жазо давлат томонидан тайинланган жазодан оғирроқ бўлмаслиги ва ижро этувчи давлат қонунида назарда тутилган жазонинг энг юқори муддатидан ошмаслиги керак.

Давлатларнинг миллий қонунчилигига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлик бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар тоифаси кўрсатилмаганлиги маҳкумларни топшириш соҳасидаги миллий хуқуқий тартибга солишдаги бўшликлардан бири, деб ҳисобланади. Жамиятдан ажратиш билан боғлик бўлмаган жазони ўтаётган шахсларни топшириш имконияти на ҳалқаро, на миллий даражада кўзда тутилмаган. Мазкур хуқуқий бўшлиқни тўлдириш мақсадида ҳалқаро шартномалар алоҳида моддаларида томонларнинг келишиб олиши мақсадга бўлади.

2. Маҳкумни топширишнинг мажбурий шарти – унинг розилиги. Ёши, жисмоний ҳолати, ақли заифлик ва бошқа касалликларнинг мавжудлиги сабабли ўз ҳоҳиш-иродасини билдиришнинг иложи бўлмаса, унинг қонуний вакилининг розилиги олинади [9]. Бундай розилик ихтиёрий равишда берилиши керак. Бу эса маҳкумни қабул қилувчи давлат томонидан белгиланиши шарт. Мамлакатимизнинг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги маҳкумларни топшириш масаласи тартибга солинмаганлиги учун маҳкумнинг розилиги на топширишнинг ажралмас шарти, на топширишни рад этиш учун асос сифатида белгиланмаган. Хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан Ўзбекистон Республикасига топшириш тўғрисидаги ариза билан боғлик ҳолда, маҳкумнинг розилиги зарурати фақат ҳалқаро шартномаларда кўрсатиб қўйилган.

Маҳкумларни топшириш масаласи миллий қонунчилигига мустаҳкамланган давлатлар амалиётига назар ташласак,

қизиқ ҳолатга дуч келамиз. Хусусан, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 470-моддасининг илгари амалда бўлган нашрида маҳкумни топшириш фақат маҳкумнинг (унинг қонуний вакилининг) розилиги билан ёки хорижий давлатнинг ваколатли органининг таклифига биноан амалга оширилиши назарда тутилган бўлса, 2003 йилда Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиришлар муносабати билан ушбу қоида 55-бобдан чиқариб ташланди. А.Г.Вениаминовнинг фикрига кўра, ушбу қонунчиликдаги янгилик Россия Федерациясининг бу соҳадаги халқаро шартнома ва келишувлари ҳамда хорижий фуқаро бўлган маҳкумларга нисбатан инсонпарварлик муносабатига асосланган ушбу дастурнинг моҳиятига зид бўлганлиги сабабли салбий, деб ҳисоблади [10]. Фикримизча, мазкур ҳолат халқаро ҳуқуқ нормаларига зид ҳисобланиб, давлатлар миллий қонунчилигига буни аниқ кўрсатиб ўтишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Баъзи муаллифларнинг фикрича, маҳкумни топширишда унинг розилиги шарт эмас, зеро, унинг фуқароси бўлган давлатга топширилиши инсонийлик нуқтаи назаридан келиб чиқади, дейилади. Лекин бошқа томондан “инсон ҳуқуқлари” эсдан чиқарилади.

Ф. Давыдов, И. Зиминаларнинг фикрига кўра, маҳкумни топшириш давлатнинг хайрихонлигини намоёнидир ва ҳеч қандай ҳолатда унинг бурчи эмас. Маҳкумнинг фуқаролиги бўлган давлатда жазони ўташ тўғрисида илтимоснома бериш ва зарарли оқибатларга олиб келган тақдирда уни рад этиш имкониятини тан олган ҳолда, улар маҳкумни мажбуран ўтказишга рухсат берадилар. Ҳукмни ижро этиш жиноятчи суд томонидан ҳукм қилинган давлатнинг суверен ҳуқуқи бўлганлиги сабабли, фақат шу давлат ҳукмни ўзи тўлиқ ижро этиши ёки тегишли деб топса, уни ижро

этиш ваколатларини бошқа давлатга топшириши мумкин [11].

К. Е. Колибаб маҳкумнинг топширишга розилиги мажбурий эмас, деган фикрга қўшилар экан, судга маҳкумни топшириш тўғрисидаги иш юритиши материалларини қўриб чиқишида содир этилган жиноятнинг оғирлиги, жазо муддати, маҳкумнинг жазони ўташ вақтидаги хатти-ҳаракатини ҳисобга олишни таклиф қиласди. Агар маҳкум кичик ёки ўртача жиноят учун жазо ўтаётган бўлса, унда унинг фикрига кўра, маҳкум топширилиши керак. Агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган бўлса, ижтимоийadolatни таъминлаш учун жиноятчи жазонинг муҳим қисмини ҳукм қилинган давлатда ўташи керак [12].

Бу нуқтаи назар фикримизча, мунозарали. Бизнингча, маҳкумларни топшириш тўғрисида қарор қабул қилишда, суд маҳкумнинг истагини инобатга олиши ва мажбуран ўтказишга йўл қўймаслиги керак. Чунки мазкур жараён маҳкумнинг ҳуқуқларидан бири бўлганлиги учун ундан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик уни ўзига боғлиқ бўлиши керак.

Агар халқаро шартномаларга мурожаат қиласидан бўлсан, унда 1978 йилги Берлин конвенцияси маҳкумнинг розилигисиз топширишга рухсат беради, чунки бу шарт мажбурий шартлар рўйхатига киритилмаган [13]. Бундан ташқари, 1997 йил Европа Кенгаши конвенциясига қўшимча протоколи [14] маҳкумнинг розилигисиз мажбуран топшириш ҳолларини тартибга солган бўлиб, унга кўра, маҳкум жазони ўташ даврида давлат ҳудудидан ташқарида ҳукм чиқарилган давлатдан қочиб кетган ҳамда бундай маҳкум суд қарори мавжуд бўлган, депортация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Бундан ташқари, халқаро ва икки томонлама шартнома қоидаларига кўра, ҳукмни ижро этувчи давлат маҳкумнинг розилиги мажбурланган ҳолда эмас,

балки ихтиёрий радиша берилганлигини консуллик ваколатхонаси орқали мустақил радиша текширишга ҳақли [15].

Маҳкумларни топширишга бағишлиланган сўнгти тадқиқотларда маҳкумнинг жазо ўташни давом эттириш учун топшириш хоҳишини инобатга олиш, суд томонидан жазони енгиллаштириш имконияти, худди шундай қилмиш учун яна жиноий жавобгарликнинг йўқлиги тўғрисидаги қоидаларни қонун билан мустаҳкамлаш таклиф қилиниши замонавий жиноий ва жиноий-процессуал сиёсат нуқтаси назаридан жуда оқилона, деб ўйлаймиз. Зеро, мазкур қоидалар, давлатлараро келишувларда ўз аксини топмоқда.

1998 йилги МДҲ Конвенциясининг 4-моддасига мувофиқ, маҳкумнинг (қонуний вакилнинг) фуқаролиги бўлган давлатга топшириш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи, шунингдек унинг ҳуқуқий оқибатлари топшираётган давлатнинг ахлоқ тузатиш муассасаси маъмурияти ходимлари томонидан ёзма радиша тушунтирилиши кераклиги белгиланган.

Шундай қилиб, биз маҳкумнинг розилиги ёки унинг ёзма илтимосномаси топшириш жараёнининг зарур шартларидан бири, деб ҳисоблаймиз ва унинг мавжуд эмаслиги бизнингча, маҳкумни топширишни рад этиш учун асос бўлиши керак.

3. Хорижий давлат суд ҳукмини тан олишилиги.

Халқаро шартномалар хорижий давлат ҳукмларининг тан олиши учун асос ва шартларни белгилайди. Миллий қонунчиликнинг вазифаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хорижий ҳукмларни тан олиш билан боғлиқ халқаро шартнома нормаларидан фойдаланишни таъминлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 3-моддасига мувофиқ, жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар

башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 54-боби ҳукмга бағишлиланган бўлиб, унга асосан ҳукм чиқариш, уни асослари, шартлари, турлари ва бошқа унга боғлиқ масалалар ўз аксини топган. Бироқ Жиноят-процессуал кодексида бу фақат мамлакатимиз судларининг ҳукмига нисбатан татбиқ этиладими ёки хорижий давлат суд ҳукми учун ҳам мазкур нормалар амал қиласидими бунга аниқлик киритилмаган. Шундай қилиб, миллий қонунчиликда “хорижий суд ҳукми” тушунчаси мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 65-боби ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни юбориш асослари, шартлари ва тартибини белгилайди. Шунингдек, мазкур бобда ушлаб бериш тўғрисида қарор қабул қиласидиган ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси эканлиги белгиланган. Ушлаб бериш тўғрисидаги қарор бир вақтнинг ўзида хорижий давлат судининг ҳукмини тан олиш ҳам ҳисобланади. Ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилганда, суд шикоят берган шахснинг айбини муҳокама қиласлиги керак. Бу ерда тегишли хорижий ҳукмни тан олиши, айбни тўғридан тўғри тан олинишини англатади. Суд муҳокамаси жараёнида суд фақатгина ушбу шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарорнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқлигини текшириш билан чекланади, яъни ушлаб бериш учун асослар мавжудлиги (рад этиш асослари йўқлигини) ва бунинг учун талаб қилинмайдиган хужжатлар расмийлаштирилишининг тўғрилигини

текширади. Шунга кўра, бундай вазиятда суд амалда фақат экстрадиция қилиш тўғрисидаги қарорнинг тўғрилигини текшириб, хорижий давлат ҳукмининг Ўзбекистон Республикаси суд ҳукми кучига teng эканлигини тан олади.

Юқорида биз экстрадиция ва маҳкумларни топшириш институтларини бир биридан фарқларини муҳокама қилдик ва тегишли ҳулосаларга келдик. Шундан келиб чиқсан ҳолда, ҳукмни тан олиш масаласида асосий эътибор маҳкумни топшириш жараёнида чиқарилган ҳукмни тан олинишига қаратамиз.

Давлат қонунчилиги маҳкумларни топширишнинг икки хил ҳолатини белгилайди:

а) давлат томонидан ўз фуқаросини хорижий давлатга топшириш;

б) ўз фуқаросини хорижий давлат томонидан давлатига топширилиши [16].

Хар икки ҳолатда ҳам гап маҳкум хақида кетаётгани учун ҳукмни бекор қилиш, айловни ўзгартириш таклиф этилмайди. Суд маҳкумнинг айбор ёки айбизлиги тўғрисидаги хорижий қарорнинг моҳияти ва ҳукмнинг бошқа масалаларини муҳокама қилишга ваколатли эмас, яъни хорижий давлат суди томонидан тайинланган жазонинг маҳкум фуқароси бўлган мамлакатда ижро этилиши ҳақида қарор ўқиб эшиттирилади, холос [17].

В.Ш. Табалдиеванинг қайд этишича, суднинг мухим ҳисобланган назорат қилиш ваколати, унинг давлат чегарасида хорижий давлат судининг ҳукмини ижро этилиши масалаларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқидан келиб чиқади [18].

Масалан, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 472-моддасига биноан, агар хорижий давлат суди томонидан қамоқ жазосига ҳукм қилинган Россия Федерацияси фуқаросини топшириш тўғрисидаги апелляция шикояти кўриб чиқилса, суд РФ қонунчилигига асосан, мазкур фуқаро жиноятчи эмас ёки амал қилиш

муддатининг тугаганлиги сабабли, хорижий суд ҳукми ижро этилмайди, деган ҳулосага келади ҳамда РФ қонунчилиги ва ҳалқаро шартномаларига мувофиқ, хорижий суд ҳукмини тан олишни рад этиш юзасидан қарор чиқариши мумкин. Қолган барча ҳолларда, суд хорижий давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиши ва ижро этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Суднинг ажрими Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 393-моддасида белгиланган тартибда ижрога қаратилади. Хорижий давлат судининг ҳукми бекор қилинган, ўзгартирилган, шунингдек, Россия Федерациясида жазони ўтаётган шахсга нисбатан хорижий давлатда чиқарилган амнистия ёки афв этиш тўғрисидаги актлар қўлланилган тақдирда, хорижий давлат судининг кўриб чиқилаётган ҳукмини ижро этиш ушбу модданинг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда қўйидагича ҳулоса қилиш мумкин:

б и р и н ч и д а н , м а м л а к а т и м и з қонунчилигида ушлаб бериш бўйича хорижий давлат ҳукмларини тан олиш етарлича тартибга солинган;

и к к и н ч и д а н , ҳалқаро шартномаларда хорижий давлат суд ҳукмини тан олиш асос ва шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, миллий қонунчиликда тан олиш тартиби ўз аксини топмаган. Бу тартиб, албатта, Жиноят-процессуал хусусиятга эга, лекин унинг мазмун ва шартлари нафақат процессуал, балки моддий нормалар билан ҳам белгиланиши керак.

4. Маҳкумларни топширишнинг зарурий шарти маҳкумнинг жазо ўташни давом эттиromoқчи бўлган давлат фуқаролигига эга бўлиши кераклиги ҳисобланади.

Шу билан бирга, маҳкумларни фақат ҳукмни ижро этаётган давлат фуқаролари бўлган шахсларга топшириш имкониятини чеклаш мутлақо тўғри бўлмайди. Мавжуд ҳалқаро шартномалар амалиётига кўра, маҳкумларни топшириш

институти ҳукм ижро этилаётган давлат ҳудудида доимий яшовчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади [19].

Маҳкумларни топшириш тўғрисида қарор қабул қилишда нафақат маҳкумнинг фуқаролиги, балки унинг доимий яшаш жойини ҳам ҳисобга олиш керак. Юқорида айтилганлар МДҲнинг 1998 йилги кўп томонлама конвенцияси билан тасдиқланган, унга кўра маҳкумларни ўз фуқаролиги бўлган давлатга топширишга уни ратификация қилган ҳар бир давлат фуқароларига нисбатан ҳам, бундай давлатларда қамоқ жазосига ҳукм қилинган доимий яшаш жойига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам рухсат этилади [20].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонунга [21] мувофиқ, фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида Узбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахслар ҳисобланади.

Шундай қилиб, давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам жиноят-процессуал қонун хужжатларида маҳкумларнинг қонун олдида тенглиги принципига мувофиқ, фуқаролиги бўлган давлатда жазони ўташ учун илтимоснома бериш ҳуқуқига эга бўлган маҳкумларни топшириш жараёни субъектлари сифатида тан олиниши керак. Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳамда унинг ҳудудидан ташқарида амалга оширади.

5. Манфаатдор давлатларнинг ваколатли органлари маҳкумни бир давлатдан иккинчи давлатга топшириш тўғрисида келишиб олишлари зарур. Хусусан, ўтказиш жойи, вақти ва тартибини бир бирига хабардор этиши керак бўлади. Акс ҳолда, маҳкумни топшириш ҳаракати

амалга оширилмаслиги мумкин. Мазкур қоидалар одатда давлатлараро ҳалқаро шартномалар, миллий қонунчиликда белгилаб қўйилади.

6. Маҳкум томонидан ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддати, қоида тариқасида, камида олти ой ёки бир йилни ташкил этиши керак [22].

Ўзўрнида, биз ушбу шартни ихтиёрий, деб ҳисоблашимиз мумкин. Чунки юқоридаги муддатга нисбатан истисно ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, агар муддат олти ойдан кам бўлса ҳам, томонлар топшириш тўғрисида келишиб олиши лозим [23].

Шу билан бирга, амалиёт шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда судлар жиноят қонунчилигига назарда тутилган ижро ҳолатидаги жазонинг ўталмай қолган энг кам муддати белгиланган жазо муддатидан кам бўлган ҳолларда шахсни хорижий давлатга топширишни рад этади. Ўзбекистон Республикаси суди амалиётига кўра, фуқаролик давлатида жазонинг ўталмаган муддати Ўзбекистон Республикаси суди томонидан белгиланган жазо муддатига имкон қадар мос келиши лозим.

7. Топширишнинг барча босқичларида маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминланиши зарурлиги юқорида ҳам таҳлил этилган бўлиб, топширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Маҳкум жиноят содир этганидан қатъи назар, у инсон бўлганлиги учун унинг белгиланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳалқаро нормаларда, миллий қонунчиликда ва ҳалқаро шартномаларда ўз аксини топади. Ҳалқаро одат ҳуқуқидан келиб чиқсан ҳолда, давлатлар ҳалқаро мажбуриятларини бажариш йўлида мазкур ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлайди. Маҳкумларни топшириш тўғрисидаги барча хужжатларда давлатлар уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний

манфаатларини келишиб олиб, унга риоя этадилар. Давлатлар томонидан мазкур нормаларнинг бажарилмаслиги ёки бажарилишига ишонч йўқлиги маҳкумларни топширишда рад этиш учун асос бўлиши мумкин.

Хуллас, маҳкумларни топшириш асослари миллий қонунчиликда батафсил

тартибга солиниши, лозим ҳисобланади. Фикримизча, маҳкумни топшириш асос ва шартларини таҳлил қилишда барча асос ва шартлар бажарилиши мажбурийдир, деган холосага келишимиз мумкин. Чунки мазкур асос ва шартлардан бирортаси бажарилмаса, топшириш рад этилиши кўзда тутилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Қаранг: *Бойцов А.И.* Выдача преступников. – С. 363.
2. Қаранг: *Бирюков П.Н.* Международное уголовно-процессуальное право и правовая система Российской Федерации: теоретические проблемы: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Воронеж, 2001. – С. 211., *Волженкина В.М.* Международное сотрудничество в сфере уголовной юстиции. – СПб., – С. 34., *Крымов А.А.* Уголовно-процессуальная деятельность органов и учреждений уголовно-исполнительной системы России: Дис. ... д-ра юрид. наук. – С. 370.
3. Қаранг: *Бойцов А.И.* Выдача преступников. – С. 363.
4. Қаранг: Конвенция о передаче осужденных к лишению свободы для дальнейшего отбывания наказания от 06.03.1998 г. // Информационный вестник Совета глав государств и совета глав правительств СНГ. – 1998. – № 1. – С. 47–53.
5. Қаранг: *Волженкина В.М.* Международное сотрудничество в сфере уголовной юстиции. – С. 34.
6. 1983 йилги Маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Европа конвенциясида алоҳида ҳолларда тарафлар маҳкумнинг жазони ўташнинг қолган муддати кўрсатилганидан кам бўлса ҳам топширишга рози бўлишлари мумкинлиги келишиб олинган.
7. Қаранг: *Boudewijn de Jonge.* Transfer of criminal proceedings: from stumbling block to cornerstone of cooperation in criminal matters in the EU. Springer Nature, 2020.
8. Ўзбекистон Республикасининг Туркманистон Республикаси билан “Озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисида”ти шартномаси. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 7 декабрдаги ЎРҚ-234-сон қонуни билан ратификация қилинган. 10-модда 4-қисм. // Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалар тўплами. – 2010. – №1, 4. (25–28). Б.47.
9. Қаранг: Договор между Республикой Узбекистан и Азербайджанской Республикой о передаче лиц, осужденных к лишению свободы, для дальнейшего отбывания наказания (Подписан в г. Ташкенте 18.06.1997 г.). Ст. 4.
10. Қаранг: *Вениаминов А.Г.* Институт экстрадиции как форма сотрудничества РФ в сфере уголовного судопроизводства. – С. 119.
11. Қаранг: *Давыдов Ф., Зимина И.* Передача иностранцев для отбывания наказания в страну их гражданства // Преступление и наказание. – 2002. – № 11. – С. 27.
12. Қаранг: *Колибаб К.Е.* Институт передачи осужденных для отбывания наказания в другие государства // Журнал российского права. – 1999. – № 5, 6. – С. 95.
13. Қаранг: Конвенция о передаче лиц, осужденных к лишению свободы, для отбывания наказания в государстве, гражданами которого они являются (Берлин, 19 мая 1978 г.).
14. Қаранг: Дополнительный протокол к Конвенции о передаче осужденных лиц (Страсбург, 18 декабря 1997 г.).
15. Конвенция о передаче лиц, осужденных к лишению свободы, для отбывания наказания в государстве, гражданами которого они являются (Берлин, 19 мая 1978 г.). Ст. 7. П. 2.
16. Мазкур ҳолат МДҲ давлатлар миллий қонунчилигига белгиланган, факат Ўзбекистон ва Арманистон миллий қонунчилигига тартибга солинмаган.

-
17. Панюшкина О.В. Нормы законодательства Российской Федерации о признании и исполнении приговоров иностранных судов // Международное и европейское право. Вестник ВГУ. Серия Право. – 2007. – № 2. – С. 354.
18. Табалдиеva B.III. Статус суда, осуществляющего контроль за законностью и обоснованностью оказания международной правовой помощи по уголовным делам // www.tracc.jurfak.spb.ru .
19. Қаранг: Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам (Минск, 22.01.1993 г.).
20. Қаранг: Конвенция о передаче осужденных лиц к лишению свободы для дальнейшего отбывания наказания от 06.03.1998 г.
21. “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни (2020 йил 13 март қабул қилинган).
22. Бир йиллик муддат Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган икки томонлама шартномаларда назарда тутилмаган. Лекин бошқа давлатларнинг икки томонлама шартномаларида буни учратиш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Маҳқумларни топшириш тўғрисидаги шартномасининг 5-модда 3-қисмида. (02.12.2002 й.)
23. Қаранг: Маҳқумларни топшириш тўғрисидаги Европа конвенцияси (21.03.1983 й.), 3-модда 2-қисм., Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги “Маҳқумнинг жазони ўташ учун у фуқароси бўлган давлатга топшириш тўғрисида”ги шартномаси (01.05.1998 й.), 5-модда 3-қисм.

ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ ПО УГОЛОВНОМУ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ ФЕДЕРАТИВНОЙ РЕСПУБЛИКИ ГЕРМАНИЯ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ)

Аннотация. В статье проводится сравнительный анализ уголовного законодательства Федеративной Республики Германия в плане учета смягчающих обстоятельств при назначении наказания.

Ключевые слова: преступник, потерпевший, деяние, примирение, соучастие, освобождение от ответственности, срок давности, юридическое лицо.

Аннотация. Мақолада Германия Федератив Республикаси жиноят қонунчилигида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш масаласи қиёсий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: жиноятчи, жабрланувчи, қилмиш, жиноят, ярашув, иштирокчилик, жавобгарликдан озод қилиш, жавобгарликка тортиш муддати, юридик шахс.

Annotation. The article deals with providing a comparative analysis of the criminal legislation of the Federal Republic of Germany in terms of the imposition of a penalty taking into account the mitigating factors.

Keywords: criminal, victim, felony, reconciliation, secondary participation, remission of responsibility, limitation period, legal entity.

Федеративная Республика Германия (далее – ФРГ) одновременно будучи локомотивом среди стран Европейского союза, также является одной из наиболее экономически развитых стран мира, что, в свою очередь, обосновывает сравнительное изучение уголовного законодательства ФРГ. Можно выделить три основных структурных элемента уголовного права ФРГ, тесным образом связанных между собой: основное уголовное право (*Hauptstrafrecht*, *Kernstrafrecht*); дополнительное уголовное право (*Nebenstrafrecht*); уголовное право земель (*Landesstrafrecht*) [1]. Основным уголовным правом в немецкой уголовно-правовой доктрине именуется совокупность норм, включенных в StGB - Уголовный кодекс (Уголовное уложение) [2]. StGB, как источник основного уголовного права, характерен тем, что

в нем сформулированы основные положения, касающиеся Общей части уголовного права и традиционных составов преступлений. Споры о необходимости кодификации уголовного законодательства не утихают [3].

Далее речь пойдет непосредственно об особенностях Уголовного кодекса Федеративной Республики Германия (далее УК ФРГ) в плане учета обстоятельств, смягчающих наказание.

Во-первых, в УК ФРГ отсутствует обобщенный перечень обстоятельств, смягчающих наказание. Так, основания назначения наказания излагаются в следующем порядке:

“(1) Вина правонарушителя является основанием для назначения наказания. Должно учитываться воздействие, которое необходимо ожидать от наказания, на будущую жизнь правонарушителя в обществе.

(2) При назначении наказания суд учитывает обстоятельства, которые говорят за и против правонарушителя. При этом, в частности, принимаются во внимание: мотивы и цели правонарушителя; взгляды, проявившиеся в деянии, и воля, употребленная на совершение деяния; размер нарушения обязанности; вид исполнения и виновные последствия деяния; прошлая жизнь правонарушителя, его личные и экономические условия, качества, а также его поведение после деяния, в особенности стремление загладить причиненный вред, а равно стремление достигнуть согласия с потерпевшим" (§ 46).

В свою очередь уголовный закон Республики Узбекистан содержит перечень обстоятельств, смягчающих наказание, который не является исчерпывающим (ст. 55 УК РУЗ) [4], большинство из которых в уголовном законе ФРГ не упоминается.

Во-вторых, § 12 УК ФРГ, подразделяя деяния на преступления и проступки в зависимости от срока наказания в виде лишения свободы, устанавливает, что отягчающие или смягчающие обстоятельства, которые предусмотрены положениями Общей части или для особо тяжких либо менее тяжких случаев, не имеют значения для данной классификации (абз. 3). С нашей точки зрения, этим законодатель устанавливает правило, согласно которому обстоятельства, отягчающие либо смягчающие наказание могут учитываться вне зависимости от вида либо степени общественной опасности деяния. В данном плане часть 3 статьи 55 и часть 4 статьи 56 Уголовного кодекса Республики Узбекистан (далее УК РУЗ) устанавливает правило, согласно которому смягчающее либо отягчающее обстоятельство, предусмотренное статьей Особенной части настоящего Кодекса в качестве признака состава преступления, не может учитываться при назначении наказания. Следует отметить,

что абз. 3 § 46 УК ФРГ устанавливает аналогичное правило, согласно которому не учитываются обстоятельства, которые являются признаками состава преступления, предусмотренного законом. Тут речь одновременно идет об отягчающих и смягчающих обстоятельствах.

В-третьих, УК ФРГ уделяет внимание случаям стечения смягчающих обстоятельств. Так § 50 УК ФРГ устанавливает аналогичное правило касательно смягчающих обстоятельств, согласно которому, обстоятельство, которое само по себе или в совокупности с другими обстоятельствами является основанием для признания деяния менее тяжким и одновременно является смягчающим обстоятельством в смысле § 49, может учитываться только один раз. То есть, не разрешается учитывать обстоятельство, смягчающее наказание дважды – при признании менее тяжкого случая и как основания для смягчения наказания по правилам § 49.

В-четвертых, § 49 УК ФРГ упомянутая термин "особых смягчающих обстоятельств", устанавливает правила и границы смягчения наказания при учете особых смягчающих обстоятельств:

"(1) Если смягчение наказания согласно этому параграфу предписывается или допускается, то в отношении смягчения наказания действуют следующие правила:

1. Пожизненное лишение свободы заменяется лишением свободы на срок не менее трех лет.

2. При лишении свободы на определенный срок следует назначать наказание максимум до трех четвертей предусмотренного максимального срока. При денежном штрафе то же самое действует относительно максимальной суммы дневных ставок.

3. Повышенный минимальный срок наказания в виде лишения свободы снижается: в случае минимального срока от десяти или пяти лет на два года; в случае минимального срока от трех или двух лет

на шесть месяцев; в случае минимального срока от одного года на три месяца; в остальных случаях на установленный законом минимальный срок.

(2) В случае, если суд может на основе закона, отсылающего к настоящему предписанию, снизить меру наказания по своему усмотрению, то он может снизить ее до установленного законом минимального срока соответствующего вида наказания или заменить наказание в виде лишения свободы денежным штрафом” [5].

В данном плане, УК РУз вместо особых смягчающих обстоятельств использует термин “обстоятельства, существенно снижающие степень общественной опасности преступления”. Хотя в законе употребляются термины “обстоятельства, существенно снижающие степень общественной опасности преступления” и “исключительные случаи”, приводится определение лишь первого термина, а исчерпывающий перечень, касающийся обоих терминов, а также понятие “исключительных случаев” в уголовном законе отсутствует. Тем не менее, Верховный суд РУз отождествляет оба термина [6], используя “исключительные обстоятельства”, что, по нашему мнению, порождает трудности при разграничении “обстоятельств, существенно снижающих степень общественной опасности преступления” и “исключительных случаев”, которые являются не зависящими друг от друга понятиями. Для устранения вышеуказанного, предлагаем внести дополнение в ст. 57 УК РУз, где изложить определение “исключительных случаев”, а в Разделе 8 привести перечень как “обстоятельств, существенно снижающих степень общественной опасности преступления”, так и “исключительных случаев”.

В-пятых, УК ФРГ допускает смягчение наказания согласно абз. 1 § 49 в случаях совершения деяния путем бездействия (абз. 2 § 13). Согласно УК РУз,

также обстоятельства, смягчающие наказание, могут учитываться судом при назначении наказания за общественно опасные деяния, совершенные как действием, так и бездействием. Это исходит из содержания ст. 14 УК РУз.

В-шестых, УК ФРГ допускает смягчение наказания при следующих видах ошибки:

1. Ошибка в фактических обстоятельствах дела, согласно которому, кто при совершении деяния ошибочно воспринимает обстоятельства, которые могли бы осуществить состав преступления, предусмотренного более мягким законом, тот может наказываться за умышленное совершение деяния только по более мягкому закону (§ 16).

2. Ошибка в запрете, согласно которому, когда у лица, совершающего деяние, отсутствует понимание того, что оно действует противоправно, то оно действует невиновно, если оно не могло избежать этой ошибки. Если лицо могло избегать этой ошибки, то наказание может быть смягчено согласно абз. 1 § 49 (§ 17).

УК РУз в случаях фактической и юридической ошибки, регламентирует ситуацию принципом неотвратимости ответственности, согласно которому каждое лицо, в деянии которого установлено наличие состава преступления, должно подлежать ответственности [6].

В-седьмых, УК ФРГ допускает смягчение наказания при ограниченной вменяемости (§ 20-21). А согласно ч. 1 ст. 18-1 УК РУз, совершение преступления в состоянии ограниченной вменяемости, подлежит ответственности. Также, уголовные законы ФРГ и РУз одинаково считают, что лица, находящийся в состоянии невменяемости вследствие психических расстройств не подлежат ответственности.

В-восьмых, УК ФРГ допускает смягчение наказания при покушении, согласно которому покушение на преступление наказуемо всегда, покушение

на проступок – лишь в том случае, если это прямо предусматривается законом (§ 23). Покушение может наказываться мягче, чем оконченное деяние (абз. 1 § 49). Если лицо, в силу очевидного непонимания, не сознает, что покушение либо из-за вида объекта, на который покушение направлено, либо из-за средств, с помощью которых деяние должно было осуществиться, вообще не могло привести к окончанию деяния, то суд может отказаться от наказания или смягчить наказание по своему усмотрению (абз. 2 § 49). Хотя согласно абз. 2 § 30 предусмотрено наказуемость приготовления к преступлению, но тут речь о возможности смягчения наказания не идет.

Ст. 58 УК РУз устанавливает правила смягчения наказания за неоконченное преступление, отличающийся от вышеуказанных правил.

В-девятых, УК ФРГ предусматривает смягчение наказания при соучастии. Наказание пособнику назначается в пределах санкции, которая предусматривается для исполнителя. Оно должно быть смягчено согласно абз. 1 § 49 (§ 27). Если особые личные признаки (абз. 1 § 14), которые обосновывают наказуемость исполнителя, отсутствуют у соучастника (подстрекателя или пособника), то наказание им должно быть смягчено согласно абз. 1 § 49. Если закон устанавливает, что особые личные признаки отягчают наказание, смягчают или исключают его, то это положение применимо только к участнику (исполнителю или соучастнику), у которого эти признаки имеются (§ 28).

Под “особыми личными признаками”, согласно УК ФРГ, подразумеваются “действия за другого”, т.е. если кто-либо действует: 1) Как полномочный орган юридического лица или как член такого органа; 2) Как полномочный член торгового товарищества; 3) Как законный представитель другого, – то закон, согласно которому наказуемость обосновывается особыми индивидуальными

качествами, отношениями или обстоятельствами (особыми индивидуальными признаками), можно применять также и к представителю, даже если данные признаки ему не присущи, но они есть у представляемого (абз. 1 § 14).

Несколько иные правила назначения наказания за преступление, совершенное в соучастии предусматривает ч. 4 ст. 58 УК РУз.

Помимо указанного, УК ФРГ предусматривает отдельное положение о смягчении наказания за покушение на соучастие согласно абз. 1 § 49, абз. 3 § 23 соответственно [5].

В-десятых, уголовный закон ФРГ предусмотрел порядок смягчения наказания при возмещении причиненного потерпевшему вреда. При этом, если лицо, совершившее преступное деяние:

1. Прилагая усилия для обеспечения компенсации потерпевшему [7], полностью или частично возмещает вред, причиненный своим деянием. Настоящая процедура именуется “преступник – жертва – примирение” (offender-victim mediation), означая примирение преступника с потерпевшим” и является более узким и ограниченным институтом в отношении института “освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением” согласно ст. 66-1 УК РУз.

2. В том случае, если возмещение вреда требует от него существенных личных затрат или отказа от чего-либо, полностью или частично возмещает потерпевшему вред, то на основании абз. 1 § 49, суд может смягчить наказание или отказаться от наказания вообще, если за совершение уголовно-правового деяния не предусмотрено более суровое наказание, чем лишение свободы на срок до одного года или денежный штраф до трехсот шестидесяти дневных ставок (§ 46а).

Исходя из вышеуказанного, при возмещении причиненного вреда, суд может не только смягчить, но и освободить от наказания, если за совершение уголовно-

правового деяния не предусмотрено более суровое наказание, чем лишение свободы на срок до одного года или денежный штраф в размере до 360 дневных ставок.

В свою очередь уголовный закон РУз признает добровольное заглаживание причиненного вреда обстоятельством, смягчающим наказание (п. “б” ч. 1 ст. 55), и также предусматривает возможность освобождения от ответственности либо наказания в определенных случаях (ст. ст. 66, 71). Следует обратить внимания на то что, в отличие от уголовного закона ФРГ, согласно УК РУз, для освобождения от ответственности либо наказания, заглаживание причиненного вреда должно быть сопряжено с другими смягчающими обстоятельствами такими как явка с повинной и т.д.

Германская модель возмещения вреда представляет собой своеобразную систему, имеющей множество положительных качеств [8]. Если исходить из существенных особенностей современной германской модели возмещения вреда, причиненного преступлением, то к числу ее характерных признаков следует отнести самостоятельный выбор потерпевшим способа восстановления своих прав и предоставление государством гарантированных выплат жертвам насильственных преступлений [9].

В-одиннадцатых, согласно УК ФРГ, срок давности дан применительно к санкциям тех норм уголовного закона, которые предусматривают отдельный состав преступлений деянием без учета отягчающих и смягчающих обстоятельств, предусмотренных Общей частью или предусмотренных законом для тяжких или менее тяжких случаев соответствующих преступлений (абз. 4 § 78). Такое ограничение в УК РУз касательно срока давности не упоминается.

Уголовно-правовая необходимая оборона регламентируется в Общей части УК (§ 32, 33 УК), а также в гражданском (§ 227 ГК) и административном (§ 15 Закона

об административных правонарушениях (OwiG)) законодательстве ФРГ. В уголовном законе (и праве) различаются два вида необходимой обороны. Один вид представляет собой обстоятельство, устраниющее противоправность деяния. Второй – обстоятельство, устраниющее виновность деяния. Специальная ответственность в Особенной части УК, например, за убийство в состоянии необходимой обороны в УК ФРГ отсутствует [10].

В-двенадцатых, как необходимая оборона, так и её превышение по уголовному закону ФРГ является обстоятельством, исключающим преступность деяния, при условии превышения пределов необходимой обороны из-за замешательства, страха или испуга (§ 32-33). УК РУз признает совершение преступления при превышении пределов правомерности необходимой обороны, обстоятельством, смягчающим наказание (п. “е” ч. 1 ст. 55) [11].

В-тринадцатых, крайняя необходимость как правовой институт весьма детально разработана в немецкой уголовно-правовой и гражданско-правовой литературе. В немецкой литературе исследуются 2 вида гражданско-правовой крайней необходимости и 2 вида уголовно-правовой крайней необходимости [10]. В уголовном праве, крайняя необходимость представлена в двух разновидностях: 1) крайней необходимости, не являющейся противоправной (§ 34), и 2) крайней необходимости, исключающей или смягчающей вину (§ 35) [11].

В-четырнадцатых, уголовное законодательство ФРГ уделяет особое внимание вопросу совершения преступления несовершеннолетними лицами, а УК ФРГ содержит особые предписания о несовершеннолетних и молодежи, согласно которым относительно деяний, совершенных несовершеннолетними и молодежью, уголовный закон действует постольку, поскольку Законом о судах по делам несовершеннолетних [12] не предусмотрено иное (§ 10). Стоит отметить,

что в законодательстве ФРГ существует понятие “ювенальное уголовное право” (*Jugendstrafrecht*), которое определяется как особое уголовное право для юных преступников, которые во время совершения деяния находятся в критической переходной стадии между детством и взрослым возрастом [13].

Следует обратить внимание на одну из концептуальных идей немецкого уголовного права – примирение с потерпевшим - *Täter-Opfer-Ausgleich* (преступник-жертва-примирение) (на английском: *Offender-victim mediation*), регламентированное § 46а УК ФРГ и применяемое также в ювенальном уголовном праве. Примирение с потерпевшим - альтернативная форма регулирования уголовно-правовых конфликтов в целях восстановления общественного мира и согласия. Достоинством данной процедуры в рамках ювенального уголовного права является предоставление возможности несовершеннолетним критически разобраться в случившемся [14].

В отношении лиц от 18 лет до 21 года наказания применяются с определенными особенностями. Есть два направления, выражающих такие особенности, - ужесточение санкций ювенального уголовного права по сравнению с несовершеннолетними и смягчение норм общего уголовного права по сравнению со взрослыми преступниками. Ужесточение санкций проявляется в том, что увеличивается максимальный срок лишения свободы до 10 лет (§ 105 абз. 3 JGG). § 106 JGG содержит нормы о смягчении общего уголовного права в отношении молодежи. Согласно § 106 абз. 1 JGG если применяется общее уголовное право, то судья может к лицу от 18 лет до 21 года вместо пожизненного лишения свободы применить лишение свободы на срок от 10 до 15 лет. В соответствии с § 106 абз. 2 JGG судья вправе постановить о неприменении дополнительных последствий,

предусмотренных § 45 абз. 1 УК ФРГ в виде запрета занимать публичные должности или выбирать должностных лиц. Данные вопросы находятся в пределах судебного усмотрения [13].

После проведенного анализа обстоятельств, смягчающих наказание, да и вообще института смягчения наказания по уголовному праву ФРГ, складывается мнение, что уголовный закон РУз в отличие от УК ФРГ, обстоятельства, смягчающие наказание, излагает более систематизировано, да и уделяет институту смягчения больше внимания. Что с нашей точки зрения, с одной стороны, создает удобства для суда при ссылке на соответствующие нормы уголовного закона, с другой стороны свидетельствует о более либеральном характере национального уголовного законодательства. Также существуют правовые нормы, касающиеся смягчения наказания, которые мог бы перенять законодательный орган ФРГ. Одним из них является институт замены наказания более мягким касательно неотбытой части наказания. Так, согласно ст. 74 УК РУз, лицам, осужденным к лишению свободы, ограничению свободы или исправительным работам, неотбытая часть наказания может быть судом заменена более мягким наказанием.

Помимо вышеупомянутого, УК РУз уделяет особое внимание институту “деятельного (чистосердечного) раскаяния”, которое одновременно являясь обстоятельством, смягчающим наказание, также при наличии определенных обстоятельств, может служить основанием как для освобождения от ответственности, так и освобождения от наказания. Дополнительно, уголовный закон устанавливает отдельный порядок смягчения наказания при деятельном раскаянии виновного (ст. 57-1 УК РУз).

Параграф 49 УК ФРГ называется “Особые смягчающие обстоятельства, предусмотренные законом” и применяются широко. Но самих смягчающих

обстоятельств здесь нет. Они могут содержаться в особенной части, выявляясь при анализе состава деяния либо в иных нормах Общей части, но не так как в УК РУз.

Эта конструкция в немецком уголовном праве построена своеобразно, но не так удобно, как УК РУз. Собственно, § 49 содержит в себе каталог вариантов смягчения наказания, если такое смягчение предусмотрено или разрешено по норме, лежащей в основе правовой оценки деяния. Таким образом, сами основания, по которым это предусмотрено или разрешено, содержатся в иных нормах, в частности в абз. 2 § 27, абз. 1 § 28 и пр. Следовательно, если лицо признается, например пособником, то по абз. 2 § 27 наказание ему должно быть обязательно смягчено со ссылкой на абз. 2 § 49. А по абз. 2 § 27 наказание должно быть смягчено по абз. 1 § 49. Тогда определенное судом наказание переводится в меньшее по одному из вариантов абз. 1 § 49 [15].

Так, например, пожизненное лишение свободы заменяется лишением свободы на срок не менее трех лет. При лишении свободы на определенный срок наказание не должно превышать трех четвертей предусмотренного максимального срока. Сумма денежного штрафа также не должна превышать трех четвертей от максимума [16].

При назначении наказания судебная практика ФРГ использует норму § 49 “Особые смягчающие обстоятельства, предусмотренные законом”. Прежде всего, в тех случаях, когда в конкретной норме УК ФРГ содержится прямое указание на возможность смягчения наказания судом на основании § 49, абз. 1 или абз. 2 (например, §§ 236, абз. 5; 239, абз. 4; 261, абз. 10; 314 а, абз. 1 и др.). Так, в случае похищения человека с целью вымогательства суд может смягчить наказание на основании § 49, абз. 1, если исполнитель отказывается от требуемого вознаграждения и отпускает потерпевшего. На практике иногда встречаются случаи, когда

исполнитель добровольно отказывается от дальнейшего совершения преступного деяния или иным образом предотвращает грозящую опасность. В этих случаях суд смягчает наказание по своему усмотрению на основании § 49, абз. 2 [17].

В-пятнадцатых, согласно п. “е” ч. 1 ст. 55 УК РУз, одним из обстоятельств, смягчающих наказание, признается совершение преступления при оправданном профессиональном или хозяйственном риске. Следует отметить, что хотя в УК ФРГ указанное обстоятельство не упоминается, но его часто можно встретить в теории уголовного права. Но даже в теории уголовного права ФРГ, термин “риск”, а чаще всего “порицаемый уголовным правом риск” используется совсем в другом смысле, в т.ч. для определения объективной стороны преступления, а точнее возможность возникновения причинно-следственной связи между деянием и последствиями [11] [15].

В-шестнадцатых, касательно новейшего института, включающего назначение наказания по преступлениям, по которым заключено соглашение о признании вины (ст. 57-2 УК РУз) внесенного в уголовное законодательство Республики Узбекистан [18], можно сказать что внесение в уголовный закон еще одного правила смягчения наказания, выражаящиеся в том, что срок или размер наказания, назначаемого по преступлениям, по которым заключено соглашение о признании вины, не может превышать половины максимального наказания, предусмотренного соответствующей статьей (частью) Особенной части УК РУз, стало очередным ощутимом шагом в гуманизации уголовного законодательства РУз. В УК ФРГ не упоминается заключение соглашения о признании вины как основания для смягчения наказания.

Также, в отличие от уголовного закона РУз [19], в УК ФРГ не упоминаются такие смягчающие обстоятельства, как явка с повинной, чистосердечное рас-

кайние или активное способствование раскрытию преступления, совершение преступления вследствие сложившихся тяжелых личных, семейных или иных условий, совершение преступления под принуждением или в силу материальной, служебной либо иной зависимости, совершение преступления в состоянии сильного душевного волнения, вызванного насилием, тяжким оскорблением или иными неправомерными действиями потерпевшего, причинение вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние, оправданного профессионального или хозяйственного риска, совершение преступления беременной женщиной, совершение преступления под влиянием противоправного или аморального поведения потерпевшего, что повторно подтверждает нашу вышеупомянутую точку зрения.

И так, система уголовного права ФРГ сконструирована так, что дает законодателю возможность осуществлять уголовно-правовое регулирование отдельных сфер общественной жизни с помощью норм, включенных в многочисленные законодательные акты. Немецкое уголовное право, как показывает анализ его

источников, не тяготеет в своем развитии к полной кодификации. Шулепова Л.Ф. считает, что в этом есть определенная логика. Уголовно-правовые нормы, включенные в механизм правового регулирования отдельных, наиболее существенных сфер общественной жизни, более жизнеспособны. Действуя в комплексе с нормами других отраслей права, они напрямую воздействуют на правопорядок, подчеркивая, с одной стороны, значимость регулируемой сферы деятельности, с другой - информируют субъектов соответствующих правоотношений о возможных уголовно-правовых последствиях неисполнения (нарушения) требований специального закона [1, 3]. Уголовное законодательство Республики Узбекистан, имея кодифицированную форму, с нашей точки зрения, представляет более совершенную правовую систему государства, чем оказывает наиболее значительное содействие профилактике преступлений, так как, граждане республики имеют полное представление о действиях либо бездействиях, составляющих преступление, что в свою очередь играет важную роль при повышении уровня правосознания населения.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Шулепова Л.Ф. Дополнительное уголовное право Федеративной Республики Германии: Понятие, система, источники: Дис. ... канд. юрид наук: 12.00.08. – М., 2005. – С. 162.
2. Головненков П.В. Уголовное уложение Федеративной Республики Германия – Strafgesetzbuch (StGB). Научно-практический комментарий и перевод текста закона. –Universitätsverlag Potsdam, 2021. – С.56.
3. Шулепова Л.Ф. Источники уголовного права в России и Германии (сравнительно-правовое обозрение) // Вестник МГЛУ. Образование и педагогические науки. – Вып. 3 (774) – 2017. – С. 196–197.
4. Уголовный кодекс Республики Узбекистан от 22.09.1994 г. /<https://lex.uz/docs/111457>.
5. Уголовный кодекс ФРГ (по состоянию на 06.12.2019 г.) / <https://constitutions.ru/?p=24969>; Criminal Code of the Federal Republic of Germany (1971, amended 2013) (English version) / <https://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes/country/28/Germany/show>.
6. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 3 февраля 2006 года № 1 “О практике назначения судами уголовного наказания”. / <https://lex.uz/ru/docs/1455974#1457170>.
7. Юрков В.В. К вопросу о совместности института примирения с потерпевшим с целями наказания (на примере немецкого уголовного права) // Вестник Института законодательства

Республики Казахстан, 2008. № 3(11). – С.138–143., *Юрков В.В.* Институт примирения с потерпевшим в системах обращения с несовершеннолетними правонарушителями в России, Австрии и Германии. // Всероссийский криминологический журнал. – 2009. – №1. – С.47–53.

8. *Андрусенко С.П., Уай Э.М.* Уголовно-правовая защита жертв преступлений по законодательству Германии // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. – 2014. – № 2. – С. 372–380., *Дубровин В.В.* Правовое регулирование возмещения вреда, причиненного преступлением, по законодательству Федеративной Республики Германия // Международное уголовное право и международная юстиция. – 2009. – № 4. – С. 31–35., *Иванов Д.А.* К вопросу о возмещении вреда, причиненного преступлением, по законодательству Российской Федерации в сравнении с опытом зарубежных государств // Международное уголовное право и международная юстиция. – 2016. – № 5. – С. 17–20.

9. *Сущина Т.Е.* Особенности развития и современное состояние германской модели возмещения вреда, причиненного преступлением // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. – 2009. – №1. – С.102.

10. *Жалинский А.Э.* Современное немецкое уголовное право. – М., 2006. – С. 183, 194–195, 335–347, 327–328, 153–154.

11. Уголовное право Германии. Общая часть: пер. с нем./ Гельмут Фристер. – 5-е изд. – М., 2013. – С. 317–320, 340–342, 169–191, 170, 44; Уголовное право Германии: Учеб. пособие для бакалавриата и магистратуры / А.В.Серебрянникова. – М., 2017. – С. 30–32.

12. Youth Courts Law (Jugendgerichtsgesetz, JGG) / <https://germanlawarchive.iuscomp.org/?p=756>

13. *Бибик О.Н.* Введение в ювенальное уголовное право Германии: Учебное пособие. – Омск, 2009. – С. 8, 12, 23, 70–71.

14. *Юрков В.В.* Примирение с потерпевшим в уголовном праве по делам несовершеннолетних Федеративной Республики Германии // Сравнительное правоведение: наука, методология, учебная дисциплина: мат-лы междунар. науч.-практ. конф., Красноярск, 25–26 сентября 2008 г.: в 2-х ч. – Красноярск, 2008. Ч. 2. – С. 132–134.

15. *Жалинский А.Э.* Современное немецкое уголовное право. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – С. 183, 194–195, 335–347, 327–328, 153–154.

16. Сравнительное уголовное право: учебник. 2-е изд., доп. и перераб. – М., 2016. – С. 320.

17. *Хайруллина Р.Г.* Смягчающие обстоятельства, учитываемые судом при назначении наказания, по уголовному законодательству России и зарубежных стран: Дис. ... канд. юрид. наук. – Казань, 2006. – С. 136.

18. Закон Республики Узбекистан от 18 февраля 2021 года № ЗРУ-675 “О внесении изменений и дополнений в Уголовный и Уголовно-процессуальный кодексы Республики Узбекистан” / <https://lex.uz/tu/docs/5295916?ONDATE=18.02.2021%2000#5297512>.

19. *Рустамбаев М.Х.* Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть. – Т., 2016. – С. 389–406; *Рустамбаев М.Х.* Курс уголовного права. Общая часть. Том 2: Учение о наказании: Учебник для ВУЗов. – Т., 2009. – С. 102–125; *Усмоналиев М., Бакунов П.* Жиноят хукуки. Умумий қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т., 2010. – Б. 461–464; *Рустамбоев М.Х.* Жиноят хукуки (умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т., 2006, – Б. 378–382.

С. З. Алматов,

*Тошкент шаҳар Бектемир тумани Ички ишлар органдари
фаолиятини мувофиқлаштириши бошқармаси,
Жиноят-қидириув бошқармаси ўта мұхим ишлар бўйича тезкор вакили*

ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Аннотация. Маколада экстремизм тушунчаси ва турлари, унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, ўзига хос айрим жиҳатлари, экстремизмни келтириб чиқарувчи асосий омиллар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги ҳамкорлигининг йўналишлари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: экстремизм, экстремизмнинг омиллари, экстремизмга қарши курашиш, экстремизм турлари, экстремистик ташкилот, экстремизмга қарши курашишда ҳамкорлик.

Аннотация. В статье анализируются понятие и виды экстремизма, правовая база борьбы с ним, некоторые особенности, основные факторы, вызывающие экстремизм и направления взаимодействия правоохранительных органов в этой сфере.

Ключевые слова: экстремизм, факторы экстремизма, борьба с экстремизмом, виды экстремизма, экстремистская организация, сотрудничество в борьбе с экстремизмом.

Annotation. The article analyzes the concept and types of extremism, the legal basis for combating it, some features, the main factors causing extremism and the direction of law enforcement.

Keywords: extremism, factors of extremism, fight against extremism, types of extremism, extremist organization, cooperation in the fight against extremism.

Экстремизм муаммоси нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда глобал муаммо ҳисобланиб, у билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий жиноятлар сирасига киритилган.

Мазкур муаммо жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига, давлат яхлитлигига ва республиканинг халқаро обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатиб, давлатларнинг миллий қонунчилиги билан ўрнатилган конституциявий тузумига, жамиятнинг миллатлараро ва конфессиялараро ахиллигига раҳна соловучи асосий таҳдидлардан бири ҳисобланади.

“Айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақа-

ларда иқтисодий начорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солмоқда.

Ана шундай ўта мураккаб ва қалтис шароитда қандай йўл тутиш, қандай қилиб тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарор ривожланиши таъминлаш мумкин, деган савол барчамизни жиддий ўйлантириши зарур”, – деб таъкидлади Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев[1].

XX асрнинг 90-йилларида Марказий Осиё минтақасидаги бошқа давлатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, шахсларнинг виждан эркинлигига кенг имкониятлар яратилди. Лекин шунга қарамай, мустақил юртимизда ҳам экстремизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган турли экстремистик ташкилотлар фаолияти кучайиб,

ушбу гурухлар ўз ғаразли ва бузғунчи ғояларини ислом дини ниқоби остида амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда.

Экстремизмни ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида унинг тушунчаси ва моҳияти, сабаби ҳамда омилларини чукур ўрганиш орқали унга қарши курашиш самарадорлигига эришиш мумкин.

Экстремизмни деярли барча соҳа вакиллари тадқиқот обьекти сифатида ўрганиб, унга турлича таърифлар берилган.

Жумладан, экстремизм (лот. – ўта кескин) – сиёсатда ва мафкурада ашадий, фавқулодда ҳаракат ва қарашларга асосланиб фаолият юритиш. Экстремизмнинг сиёсий ва диний қўринишлари яққол ажralиб туради. Сиёсий экстремизм намояндлари ўзларининг ғаразли мақсадига эришиш учун куч ишлатиш усулларидан фойдаланиб, мавжуд сиёсий тузилмаларнинг барқарор фаолият юритишини бузиш ва йўқотишга ҳаракат қиласди. Бу йўлда экстремистлар ва экстремистик ташкилотлар “демократия” ниқоби остида баландпарвоз шиорлар, чақириқлар билан чиқиб, террорчилик ва партизанлик ҳаракатларини қўллаб-кувватлайдилар, қонунга риоя этмаслиқ, иш ташлашлар, тартибсизликлар чиқаришга уринадилар, одамларни гижгижлайдилар, террор қилиш усулидан фойдаланадилар[2].

Шунингдек, Узбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни 3-моддасига (Асосий тушунчалар) мувофиқ, экстремизм – ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга, Узбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси[3] сифатида белгиланган.

Экстремизм бу ижтимоий воқелик сифатида ижтимоий-сиёсий муносабат-

ларда субъектларнинг жамиятнинг тури ва сиёсий хулқ-авторининг қўринишидир. У жамоатчилик ўртасидаги турли хил даражадаги фикрлар қарама-қаршилиги, ўз вақтида ечилмаган салбий жараёнлар асосида вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасида экстремизмга қарши курашишни тартибга солувчи асосий норматив-хуқуқий хужжатларга кўйидагиларни келтириш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ти қонун;
- “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ти қонун;
- “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ти қонун;
- “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ти қонун;
- “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ти қонун;
- “Ўзбекистон Республикаси мудофаа доктринаси тўғрисида”ти қонун;
- “Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ти қонун;
- “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ти қонун;
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;

– Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқалар.

Бундан ташқари, экстремизмга қарши курашишни тартибга солувчи бир қатор халқаро хужжатлар (конвенциялар) қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси уларнинг барчасини ратификация қилган. Мазкур санаб ўтилган халқаро ва миллий норматив-хуқуқий хужжатлар экстремизм намоён бўлиш шакл ва содир этилиш усулларидан келиб чиқиб, доимий такомиллаштирилишини талаб этади.

Мутахассислар томонидан терроризм турли мезонлар бўйича таснифланади.

Хусусан, террорчилик гурухларининг ўз олдига қўйган мақсадларига кўра, беш гурухга ажратиш мумкин:

1. Миллатчилик терроризми муайян давлатдаги миллий озчиликни ташкил этувчи этник гурухнинг сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш шиори остида амалга оширилади. Аксарият ҳолатларда бош ғоя сифатида сепаратизм, яъни амалдаги давлатдан ажralиб чиқиш ғояси илгари сурилмоқда. Айrim ҳолатларда миллатчилик терроризми мамлакатда кўпчиликни ташкил этувчи муайян миллат вакиллари томонидан миллий озчиликка қарши ташкил этилади. Миллатчи террорчилик гурухларига “Ирландия республикачилар армияси” (ИРА, Шимолий Ирландия), “Басклар Ватани ва озодлиги (ЭТА, Испания), “Тамил Иламни озод этиш йўлбарслари” (Шри-Ланка) гурухларини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

2. Сўл терроризм капиталистик тузумни ағдариб ташлаш ғояси остида 1970–1980 йилларда кенг ривожланган бўлиб, социалистик тузум барбод бўлгандан сўнг кескин сусайган. Сўл террорчилик ташкилотларига “Қизил бригадалар” (Италия), “Баадер-Мейнхоф гурухи” (Германия), “Қизил Армия” (Япония), “Сендеро Луминосо”, “Тупак Амару” (Перу) мисол бўлади.

3. Ўнг радикал терроризм Ғарб мамлакатларида кучайиб бораётган неофашистик кайфиятни ифодалайди. Ўнг радикал террорчилик ташкилотлари ўта муросасиз ирқчилик ва миллатчишвилистик ғояларини тарғиб қиласидар. Улар қаторида “Орийлар Миллати” (АҚШ) ёки Европада қатор миллатчи ва фашистик гурухларни бирлаштирувчи “Янгича Европа тартиби”, “Европа ҳаракати” каби уюшмаларни қайд этиш мумкин. 2000–2006 йилларда Германияда фаолият юритаётган “Миллий-социалистик яширин ҳаракати” неонацистлар гурухи аъзолари томонидан 8 нафар турк ва 1 та грек тадбиркори ўлдирилган[4].

2011 йилнинг 22 июль куни норвегиялик миллатчи, протестант фундаменталисти, “Муқаддас Павел” масон жамияти аъзоси Андерс Бееринг Брейвик Осло шаҳрида ясама бомба портлатиши ва Утойя оролидаги ёшлар лагерида дам олаётганларни отиб ташлаши оқибатида 77 киши ҳалок бўлган[5].

4. Анархистик терроризм XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошида асосан Россияда ҳар қандай ҳокимиятга қарши олиб борилган.

5. Диний терроризм жамиятни муайян дин таълимотига мажбуран бўйсундириш учун ушбу мақсадга тўсқинлик қилувчилаr, деб ҳисобланганларга нисбатан куч ишлатиш билан боғлиқ. Бундай ҳаракатни амалга ошираётган гурухлар мавжуд диний таълимотлардан ниқоб сифатида фойдаланмоқдалар.

Жумладан, Шимолий Ирландияда узоқ йиллардан буён протестантлар ва католиклар орасида давом этаётган низо жараёнида католикларнинг “Ирландия республикачилар армияси” ва “Ольстер протестант кўнгиллилари” (ингл. “Ulster Defense Association”, UDA), “Ольстер волонтёрлари кучи (Ulster Volunteer Force, UVF)”, “Ольстер озодлиги курашчилари (Ulster Freedom Fighters, UFF)” каби ҳарбийлашган ультра протестант ташкилотлари томонидан кўплаб террорчилик ҳаракатлари амалга оширилган. АҚШда “Теологияни ислоҳ қилиш”, “Христиан бирлиги ҳаракати” каби айrim радикал протестант ташкилотлари ҳомиладорликни сунъий тўхтатишга ихтисослашган шифохона ва уларнинг ходимларига нисбатан террорчилик ҳаракатларини содир этган.

1995 йилнинг март ойида буддавийликдан ажralиб чиқсан секта – “Аум Синрике” (Япония) томонидан Токио метросида “зарин” русумли заҳарловчи газдан фойдаланиб, амалга оширилган террористик ҳаракат оқибатида 12 киши хаётдан кўз юмиб, 5 мингдан зиёд одам шикастланган.

1994 йилнинг 25 февраль куни ақидапараст яхудийларнинг “Кахане хай” (Исройл, АҚШда “Яхудийларни ҳимоя қилиш лигаси”, деб аталади) террорчилик ташкилотининг аъзоси Барух Гольдштейн Иордан дарёсининг Фарбий соҳилидаги Хеброн шаҳрида жойлашган “Иброҳим” ибодатхонасида 67 та мусулмонни отиб ўлдирган, 300 га яқинини ярадор қилган[6].

Шунингдек, экстремизмнинг қуидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– сиёсий экстремизм анъанавий тарзда ўнг ва сўлга бўлинади. Сиёсий экстремизмнинг иккала оқими ҳам замонавий инсон ҳуқуqlари доктринаси, буржуа-демократик бошқарувдаги жамиятни тан олмайди ҳамда турли хил қўринишлардаги тоталитар бошқарувга ундейди;

– миллатчилик (этник) экстремизм – миллатлараро нифоқ чиқаришга, бошқа миллат вакилларига нисбатан тоқатсизликка, кўп миллатли давлатларда сепаратистик ҳаракатлар қилиб, бошқа (одатда қўшни) давлатларга ҳудудий даъволар қилиш билан боғлик;

– диний экстремизм – диний ақидапарастлик ниқоби остида алоҳида ҳудудларда вазиятни издан чиқаришга жиддий омиллар бўлиб хизмат қилади. У муйян оқим ичиди (турли диний оқим вакиллари ўртасида кураш, масалан, мўътадил ва ортодоксал) ва ташкарисида ҳам бошқа дин вакилларига муросасизлик, танқид қилишда вужудга келади.

Экстремизм ўзининг ўсиш тенденциясига эга бўлиб, миллатлар ва динлараро қуролли конфликтлар эскалациясида зўрлик ва агрессияни кучайтириш учун қулай муҳит яратади ва бу жамият ҳаётининг босқичлари ҳамда ўтиш даврида кузатилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, исломий давлат қуриш амалий стратегиясини белгилашга диний-экстремистик мафкурада уч хил назарий-концептуал ёндашув мавжуд:

– биринчи ёндашув “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг биринчи раҳбари Ҳасан ал-Баннонинг ғояларига асосланиб, унга кўра сиёсий ҳокимиятни эгаллаш уч босқичда бўлади: маърифий ва хайрия ишлари босқичи; ташкилотни мустаҳкамлаш ва гуруҳ аъзоларини чиниқтириш; сиёсий ҳокимиятни қатъий ҳаракатлар билан қонуний ҳукumatдан тортиб олиш;

– иккинчи ёндашув С. Қутб томонидан илгари сурилган бўлиб, у бутун жамиятни “жоҳилият”да айблаб, уни қайта “тарбиялаш”га ва ундан ёрдам олишга ишонмас эди. Шунинг учун С. Қутб исломий давлат қуриш учун курашни икки босқичга: заифлик ва жиҳодга бўлган. “Заифлик” даври гўёки “ҳақиқий мусулмонлар”нинг эътиқод соғлигини асраш мақсадида жоҳилият жамиятидан “хижрат” қилиш билан боғлиқ бўлса, жиҳод босқичи кичик “ҳақиқий мусулмон жамоаси”нинг куфр жамият билан фалабагача қуролли кураш олиб бориши ҳисобланади;

– учинчи ёндашув коғирлика жамиятни эмас, балки ундаги дунёвий ҳокимиятни айблашга асосланган. Сиёсий ҳокимиятни эгаллаш жамиятни босқичма-босқич “исломлаштириш”, кенг тармоқланган яширин бўлинмалар ташкил этиш, давлат идоралари ва қуролли кучларга кириб бориш ва вазият қулай бўлган вақтда давлат тўнтишини амалга оширишни назарда тутади[7].

Шу билан бирга, мутахассисларнинг фикрига кўра, экстремизмни келтириб чиқарувчи асосий омиллар сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

– ижтимоий-иктисодий сабабларига кўра жамиятда жуда бой ва ўта камбағал қатламлар ўртасидаги тафовутнинг ўсиб кетиши;

– инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кўпол равища бузилиши;

– муҳолифат курашларининг бешафқат бостирилиши;

– алоҳида ижтимоий ва сиёсий гурухларнинг ўз мақсадларига тез ва мажбурловчи чоралар билан эришишга интилиши;

– мафкуравий қўпорувчилик таъсири остида жамоатчиликнинг қадрият даражасининг пасайиши.

Мазкур омилларнинг сабаб ва шароитини ўрганиш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошқа давлат ва нодавлат ташкилот ва муассасалари билан ҳамкорликда экстремизмнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ташкиллаштиришлари муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда у ёки бу иқтисодий, ижтимоий, диний, этник ва бошқа гурӯҳлар экстремизмдан ўзларининг ғараз мақсадларини амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланиб, уни шундай замонавий атамалар, жумладан “миллий-озодлик кураши”, “бахмал инқилоби”, “лола инқилоби”, “атиргул инқилоби” каби, номлар билан никоблаб, ўз ниятларини жамиятда ўтказишга ҳаракат қиласидар.

Экстремистик ташкилотлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиб, Интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузишни асосий вазифа қилиб оладилар.

Масалан, ҳозирда бир нечта йирик экстремистик ташкилотлар фаол тарзда Интернетдан фойдаланиб, ижтимоий тармоқлар орқали ўз сафларига асосан 17–35 ўшоралиғида бўлган шахсларни ўзларининг ноқонуний ташкилотларига жалб қилиш ҳолатларини кузатиш мумкин.

Бунда Интернет фойдаланувчилари га психологияк таъсир кўрсатиш мақсадида ижтимоий тармоқ аъзоларининг саҳифалари га қўйилаётган турли материаллар ҳамда бу борадаги сұхбат мавзулари пухта ишлаб чиқилиб, экстремистик ташкилотларга жалб этилаётган номзодларга мавзуга оид материаллар Интернетнинг “Odnoklassniki”, “Facebook”, “VKontakte”, “Telegram”, “Twitter”, “WhatsApp”, “TikTok” каби кенг аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқлар орқали (ёзма хабар, матн, фотосурат, стикер расмлар, аудио-видео ролик) юборилиб, ўзаро алоқа йўлга қўйилмоқда.

Юқорида баён қилинган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, экстремизм мавжуд экан, терроризм хавфи ва таҳди迪 ҳамма вақт сақланиб қолади.

Зоро, терроризм ўзининг ғоявий ва мафкуравий озуқасини улардан олади ва уларга таянади, террорчилик усулларини қўллаётган ислом ниқобидаги турли ташкилотлар ва ҳаракатларга қарши самарали мафкуравий кураш олиб бориша, уларнинг ғайриинсоний моҳиятини англаб етиш муҳим аҳамият касб этади. Халқимиз, айниқса ёшлиrimiz онгига таҳдид солишга ҳаракат қиласидан мазкур оқимларнинг таъсирига тушиб қолмаслик учун маънавий салоҳиятимиз етук бўлиши, ҳар биримиз доимо огоҳ бўлишимиз, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. – Т., 2018. – 473 б.
2. Qomus.info/encyclopedia/cat-e/ekstremizm-uz/.
3. Lex.uz/docs/3841957?query=экстремизм.
4. Экстремистический террор в Германии. Сайт “РОДОН”. URL: <http://www.rodon.org/polit-111202110013>.
5. Сайт “Википедия”. URL: http://ru.wikipedia.org/wiki/_Брейвик,_Андерс_Беринг.
6. Дронзина Т. Терроризма женский лик (результаты международного исследования). Книжная серия журнала “Международные исследования. Общество. Политика. Экономика”. – Астана, 2011. – С. 95.
7. Коровиков А. В. Исламский экстремизм в арабских странах. – М., 1990. – С. 77.

А. А. Абдулхамидов,
Тошкент вилояти Ички шилар Бош бошқармаси
Пробация бўлими катта инспектори

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСГА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИ ТАЙИНЛАМАЙ, ЖАЗОЛАШ ТИЗИМИ

Аннотация. Мақолада озодликдан маҳрум этиши билан боғлиқ бўлмаган жазо тизими соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, назорат остидаги шахсларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш ва хуқуқий онгини юксалтириш масалаларига эътибор қаратилган.

Таяинч тушунчалар: назорат остидаги шахслар, таълим, тарбия, ислоҳот, хуқуқий асос.

Аннотация. Статья посвящена реформе пенитенциарной системы, не связанной с тюремным заключением, воспитанию заключенных в духе подчинения закону и повышению их правосознания.

Ключевые слова: контролируемые лица, образование, воспитание, реформа, правовая база.

Annotation. The article is devoted to the reform of the penitentiary system, not related to imprisonment, training prisoners in the spirit of obedience to the law and raising legal awareness.

Keywords: controlled persons, education, upbringing, reform, legal framework.

Сўнгги йилларда “Мамлакатимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жиноят-ижроия амалиётини ўрганиш натижалари маҳкумларнинг хуқуқларига риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш, келгусида жамиятга ижтимоий мослаштириш учун ахлоқан тарбиялаш ва меҳнатга ўргатишнинг шаффоф ва янада самарали хуқуқий механизмларини жорий этиш зарурлигидан далолат бермоқда.

Пробация “синов”, деган маънони англатиб, халқаро амалиётда озодликдан маҳрум этиши билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишини таъминлаш ва назорат олиб бориш билан шуғулланади.

Пробация хизмати илк бор 1887 йилда Англияда жорий этилган ва ҳозирда

кўплаб ривожланган мамлакатларда шундай хизмат фаолият юритиб келмоқда.

Озодликдан маҳрум этиши билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган шахслар олдинлари Жазоларни ижро этиш инспекция томонидан назорат қилинар эди. Озодликдан маҳрум этиши билан боғлиқ бўлмаган жазоларни турига “Ахлоқ тузатиш ишлари”, “Шартли хукм” ва “Муайян хуқуқдан маҳрум этиш” ташкил этган.

Жаҳон амалиёти жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш, қамоқхонада сақлаш билан уни тўғри йўлга қайтариб бўлмаслигини кўрсатди.

Шу боис жиноят содир этган шахс ёки жиноят содир этишига мойиллиги бўлганларни жазолаш масаласига янги, оқилона ечим топиш зарурати юзага келди. Тажриба ва ўрганишлар бундай инсонларни оила аъзолари, яқинлари, кенг жамоатчилик орасида бўлиши ижобий натижа беришини исботлади. Пробация айнан шу мақсадга хизмат қиласи.

2017 йилдан Озодликдан маҳрум этиши билан боғлиқ бўлмаган жазолар тизимига “Озодликни чеклаш” ва “Мажбурий жамоат ишлари” жазо турлари киритилди [1].

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарори қабул қилиниб, Пробация хизмати ташкил этилди.

Бу хизмат асосан тасодифан ёки адашиб жиноят содир этганларга нисбатан қўлланилади. Ижтимоий хавфи кам ёхуд майда жиноят содир этгани учун муқаддам судланганлар ҳам бу имкониятдан фойдаланиши мумкин. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазога маҳкум этилганлар эса ўталмай қолган жазо қисмини пробация шаклида ўташи мумкин.

Юқорида қайд этилган ислоҳотлар натижасида жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, тузалиш йўлига ўтган, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган назорат остидаги шахсларнинг 1929 нафарига нисбатан инсонпарварлик далолатномалари қўлланилиб, ўталмай қолган жазо муддатларидан илгари озод этилди.

Бундан ташқари, Жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаб келаётган, 1068 нафар маҳкумларнинг озодликдан маҳрум этиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддасига асосан енгилрори билан алмаштирилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди ва ҳудудий ички ишлар органлари Пробация бўлимлари хисобига олинди.

Назорат остидаги шахсларни иш билан бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, уларни иш билан таъминлашда қўмаклашиш мақсадида ички ишлар органлари ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда йил бошидан 91 марта “Меҳнат ярмаркалари” ташкил этилди ва 3422 нафар назорат остидаги шахслар ишга жойлаштирилди.

Пробация бўлимлари хисобида туриб, жазо ўтаб келаётган 3205 нафар шахслар томонидан жазо ўташ даврида такорорий

жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарори асосида ташкил этилган ижтимоий мослаштириш, ҳуқуқий ва психологик ёрдами таъминлаш ходимлари томонидан назорат остидаги шахсларнинг Ижтимоий психологик портрети тузилиб, индивидуал ёндашилди [2].

Шунингдек, назорат остидаги шахсларнинг 202 нафари касбга йўналтириш бўйича ўқишига юборилиб, 9 ой якунига кўра 109 нафари қайта касбга йўналтириш бўйича ўқитилди.

Вилоятнинг шаҳар-туман ички ишлар органлари пробация гуруҳлари катта инспекторларининг хизмат фаолиятини олиб боришда қулайлик яратиш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, вилоятнинг 22 та шаҳар-туман ички ишлар органлари пробация гурухи инспекторлари компьютер жамланмаси билан таъминланди ва назорат остидаги шахслар сонидан келиб чиқиб, 7 та шаҳар-туман пробация бўлими катта инспекторларига хизмат автоуловлари билан таъминланди.

Бу борадаги ишлар давом эттирилиб, 2022 йилнинг 1 январь кунига қадар барча инспекторлар хизмат автоуловлари билан таъминланиши режалаштирилган.

Назорат остида турган шахсларни тарбиялаш ва уларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш мақсадида жазодан муддатидан аввал озод этилаётган ва инсонпарварлик далолатномалари қўлланилаётган шахсларга нисбатан тўплланган ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича туман шаҳар судлари томонидан ички ишлар органлари билан ҳамкорликда “Сайёр суд” шаклида кўриб чиқилиб, “Сайёр суд” га назорат остидаги барча шахслар таклиф этилиб, уларга жазо ўташга ҳалол муносабатда

бўлса, суд хукмида белгиланган тақиқ ва чекловларга риоя этган, тузалиш йўлига ўтган 1929 нафар назорат остидаги шахсларга нисбатан Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан инсонпарварлик далолатномалари қўлланилиши ва 507 нафар жазо ўташдан бўйин товлаган назорат остидаги шахсларга эса сайёр суд жараёнида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддасига асосан Озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш чоралари кўрилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг хуқуqlари эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш борасида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Амалий ишларнинг давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарорига мувофиқ, ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган назорат остидаги шахсларни назорат қилиш соҳасидаги фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Кенг жамоатчилик фикрлари ва илфор хорижий тажриба, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Инсон хуқуqlари бўйича миллий марказининг таклифлари инобатга олиниб, жиноят содир этган шахсларни жамиятдан, оиласидан ажратмаган ҳолда, кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда ахлоқан тузатиш ишларини олиб бориш назарда тутилган. Бундан мақсад қайта жиноят содир этилишининг олдини олишдир. Бугунги кунда АҚШ,

Буюк Британия, Германия, Туркия, Швеция, Япония каби давлатларда ушбу хизмат самарали йўлга кўйилган.

Мамлакатимиз учун бу янги институт, лекин қонунчиликда унинг мақсад ва вазифалари аниқ кўрсатилган. Унга кўра, пробация бўлинмалари ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бўйича фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этади. Шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-автори устидан таъсиран назоратни амалга оширади. Назорат остидагилар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларнинг ижтимоий мослашуви ва ишга жойлашишига, шу жумладан уларнинг касбий тайёргарлигига ҳар томонлама амалий кўмаклашади. Назорат остидагиларнинг қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл кўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга оширади.

Жиноят содир этган шахсга озодликдан маҳрум қилиш бўйича жазолар тайинлаш давлат ва унинг сиёсати, иқтисодиёт, жамият ва, албатта, ўша шахснинг ўзига қатор муаммолар келтириб чиқаради. Пробация ҳисобига олинганда эса маҳкум, аввало, оиласи бағрида бўлади, тиббий, психологик ва хуқуқий ёрдамдан фойдаланади. Қолаверса, у касб-ҳунарга ўргатилади, ишга жойлаштирилади, бир сўз билан айтганда, ижтимоий фаол бўлади. Бу билан у ўзини ножӯя йўллардан қутқаради, оиласига фойда келтиради, мамлакат ривожи учун хизмат қиласиди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартағи 421-сонли Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1995. – № 1, 3-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарори.

Ш. О. Матёзов,

*ИИВ Академияси Тезкор-қидириув фаолигяти
кафедраси мустақил изланувчиси*

ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятлар бўйича илмий изланиш доирасида ўтказилган таҳлиллар ва мазкур таҳлиллардан келиб чиқадиган хуласаларга оид олимларнинг фикрлари, шунингдек ҳозирги кундаги учраётган айрим муаммолар ва ушбу жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга оид таклифлар келтирилган.

Таянч сўзлар: Тақиқланган экинлар, тақиқланган экинларни етиштириш, жиноятларга қарши курашиш, тезкор-қидириув профилактика, дронлар, илмий таҳлиллар.

Аннотация. В статье приводится анализ научных исследований преступлений, связанных с выращиванием запрещенных культур, взгляды ученых на выводы, сделанные на основе этих анализов, а также некоторые актуальные проблемы и предложения, направленные на совершенствование борьбы с данными преступными деяниями.

Ключевые слова: запрещенные культуры, выращивание запрещенных культур, борьба с преступностью, оперативно-розыскная профилактика, дроны, научный анализ.

Annotation. The article presents an analysis of scientific studies of crimes related to the cultivation of illicit crops, as well as the views of scientists on the conclusions drawn on the basis of these analyzes, also some current problems and suggestions aimed at improving the fight against these criminal acts.

Keywords: prohibited crops, the cultivation of prohibited crops, the fight against crime, operational-search prevention, drones, scientific analysis.

Маълумки, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда [1]. Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда [2]. Жамият учун хавфли иллатлардан бири ҳисобланган гиёҳвандлик муаммоси сўнгги йилларда нафақат республикамиз, балки бутун дунё жамоатчилигини ҳам ташвишга солмоқда.

XXI асрда ҳам бутун дунё мамлакатлари қатори республикамизда гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш ва таркибида гиёҳвандлик воситалари мавжуд бўлган ўсимликларни экиб, етиштиришнинг олдини олиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши жамиятга, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф туғдириб, бошқа жиноятларнинг ўсиши, коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг тарқалишига шартшароит яратиш билан бирга, жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид солади, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий асосларини емиради.

Шу ўринда республикамизда 2020 йилнинг 12 ойи давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилган ташкилий-амалий ва тезкор-қидирув, профилактик тадбирлар натижасида гиёхвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ 5707 (4638) та жиноят аниқланган [3]. Уларнинг 1499 таси ёки 26,3 фоизини тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари ташкил қилади.

Гиёхвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари ичida тақиқланган экинларни етиштиришнинг салмоғи юқори эканлиги бу турдаги жиноятларга қарши курашиш, содир этилишининг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда уларнинг тезкор профилактикасини амалга оширишнинг амалдаги ҳолатини ўрганиш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу мақсадда республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида содир этилган тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари бўйича тергов қилинган жами 101 та жиноят ишлари ўрганилганда, жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг аксарияти катта ёшдаги фуқаролар эканлиги маълум бўлди [4].

Жумладан, ўрганилган жиноят ишларида тақиқланган экинларни етиштириш бўйича жиноий жавобгарликка тортилган 41 ёшдан ошган шахслар улуши Бухоро вилоятида 79,3 %ни, Тошкент вилоятида 93,3 %ни, Фарғона вилоятида 91,6 %ни, Самарқанд вилоятида 86,7 %ни ташкил этиши кузатилган. Ажабланарли жиҳати шундаки, ўрганилган ишлар бўйича ушбу турдаги жиноятларни содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган шахслар умумий сонининг Фарғона ва Бухоро вилоятларида учдан бир қисми, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари деярли тўртдан бир қисмини нафақа ёшидаги (60 ёшдан ошган) фуқаролар ташкил этади.

Ички ишлар органларида хизмат қилаётган тезкор ходимлар ўртасида

“Нима учун тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари айнан ёши катта инсонлар томонидан кўп содир этилмоқда”, деган мазмунда ўтказилган анкета сўровномаларининг натижаларидан аниқланишича, 65% ходимлар “Ушбу шахслар муқаддам ёшлигидан истеъмол қилиб ўрганиб қолганлигини”, 30%и “Бундай шахслар касаллиги туфайли шифо топиш мақсадида ушбу ўсимликларни экишини” ва 5%и “Ёши катта инсонлар гиёхванд воситаларини сотиб, моддий даромад кўриш мақсадида экишлари мумкин”, деган фикрларни билдиришган [5].

Бундан ташқари, амалга оширилган таҳлилларга кўра, тақиқланган экинларни экиш жиноят ишларининг 98 фоизида бир нафардан шахслар жавобгар бўлган [6]. Лекин мантиқан ўйлаб кўрилганда, ўртacha катталиқдаги ва катта экин майдонларида экилган экинларни бир нафар шахс эмас, балки икки ёки ундан ортиқ шахслар ёки уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилиш эҳтимоли мавжуд. Чунки экинларни суғориш, кўриқлаш, ерга ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олиш, уларни ўтказиш кўпчиликнинг меҳнатини талаб қилади. Бизнинг фикримизча, ўртacha катталиқдаги ва катта экин майдонларида гиёхванд экинларини экиш жиноятлари асосан бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиб, гуруҳнинг қолган жиноий аъзолари эса жавобгарликдан қутилиб қолмоқда. Бу фактлар шундан далолат бермоқдаки, тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятлар аниқланганидан сўнг, айбланувчи шахслар билан уларнинг жиноий шерикларини аниқлаш бўйича тезкор-қидирув ишлари тўлиқ олиб борилмайди, деган фикр уйғотади.

Жиноятчиликнинг турларига қарши курашишда, хусусан, тақиқланган экинларни етиштиришда ҳам тезкор-қидирув профилактикасини амалга ошириш орқали уларни бартараф этиш мухим аҳамият касб этади. Бу борада ҳуқуқшунос олим А.А.Хамдамов

“Тезкор-қидирув чораларини ўтказиш орқали жиноятларни олдини олиш тезкор бўлинмаларнинг истиқболли йўналишларидан биридир” [7], – деган фикр билдирган.

Шунингдек, хуқуқшунос олим А.Ш. Хасанов эса “.....ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан энг мураккаб, комплекс тезкор-қидирув тадбирларини мақсадли тезкор-профилактик тадбирлар ўтказиш доирасида режалаштириш, жиноятчиликка қарши курашнинг мақсадга қаратилганлиги ва ҳужумкорлиги (тезкорлик) принципларида амалга ошириладиган жиноятларни олдини олиш, биринчи навбатда жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишга, ундан кейин эса – уларни бартараф этиш ва очишга қаратилмоғи лозим” [8], деган фикрларини билдириб ўтган. Биз А.А. Хамдамовнинг фикрига қўшилган ҳолда тақиқланган экинларни содир этилишини олдини олиш мақсадида тезкор-профилактик тадбирларни амалга ошириш, тезкор бўлинмаларнинг истиқболли йўналишидан бири сифатида, келгусида бу турдаги жиноятларни камайишига имкон беради, деган фикрга келдик.

Хориж олимларидан Россия хуқуқшунос олими И.Е.Пожидаевнинг фикрича, бу турдаги жиноятларга қарши курашиш ва уларни келгусида олдини олиш учунуюшган жиноий гурухлар томонидан тақиқланган экинларни экиш жиноятлари бўйича жазо тайинлашни кучайтириш лозим. Негаки, ушбу қилимиш (хатти-харакатлар), яъни таркибида гиёҳванд моддалари бўлган экинларни экиш, шунингдек, гиёҳванд моддаларнинг кенг омма орасида тарқатилишини таъминлашга, изчилик билан амалга оширишга қаратилган бўлади [9]. У кўп микдорда тақиқланган экинларни экиш жинояти жамият учун зарарли бўлиб қолмасдан, жамият учун катта хавф ҳам тугдиради, деган фикрларни илгари сурган [10].

Қонун чиқарувчининг жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини пастлигини тан олиш асосли, деб ҳисоблаймиз ва икки жиҳатнинг уйғунлигини ҳисобга олмоқ зарур: булар, олинган ўсимликлар миқдори ва аҳоли саломатлиги учун потенциал таҳдиднинг мавжудлигидир. Аммо ҳар қандай ҳолатда, гиёҳванд моддаларни ўз ичига олган ўсимликларни кенг миқёсда ноқонуний етиштириш жиноят, деб тан олиниши керак [11].

Масалан, кўкнорнинг пишмаган бошоқларидан олинадиган оқ рангли моддада 10% морфин ва яна 20 га яқин алкалоид (шу жумладан, кодеин ва папаверин) мавжуд [12]. Шубҳасиз, катта миқдорда содир этилган ушбу ҳаракатлар нафақат заарли, балки хавфли ҳамdir.

Шу билан бирга, яна бир Россиялик олим А.Х.Ибрагимованинг фикрича, “гиёҳванд воситалари бўлган ўсимликларни етиштириш билан шуғулланадиганлар ўзларининг жазосиз қолишиларига ишонч ҳосил қилишади ва ҳатто шартли қамоқ жазосига ҳукм қилинганидан кейин ҳам ўзларининг жиноий ҳаракатларини тўхтатишмайди – бу жиноят учун жиддий жазоланиш хавфи камлигини ҳам яхши билишади...” [13]. Олим бу билан тақиқланган экинларни экиш жиноятлари учун жиноий жазони кучайтириш орқали, бу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш мумкин демоқчи бўлган.

Бизнинг фикримизча, олимлар И.Е. Пожидаев ва А.Х. Ибрагимовалар томонидан тақиқланган экинларни экиш жиноятларини квалификация қилиш ва жазо тайинлаш бўйича амалиётдаги муаммо ва уларнинг ечимлари бўйича илмий хуласалари тўғри қўйилган, яъни хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг эътиборини ҳар бир жиноят бўйича барча ҳолатларни ҳисобга олиш керак, деган фикрларига қўшиламиз, шунингдек ҳар бир жиноий ҳолат бўйича адолатли жазо тайинлаш ҳам зарур, деб ҳисоблаймиз. Лекин шу

ўринда бу ушбу турдаги жиноятларни олдини олишга хизмат қиласиди, деган савол юзага келади. Бу эса муаммо түлиқ ечимини топмаганлигини кўрсатади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасига асосланиб, бизнинг хулосамизга кўра, ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш мақсадидаги тезкор-қидирув профилактикасини амалга ошириш учун жиноятларни кимлар томонидан содир этилаётганлиги тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишимиз мухим аҳамият касб этади. Жиноят содир этаётган шахсларни контингенти аниқлангандан сўнг уларга нисбатан таъсир чораларини ишлаб чиқиб, жиноятни олдини олишга қаратилган ҳаракатлар мажмууни режалаштириш ва ўтказишга имкон туғилади.

Ушбу тоифадаги шахслар тўғрисида аниқ ахборотларга эга бўлиш учун эса “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги қонунига асосан гумонланувчи шахсларга нисбатан тезкор-қидирув тадбирларини [14] түлиқ ҳажмда ва режали амалга ошириш лозим.

Таркибида гиёхвандлик моддалари бўлган ўсимликларни уй шароитида етиширишнинг профессионал усуслари, махсус техника, ускуналар ёрдамида амалга оширилганлиги далада содир этилган қилмишга қараганда кўпроқ жамият учун хавфли, деб эътироф этамиз.

Чунки уй шароитида экинларни экиш ва етиширишда профессионаллик мезонларидан фойдаланиб ҳаракатлар амалга оширилади, ушбу мезонлар таркибида гиёхванд воситалари бўлган ўсимликларни етиширишнинг профессионаллигини аниқлаб беради. Амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бундай профессионаллик ҳаракатларини аниқлаш бўйича тезкор ходимларнинг малакаси доим ҳам лозим даражада етишмаслиги сабабли содир этилган жиноятларни ўз вақтида аниқлашнинг янги усувлари мавжуд эмас, деб ҳисоблаймиз.

Ўтказилган тадқиқотлар давомида бундай фактларнинг инновацион усусларини қўллаш орқали содир этилаётганларининг асосий қисми шаҳар худудларига тўғри келиши, хусусан, Тошкент шаҳрига тўғри келаётганлиги аниқланган.

Жумладан, 2019 йил 19 июль куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚББ Гиёхвандлик воситалари билан қонунга хилоф равища муомала қилишга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан Тошкент шаҳар Олмазор туманида ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида, Олмазор тумани, Беруний кўчаси кўп қаватли хонадонда яшовчи, судланмаган, 1987 й.т. У.Е яшаш уйида хонаки усуlda махсус ёритиши мосламаси билан жиҳозланган жой тайёрлаб (“умный дом”), жами б та тувакда б туп наша гиёхвандлик ўсимлигини етишираётганлиги аниқланиб, шу ердан қуритиб қўйилган 10 грамм марихуана ва гиёхвандлик воситасини истеъмол қилиш учун мослама (бульбулятор) ашёвий далил сифатида олинган.

2020 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚББ гиёхвандлик воситалари билан қонунга хилоф равища муомала қилишга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида ўтказилган тезкор-қидирув тадбири натижасида, Олмазор тумани, Форобий кўчасида яшовчи, муқаддам судланган, 1959 й.т. Р.Б яшаш уйи ертўласида сунъий ёритиши мосламалари билан махсус тайёрланган жойда 2 туп наша гиёхвандлик ўсимлигини парваришлаб келаётганлиги аниқланиб, ертўланинг турли яширин жойларида гугурт қутиласига ва қоғоз бўлакларига қадоқлаб сақлаб келаётган 500 грамм марихуана гиёхвандлик воситаси ҳамда бошқа ашёвий далиллар олинган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ва уларни келтириб чиқарувчи сабаб-шароитлар аниқлаш бўйича

үтказилган таҳлиллардан келиб чиқиб, таркибида наркотик моддаларни сақловчи ўсимликларни уй шароитида ёки маҳсус тайёрланган ва аниқлаш қийин бўлган жойларда етиштиришнинг профессионаллик мезонлари қуидаги ҳаракатларда кўринади [15], деган хulosага келдик:

1. Фуқароларнинг уйларида қўлбола усулда тайёрланган “иссиқхона”ларда тақиқланган экинларни етиштиришда маҳсус ишловлар амалга оширилган, жумладан экинлар етарли ёруғлик билан таъминланган, бунда, ёритишускуналари ҳисобланган прожектор ва LED маҳсус лампалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

2. Экинларга маҳсус идишлар ва қувурлар орқали сув етказиб берилиб, белгиланган вақтларда суғорилган. Суғоришида асосан тоза ичимлик сувларидан фойдаланилган.

3. “Иссиқхона”лар кечки ва эрталабки вақтлар шамоллатиб турилган. Айrim ҳолларда винтеляция имкониятларидан фойдаланилган.

4. ”Иссиқхона”лар тунги вақтда обҳаво совиб кетган пайтларда иситилган (ҳарорат 23-270да сақланган).

5. Тақиқланган экинларни етиштиришда унумдор тупроқлардан фойдаланилган ва тупроқлар маҳаллий ўғитлар ёки бошқа кимёвий ўғитлар билан бойитилиб турилган. Бу эса “экин”нинг “унумдорлиги” ва “таъсир миқдорини (доза)” оширишга ёрдам беради.

7. Униб чиқсан “ниҳол”лар парвариш қилинган ва ер доимий равишда юмшатиб турилган.

8. Экинларни ҳашаротлардан ҳимоя қилиш мақсадида маҳсус кимёвий восита-лар билан ишлов берилган (Фунгицидлар орқали) ва маҳсус синтетик сеткалардан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланилган.

Келтириб ўтилган ҳаракатларни амалга оширишда бир мақсадга қартилган бир неча шахсларнинг умумий меҳнати бўлиши эҳтимолини оширади. Бундан

шундай хулоса қилиш мумкин-ки, “иссиқхона”ларда тақиқланган экинларни етиштириш икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан амалга оширилганлигини кўрсатади.

Жиноятчиликка замонавий курашишнинг усулларидан бири сифатида техник воситаларнинг имкониятларидан кенг фойдаланишдир. Шундан келиб чиқсан ҳолда тақиқланган экинларни экиш жиноятларини олдини олиш ва тезкор аниқлаш мақсадида республика бўйича ҳар йил икки босқичдан иборат “Қорадори” кенг қамровли тадбири амалга оширилади. 2020 йил мобайнида ўтказилган мазкур тадбирларда республика бўйича вертолётда амалга оширилган назоратли училар давомида жами 87 та тақиқланган экинларни етиштириш ҳолатлари аниқланган бўлиб, тадбирида фуқаролардан 32 кг 27 гр гиёҳванд воситалари мусодара қилинган [16]. Вертолётларнинг учил имкониятлари обҳаво ўзгариши билан боғлиқ бўлганлиги ва чекланганлиги, шунингдек, унинг парвоз соатларини молиявий таъминлашда катта миқдорда молиявий маблағ талаб қилиши тадқиқот давомида аниқланган. Ушбу масалага ечим сифатида бизнинг илмий изланишларимиз натижасида замонавий дронларни амалиётга жалб қилиш тезкор вазиятни барқарор ушлашга имкон бериши мумкинлиги бўйича аниқ тўхтамга келинган. Маълумки, амалиётда жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, қайд этиш, олдини олиш ва уларни тезкорлик билан фош этиш мақсадида дронларнинг имкониятларидан фойдаланиш яхши самара бермоқда.

Хусусан, хуқуқшунос олим ушбу қурилмадан йўлларда содир этиладиган турли хил ҳодисаларни қайд этиш ва расмийлаштириш жараёнларида кўллаш бўйича – йўл-транспорт ҳодисаларини қайд этишнинг энг самарали воситаларидан бири учувчисиз учил аппаратлари ҳисобланади [17], деган фикрни билдириб ўтган.

Яна бир ҳуқуқшунос олимнинг илмий хулосаларига қўра – ИИОларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятига замонавий янги авлод техник воситалари, хусусан, “ақлли” кўзойнаклар, махсус дронларни жорий этишга қаратилган тизимли чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди [18], деган фикр илгари суриглан.

Юқорида олимлар томонидан билдирилган фикрларга таяниб, хулоса қилишимиз мумкинки, жиноятчиликка қарши курашишнинг муайян йўналишларида учувчисиз учар қурилмаларидан фойдаланиш илмий-амалий томондан ўзининг ижобий тавсифини топган.

Шу нутқаи назардан тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларига қарши курашишда ҳам дронлардан фойдаланиш – тақиқланган экинларни ўз вақтида тезкорлик билан аниқлаш ва катта молиявий сарф-харажатлардан (ҳар бир парвоз соати тахминан 18–20 млн сўм) қочишга шарт-шароит яратади [19].

“Қорадори” кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирларни амалга оширишда анъанавий вертолётлар билан бирга, “дрон”ларнинг имкониятларидан фойдаланишни афзалликлари куйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз:

“дрон”лар техник жиҳатдан мустаҳкам ва ишончли. Уларнинг парвоз вақтидаги авария ҳолатларидан одамларнинг зарарланиши деярли нольга тенг;

“дрон”лар орқали қузатувни амалга ошириш ва улардан фойдаланиш сезиларли даражада кам харажат талаб қиласи;

“дрон”лар орқали қузатувни амалга ошириш ишончли ва товушсиз харакат-

ланади, қонунбузарлар томонидан уларни сезиб қолиш имконияти паст;

“дрон”лардан куннинг хоҳлаган вақтида ва ҳар қандай мавсумда чекланмаган ҳолда фойдаланиш мумкин;

“дрон”лар орқали қонунбузарларнинг алоҳида белгилари ва уларнинг фотосуратини олиш имкониятларининг кенглиги;

“дрон”лар орқали қонунбузарнинг кейинги ҳаракатланиш масофаларини кузатиш, уларнинг яшириниши мумкин бўлган жойлар ёки далилий ашё ҳисобланган гиёҳванд воситаларини жойлашган жойларини аниқлаш имкониятлари мавжуд.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш мақсадида ўтказган илмий тадқиқотларимиз ҳамда амалиёт ходимларининг билдириган фикрларига таянган ҳолда, қўйидаги илмий таклиф ва тавсияларни келтириб ўтамиш. Жумладан:

1. “Қорадори” кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирларни амалга оширишда вертолётлар билан бирга учувчисиз учадиган масофадан бошқариладиган “дрон”ларнинг имкониятларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ва ундан амалда фойдаланишни бошлиш.

2. Мазкур “дрон”ларнинг махсус кузатув воситалар билан жиҳозлаш ва “дрон”ларни мақсадли эксплуатациясини тахминлайдиган мутахассис техник ходимларни хизматга жалб қилиш.

3. ”Дрон”лардан олинган маълумотлар (видео, фото тасвирлар)ни таҳлил қилиб бориш ва тақиқланган экинлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлганда зудлик билан ушбу ҳолатларга аниқлик киритиш ва қонунбузарликларни тезкорликда фош этиш чораларини кўриш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишинланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – 2021. – 1 сент. – №190 (7970).

2. “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Президентининг ПФ-5005-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказининг 2020 йил якунидаги маълумотларидан. Қавс ичида ўтган йилги маълумотлар таққослаш учун кўрсатилган.

4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги Тергов Департаментининг 2020 йил 15 декабрдаги 18/7579-маълумоти.

5. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ТКХБга юборилган 38/7-604-сонли Анкета сўровнома.

6. Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги Тергов Департаментининг 2020 йил 15 декабрдаги 18/7579-маълумоти.

7. *Хамдамов А.А.* Оперативно-розыскная профилактика преступлений как приоритетное направление деятельности оперативных подразделений органов внутренних дел // Республика илмий амалий конференция материаллари. – Т., 2018. – Б. 48.

8. *Хасанов А.Ш.* Жиноятларнинг тезкор-қидириув профилактикасини ташкил этиш ва тактикасини такомиллаштириш. Юрид. фан. б-ча фалсафа д-ри номз. ... дис. – Т., 2021. – Б. 44, 45.

9. *Пожидаев И. Е.* Проблемы уголовно-правового противодействия незаконному культивированию растений, содержащих наркотические средства или психотропные вещества либо их прекурсоры: Дис. канд. юрид. наук. – М., 2015. – С. 146.

10. *Пожидаев И. Е.* Проблемы уголовно-правового противодействия незаконному культивированию растений, содержащих наркотические средства или психотропные вещества либо их прекурсоры: Дис. канд. юрид. наук. – М., 2015. – С. 144.

11. Қаранг: ўша жойда. – С.144.

12. *Катцунг Б.Г.* Базисная и клиническая фармакология. В 2 томах. Т.1. – М., 2007. – С. 648.

13. *Ибрагимова А.Х.* Незаконное культивирование запрещенных к возделыванию растений, содержащих наркотические вещества (по материалам Республики Дагестан): Дис. канд. юрид. наук. – Махачкала, 2003. – С. 66–67.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ти конунинг 14-моддаси.

15. Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги Тергов Департаментининг 2020 йил 15 декабрдаги 18/7579-маълумоти.

16. ЎЗР ИИВ Академиянинг 2021 йил 10 март кунидаги 38/7-5 маълумотномаси.

17. *Хусанов А. Д.* Совершенствование криминалистического обеспечения фиксации дорожно-транспортных происшествий: Дис. ... д-ра философии (PhD) по юридическим наукам. – Т., 2020. – Б. 35.

18. *Шарипов С.С.* Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. Юрид. фан. б-ча фалсафа д-ри (Doctor of Philosophy) илмий дараж. ... дис. – Т., 2020. – Б. 146.

19. 2020 йилнинг 28 февраль кунидаги ИИВ Академиясида ўtkazilgan “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноконуний айланишига қарши куршиш: муаммо ва ечимлар” номли давра сухбатининг маълумотномаси.

В. Каримов,

Ўзбекистон Республикаси Боши Прокуратураси Академияси профессори,
юридик фанлар доктори, профессор

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИК ҚУРИЛМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси тезкор-қидирув қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ёритилган ҳамда уларни такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 651-сон қонуни билан “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида ўз аксини топган тезкор-қидирув тадбирлари рўйхатига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти ва зарурати очиб берилган, шунингдек, мазкур соҳадаги хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, техник воситалар, телекоммуникация қурилмалари, телефон биллинги.

Аннотация. В статье освещены сущность изменений и дополнений, внесенных в оперативно-розыскное законодательство Республики Узбекистан, а также рекомендации по их совершенствованию. В частности, рассмотрены сущность и необходимость изменений и дополнений, внесенных Законом Республики Узбекистан от 30 ноября 2020 года № 651 в перечень оперативно-розыскных мероприятий, предусмотренных статьей 14 Закона Республики Узбекистан “Об оперативно-розыскной деятельности”, проанализирован опыт зарубежных стран в данной сфере.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, технические средства, телекоммуникационные устройства, биллинг телефона.

Annotation. This article deals with the content and meaning of amendments and additions to the operational search legislation of the Republic of Uzbekistan as well as the recommendation is made on the improvement of this issue. In particular, in this article is analyzed the essence and necessity of amendments and additions introduced in the list of operational-search activities prescribed in the Article 14 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On operational-search activities” dated on November 30, 2020, as well as the foreign experience.

Keywords: operational-search activities, operational-search measures, technical tools, telecommunication devices, telephone billing.

Мамлакатимизда тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят процессида шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, жиноят ишларини тергов қилиш

фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, тезкор-қидирув ва жиноят-процессуал

қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш борасида бир қатор қонун хужжатлари қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 ноябрдаги “Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун хужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-651-сон қонун билан жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув қонунчилигига киритилган янгиликлар мазкур соҳада белгиланган долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида қайд этилган 16 та тезкор-қидирув тадбирларининг айримларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 14-модданинг ўнинчи хатбошисидаги тезкор-қидирув тадбирининг номланиши “Туар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш” деб ўзгартирилиб, унга кўра тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга қўшимча равишда техник воситалар (компьютерлар ва алоқа қурилмалари) ни ҳам текшириш ваколати юклатилди.

Шундан келиб чиқиб, ушбу тезкор-қидирув тадбирининг қонундаги тушунчалиси ҳам ўзгартирилиб, қўйидаги таҳрирда берилди: Туар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш – тезкор-қидирув фаолиятининг

вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган шахслар, фактлар ҳамда ҳолатларни аниқлаш мақсадида туар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, компьютерларни, алоқа қурилмаларини ва транспорт воситаларини бевосита ёки билвосита (техник воситалардан фойдаланган ҳолда) кўздан кечириш ҳамда ўрганишдан иборат бўлган тадбир.

Тадбир обьектини ташкил қилувчи жойлар, бинолар, иншоотлар, жойнинг участкалари ва транспорт воситаларини текшириш тезкор бўлинмалар ташабbusи билан кундалик тадбирлар доирасида ўтказилади. Туар-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чеклаш орқали ўтказиладиган текшириш тадбирига Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни 16-моддасига биноан фақат прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади. Тадбир доирасида техник воситалар (компьютерлар ва алоқа қурилмалари)ни кўздан кечириш ҳамда ўрганиш билан боғлиқ ҳаракатлар ҳам янгидан киритилган бўлиб, бунда уни ўтказиш учун “прокурордан рухсат олиш керакми”?, деган асосли савол туғилади, чунки юқоридаги қонунда бу борада ҳеч нарса дейилмаган. Башарти, бу каби воситалар фуқароларнинг туар жойида ёки иш жойлари (офислари)да бўлар экан, албатта бундай тадбири ўтказиш учун прокурор санкцияси олиниши лозим бўлиб, фикримизча, бу борада қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритиш талаб этилади.

Хориж тажрибаси ўрганилганда, Россия Федерациясининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни 6-моддаси биринчи қисмида “Компьютер ахборотларини олиш”га доир тезкор-қидирув тадбири ўз аксини топган бўлиб, ушбу тадбир ошкора ва ноошкора шаклларда амалга оширилади. Ошкора шаклдагиси компьютер тармоқларидағи очик ахборотларни мониторинг ва таҳлил қилиш йўли билан улар ичидан тезкор

бўлинмалар учун қизиқиш туғдирувчи маълумотлар олинса, ноошкора шаклдагиси эса бевосита компьютер қурилмалари ёки тармоқларига уланиш орқали зарур ахборотни олиш ва улардан тезкор-тактик мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлиб, бу шакли фақат суд қарорига мувофиқ ўтказилиши белгиланган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирав фоалияти тўғрисида”ги қонунига киритилган яна бир ўзгартишга кўра, унинг 14-моддаси ўн биринчи хатбошисидаги тезкор-қидирав тадбирининг эски номланишидан “бошқа хабарлар” деган жумла чиқариб ташланиб, “Почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш” деган янги таҳрирда берилди ҳамда тегишинча унинг тушунчаси ҳам куйидаги таҳрирда баён этилди: Почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш – тезкор-қидирав фоалиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш мақсадида почта, курьерлик жўнатмалари ҳамда телеграф хат-хабарларни ноошкора танлаб олиш ва ўрганишдан иборат бўлган тадбир.

Тадбирнинг эски номидаги “бошқа хабарлар” жумласи мазкур модданинг ўн иккинчи хатбошисидаги “Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш” тезкор-қидирав тадбиридаги “телекоммуникация қурилмалари” билан қамраб олиниши сабабли чиқариб ташланди.

Назорат обьектларини почта алоқаси тармоқлари орқали юбориладиган хатлар, телеграммалар, посиликлар, бандероллар, банк контейнерлари, пул ва курьерлик жўнатмалари ташкил этади. Бунда муайян шахсга юборилган ёки ундан чиқаётган, шунингдек муайян манзилга келиб тушувчи ёки ундан чиқувчи барча хат-хабарлар назорат қилиниши мумкин. Почта муассасаларини четлаб алоҳида шахслар

орқали юборилган почта жўнатмалари ушбу тадбирни ташкил қилмайди.

Почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш билан боғлиқ тезкор-қидирав тадбирини ўтказиш тартиби тезкор-қидирав қонунчилиги [2] ҳамда тезкор-қидирав фоалиятини амалга оширувчи органларнинг идоравий норматив-хукукий хужжатлари билан тартибга солинади. Маҳкумларнинг хатлари ва бошқа жўнатмаларини цензурадан ўтказиш мазкур тезкор-қидирав тадбирини ташкил қилмайди, чунки уларни амалга оширишнинг хукукий асослари ва тартиби жиноят-ижроия қонунчилиги [3] ҳамда Ички ишлар вазирлигининг тегишли идоравий норматив-хукукий хужжатлари билан тартибга солинган [4].

Мазкур тезкор-қидирав тадбири ўз моҳиятига кўра, жиноят процессидаги почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш тергов ҳаракатига ўхшаб кетади [5]. Уларнинг фарқи шундаки, почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш тезкор-қидирав тадбири тезкор-қидирав фоалиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарорга мувофиқ прокурор санкцияси асосида ўтказилса, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш тергов ҳаракати суд ажримига биноан ўтказилади.

Терговчининг ёки суриштирувчининг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиши ҳақидаги қарори прокурор орқали судга юборилади. Судья почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, уларни хатлаш тўғрисида ёки хатлашни рад этиш ҳақида асослантирилган ажрим чиқаради. Тадбирни ўтказиш ҳақидаги қарор тегишли алоқа муассасасининг бошлиғи номига юборилади ва уни бажариш мазкур бошлиқ учун мажбурийдир. Бу қарорни ёки ажримни бажармаслик ёки унинг

ошкор этилиши қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонунга киритилган яна бир ўзгартишлардан бири – бу “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси ўн иккинчи хатбошисида қайд этилган “Телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш” тезкор-қидирув тадбирининг янги, яъни “Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш” деган таҳрирда берилиши бўлди. Тегишинча унинг тушунчаси ҳам ўзгаририлиб, “махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган сўзлашувларни, шу жумладан узатиладиган матнли, график ва мультимедиа ахборотини ноошкора эшитиб туриш, тутиб қолиш ва қайд этишдан иборат бўлган тадбир” деган таҳрирда берилди. Яъни бунда тадбирининг эски номидан фарқли ўлароқ янги тадбир нафақат ахборотини ноошкора эшитиб туришни, балки улар орқали узатиладиган ахборотни олиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга, тадбирининг янги номи Жиноят-процессуал кодексининг 169-моддаси номланиши билан айнанлаштирилди.

Мазкур тезкор-қидирув тадбиридаги “телекоммуникация қурилмалари” билан 14-модданинг ўн учинчи хатбошисидаги “Алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш” деб номланган тезкор-қидирув тадбири қамраб олингани сабабли ушбу тадбир рўйхатдан чиқариб ташланди.

Телекоммуникация атамаси икки сўз теле (юонча – узоклик) ва коммуникация (лотинча – хабар, алоқа) бирикмасидан ҳосил бўлиб, узоқ масофага хабар узатиш деган маънени англаради [6]. Телекоммуникация – бу сигнал, белги, матн, тасвир, овоз ва бошқа турдаги ахборотларни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш тизимлари мажмуудир [7]. Бугунги кунда телекоммуникациянинг

асосий тармоқларини, телефон алоқасидан ташқари, интернет, мобиль алоқаси, ахборот узатиш тармоқлари (симсиз, оптик толали ва бошқалар), йўлдош алоқа тизими, рақамли телевидение ва электрон банкинг (масофадан банк хизмати кўрсатиш) тизими ташкил этади.

Украина миллий аэрокоسمик университети мутахассислари ўтказган тадқиқот натижаларига кўра ҳозирги кунда узатиладиган ахборотнинг телекоммуникация тармоқлари бўйича тақсимоти қуйидагича: Интернет – 30%, мобиль алоқа – 20%, ахборот узатиш тармоқлари – 15%, йўлдош алоқа тизими – 10%, рақамли телевидение – 10%, телефон алоқаси – 10% ва электрон банкинг – 5% [8]. Бундан кўринадики, бу соҳада ахборот узатишнинг тенг ярми интернет ва мобиль алоқасига тўғри келса, қарийб учдан бир қисми интернет улушкига тўғри келади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг умумий сони 22 миллионни, шу жумладан мобиль интернетдан фойдаланувчилар сони 19 миллионни ташкил этади [9].

Ушбу тадбир учун фойдаланиладиган алоқа каналларининг техник хусусияти (симли алоқа линиялари, радиотелефон каналлари, уяли алоқа, йўлдош алоқаси каналлари кабилар) ҳукуқий жиҳатдан қараганда муҳим эмас. Узининг мазмунига кўра, мазкур тезкор-қидирув тадбири Жиноят-процессуал кодексининг 21-бобида [10] назарда тутилган тергов харакати, яъни телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олишга ўхшаш бўлиб, бунда қўзғатилган жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи томонидан зарур ҳужжатлар тайёрланиб, прокурор санкцияси олиниб, тегишли тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган орқали махсус ваколатли давлат органига ижро этиш учун юборилади.

Мазкур тадбир телефон орқали бўлладиган сўзлашувларни эшлиб туриш билан боғлиқ алоқа тармоқларидан нутқий ахборотни узатишдан ташқари, бошқа телекоммуникация қурилмалари (телеекс, селектор, радиорелели ахборот узатиш каналлари, шахсий радиочақириув тизимлари (пейжинг алоқаси), шунингдек абонентлик телеграфи, IP-телефония, электрон почта тармоқлари, интернет, факсимиль хабарлар, рақамли маълумотлар узатиш, компьютерлар ўртасида видеосигналлар ва бошқа хабарлар (масалан, sms, mms хабарлар) ҳамда бошқа алоқа каналлари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшлиб туриш, шунингдек улар орқали узатиладиган ахборотни олишга оид ҳаракатларни қамраб олади.

Фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг молмулкига, худди шунингдек уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан таҳдид юзага келган тақдирда, уларнинг телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшлиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олишга мазкур шахсларнинг аризасига ёки ёзма розилигига кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари тасдиқлаган қарор асосида рухсат этилади, прокурор бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида, албатта, хабардор қилинади [11].

Кечикириб бўлмайдиган ҳолларда, бу каби тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишга тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослантирилган қарор асосида йўл қўйилади, прокурор бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида, албатта, хабардор қилинади. Узоқ давом этадиган тезкор-қидириув тадбири ўтказилган тақдирда, тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи орган бундай тадбирни ўтказиш ҳақида тадбир бошланган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида

прокурорнинг санкциясини олиши ёхуд тадбир ўтказиши тугатиши шарт [12].

Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшлиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш чоғида олинган ахборот қайд этилиши (ёзилиши) керак. Сўзлашувларни эшлиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш натижасида олинган фонограммалар муҳрланган ҳолда, бегона шахслар эшлиши ва кўпайтириши эҳтимоллиги бўлмаган шароитда сақланади. Сўзлашувлари эшлиб турилган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзгатилган тақдирда сўзлашувларнинг фонограммаси ва ёзувларининг қофоздаги манбалари суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор бўйича жиноят ишига қўшиш учун юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-651-сонли қонуни билан “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси ўн учинчи хатбоҳиси “Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш” деб номланган янги тезкор-қидириув тадбири билан тўлдирилди. Қонунда унинг тушунчаси қўйидаги таҳрирда берилган: “Абонентлар ёки абонент қурилмалари (фойдаланиладиган асбоб-ускуна) ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборот ва бошқа маълумотларни но-ошкора олишдан иборат бўлган тадбир”.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мобиљ телефонлар ҳаётимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади, чунки қарийб ҳар бир фуқарода мобиљ алоқа воситалари мавжуд бўлиб, нафақат улардан кўнғироқ қилиш учун, балки интернетга кириш, матнли хабарларни юбориш ҳамда дунёда бўлаётган турли ҳодисаларни ёзиб олиш ва уларни тарқатишда фойдаланиш мумкин. Шу

билинг бирга, телефон орқали унинг эгаси манзилини, бошқа абонентлар билан боғланишларини аниқлашда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Муқаддам абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш тадбири “Маълумотлар тўплаш” тезкор-қидирув тадбири доирасида ўтказиб келинган бўлиб, бунинг учун тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг сўров хати орқали алоқа операторлари томонидан тегишли ахборот тақдим қилинар эди. Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув фаолиятини халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштириш, тезкор-қидирув тадбирини ўтказиша шахснинг ҳукуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда қонун устуворлиги принципларини рўёбга чиқариш мақсадида тезкор-қидирув қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра “Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш” тезкор-қидирув тадбири, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослантирилган қарорга ҳамда прокурорнинг санкциясига мувоғиқ, маҳсус ваколатли давлат органининг кучлари ҳамда воситалари билан ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад текширилаётган шахсларнинг жиноий фаолиятга алоқадорлиги, қидирилаётган шахсларнинг ёки алоқа воситаларининг қаердалиги ва шу каби бошқа ахборотларни аниқлаш учун абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборотларни олишдан иборатdir. Мазкур тадбирнинг моҳиятини тўғри англаш учун “абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш” атамаси мазмунини тўғри

тушуниб олиш лозим. Одатда ушбу тадбир “телефон биллинги(деталлаштириш)” [13] деб аталиб, кундалик ҳаётда ва, айниқса, жиноятчиликка қарши курашда ундан кенг фойдаланилади. Маълумки, ҳар бир телефон қурилмаси ноёб (IMEI) кодга эга бўлиб, унга сим-карта қўйилиб илк бор қўнфироқ қилиниши (SMS юборилиши ёки интернетга кирилиши) билан телефон тегишли мобиль алоқа оператори тармоғи серверига қайд қилинади ва унда сақланади. IMEI код ёрдамида: а) қурилманинг манзили; б) қурилмани узиб қўйиш; в) тариф режага оид маълумот; г) кирувчи, чиқувчи қўнфироқлар, SMSлар; д) абонент ҳақидаги ахборотларни олиш мумкин. Ушбу код зарур ҳолларда (масалан, телефон йўқолганда, ўғирланганда) телефон аппаратининг жойини аниқлаш ва уни узиб қўйиш имконини беради. Бундай маълумотлар биллинг серверига юборилади ва у ерда узоқ вақт сақланади. Шунингдек, у ерда тариф режа, қўнфироқлар ва SMSлар тарихи ҳамда ҳисоб тўлдирилганига оид ахборотлар жамланади [14].

Мазкур тадбир ҳақида сўз борганда қўнфироқ ва SMSлар тарихи ҳамда унинг қаерда эканлигига оид ахборотларнинг долзарблиги ошади ва телефон аппаратининг жойи оператор томонидан жуда тез аниқланиши мумкин. Муайян телефон орқали қўнфироқ қилинганда (SMS юборилганда, интернетдан фойдаланилганда) обьектга яқин жойлашган станция антеннасига сигнал юборилади ва шу орқали унинг манзилини аниқлаш мумкин бўлади. Бунда телефон ёки унинг эгасини қидириш мақсадидан қатъи назар, телефон биллингидан юзага келган муайян вазиятдан келиб чиқиб фойдаланиш муҳим аҳамият қасб этади.

Бир қатор хорижий давлатларда, жумладан Россия Федерациясида телефон биллингидан фойдаланишнинг қўйидаги турлари кўп учрайди: биринчи турдаги телефон биллинги (оддий деталлаштириш), яъни алоқа оператори телефон

эгасининг аризасига кўра, унинг муайян вақтдаги боғланишлари (қўнфироқ, SMS ва ҳ.к.), телефон сақланаётган жой, ҳисбдаги маблағлар, қилинган харажатлар, йўқолган аппаратдаги телефон китобчасини тиклаш юзасидан ҳақ эвазига тегишли ахборотларни тақдим этиши мумкин. Телефон биллингидан фойдаланишнинг бошқа турлари эса суд қарорига биноан ўтказилади; иккинчи турдаги телефон биллингида нафақат боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида, балки қўнфироқ қайси жойдан амалга оширилганлиги, абонентнинг худуд бўйича ҳаракат қилиши (геолокацияси)га оид ахборотлар олиш мумкин; учинчи турдаги телефон биллинги яна ҳам мураккаброқ бўлиб, бунда абонентнинг худуддаги ҳаракатларидан ташқари у билан боғланган бошқа абонентнинг ҳам ҳаракатлари (геолокацияси), қайси худуддан қўнфироқ қилаётгани ҳақидаги ахборотларни олиш мумкин. Бу ҳолда таҳлил қилиш учун кўпроқ имконият яратилади, чунки муайян телефоннинг сим-картаси олиб ташланганда ёки алмаштирилганда ҳам телефон ёки ундан фойдаланаётган шахснинг ҳаракатини ундаги IMEI код орқали назорат қилиш мумкин [15].

Ушбу тезкор-қидирав тадбири Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари тезкор-қидирав қонунчилигига ҳам мавжуд бўлиб, бу тадбир Қозоғистонда прокурорнинг санкциясига биноан ўтказилса [16], Қирғизистонда эса фақат суд қарорига биноан ўтказилади [17].

Мазкур тадбирни ўтказиш орқали аксарият оғир ва ўта оғир жиноятлар фош этилиши, қидирудаги шахс ёки телефон аппаратининг аниқ жойини аниқлаш каби техник жиҳатдан самарали ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш мумкин. Телефон биллингининг аниқлиги, авваламбор, муайян худуддаги мавжуд станция антенналарининг жойлашиш даражасига боғлиқ. Масалан, шаҳар марказида

бундай антенналар кўплиги сабабли аниқлик тахминан 10-15 метргача бўлса, чекка ҳудудларда уларнинг аниқлиги 800 метргача бўлиши мумкин [18].

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ти қонуни 16-моддаси еттинчи қисмида “Туар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш, тезкор кузатув, почта, куръерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, агар шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиной тажовузлардан ҳимоя қилишини таъминлаш учун ҳақиқий маълумотларни бошқа йўл билан олиш имкони бўлмаса, истисно чоралар сифатида амалга оширилади”, деган талаб қўйилган. Аммо ушбу рўйхатга “Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш” тезкор-қидирав тадбири киритилмаган. Ваҳоланки, бу тадбир фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ҳолда ўтказилиши сабабли, уни ўтказиш учун прокурор санкциясини олиш талаб этилади. Шу боис юқоридаги тадбирлар рўйхатини ушбу тезкор-қидирав тадбири билан тўлдириш тўғрисида қонуннинг 16-моддаси еттинчи қисмига ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор бўлинмалари ихтиёридаги мазкур тезкор-қидирав тадбирларининг мавжудлиги, шунингдек уларнинг рўйхатини янги тезкор-қидирав тадбирлари ва техник воситалар билан тўлдирилиши оғир ва ўта оғир жиноятларга қарши курашиш самардорлигини янада оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Қаранг: *Дубоносов Е.С.* Оперативно-розыскная деятельность: Учебник и практикум для вузов. – М., 2020. – С. 224–225.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирав тўғрисида”ти ЎРҚ-344-сонли қонуни 14-моддаси ўн биринчи хатбошиси // www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // www.lex.uz.
4. 2013 йил 29 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум килиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари”нинг 228 – 234-бандлари // www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 166-167-моддалари// www.lex.uz.
6. Словари и энциклопедии на Академике. <http://dic.academic.ru>.
7. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. / Маъсул мухаррир А.Мадвалиев. 4.Т. – Т., 2020. – Б. 58.
8. Украина миллий аэрокосмик университети “ХАИ” веб сайти <http://k504.khai.edu>.
9. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги веб сайти.
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 21-боби Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 ноябрдаги “Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ти ЎРҚ-651-сонли қонуни таҳририда.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирав тўғрисида”ти ЎРҚ-344-сонли қонуни 16-моддаси тўртинчи қисми.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирав тўғрисида”ти ЎРҚ-344-сонли қонуни 16-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари.
13. Биллинг – (инглизча – billing) тўлов учун ҳисоб киритиш маъносини англатади (манба <http://itglobal.com>).
14. Қаранг: *Дерюгин Р.А.* Специализированная криминалистическая техника, предназначенная для анализа и обработки информации о соединениях между абонентами или абонентскими устройствами // Полицейская и следственная деятельность. – 2016. – № 3. – С. 32–35.
15. Қаранг: *Дерикъянц П.П.* Обзор архитектур современных биллинговых систем и перспективы их развития // Электронный журнал Кубанского государственного аграрного университета. – 2013. – № 1. – С. 47–48.
16. Қозогистон Республикасининг 1994 йил 15 сентябрдаги “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ти 154-XIII-сонли қонуни 11-моддасининг учинчи пункт, учинчи кичик пункти.
17. Қирғизистон Республикасининг 1998 йил 16 октябрдаги “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ти 131-сонли қонуни 7-моддасининг биринчи қисм, йигирма биринчи банди.
18. Қаранг: *Калюжный А.Н.* Использование возможностей средств сотовой связи в раскрытии и расследовании преступлений, посягающих на свободу личности // Актуальные вопросы судебно-экспертной деятельности ОВД: Вестник Восточно-Сибирского института МВД РФ. – 2018. – № 2. – С. 54–55.

Ж. М. Махкамов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор-қидириув ҳамкорлыги
бошқармаси ўта мұхим ишлар бўйича тезкор вакили

ТЕЗКОР КИРИТИШ ВА НИҚОБЛАНГАН ОПЕРАЦИЯ ТАДБИРЛАРИНИ ҚОНУНЧИЛИК БИЛАН ТАЪМИНЛАШДАГИ МУАММОЛАР

Аннотация. Мақолада тезкор киритиш ва никобланган операция тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиши қонунчилик билан тартибга солиши, ушбу фаолият билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ўзида мужассам этган норматив-хуқуқий хужжатлар билан таъминлаш муаммолари ўрганилиб, уларнинг ечими хусусида муайян муроҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: тезкор киритиш ва никобланган операция, “қонунчилик”, маҳсус ваколатли давлат органлари, тезкор-қидириув тадбирлар.

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы законодательного регулирования проведения таких оперативно-розыскных мероприятий, как оперативное внедрение и операция под прикрытием, их нормативно-правовое обеспечение.

Ключевые слова: оперативное внедрение и операция под прикрытием, “законодательство”, специально уполномоченные государственные органы, оперативно-розыскные мероприятия.

Annotation. The article deals with the problems of legislative regulation of operational search activities, the introduction and undercover operation, the provision of normative legal acts containing norms regulating public relations related to this activity, and certain considerations are expressed about their solution.

Keywords: operational implementation and undercover operation, “legislation”, specially authorized state bodies, operational search measures.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “...қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур”[1], деган фикрларидан келиб чиқсан, ҳақиқатдан ҳам айрим соҳаларни тартибга солувчи қонунларда муайян бўшлиқлар бўлиб, улар қонунчилик билан таъминлашга салбий таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ҳам қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш ва хуқуқий таъминлаш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги қонунини бунга мисол сифатида кўрсатишимиш мумкин. Ушбу қонун

нафақат тезкор киритиш ва никобланган операция тадбирларини ўтказиша ҳуқуқий кафолати сифатида хизмат қилмоқда, балки жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этишда мазкур тадбирлар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб бермоқда.

Қонунда (3-м) тезкор-қидириув фаолиятини ушбу қонун билан маҳсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидириув тадбирлари амалга оширилади, деган нормани, шунингдек, олимларнинг “Тезкор-қидириув тадбирлари институти тезкор-қидириув қонунчилигини амалга ошириш механизми ҳисобланиб, қонуннинг ўзаги, яъни асосий қисмини ташкил этади”[2], деган фикрларини таҳлил қилиш бизга текор-қидириув фаолияти

фақат тезкор-қидирув тадбирлари орқали амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Шунинг учун ҳам тезкор киритиш ва ниқобланган операция тадбирларини қонунчилик билан таъминлаш муаммосига тўхталиб ўтиш даркор.

Тезкор киритиш ва ниқобланган операция тадбирларини ўтказишни қонунчилик билан таъминлаш деганда, қонунчилик билан тартибга солиш назарда тутилган бўлиб, “қонунчилик” сўзи ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси^[3] ёки муайян давлатда амалда бўлган маълум бир соҳани тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндиси^[4], “тартибга солиш” эса “тартибга солмоқ” атамасидан олинган бўлиб, бирор нарсани тартибли ҳолатга келтирмоқ^[5], деган маънони англатади.

Бундан тезкор киритиш ва ниқобланган операция тадбирларини ўтказишни қонунчилик билан тартибга солиш ушбу фаолият билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи нормаларни ўзида мужассам этган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисини англатишини тушунишимиз мумкин.

Юқоридагиларни таҳлил қилиш орқали тезкор киритиш ва ниқобланган операция тадбирларини қонунчилик билан тартибга солишга қўйидагича таъриф бериш мумкин: Тезкор киритиш ва ниқобланган операция тадбирларини қонунчилик билан тартибга солиш – мазкур соҳада юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга соловчи нормаларни қамраб олган ҳалқаро шартномалар, қонулар, қонуности ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисидан иборат.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш зарур, чунки ички ишлар органларида тезкор киритиш ва ниқобланган операция тадбирларини тартибга соловчи ҳалқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатларини ўрганиш орқали мавжуд

муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мумкин.

Шу билан бирга, юртимиз олимлари томонидан тезкор киритиш ва ниқобланган операция тадбирларини қонунчилик билан тартибга солиш масалалари тадқиқ этилмаган. Бироқ хорижий олимлар қонунчилигидан келиб чиқиб, тадқиқот ишларида алоҳида тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солиш, уни ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси, натижаларидан жиноят процесси ва тезкор-қидирув фаолиятида фойдаланиш^[6] билан боғлиқ муаммоларни ўрганганликларини гувоҳи бўлдик. Шунинг учун биз ҳам ушбу муаммони ўрганиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Дастлаб, тезкор киритиш ва ниқобланган операция тадбирларини ўтказишни тартибга соловчи ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, уларга Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар, унга аъзо давлатлар билан кўп томонлама, суверен давлатлар билан икки томонлама ҳамкорлик қилиш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, биргаликда жиноятчиликка қарши курашишни такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг турли йўналишлари бўйича имзоланган ва Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган битим ва келишувларни киритиш мумкин.

Фикримизча, ушбу муаммони бартараф этиш учун ҳалқаро ҳужжатларда тегишли давлатларнинг ваколатли органлар томонидан жиноятчиликка қарши курашиш, ахборот алмашиш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатища ҳамкорликни таъминлаш борасида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш, ўтказиш тартиби ва механизmlарини аниқ кўрсатиш, тадбир натижалари юзасидан тузиладиган ҳужжат ҳамда маълумотлар алмашиш жараёнларини ёритиб ўтиш лозим. Ушбу масалага миллий қонунчиликда ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, қонун нормаларида уни батафсил ёритиш керак.

Тезкор киритиш ва ниқобланган операция тадбирларини қонунчилик билан таъминлашда Конституция алоҳида аҳамиятга эга. Чунки у жиноятчиликка қарши курашиш, жумладан тезкор ходимлар томонидан тезкор киритиш ва ниқобланган операция тадбирларини ўтказиш бўйича қабул қилинган барча қонун ва қонуности норматив-хуқуқий хужжатлар учун асосдир. Конституцияга (121) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси худудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидириув, тергов ва бошқа маҳсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланган[7].

Ушбу моддани таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон худудида тезкор-қидириув фаолиятини амалга ошириш хуқуқи фақат маҳсус ваколатли давлат органларига берилганлигини тушунишимиз мумкин. Ички ишлар органларига шундай маҳсус ваколат берилганлиги сабабли, унинг тезкор ходимлари Конституцияга асосан қонунийликка[8] риоя этиб, тезкор-қидириув фаолият доирасида тезкор-қидириув тадбирларини ўтказади.

Тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишни тартибга солувчи асосий манба – Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисидаги қонун[9] ҳисобланади. Қонунда ички ишлар органларининг тезкор ходимлари тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишдаги хуқуқий мақоми (2-боб, 10-13-м), тезкор-қидириув тадбирларининг тури ва уларни ўтказиш тартиби (3-боб), тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асослар (15-м), шартлар (16-модда), тезкор-қидириув тадбирлари натижаларидан фойдаланиш (19-модда), шунингдек, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш жараёнида риоя этилиши лозим бўлган қоидалар (5-9-м) кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тезкор-қидириув тадбирларини

ўтказиш тезкор-қидириув фаолиятининг асосий таркибий қисми ҳисобланаб, тезкор-қидириув фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга бўлсада, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишнинг амалдаги тартиби қонунда кўрсатилган вазифаларни тўлиқ бажаришга имкон бермайди. Қонунда тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ қуидаги муаммолар мавжуд.

Биринчидан, қонуннинг 15-моддаси “Тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асослар” деб номланган бўлиб, унда тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун “сабаблар” ҳам “асослар” сифатида берилган. Жумладан, уни қуидагиларда кўришимиз мумкин. Ушбу модданинг биринчи қисмида келтирилган тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асослар еттига ҳолатни қамраб олган.

Бу “асослар” тезкор-қидириув фаолияти назариясида амалдаги (чин) асослар ва юридик (расмий) сабаблар каби икки турга ажратилган [10]. Амалдаги (чин) асослар деганда, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишни талаб қилувчи бирор жиноий ҳодиса ҳақида маълумотлар мавжудлиги тушунилади. Юридик (расмий) сабаблар деганда, эса жиноий ҳодисалар ҳақидаги расмий хужжатлар назарда тутилади.

Шу билан бирга, “сабаблар” ва “асослар” ўртасидаги фарқни яхшироқ тушунишимиз учун жиноят процессига мурожаат қилишимиз лозим. Жиноят процессида (ЖПКнинг 322-м) “сабаблар” ва “асослар” ўртасидаги фарқ кўрсатилган бўлиб, унга кўра жиноят ишини қўзғатиш учун: 1) шахсларнинг аризалари; 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг хабарлари; 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши; 5) айбини бўйнига олиш

ҳақидаги арз сабаб бўлиши, жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиши белгиланган.

Биз ҳам юқоридагилардан келиб чиқиб, қонуннинг 15-моддаси 1-қисмida келтирилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асосларни “сабаблар” ҳамда “асослар” каби икки гуруҳга ажратиб, қонуннинг 15-моддаси номланишига “сабаблар” сўзини киритишмиз керак. Биринчи гуруҳга – расмий жиҳатдан аниқланган сабабларни, яъни қонуннинг 15-моддаси 1-қисми 1-2, 4-7-бандларида кўрсатилган асосларни, иккинчи гуруҳга – ҳақиқий асосни, яъни тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун энг кўп учрайдиган асос “агар жиноят иши қўзғатиш учун етарли асослар бўлмаса, тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи органларга жиноятларни тайёрлаш, содир этиш алматлари тўғрисида, шунингдек, жиноятларни тайёрлашга ёки содир этишга дахлдор шахслар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар”ни [11] киритишимиз лозим.

Ушбу “асос”ни таҳлил қилиш бизга қўйидагича хulosа чиқаришга имкон беради. Тезкор ходимлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиш учун, аввало, улар ноқонуний хатти-ҳаракат ҳақида маълумот (ахборот) олиши керак.

Бирок табиий савол туғилади, агар режалаштирилаётган, тайёргарлик кўрилаётган ва содир этилган жиноятлар тўғрисида жабрланувчиларнинг аризалари, хабарлари ва бошқа маълумотлар, яъни қонунда кўрсатилган асослар йўқ бўлса нима қилиш керак? Бундай ҳолларда қонунийлик нуқтаи назардан келиб чиқсан, тезкор ходим жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш мажбуриятларини олмайди, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳуқуқига эга эмас. Жиноий ҳаракатлар мавжуд бўлса, улар ҳақида маълумотлар бўлади, деб эътиroz

билдирилиши мумкин, албатта. Афсуски, бу ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Криминологик адабиётларда батафсил тавсифланган, муайян сабабларга кўра расмий ҳисобга олинмаган, ваколатли давлат органларидан яширилган, латент жиноятлар тоифаси мавжуд[12].

Айниқса, яширинлик хусусияти, коррупцион ва иқтисодий йўналишдаги жиноятлар, масалан, пора олиш ва беришга хосдир. Томонлар ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг якуний натижалари ва уларнинг сир сақланишидан манфаатдор. Пора талаб қилаётганлиги ҳақида ариза ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилиши тўғрисидаги хабар (маълумот) нинг йўқлиги, тезкор-қидирув ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш эҳтимоли йўқлигини англатади. Чунки тезкор ходимларда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асос йўқ.

Иккинчидан, Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 15-моддасида асослар батафсил баён этилмаган. Улардан бошқа қонунлар ва халқаро шартномаларнинг қоидалари асосида фойдаланишни талаб қиласди.

Масалан, ТҚФ тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган уч асосдан фойдаланиш ЖПК талабидан келиб чиқади. Улар қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги, суриштирув, тергов органларининг ёзма топширифи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириги ҳамда суриштирув, тергов органлари ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахслар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлардир.

Жиноят ишининг мавжудлиги ва суриштирув, тергов органларининг ёзма топширифи, прокурорнинг кўрсатмаси, топшириги каби асосларнинг ўзаро боғлиқлиги баъзан соҳа олимлари ҳамда амалиёт ходимларининг саволларига сабаб бўлади. Бир томондан, бу икки хил мустақил асосдир. Яъни юқорида айтиб ўтилганидек, улардан бирортаси

борлигига тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилиши мумкин. Шундай қилиб, агар жиноят иши қўзғатилган бўлса, унда сиз топшириқсиз ишлашингиз мумкин. Бироқ бошқа томондан, ЖПКнинг 36-моддасига кўра, юритувидаги жиноят иши бўйича тезкор-қидириув тадбирлари фақат терговчининг ёзма топшириғига асосан ТҚФни амалга оширувчи орган томонидан амалга оширилиши мумкин. Маълум бўлишича, жиноят ишининг мавжудлиги шунчаки тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асос эмас. Бундай ҳолда, жиноят иши ва тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш бўйича топшириқларни жўнатиш ЖПК билан тартибга солинади. ТҚФ тўғрисидаги қонун ва ЖПКнинг етарлича аниқ таҳрир қилинмаганлиги уларнинг нотўғри талқин қилиниши ва қўлланилишига оlib келади.

Шу билан бирга, ЖПКнинг 39²-моддаси талабларига биноан терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, мустақил равища жиноят ишини қўзғатиб, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга оширадиган ҳолатлар мавжуд. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган томонидан тергов қилинаётганида, албатта, тергов ва тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиши керак. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда терговчининг тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш бўйича ёзма топшириқлари зарур эмас. Шунинг учун дастлабки тергов мажбурий бўлган жиноят иши терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган томонидан қўзғатилганда у нафақат кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларини (ЖПКнинг 39²-моддасига кўра) амалга оширади, балки жиноятни фош этиш учун тезкор-қидириув тадбирларини ҳам ўтказади.

Жиноят ишининг мавжудлиги асоси ТҚФ тўғрисидаги қонунда мустақил равища зарурдир. ТҚФни амалга оширувчи орган бўлган терговга

қадар текширувни амалга оширувчи орган томонидан жиноят иши тергов қилинаётгандан ҳолатларга нисбатан ҳам қўлланилиши лозим.

Шунингдек, юқоридагилар қонун чиқарувчини тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асосларни аниқроқ белгилаш мажбуриятидан озод қилмаслиги керак.

Бундан ташқари, ТҚФ тўғрисидаги қонунда жиноят ишлари бўйича тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш, албатта, жиноят-процессуал қонун хужжатлари талабларига мос бўлиши шарт, деб белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Агар ТҚФ тўғрисидаги қонун ва жиноят ишлари бўйича ЖПК ўртасида зиддиятлар мавжуд бўлса, жиноят-процессуал қонун хужжатлари қоидаларига риоя қилиш лозим.

Шундай қилиб, жиноят иши қўзғатилганлиги ТҚФни амалга оширувчи орган учун тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишнинг мустақил асосидир. Жиноят ишини ким қўзғатган, деган савол тадбирлар учун муҳим эмас.

Учинчидан, қонунда (15-м) белгиланган тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш асослари тезкор-қидириув амалиётида жиноятларни аниқлаш каби вазифаларни ҳал қилиш имкониятини бирмунча чеклади. Буни мавжуд қонунчиликдаги нормалар ТҚФнинг тезкор-излов хусусиятининг камайишига сабаб бўлаётганилигига кўриш ҳамда куйидаги асосларни келтириш мумкин: жиноят аломатларини аниқлаш мақсадида тезкор-излов ишларини юритиш учун асос бўла олмайди; тайёрлананаётган жиноятлар тўғрисидаги маълумотларни олишнинг имконини бермайди; профилактик мақсадларда тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун шартшароит яратмайди.

Кўриб чиқилаётгандан асосларнинг ТҚФнинг тезкор-излов моҳияти билан боғлаш учун бу фаолият тўғрисида тасаввурга эга бўлиш керак. ТҚФнинг вазифалари

тезкор-қидирув тадбирлари орқали амалга оширилади. Улар ишлаб чиқиш вақти, тури ва мақсадга йўналтирилганлигига қараб, тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув жараёнининг босқичларини ташкил этади[13].

Шундай қилиб, тезкор излов ТҚФнинг вазифаларидан бирини эмас, балки барчасини амалга оширишни таъминлайди. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга асос бўлувчи расмий тезкор маълумотларнинг этишмаслиги ТҚФни амалга оширувчи органларга ноқонуний хатти-харакатлар тўғрисидаги ахборотни аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув жараёнининг биринчи босқичига ўтишга рухсат бермаганлиги сабабли, кейинчалик бошқа вазифаларни ҳал этишнинг имкони бўлмайди.

Шу муносабат билан ТҚФда яширин жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, уларни содир этган шахсларни фош этиш бўйича тезкор излов босқичини самарадорлигини оширишни таъминлаш мақсадида “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига қўйидаги мазмундаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш зарур, деб хисоблаймиз: қонуннинг 15-моддаси “тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш сабаб ва асослари”, деб номланиши; қонуннинг 15-моддаси 1-қисмига асос сифатида “режалаштирилаётган, тайёргарлик кўрилаётган ва содир этилган яширин (латент) жиноятларни аниқлаш зарурати” бандини киритилиши.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни қонунчилик билан таъминлашдаги яна бир муаммо тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ ЖПК нормалари қонун чиқарувчи томонидан турлича таҳрир қилинганлигидир.

Жумладан, қонун нормаларининг турлича таҳрир қилинганлигини биз ЖПКнинг 39¹-моддасида кўришимиз мумкин. Ушбу модданинг иккинчи қисмига асосан терговга қадар текширувни

амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилган бўлиб, улар шу мақсадда “тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга” ҳақли эканлиги, бироқ учинчи қисмida эса “тезкор-қидирув фаолиятини ўтказиш” тартиби қонун билан белгиланиши кўрсатилган.

Фикримизча, қонун чиқарувчи бу ҳолатда техник хатога йўл қўйган. Чунки ушбу моддани таҳлил этиш орқали иккинчи ва учинчи қисмлар мазмунан, мантиқан боғлиқ эканлиги ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга бағишли ганганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, ТҚФ тўғрисидаги қонунда ҳам ТҚФни “ ўтказиш ” эмас, балки “амалга ошириш” тартиби белгиланган.

Ушбу фикрдан келиб чиқсак, қонун чиқарувчи 39¹-модданинг учинчи қисмидаги “тезкор-қидирув фаолияти”ни “тезкор-қидирув тадбирлари” деган сўзлар билан ўзгартириши лозим. Бу орқали 39¹-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлардаги номувофиқлик бартараф этилиб, мазмунан боғлиқлиги таъминланади.

ЖПКнинг 36, 38¹-моддаларнинг биринчи қисмida “тезкор-қидирув тадбирларини бажариш”, 355-модда иккинчи қисм бешинчи бандида “тезкор-қидирув тадбирларини олиб бориш” ҳамда 39¹, 329-моддаларнинг иккинчи қисмida, 39²-модда тўртинчи қисмida, 87-модда биринчи қисмida, 382-модда учинчи қисми ўн биринчи хатбошисида эса “тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш”, деган сўзлар кўлланилган.

Қонун чиқарувчи қонун нормаларида атамаларни турлича таҳрир қилиши олим ва амалиётчи ходимлар томонидан уларни ҳар хил тушуниш ва талқин қилинишига олиб келиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, қонун нормалари ижросини бир хилда таъминлашга салбий таъсир этади. Шунинг учун қонунда атамаларни бир хил таҳрир қилиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М.* Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т., 2017. – Б. 106.
2. *Закиров Б.Э., Каримов В.Г.* “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – 2013. № 1. – Б. 25.
3. Юридик луғат – Миллий ҳуқуқий Интернет портали // Электрон манба: URL: <https://huquqportal.uz/dictionary> (мурожаат вақти: 25.04.2021).
4. QOMUS.INFO // Электрон манба: URL: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/qonunchilik-uz/> (мурожаат вақти: 25.04.2021).
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV Т-Тартибли / Таҳрир ҳайъати: А.Мадвалиев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т., 2006. – Б. 687.
6. *Абидов А.С.* Опрос как оперативно-розыскное мероприятие и использование его результатов: Дис ... канд. юрид. наук. – Владимир, 2006. – 175 с., *Веденин А.В.* Наблюдение как оперативно-розыскное мероприятие, особенности использования его результатов: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Владимир, 2012. – 26 с., *Карпухин С.В.* Правовое регулирование опроса в оперативно-разыскной деятельности: Дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2005. – 197 с., *Соколов Ю.Н.* Использование результатов электронного наблюдения в уголовном судопроизводстве и оперативно-розыскной деятельности: Дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2004. – 218 с.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/20596> (мурожаат вақти: 16.08.2020).
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/20596> (мурожаат вақти: 16.08.2020).
9. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сон конуни // Электрон манба: URL: <https://www.lex.uz/docs/2107763> (мурожаат вақти: 15.1

Ф. С. Қаршиев,

ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва криминология
кафедраси доценти вазифасини бажарувчиси,
юридик фанлар бўйича фаласафа доктори (PhD)

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Аннотация. Мақолада ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга оид долзарб масалалар ёритилган бўлиб, унинг ўзига хос йўналишлари белгилаб берилган.

Таянч тушунчалар: ёшлар, хуқуқбузарлик, профилактикани амалга ошириш, ўзига хос йўналишлар.

Аннотация. В статье рассматриваются актуальные вопросы, связанные с реализацией профилактики правонарушений среди молодёжи, и определяются ее специфические направления.

Ключевые слова: молодёжь, преступность, профилактика, направления профилактики.

Annotation. The article deals with topical issues related to the implementation of crime prevention among young people, and defines its specific directions.

Keywords: youth, delinquency, prevention, specific areas.

Янги Ўзбекистонда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши, жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улгайиши, уларнинг қобилият ва истеъодини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, ёш авлод қалбида Ватанга садоқат ва фидойилик туйғуларини юксалтириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат сиёсатининг асосий бўғини бўлган ёшлар ва уларнинг таълим-тарбиясига доир масалалар янада долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Чунончи, ёшлар тарбияси ва камолотида таълим ва тарбия муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, узлуксиз таълим, касб-хунарни ривожлантиришга эътибор йигит-қизларнинг жамиятда муҳим ўрин эгаллашлари учун кўмак беряпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “....Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар

яратиши, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-куватлаш, унинг хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз”[1], деган сўзлари ҳам ёшлар ўртасида хуқукбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Маълумки, ёшлар жамиятнинг ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ доимо эътибор ва парвариш талаб қилинадиган қатламиdir. Ислом динида болалар тарбиясида, энг аввало, ота-оналарнинг муҳим маънавий-маърифий, диний-хуқуқий билимга эга бўлиши талаб этилади. Буни Пайгамбаримиз (с.а.в.) нинг: “Киши фарзандининг тарбияси билан ҳар куни ярим соат шуғулланиши, садақа беришдан яхшироқдир”, “Ота боласига чиройли тарбиядан қимматлироқ нарса қолдира олмайди”, “Ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ҳар бир раҳбар ўз қўл остиагилар учун масъулдир”[2], деган ҳадислари ҳам тасдиқлайди.

Ислом дини бола тарбиясини узлуксиз жараён сифатида тушунтиради ва у инсоннинг болалигидан то катта бўлгунига қадар давом этишини назарда тутади. Чунки фарзанд тарбияси унинг гўдаклигида, болалигига, ўсмирлик чоғида, балофатга етганидан кейинги даврларда – ҳар бир босқичда катта масъулият талаб этади. Ислом дини ахлоқ-одоб, инсон тарбиясини асосий ўринга қўйгани учун ҳам баркамол авлод тарбиясида бекиёс аҳамият касб этади. Ҳусусан, болага тарбия беришда тарбия масканининг турига кўра Абдулла Авлоний уларни икки катта гурухга ажратади: уй тарбияси ҳамда макtab ва мадраса тарбияси. У шундай дейди: “... биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи макtab ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукumat вазифасидур” [3].

Хозирги кунда Ўзбекистонда ёшлар ўртасида хуқукбузарликларнинг

профилактикасини амалга ошириш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳусусан, ёшлар ўртасида майда безорилик, жамоат жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишлик билан шуғулланиш, енгил тан жароҳати етказиш каби хуқукбузарликларнинг содир этилиши давом этиб келмоқда. Кўпчилик одамлар хуқукбузарлик учун жазони асосий тарбия таъсир чораси, деб ҳисоблайдилар. Аммо бу тарбия воситаси барчага ҳам бирдек таъсир қилмаслиги, ҳаттоқи ёшларнинг салбий жиҳатларини янада ривожлантириб юбориши мумкинлиги ҳаммага аён, оддий ҳақиқат. Ҳусусан, мазкур ҳолатда статистик кўрсаткичларга аҳамият берилса, ёшлар ўртасида хуқукбузарликлар нафақат макtab ўқувчилари, балки коллеж, лицей ва олий таълим муассасалари талabalari томонидан ҳам содир этилаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Республикамиз бўйича жиноят содир этган ёшларга оид статистика маълумотларига эътибор қаратсан, 2018 йилда 28,1%га, 2019 йилда, 22,0%га ёшлар жиноятчилиги камайган, бироқ 2020 йилда республикада қайд этилган ҳар тўртинчи жиноят (14 378 та ёки 23,2%) ёшлар томонидан содир этилган. Шундан 4 052 нафари – иш билан банд бўлмаган ёшлардир [4].

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 13 апрель куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда мамлакатимиз бўйича 648 минг нафар ишсиз “Ёшлар дафтари”га киритилган бўлса, биринчи чоракда шундан 283 мингининг бандлиги таъминланган. Ҳусусан, 175 минг нафар ёшга 45 минг гектар ер майдони ажратилган. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 36 мингта

кўшимча тўгарак ташкил этилиб, 874 мингга яқин ўғил-қиз жалб этилган. “Беш муҳим ташаббус” доирасида таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига 97 мингта санъат ва спорт инвентари, компьютерлар, 562 мингта бадиий китоб етказиб берилган. Лекин айрим худуд ва соҳаларда ёшлар масалаларига эътибор ҳали ҳам талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, Андижон вилоятида биринчи чоракда атиги 5 мингга яқин ёш доимий ишга жойлаширилган. Аммо айни пайтда ҳудуддаги саноат корхоналари ва кластерларда 7 мингта доимий вакант иш ўрни мавжуд. Ишсиз ёшларни касб ва тадбиркорликка ўқитиш, маблағ билан таъминлашда ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, “1+1” дастури доирасида 100 минг нафар ёшни ўқитиб, кейин уларга имтиёзли кредит ажратиш белгиланган бўлсада, Савдо-саноат палатасининг қуий тузилмалари бу ишларни тизимли ташкил эта олмаяпти. Мисол учун, уч ойда республика бўйича 21 минг нафар ёш тадбиркорликка ўқитилган. Тошкент шаҳрида атиги мингта, Намангандаги эса 1 100 та сертификат берилган. Бухорода эса бор-йўғи 216 нафар ёш касбхунар ва тадбиркорликка ўқитилган. Бундан ташқари, ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш Сурхондарё вилоятида 30 фоизни ташкил этиб, бу республикадаги энг паст кўрсаткич. Худди шу каби Хўжайлида атиги 16 нафар, Фурқатда 27 нафар, Улуғнорда 78 нафар, Ангорда 82 нафар ишсиз ёшлар “1+1” лойиҳаси билан қамраб олинган, деб таъкидланди [5].

Криминологларнинг фикрича, ишсизликнинг 10%га кўпайиши жиноятчиликнинг 3,4–6,5 % ўсишига олиб келади [6].

Демак, фарзанднинг эртаниги билимли, етук, обрўли, фаровон ҳаётининг барпо бўлишида, бугунги кунда оиласида айнан ота-онанинг ўзи маънавий-хуқуқий саводхон тарбиячи бўлиши талаб этилади.

Шунинг баробарида айтиб ўтиш жоизки, улар ўз фарзандларини баркамол бўлиб вояга етишлари учун жамият олдида жавобгардир. Чунки болани дунёга келтиришдан кўра, уни жамиятга нафи тегадиган, соғлом эътиқодли, солих фарзанд қилиб тарбиялаш мушкулроқдир.

Ёшларнинг шахсий хислатларини билиш профилактик чора-тадбирларни тўғри танлаш ва қўллашда катта аҳамият касбэтади. Зоро, ёшларнинг хуқуқбузарлик содир этиш йўлига киришига уларнинг шахсидаги салбий ёки ижобий хислатлар алоҳида ўрин тутади. Ёшларнинг ўзига хос манфаатлари, эҳтиёжлари, асосий фаолият йўналишидаги ўзаро алокаларида мавжуд салбий ҳолатлар унинг жамиятда ўз ўрнини топмаслигига ҳамда ўқиши ва меҳнат фаолиятида жамоа аъзолари билан ўзаро муносабатларининг ёмонлашувига олиб келади.

Ёшлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг содир этилишининг асосий сабабларидан бири уларнинг айримлари табиатида маънавий ва хуқуқий қадриятларни менсимаслик мавжудлигидир. Ушбу иллат шахсни турли хуқуқбузарликлар содир этишга ундейди. Ўзаро дўстлик, бурч, виждон, довюраклик каби инсоний хислатлар ёш жиноятчилар томонидан факат гурӯҳ манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда талқин этилади. Уларнинг ҳаётий мақсадлари эса шоҳона яшаш, вақтинчалик роҳат-фароғат, бокимандалик кайфиятидан иборат бўлади. Ўзларининг у ёки бу маънавий ё хуқуқий ножӯя хатти-харакатларини “оқлаб”, ҳамма айбни жабрланганлар зиммасига юклаш орқали жазодан қутулиш ёки ўзларини овунтиришлари, айниқса хавфлидир. Негаки, бу сароб ҳаёллар ёшларда жазодан қутулиб қолишга ишончни орттиради ва уни файриижтимоий хулқ-атворини давом эттиришга даъват этади.

Ҳар бир ижтимоий жамиятда ёшлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг юзага келишимаълум сабабваомиллартасирида кечади. Ҳар қандай ҳолатда умумий

хукуқбузарликлар, шу билан бирга, ёшлар ўртасида хукуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар ҳам мавжуд бўлади.

Ёшлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, уларни ижтимоий-хукукий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этиш лозим. Бунинг учун маҳаллаларда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида хукуқбузарликларнинг профилактикасига қаратилган:

– “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачигидек асранг!” шиори остида тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш;

– ёшларнинг турли ёт ғояларга кириб кетиши, улар ўртасида жиноятчилик ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида таълим муассасалари, Интернет клублар ва тунги кўнгилочар масканларда жамоатчилик назоратини кучайтириш;

– “Фидойи ёшлар отрядлари”ни тузиш орқали ишсиз ёшларни ҳақ тўланадиган жамоат ва мавсумий ишларга жалб этиш;

– “Ёшлар қурилиш отрядлари”ни ташкил этиш ва олий таълим муассасалари талabalарини ёзги таътил вақтида ҳақ тўланадиган қурилиш ишларига жалб этиш;

– “Хунармандчилик” каби тадбирлар маҳаллада ўтказилиб, бунга ёшларни кенг жалб этиш;

– ёшларнинг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтириш, шунингдек уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш;

– умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида спорт секциялари, фан, техника тўгараклари ва ижодий тўгараклар фаолиятини ташкил этиш;

– тарбияси оғир ёшлар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга оширишда таълим муассасалари ва маҳалланинг ролини ошириш;

– ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва тадбиркорлик фаолияти асослари бўйича ўқитиш, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорликни шартнома асосида ривожлантириш кабилар.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, ёшлар ўртасида хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширилиши талаб этилади. Буборада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, таълим муассасалари ва бошқа муассасалар ёшлар ўртасида хукуқбузарликлар профилактикасини шакллантириш бўйича ўз ваколатлари доирасида ижтимоий, ташкилий-хукукий ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмuinи амалга оширишлари зарур. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”, деган сўзлари асримиз бошида қанчалар муҳим ва долзарб бўлганидек, ҳозирги кунда миллатимиз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам муҳим ва долзарбdir.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // <http://aza/uz>.
2. Ҳадисдан.
3. Абдулла А.Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т., 1992. – Б. 13, 160.
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор-маълумотлар бошқармасининг маълумотномаси.
5. <https://president.uz/uz/lists/view/4283>.
6. Криминология / Профессор З.С.Зарипов таҳрири остида. – Т., 2007. – Б. 164.

Ў. М. Давлетов,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кафедра бошигининг ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ: МАСАЛА ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация. Мақолада энг заиф деб топилган алоҳида ҳудудларда ўтказиладиган ислоҳотларнинг комплекс, интеграциялашган ва мувофиқлаштирилган тажриба-синов лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан бир қаторда, болалар эҳтиёжига салбий таъсир этиши мумкин бўлган турли хавфлар, таҳдидларни камайтиришга ёрдам берадиган ижтимоий ҳимоя тизимини кенгайтириш, ресурсларни тақсимлаш бўйича мавжуд формулани қайта кўриб чиқиш ҳамда мустаҳкамлашнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий ҳимоя, бенефициар, камситмаслик, гендер тенглик, инклузив таълим, иқлим ўзгариши, интеграция, аутосорсинг, диверсификация ва демонополизация.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности разработки и реализации комплексных и скоординированных проектов по апробации опыта реформ, проводимых в отдельных регионах, которые считаются наиболее уязвимыми, а также вопросы расширения системы социальной защиты, которая может помочь снизить различные риски и угрозы, негативно влияющие на потребности детей.

Ключевые слова: социальная защита, бенефициар, недискриминация, гендерное равенство, инклузивное образование, изменение климата, интеграция, автосорсинг, диверсификация и демонополизация.


Annotation. The article discusses the features of the development and implementation of integrated and coordinated projects to test the experience of reforms carried out in certain regions that are considered the most vulnerable, as well as the expansion of the social protection system, which can help reduce various risks and threats that may negatively affect the needs of children.

Keywords: social protection, beneficiary, non-discrimination, gender equality, inclusive education, climate change, integration, auto-sourcing, diversification and demonopolization.

Болаларни ҳимоя қилиш тизимида давлат томонидан ажратилган маблағларнинг асосий улуши инклузив таълим (болаларнинг қобилиятлари ва ҳолатидан қатъи назар уларнинг барчасига сифатли таълим тақдим этиш) ёки ижтимоий заиф оиласалар учун ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун эмас, балки ноинклузив йўналиш, яъни болалар, айниқса имконияти чекланган болаларнинг интернат муассасаларига жойлаширишга сарфланаётган харажатлар заифликни енгиллашириш ёки бартараф этиш ўрнига, аксинча ижтимоий табакаланишни кучайтириш хусусиятга эгадир.

Умуман олганда, мамлакатимизда таълим учун давлат харажатлари Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори хисобланади. Шунга қарамасдан болаларучун натижалар шу даражага мос эмас. Ёш бўйича турли гуруҳлар учун сарфланадиган харажатлар тўғри тақсимланмаганлиги сабабли, маблағларнинг катта қисми умумий ўрта таълимга сарфланади. Олий таълим ва мактабгача таълимга эса камроқ ажратилади [1]. Яъни бюджет маблағлари марказлашган тарзда белгиланган формулалари ўзига хос эҳтиёжлар ва заифликларни ҳудудлар миқёсида тўлиқ тақсимлашга қара-

тилмаган [2]. Ваҳоланки, мактабгача таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик модели асосида таълим хизматларини тақдим этиш бўйича аутосорсинг масалани кўриб чиқиш замон талаби ҳисобланади. Албатта, бунинг учун хусусий сектор салоҳияти ҳам талабга жавоб бериши, таълим секторига давлат-хусусий шерикчиликни самарали жорий этишга кўмаклашиш учун мавжуд тартибга соловучи ва маъмурий тизимларни мустаҳкамлаш талаб этилади [3]. Айни соҳада функциялари такрорланувчи кўпгина тузилмалар фаолиятини қайта кўриб чиқиш, давлат секторида маълумотларга асосланган режалаштириш ва ўрганишни рафбатлантирувчи бошқарув маданиятини янада ривожлантириш, маҳаллий даражада кадрлар ва бюджет салоҳиятини яхшилаш ҳамда хизматларни тақдим этиш тизимидағи диверсификация ва демонополизацияни эркинлаштириш лозим.



Сиёсий омиллар нуқтаи назаридан мамлакат ривожланиши кун тартибида ижтимоий секторнинг устувор бўлишини ижобий баҳолаш мумкин. Бунда коррупцияга қарши курашиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки у бир неча секторларда хизматларни тақдим этишга ўз таъсирини кўрсатса, яна бир вазифа эса энг муҳтоҷ аҳоли қатламлари ва болаларнинг қарорлар қабул қилишда

Миллий стратегиямизда ижтимоий хизматларнинг ривожлантириш бўйича алоҳида ҳолатлар кўзда тутилган бўлсада, ижтимоий нуқтаи назардан заиф оиласлар ва болаларнинг маҳаллий миқёсдаги эҳтиёжларини қондириш учун молиявий имкониятлар етарли даражада тўлиқ байн этилмаган ва бу каби хизматлар учун бюджетлар аниқ қилиб белгиланмаган. Айни соҳа зарарли анъаналарга барҳам бериш тамойилларига (камситмаслик, гендер тенглик ва х.к.), ижтимоий содикликин акс эттирувчи нормаларга эҳтиёжи баланд бўлсада, қонунчилик, ижтимоий меъёр ва оддий амалиёт ўртасида сезиларли тафовутлар мавжуд.

Мамлакатимизда болалар хуқуқларини амалга оширилиши ёки оширилмаслиги сабабларини ўрганишлар натижасига кўра, қуйидаги таҳлилий асослар аниқланган:



иштирок этиш имкониятини таъминлашдан иборатdir.

Айни жараёндаги иқтисодий тўсиқларга қуйидагилар киради:

бюджетни тақсимлашда кам самарадорлик;

норасмий харажатлар (масалан, соғлиқни сақлаш тизимидағи);

ижтимоий ҳимоя ва турли ёшдагилар гурухлари учун номутаносиб сармоялар киритиш;

қабул қилинган стандартларга мувофиқ бўлиш учун камлик қиладиган бюджетлар.

Ижтимоий ҳимоя дастурлари бутун дунёда оиласлар ва болаларга камбағаллик, тенгсизлик, озиқ-овқат хавфсизлигига қарши курашишда ёрдам бериш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа хизматлардан баҳраманд бўлишни енгиллаштиришда муҳим роль ўйнасада, мавжуд ижтимоий ҳимоя дастурларининг бирортаси иқлим ўзгаришининг жиддий оқибатлари ёки катта ер майдонлари яроқсиз бўлиб қолишидан (масалан, Орол денгизида бўлгани каби экологик ҳалокатлар сабабли одатий турмуш тарзидан маҳрум бўлиб қоладиган ҳудудларда) азият чекиб яшайдиган одамларнинг юқори заифлигини лозим даражада ҳисобга олмаганлиги, бенефициарлар (имтиёздан фойдаланадиганлар)ни танлаб олиш бўйича холисона мезонларни мавжуд эмаслиги, шикоят қилиш механизми эса етарли даражада ривожланмаганлиги бу жараёнда хато қилишга замин яратади [4].

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимиға киритилаётган инвестициялар салмоғи анча катта бўлсада, улар асосан пенсия таъминотига сарфланмоқда, болалар учун нафақаларга эса инвестицияларнинг катта бўлмаган улуши ажратилади.

Нафақалар олиш ҳуқуқи тўғрисидаги билимлар етишмаслиги, кўрсатиладиган ёрдамнинг кераклича давомли эмаслиги бенефициарлар ижтимоий таъминот бўйича нафақалар олишга мурожаат қилмасликларига олиб келиши мумкин [5].

Шунингдек, маҳаллий ҳамжамиятлар даражасида ёрдамга муҳтож болали оиласларга нафақа олишга оид ҳуқуқлари тўғрисида ахборот берадиган ёки талабнома узатиш учун керакли хужжатларни тайёрлашда бенефициарларга ёрдам берадиган профессионал ижтимоий хизмат ёки ходимлар йўқ. Ушбу омиллар аҳоли ижтимоий таъминот тизими билан паст даражада қамраб олинишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, болада ногиронлик аниқланган шарти билан унга ногиронлик бўйича нафақага эга бўлиш ҳуқуқи тақдим этилади ва бунинг тўғрисидаги хулоса тиббий кўрикдан ўтгандан кейингина берилади. Тиббий кўрикдан ўтиш жараёни кўпинча касалхонага ётиш ва тегишли маблағ сарфлашни талаб қилади. Ва, айнан шунинг учун кўпгина кам даромадли оиласларда бу жараёндан ўтишга имкониятлари етарли эмас.

Қонунчиликда ижтимоий ҳимоя ва унга эга бўлиш ҳуқуқи белгиланган (ёки чекланган) бўлсада, бундай ҳимояга муҳтож бўлиши мумкин бўлган гурухлар учун ижтимоий ҳимоя турларида муайян бўшликлар мавжуд. Масалан, имконияти чекланган болаларини парваришлайтганлиги учун ишхонадаги даромадидан маҳрум бўлган шахсларга (асосан аёлларга) компенсация маблағларининг тўлашни назарда тутадиган низом мавжуд эмас. Ёш болалари бор оиласларни қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий ҳимоянинг муҳим чораси бўлиши мумкин бўлган болани парваришлаш таътили ҳомиладорлик ва туғуруқ бўйича таътил олиш ҳуқуқига эга аёлларга тақдим этилади. Бироқ қонунчилик ана шу нафақаларнинг тўлаш учун масъулиятни иш берувчига юклайди. Бу эса репродуктив ёшдаги аёлларнинг ишга ёллашга тўскىнлик қилади. Ва, нафақат шу аёллар, балки умуман ёш оиласларнинг заифлигини оширади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қабул қилинган чораларнинг айримлари аёллар ва жамоат институти ҳисобланган оиласи қўллаб-қувватлашга қаратилган [6]. Шунга қарамасдан ижтимоий ҳимоя тизимида оиласнинг қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс ёндашувга асосланган чора-тадбирларни иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавф ва таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш, иқлим ўзгаришининг бола саломатлигига таъсирини мониторинг қилиш, таълим ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида ушбу глобал

таҳдид таъсирини қандай юмшатиш, камбағаллик даражасини камайтириш ва болаларнинг умумий фаровонлигини оширишга қаратиш лозим. Мазкур вазият таҳлили хорижий мамлакатлар тажрибасида болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва яхшилаш борасида сезиларли ютуқларга эришилганлигини кўрсатди.

Техник соҳада соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот ва болаларни ҳимоя қилиш секторлари марказлашган ҳолда режалаштириладиган хизматларни тақдим этади. Бундай режалаштирилган хизматлар ўз навбатида, ижтимоий хизматлар тизимининг маҳаллий шароитлар ва эҳтиёжларга мослашиш имкониятлари камайишига сабаб бўлади. Гарчи, ўзини-ўзи бошқариш тизими (маҳалла) қонунчиликка мувофиқ ташкил қилиниб, 1993 йилдан бери фаолият кўрсатаётган бўлсада, ижтимоий нафақалар ва ижтимоий ҳимоя бўйича хизматлар учун масъулият бир қатор органлар бўйича тақсимланган. Бу эса оиласвий муаммоларни ҳал қилишда ёрдамга муҳтож оиласлар учун маҳалланинг молиявий, ташкилий ва касбий имкониятларини чеклайди. Яъни маҳалла биринчи алоқа нуқтаси сифатида стандартлаштирилган воситалар ва тегишли даражадаги тайёргарликка эга эмас.

Оиласвий муносабатлардаги ўзгаришларни тавсифлашдаги яна бир кўрсаткич, бу отона қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва миший зўравонлик қурбонига айланган аёлларга кўрсатилаётган хизматларга ортган эҳтиёж. Бошқа мамлакатларда бўлганидек, маҳаллий миқёсдаги қўллаб-куvvatлашнинг анъанавий тизими ва оиласвий муносабатларнинг бузилиши болалар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш секторида, агар тиббиёт ходимлари ва тиббиёт муассасалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги лицензиясига эга бўлиб, хусусий компания ёки ННТ учун белгиланган талабларга жавоб берса,

хусусий етказиб берувчилар томонидан тиббиёт хизматлар тақдим этилишига чекловлар йўқ. Шундай бўлсада, хусусий тиббиёт сугурта етказиб берувчилар сони кўп эмас, бу эса соғлиқни сақлашнинг хусусий тизими ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Афсуски, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг бугунги ҳолати мавжуд клиник кўрсатмаларни амалга ошириш учун етарли эмас ва бу ҳолат (иш ҳақининг камлиги) аксарият ҳолларда норасмий тўловлар билан қопланади ва ушбу тўловларнинг норасмий шакли тиббиёт хизматлардан фойдаланишига, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатлами фойдаланишига, энг ёмони соғлиқни сақлаш хизмати сифатига баҳо бериш учун муҳим бўлган инсон капиталини ривожланишига тўсқинлик қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, болалар ҳуқуқларини амалга оширишда янада салмоқли натижаларга эришиши учун ижтимоий жиҳатдан энг заиф болалар аҳволини пухта таҳлил қилиш ва заифлик энг кўп тарқалган соҳаларда тенгсизликни қисқартириш бўйича миллий стратегия ва режаларимизни ишлаб чиқиш, келгусида соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя ва болалар ҳимояси соҳаларидағи айрим таркибий тўсиқларни ўрганиш ва бартараф қилган ҳолда ҳаётларига таъсир қилувчи қарорлар қабул қилинишида болалар иштироки учун механизм ва жараёнларни белгилаб олиш зарур. Акс ҳолда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва техник тўсиқлар болалар ҳуқуқларини амалга оширилишини секинлаштириши ёки сезиларли даражада тўсқинлик қилиши мумкин. Шубоис юзага келаётган янги муаммолар (демографик вазият ва таълим соҳасида юзага келган босим) ни кузатиб бориш ва уларни олдини олиш билан бир қаторда, Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши келажақда болалар фаровонлиги учун янги имко-

ниятлар билан бирга, янги муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкинлиги унутмаслигимиз лозим.

Ушбу вазият таҳлили ижтимоий соҳадаги жорий ислоҳотларни тўлдирувчи айрим тавсиялар билан якунланади:

– болалар камбағаллигини ўлчашнинг кўп жиҳатли кўрсаткичини ишлаб чиқиш;

– болалар камбағаллигининг кўп жиҳатли ўлчаниши натижаларини ҳисобга олиш учун ресурсларни тақсимлаш бўйича мавжуд формулани қайта кўриб чиқиш;

– болалар эҳтиёжларига, турли хавфлар ва таҳдидларга таъсирини камайтиришга ёрдам берадиган ижтимоий ҳимоя тизимини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

– ёшлар стратегиясини янгилаш;

– ногиронлиги бўлган болалар учун заифликларни камайтириш бўйича стратегия ва режа ишлаб чиқиш;

– таълим хизматлари сифатини барча даражаларда ошириш;

– ҳомила пайдо бўлишидан бошлаб, болалик ва ёшлиқ даврларида соғлиқни сақлаш ва соғлом овқатлантириш бўйича хизматларни яхшилаш; етарлича маълумотлар мавжуд бўлмаган ижтимоий меъёрлар, ҳуқуклар бузилиши ва заифликлар ҳақидаги билимларни яхшилаш;

– энг заиф деб топилган алоҳида худудларда ўтказиладиган ислоҳотларнинг комплекс, интеграциялашган ва мувофиқлаштирилган тажриба-синов (пилот) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Жаҳон банки (2018 й.) “Ўзбекистондаги таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисобот”.
2. ЮНИСЕФ (2018 й.) “Ўзбекистондаги болаларга ажратиладиган давлат инвестицияларининг модели: жорий ҳолати ва такомиллаштириш йўналишлари”. – Т., 2018.
3. ЮНИСЕФ (2018 й.). “Мактабгача таълимдаги давлат-хусусий шерикчилик: халқаро тажриба ва Ўзбекистон учун сабоқлар: муҳокама учун хужжат”. – Т., 2018
4. Жаҳон банки (2019). Ўзбекистонда ижтимоий ёрдам манзиллилигини баҳолаш. Куйидаги манзилда мавжуд: <http://documents1.worldbank.org/curated/en/756191577683400252/pdf/Uzbekistan-Social-Assistance-Targeting-Assessment.pdf>.
5. ЮНИСЕФ (2019 й.) “Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини куриш”. – Т., 2019.
6. Осиё тараққиёт банки (2018 й.) Ўзбекистон: Мамлакат бўйича янгилangan гендер баҳолаш. Манила.

Д. А. Юсубов,

ИИВ Академияси Ижтимоий-гуманитар
фналар кафедраси доценти

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ

Аннотация. Мақолада нутқ маданияти, нутқ маданиятининг бевосита тил билан боғлиқлиги, нутқ маданиятининг хомашёси сўз эканлиги, инсон фаолиятида сўзнинг ўрни, маънолилиги, бу ҳақда шоир, ёзувчиларнинг фикрлари, ички ишлар органлари ходимларининг нутқ маданияти, уларнинг хизмат фаолиятида фуқаролар билан хушмуомалалиги, нутқ маданиятининг аҳамияти, унинг ўзига хосликлари ҳакида сўз боради.

Таянч сўзлар: нутқ, нутқ маданияти, нотиқлик санъати, мулоқот, ходимлар муюмала жараёни, нутқ эстетик қонун-қоидалар, талаффуз, дикция, сўзлар захираси, мантиқий таркиб, кўл, юз-ҳаракат (жест, мимика), комил инсон, хушмуомалали, нутқ маданиятининг аҳамияти, мазмундорлиги, мантиқийлиги, далилланганлиги, ишонарлилиги.

Аннотация. В статье рассматриваются культура речи, прямая связь культуры речи с языком, слово как элемент культуры речи, роль и значение слов в деятельности сотрудников ОВД, взгляды поэтов, писателей о культуре речи, культура речи сотрудников правоохранительных органов, важность речевой культуры, особенности культуры речи сотрудников.

Ключевые слова: речь, культура речи, публичное выступление, общение, процесс обращения с персоналом, эстетические правила речи, произношение, дикция, лексика, логическое содержание, рука, мимика (жесты, мимика), идеальный мужчина, вежливость, значимость культуры речи, содержание, логика, обоснованность, надежность.

Annotation. The article examines the culture of speech, the direct connection between the culture of speech and language, the raw material of the culture of speech, the role and meaning of words in human activity, the views of poets, writers, the culture of speech of law enforcement officers, their politeness, the importance of speech culture, we are talking about its features.

Keywords: speech, speech culture, public speaking, communication, the process of dealing with personnel, aesthetic rules of speech, pronunciation, diction, vocabulary, logical content, hand, facial expressions (gestures, facial expressions), ideal man, politeness, the importance of speech culture, content, logic, validity, reliability.

Инсоннинг маданияти унинг тили, хатти-ҳаракати, хулқи, нутқида бевосита намоён бўлади. Тил инсоннинг кучли муюмала қуроли ҳисобланади. Ички ишлар органлари ходимларининг ўз вазифаларини бажариш, олдига қўйган мақсадларига эришишда тил, нутқ маданияти ўзига хос аҳамиятга эга. Нутқ маданияти даставвал тил билан боғлиқ.

Нутқ маданияти гапираётган инсоннинг тил, грамматика қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишидир. Нутқ тўғри ёки нотўғри, чин ёки ёлғон, гўзал ёки ҳунук бўлиши мумкин. Нутқ қатъий равища грамматика қонун-қоидаларига мувофиқ амалга ошса бу тўғри нутқ ҳисобланади, аксинча, грамматика қонун-қоидалари бузилса нотўғри бўлади. Нутқ реал

воқеликка мос келса бу чин, келмаса ёлғон бўлади. Нутқ эстетик қонун-қоидалардан келиб чиқса, бу гўзал нутқ, эстетик меъёрлар бузилса хунук нутқдир. Нутқ маданияти тушунчаси кўп элемент ва ҳолатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, бу тушунчага ҳар бир тадқиқотчи ёки ҳар бир нотик ўзича ёндашади ва тушунтиради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, гўзал гапириш учун нутқ предметини яхши билиш, ижобий ва салбий хусусиятларини аниқлаш, она тилини чуқур ўзлаштириш талаб этилади. Нутқ маданияти бу уни ташкил қилувчи кўпгина элементлар – талаффуз, дикция, сўзлар захираси, мантиқий таркиб, қўл, юз-ҳаракат (жест, мимика)лари мажмуаси. Яхши нутққа эга бўлган ички ишлар органлари ходимлари одамларни ўзига жалб қила олади.

Нутқ – бу фикрнинг ифодаланиши. “Нутқ – тилнинг фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши, тилнинг алоҳида ижтимоий фаолият тури сифатидаги муайян яшаш шакли”[1]. Нутқ маданияти – бу ходимнинг фикрлаш ва унинг ривожланиш даражаси тавсифи ҳамда ахлоқий барқарорлигининг яққол далили. Ички ишлар органлари ходими яхши гапириши учун тўғри фикрлаши керак. Чунки сўздаги, гапдаги чалкашлик – бу фикрлашдаги чалкашлик, ноаниқлик. Бу, албатта, ходимнинг обрўйи ва олиб бораётган хизматининг самарасига салбий таъсир кўрсатади.

Нутқ маданияти – бу ходимнинг ўз фикрларини тил воситасида тўғри, аниқ ва ифодали етказиш маҳоратининг юқори даражаси. Ички ишлар органлари ходимлари ўз фикрларини тушунарли, ўринли ва ҳолатга мос келувчи воситалардан фойдаланиб, баён қилишидир. Нутқ маданияти ички ишлар органлари ходимларидан нутқнинг аниқлиги, равшанлиги, тушунарлилиги, тилнинг софлилигига қатъий риоя қилиши, мазмундорлиги, мантиқийлиги,

далилланганлиги, ишонарлилигини талаб этади.

Нотиқлик санъати билан шуғулланувчи кўпчилик назариётчилар нутқ маданиятининг қуидаги хусусиятларини эътироф этадилар.

Уларнинг фикрича, нутқ маданияти:

– биринчидан, инсон умумий маданиятининг бир қисмидир, зотан маданиятсиз одамда нутқ маданияти ҳам бўлмайди;

– иккинчидан, нотик ўзидағи илм ва билимни гўзаллик қонунларига асосан бошқаларга етказиш усулидир;

– учинчидан, объектнинг субъектга, нотиқнинг тингловчига етказадиган ахборотларни, маълумотларни дилдан чиқариб, мўътадил маъром, севинч, ҳаяжон, куюниш, ачиниш, афсусланиш каби хилма-хил ҳолатларда тингловчиларга етказиш жараёнидир.

Нутқ маданияти муайян мавзуни содда, тушунарли, равон тилда, шу билан бирга, муайян ҳиссий ҳолатлар воситасида сухбатдошга етказишидир.

Бу жараёнда нутқ билан боғлиқ равища илмий, грамматик, лексик, ҳиссий ва ҳоказо кўплаб сўз ҳамда қоидаларни ўз ўрнида ва ўз мазмунида мунтазам ҳолда ишлатиш зарур.

Инсонда, ички ишлар органлари ходимларида умр бўйи уларни тарқ этмайдиган бир эҳтиёж бор – у мuloқot. Ички ишлар органлари ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнida ўзаро ва фуқаролар билан мuloқotга киришади. Мuloқot инсоннинг, ходимнинг иккинчи табиати, борлиғидир. Мuloқotнинг турлари кўп. Уларга сўз (оғзаки), нигоҳ (кўриш), ушлаш (вужудий), хат-мактуб (ёзма) орқали, хаёлан (тепепатия) ва бошқаларни киритиш мумкин. Мuloқotлар ичida кенг тарқалгани ва таъсирчани сўз орқали оғзаки мuloқotдир. Сўз ички ишлар органлари ходими нутқ маданиятининг ўзаги (хомашёси) – ҳисобланади. Инсонларнинг, шу жумладан ички ишлар органлари ходимларини ҳам

сўзниң кўплиги эмас, камлиги безовта қиласи. Америкалик мутафакирлар Алан Пиз ва Барбара Пизнинг айтишича, аёллар бир кунда мулоқот жараёнида 20–21 мингта сўз ишлатар экан. Эркаклар улардан уч марта кам гапиради. Демак, ўртача одам (аёллар ва эркакларни қўшиб ҳисоблаганда) бир кунда мулоқот жараёнида ўз фикрларини баён қилиш учун 13,5–14 мингта сўздан бир кунда мулоқот жараёнида фойдаланаар экан. Энг кўп гапирадигани 3–4 ёшли гўдаклардир.

Сўзни ички ишлар органлари ходимлари муомала жараёнида талаблардан келиб чиқиб қўллаши, уни мавзу мазмунига мослаб талаффуз қилиши нутқ маданиятининг асосий қоидаларидан биридир. Шунинг учун ҳам халқ мақоли бежиз айтилмаган:

Хар сўзниң ўз жойи бор,
Хар нуқтаниң – макони.

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат хусусияти улардан нутқ маданиятини ўзларида яхши шакллантириши, сўздан самарали фойдаланишни тақозо қиласи.

Сўз – бамисоли тирик жон:
– ҳаёт кечиради улгаяди;
– кексаяди;
– замонлар ўзгариши билан ўзгаради.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқароларга ширин сўзлашга ҳаракат қилишлари лозим. Ширин сўзниң хосияти ҳақида қуйидаги шеърларни келтириш жоиз:

Яхши сўздан кўргайсан меҳру вафо,
Номуносиб қулдан етгай жафо.

Фахш сўздин тилни хомуш айлагил,
Балки кўнглингдин фаромуш айлагил.
Ҳар сўзиким содир бўлса бемаҳал,
Етгай андин обрўйингта ҳалал.

Хусайн Воиз Кошифий.

Нимадир етмайди инсонга ҳамиша
Озга қониқмайди, кўпга интилар.
Шижоати бисёр, доимо ташна,
Ерга сифмагандан кўкка интилар.

Шу инсон боласи жиндек ранжисачи?
Ё сўзда етмаса нафис малоҳат,

Бирор ноҳақлиқдан, бирор совуқликдан Юрагига тушса маломат,
Бирор сабаб билан жонидан тўйиб,
Умидсизлик солганда соя
Бундай пайтда кўп керак эмас,
Бир ширин сўз унга кифоя.
Асқад Мухтор.

Сўз ходимнинг қандай одам эканлигини ўзида акс эттирувчи ёрқин мезондир. Сўзга қараб ходимнинг қандай одам эканлигини пайкаш, билиб олиш мумкин. Ички ишлар органи ходимининг сўзи уни маъно-мазмунининг акс-садоси. Сўз шу қадар қудратли кучга эгаки, унинг воситасида ҳатто ўлимга ҳам даъво топиш мумкин.

Захриддин Муҳаммад Бобир сўзниң бу хусусиятини қўйидагича таърифлайди:
Ҳар вақтки, кўргансан менинг сўзимни,
Сўзимни ўқиб англагайсан ўзимни.
Бундан мақсад юқорида айтганимиз – сўз фоятда кучли қудратга эга эканлигини тан олиш ҳамда ундан унумли фойдаланиш.

Шу сабабли ички ишлар органлари ходимлари оғиздан чиқадиган сўзларига эҳтиёт бўлиши, имкон қадар ижобий, эзгулик йўғрилган сўзларни ишлатишга интилиши, фуқаролар билан муомала жараёнида жуда хушмомала бўлишлари, ўйлаб гапиришлари лозим бўлади. Айниқса, улар айтиладиган сўзга ўта масъулият нуқтаи назаридан ёндашиш, ҳатто шаклланадиган сўз ҳақидаги фикрнинг мусаффолигига, инсоний мазмунига эътибор қаратишлари керак.

Кўриниб турибдики, сўзга қайси нуқтаи назардан ёндашмайлик, у ички ишлар органлари ходимлари нутқ маданиятида, ҳатто оддий мулоқот жараёнида ҳам асосий хомашё бўлиб ҳисобланади. Фақат бу хомашё ички ишлар органлари ходимлари томонидан обдон ишланиши, сайқалланиши ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим. Шунда у фақатгина хомашё эмас, сехрли, бир қудратли кучга айлануб, фуқаролар диққатини ўзига ром қила олади.

Ички ишлар органлари ходимлари муомала жараёнида оҳангга жиддий қарамоғи лозим. Чунки оҳанг орқали кўп нарсага эришиш ёки йўқотиш мумкин. “Гап сўзда эмас, оҳангда, қайси сўзнинг қандай талафуз этилишида”[2], – дейди рус олими В.Г. Белинский. Ходим нутқининг ёқимли, ёқимсизлиги, ўринли, ўринсизлиги, фуқарони ўзига ром этиши ёки уни бездириши оҳангга боғлик жараёндир.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб борар экан, фикр-мулоҳазаларини қисқа, лўнда, тушунарли қилиб ифодалаши керак. Нутқ жараёнида имо-ишора, қўл ҳаракатлари, тўхтам (пауза)лардан ўринли фойдаланиш лозим. Айтиш мумкинки, юқоридаги фикрлар ички ишлар органларида хизмат қилаётган барча ходимларга тааллуқлидир. Лекин озодликдан маҳрум қилинганлар билан ишлаш улардан янада масъулиятни оширишни талаб қиласди. Чунки улар оммадан ажралиб ўзига нисбатан жуда юқори нутқ маданияти билан муомала қилишни талаб қилишади. Уларнинг баъзилари мутахассисликка (юриспруденция) оид тилни ҳам бироз ўзлаштириб олишади. Бу эса ички ишлар органлари ходимларидан мутахассисликка оид тил, юридик атамаларни чуқурроқ ўзлаштиришни тақозо этади.

Нутқ маданияти ички ишлар органлари ходимлардан юридик атамалардан тўғри, унумли, тушунарли фойдаланиш, юристга хос фазилатларни эгаллашга қаратилган бўлишни талаб қиласди. Ходим ҳар бир юридик атамани маъносини билиб ишлатиши лозим. Маъносини англамаган атамаларни муомала жараёнида ишлатмагани маъқул. Акс ҳолда хижолатли ҳолатга тушади. Кайковус “Қобуснома” асарида бу ҳақда шундай деган: “Агар сўз айтиб, сўзнинг нечук эканини билмасанг күшга ўхшарсанки, унга тўти дерлар, ул доим сўзлар, аммо сўзнинг маъносин

билмас. Сухангўй шу киши бўлғайки, ул ҳар сўзни деса, халқа маъқул бўлғай ва халқ ҳам сўз деса унга маъқул бўлғай. Бундай кишилар оқиллар қаторига киргай, йўқ эрса ул инсон суратига мавжуд бўлғон бир ҳайвондор... Нутқни жуда яхши ва санъаткорона ўрганиб ол, доимо гапга чечан бўлишга ҳаракат қил... Нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари ҳам кўп бўлади”[3].

Ҳуқуқий атамаларнинг асосий манбаи – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади. Чунки Конституция тили сиёсий-хуқуқий тил ҳисобланиб, Конституциямизнинг ҳар бир моддасида ўрин олган хукукий атамалар ўрнини алмаштириш мумкин эмас. Ички ишлар органлари ходимлари ўз касбига оид юридик атамаларни мукаммал билиши учун тинимсиз изланиши, ўқиши, яъни комилликка интилиши лозим. Шу ерда Азизиддин Насафий “Комил инсон” номли китобида ёзган: “Билгилки, комил инсон қўйидаги тўрт нарсага мукаммал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси – яхши сўз, иккинчиси – эзгу фаолият, учинчиси – гўзал ахлоқ, тўртинчиси – илм”[4]. Юқорида Насафий айтган тўрт фазилат ички ишлар органлари ходимларида ҳам бўлиши керак.

Шу билан бирга, ички ишлар органлари ходимларининг нутқи аниқ, зиддиятсиз, изчил, етарлича асосланган, мантиқий, соф ва бой бўлиши зарур.

Ички ишлар органлари ходимлари шахсининг фазилатлари орасида фуқароларни, уларнинг ким эканликларини, касб-корини, хоҳиш-истакларини, нималарга мойил ва қизиқишлигини, ўй-фикрларини, ташвишларини илғаб олиш ҳамда шуларга мос гап топа билиш қобилияти алоҳида ўринда туради.

Шунингдек, ходимнинг нутқдаги масала ва далилларга ўз муносабатини билдириши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ишончи комил бўлған масалалар бўйича ички ишлар органлари ходимлари аниқ

башоратлар қилиши ва дадил гапириши уларнинг нутқ салоҳиятини оширади.

Муомала жараёнида ички ишлар органлари ходимларининг нутқи шундай жаранглаши лозимки, фуқаролар қалбига гўёки ноёб бир малҳам бўлиб кириб бориши керак, бунинг натижасида фуқаролар ички ишлар органлари ходимларини доно, кўпни кўрган, билимдон, юрагида кири йўқ, олижаноб инсон, деб тан олишдан бошқа иложи қолмаслиги лозим.

Хўш, бундай нутқка қандай тайёрланиш керак? Албатта, кўп китоб, газета, журналлар ўқиш, керакли маълумот ва материалларни йиғиш, хизмат юзасидан маълумотномалар билан танишиш ва ҳоказо.

Ички ишлар органлари ходимининг нутқи фуқароларнинг қабуллаш даражасидан келиб чиқиб паст, баландроқ ёки баланд жаранглаши лозим. Нутқда ишлатиладиган сўзлар, иложи борича фуқароларга тушунарли бўлиши, муомалага тааллуқли бўлмаган сўзлар, шунингдек талаффузи қийин атамалар, иборалар мумкин қадар ишлатилмаслиги керак. Булардан ташқари, ички ишлар идоралари ходимларининг талаффузи мусаффи бўлиб, ҳар бир сўз, театр актёри дикцияси сингари янгилик ўз мазмунида отилиб чиқиши даркор. Ланж сўзлар, чала-ярим талаффузлар нутқ маданияти учун ёт унсурлардир.

Нутқ жараёнида ходим ўзини эркин ҳис қилиши керак. Уялиш, ийманиш, ётсираш, тортиниш каби ҳолатлар ходимга хос бўлмаган ҳодисалардир. Шу билан бирга, нутқ давомида ортиқча ҳаракатлар, имо-ишоралардан сакланиш керак. Акс ҳолда ходимлар фуқароларнинг эътибори нутқ мазмунига эмас, балки кўпроқ ходим ҳатти-ҳаракатига оғиб кетиши мумкин. Ходимнинг кийими ҳам ораста бўлмоғи жоиз. Кийимнинг янги бўлиши шарт эмас, лекин у тоза, бежирим, дазмолланган ва ходим жуссасига қуйиб қўйгандай ярашиқлик бўлгани яхши.

Кийимнинг низом талабларига мувофиқ бўлишига ҳам эътибор бериш керак.

Нутқ маданиятида: Ким гапиряпти? Қандай гапиряпти? Нима ҳақда гапиряпти? каби саволларга тўғри жавоб топиш ва унга амал қилишга катта аҳамият берилади.

Кўпчилик фуқаролар бу саволларнинг иккинчисига, яъни “Қандай гапиряпти?” саволига бериладиган жавобни нутқ маданиятининг асосий мезонларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Бундай муносабат мантиқан тўғри. Негаки, ходим айтадиган фикр, етказаётган ахборот ва маълумотлар қанчалик мароқли ва бадиият билан сайқаллашган бўлса, нутқнинг фуқарога таъсир кучи шунчалик ошади. Албатта, бу ўринда гап асосий эътибор мароқ билан гапириш устида эмас, муомала мазмунини мароқли, бадиий эҳтирос билан фуқарога етказиш устида боряпти. Бу эса нутқ маданиятининг муҳим қадриятларидан биридир.

Айтиш лозимки, ички ишлар тизими ходимларининг хизмат тартиботлари ҳамда фаолиятнинг тезкор хусусиятларини ҳисобга олганда, нутқ маданиятининг “А” дан тортиб “Я” гача барча қоидатартибларига, кўпдан-кўп унсурларига баъзан риоя эта олмасликлари табиий ҳол. Лекин фикрнинг мусаффолиги, сўзларнинг ўз мазмунига кўра ишлатилиши, товушнинг тиниқлиги каби муҳим талабларга эътибор берилиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ички ишлар органи ходимининг шахсий ички кайфияти қандай (яхши ёки ёмон) бўлишидан қатъи назар, унинг нутқи тетик, жарангдор, янги-янги муваффақиятларга йўлловчи чақириқлар сифатида янграши зарур.

Нутқ маданиятини яхши эгаллаган ходимлар фаол нутқ билан бирга, суст нутқдан, яъни қўл остидагиларни фикрини, асосларини тинглай, қабул қила олиши лозим. Ходим фуқаролар билан муомала жараёнида асослаш ва исботлаш, аниқ далиллаш ва ишонтира олиш, танқид қилиш ва рад этиш қўнималарига

эга бўлиши лозим. Бу жараёнда нутқ ва хизмат этикетидан фойдаланиши керак, яъни Ички ишлар Вазирининг “Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”[5]ги (2016 йил 30 май 82-сон) буйруғидан. Ушбу буйруқнинг бир неча бандларида ички ишлар органлари ходимларининг нутқ маданияти, муомаласига таалуқли талаблар бор. Масалан 16-бандида: “... Ички ишлар органлари ходимлари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкаслари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт”; 21-бандида – “жиноят олами маданиятининг элементлари, ахлоқи ва сўзларидан фойдаланиш каби иллатлардан холи бўлиши керак”; 37-бандида – “Ходимларнинг ўз ҳамкаслари билан сўзлашиб одоби ва муомаласи ходимнинг ҳамкаслари орасидаги нуфузини белгилайди. Ходим ҳамкаслари билан катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ва тенгдошларига эҳтиром тарзида самимий сўзлашади. Ўзаро мулокотда камтар, мулойим, босиқ, вазмин ва самимий бўлади. Сўзларни аниқ, равон ва тушунарли талаффузда, шошилмасдан ифодали баён этади. ...”; 38-бандида – “Ҳамкаслари билан сўзлашаётганда бир-бирларининг шахсиятига тегадиган қўпол сўзлар

айтмайди. Ёши катталарнинг сўзини бўлмайди, тенгдошлари ва кичикларнинг сўзини охиригача тинглаганидан сўнг, ўз фикрини аниқ ва тўлиқ баён этади”; 39-бандида – “Раҳбар билан сұхбатлашганда ундан олдин сўзламайди ва гапини дикқат билан эшитиб, кейин жавоб қайтаради. Зарурат бўлса, ўз фикр-мuloҳазасини раҳбар сўзини тугатганидан сўнг, ундан рухсат сўраб билдиради”; 44-бандида – “Ходимлар хизмат жараёнида ва хизматдан ташқари пайтда сўзлашиб одобига, муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш инсоннинг мавқеини юксалтиради, унинг жамоадаги ва жамиятдаги ўрни ҳамда обрўйини белгилаб беради”; 46-бандида – “Ички ишлар органлари ходимлари эл-юрт осойишталиги посбони сифатида хизмат зарурати туфайли чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан мулокотга киришганда қадди-қоматини тик тутган ҳолда, очиқ чехра билан уларнинг берган саволларига аниқ ва лўнда жавоб беришга интилади. Уларни қабул қилганда таржимон таклиф этади”, – деб кўрсатилган.

Шундан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир ички ишлар органлари ходимлари нутқ маданиятига сўzsиз амал қилишлари лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Т., 2013. – 350 б.
2. Воронцов В. Тафаккур гулшани –Т., 1989. – 173 б.
3. Кайковус. Қобуснома. – Т., 1992. – Б. 31–37.
4. Ҳаққул И. Навоийни англаш машақкати. – Т., 2005. – № 1. – 5 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги (2016 йил 30 май 82-сон) буйруғи.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ ВА ШАХС ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда ички ишлар органларини халққа ва ҳар бир оиласга янада яқинлаштириш, бу тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишда ички ишлар органлари олдида турган вазифалар хақида сўз боради.

Таянч сўзлар: профилактика инспекторлари, “Касбий маданият кодекси”, оптималлаштириш, либераллаштириш, ахолининг хукукий маданиятини юксалтириш, ягона электрон реестр, департаментлар, “хавфсиз маҳалла”, “хавфсиз худуд”, киберхавфсизлик.

Аннотация. В статье рассматриваются проводимые в Узбекистане реформы, направленные на сближение органов внутренних дел с людьми и каждой семьей, трансформацию этой системы в подлинно демократическую структуру, задачи, стоящие перед органами внутренних дел по коренному реформированию системы государственной, общественной и личной безопасности.

Ключевые слова: инспекторы профилактики, “Кодекс профессиональной культуры”, оптимизация, либерализация, повышение правовой культуры населения, единый электронный реестр, отделы, “безопасная махалля”, “безопасная зона”, кибербезопасность.

Annotation. The article examines the ongoing reforms in Uzbekistan aimed at bringing the police closer to people and every family, transforming this system into a truly democratic structure, the tasks facing the police in radically reforming the system of state, public and personal security.

Keywords: system of preventive checks, “code of professional culture”, optimization, liberalization, increasing the legal culture of the population, a unified electronic register, departments, “safe neighborhood”, “safe zone”, cyber security.

Мамлакатимизда тинчлик ва бар-
қарорликни мустаҳкамлаш мақсадида
давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъ-
минлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда.
Бунинг учун энг қуи – профилактика
инспекторлари тизими замонавий
тузилма сифатида шакллантирилди.
Улар эндиликда маҳалла идоралари
билин яқин ҳамкорликда фаолият олиб
бормоқда.

Бугунги кунда 2017 йилга нисбатан
жиноятлар сони 12 мингга камайгани,
жорий йилнинг олти ойи якунига кўра
эса мавжуд 9 минг 251 та маҳалладан

қарийб 50 фоизида биронта ҳам жиноятга
йўл қўйилмаганини алоҳида таъкидлаш
лозим. Бу, албатта, ислоҳотларимизнинг
ижобий самарасидан далолат беради ва бу
ишларимизнинг изчили давом эттиришини
тақозо этади [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилнинг
9 сентябридаги “Янги Ўзбекистон –
инсон қадри устувор бўлган жамият ва
халқпарвар давлатдир” нутқида алоҳида
қайд этилганидек, бундан кейин ҳам
ички ишлар органларини халққа ва ҳар
бир оиласга янада яқинлаштириш, бу

тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантириш борасида бошлаган ислоҳотлар изчил давом эттирилади[2].

Айниқса, бу соҳани маънавий пок, ўз бурчига содиқ, халқпарвар ва масъулиятли ходимлар билан тўлдириб боришга алоҳида эътибор қаратилиб, бундан бўён, ички ишлар органлари фаолиятини баҳолашда аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш натижадорлиги асосий мезон этиб белгиланади. Соҳани ижтимоий фикр асосида холис баҳолаш мақсадида, Ички ишлар вазирлигининг барча поғоналарида Жамоатчилик кенгашлари тузилади. Шунингдек, соҳа ходимларининг “Касбий маданият кодекси” қабул қилинади. Бу эса ушбу тизимда ўз хизмат бурчига нисбатан масъулият ҳиссини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган либераллаштириш сиёсатининг мантиқий давоми сифатида ўз аҳамиятини йўқотган 10 га яқин қилмишлар жиноят тоифасидан чиқарилади ва жазони енгиллаштирадиган ҳолатлар сони амалдаги 9 тадан 15 тагача кўпайтирилади. Гумон билан ушлаб турилган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона электрон реестр ишга туширилади. Энг муҳими, реестрга маълумотларни киритмаслик гумонланувчи шахсларни ушлаб туришни ноқонуний деб топишга асос бўлади.

Давлатимиз раҳбари 2021 йилнинг 24 октябрида соҳа ходимларининг касб байрами ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан йўллаган байрам табригида истиқтолимизнинг ilk даврида ташкил топган ички ишлар органлари ўтган синовли йиллар давомида машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтиб, халқимизнинг чинакам таянчи ва ҳимоячиси сифатида шаклланганини, ходимларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда конун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг

олдини олиш борасидағи мардона хизматлари иккита энг устувор масалага – жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга қаратилганини, чунки тинчлик ва соғлик – бу ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ҳақиқатдан ҳам сўнгти беш йилда ички ишлар тизимини комплекс ислоҳ қилиш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш, қуий бўғин бўлинмалари натижадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар натижасида жиноятчиликнинг олдини олиш, хуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг хукуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгидা “Қонун – устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган ҳаётий тамойилни қарор топтириш бўйича жиддий ўзгаришлар жорий этилмоқда.

Жумладан, Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати янада оптималлаштирилиб, унинг тузилмалари негизида Тезкор-қидирув, Жамоат хавфсизлиги, Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш, Жазони ижро этиш, шунингдек, Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментлари ташкил этилгани тизимнинг энг қуий бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятни йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Маҳаллаларда хуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Хусусан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасини таъминлаш амалиёти жорий этилди.

Бугунги кунда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, жумладан, “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га

киритилган фуқароларимиз билан манзилли ишлашни ташкил этиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ички ишлар тизими ходимлари ҳам муҳим ҳисса қўшмоқда.

“Хавфсиз маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд” тамойиллари асосида ички ишлар органларининг Миллий гвардия ва маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликдаги ишлари туфайли ҳудудлардаги криминоген вазиятни чукур таҳлил қилиш, жиноятларнинг динамикаси ва содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш ва “илмий диагноз” қўйиш орқали жиноятчиликни прогнозлаш ва унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини илмий асосда мактаб остонасидан, болаларнинг ҳуқуқий-психологик тарбиясидан бошлаш мақсадида 2021 йилда тизимга бир минг бир юз нафар инспектор-психологлар ажратилди. 2022 йилда бу қўрсаткични 2 минг нафарга етказалиши белгиланган. Бундан кўзланган мақсадимиз – фарзандларимизни мактаб ёшидан бошлаб қонунга хурмат руҳида камол тоғтиришдан иборат.

Ҳудудий бўлинмаларнинг тезкорлигини ошириш ва уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш учун соҳага 2016–2021 йилларда қўшимча 3,5 мингта яқин янги транспорт, 16 мингдан ортиқ маҳсус ва техник воситалар ажратилди.

Мамлакатимизда ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилиб, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, раҳбарларнинг профессионал салоҳиятини ошириш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалавриат ва магистратурани ўз ичига оладиган икки босқичли замонавий олий таълим тизими, ўкув жараёнига назария билан амалиёт

уйғунлигини таъминлаш учун янги таълим механизmlари жорий қилинди.

Янги ташкил этилган Жамоат хавфсизлиги университетида ички ишлар соҳаси учун ҳам етук кадрларни тайёрлаш жараёни бошланди. Ходимларни хизмат даврида узлуксиз ўқитиши учун илк бор Малака ошириш институти очилиб, замонавий ёндашувлар асосида масофавий ва мобиъл сайёр курсларни ўтказиши амалиёти жорий этилди.

Тажриба алмашиш, ўзаро ҳуқукий ёрдам кўрсатиш, ходимларни ўқитиши соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида жаҳоннинг 29 та давлати ҳуқуқтартибот идоралари билан эришилган икки томонлама халқаро келишувларга мувофиқ амалий ишлар олиб борилмоқда.

Фидойи ходимларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Ўтган беш йил мобайнида 500 дан ортиқ ички ишлар ходимлари ва ҳарбий хизматчилари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Хизмат хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда, алоҳида шароитларда ўз вазифаларини бажарувчи 25 мингдан ортиқ ходимларнинг ойлик маошларига устама ҳақлар белгиланди. 7 246 нафар ходимлар хизмат уйлари билан таъминланди, шунингдек, имтиёзли ипотека кредити асосида қурилган кўпқаватли уйлардан 2 минг 300 га яқин хонадонлар ажратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев юқорида қайд этилган байрам табригида айни пайтда, глобал дунёдаги шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазият соҳа фаолиятини замон талабларига мос равишда мутлақо янгича усулларда ташкил этишини тақозо этаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини кучайтириш, суриштирув ва тергов фаолиятини адолатли, холис ва ҳаққоний олиб бориши бўйича самарали механизmlарни жорий этиш, киберхавфсизликни таъминлаш ва

кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича соҳа ходимлари олдига қатор янги вазифаларни қўйди. Жумладан, соҳага илғор тажрибалар ва иш усулларини, инновацион-рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ходимларнинг интеллектуал ва касбий салоҳияти, маънавий-маърифий савияси, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ошириш, уларнинг мاشаққатли ва фидокорона меҳнатини муносаб қадрлаш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш шулар жумласидандир[3].

Холоса қилиб айтганда, ички ишлар органларини аҳолига ва ҳар бир оиласга янада яқинлаштириш, бу тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантириш борасидаги ислоҳотлар жараённида ҳар биримиз пассив кузатувчи эмас, балки – Ватанимизнинг асл ўғлонлари сифатида замонавий билимларни эгаллаган, маънавий ва маърифий дунёси бой, ҳар қандай хавф-хатарга қарши матонат билан курашишга тайёр халқимизнинг чин маънодаги ҳимоячилари бўлишга интилишимиз лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига багишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – 2021. – 31 авг.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш.М. Мирзиёевнинг сайлов дастури / “Янги Ўзбекистон – инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатдир”. <https://uzlidep.uz/news-of-party/10002> 09/09/2021.
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига байрам табриги / <https://president.uz/uz/lists/view/4719>. 24.10.2021.

ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада ёшларнинг мамлакат ҳарбий салоҳиятини ўстиришдаги ўрни, уларнинг ҳарбий ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, мақолада ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилди.

Таянч сўзлар: ёшлар, ҳарбий, Ватан, ҳарбий ватанпарварлик, ҳарбий таълим, ҳарбий тарбия, тинчлик, фаровонлик, хавфсизлик.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль молодёжи в развитии военного потенциала страны, раскрываются особенности воспитания молодого поколения в военно-патриотическом духе.

Ключевые слова: молодёжь, военный, Родина, военный патриотизм, военное образование, военное воспитание, мир, процветание, безопасность.

Annotation. The article focuses on the role of youth in the development of the country's military potential, the formation of military-patriotic qualities of the youth. The article reveals the specifics of educating youth in the spirit of military patriotism.

Keywords: youth, military, homeland, military patriotism, military education, military upbringing, peace, prosperity, security.

Мамлакатнинг порлоқ истиқболини ёшлар, уларнинг салоҳияти белгилаши ҳаммага маълум. Шундай экан, ҳар қандай мамлакат ўз келажагини ёшлар тимсолида, уларнинг маънавий-маърифий ва жисмоний жиҳатдан баркамол, ҳарбий ватанпарварлик фазилатлари шаклланган ҳолда вояга етказиша кўриши табиийдир. Бу, ўз навбатида, келажак авлоднинг ҳақиқий ватанпарвар бўлиб етишишига катта имконият яратади. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки кунларидан республикамиизда ёшларнинг баркамол инсон бўлиб, улғайишига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, айниқса, ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбияланиши учун катта – ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий асослар яратилди.

Лекин мазкур соҳада амалга оширилган тадбирлар ўзининг асосий мақсадига

эриша олмади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу ҳақида танқидий фикр билдириб: “ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва ўқитиш, навқирон авлодимизни бизнинг халқимизга мутлақо бегона бўлган бузғунчи гоялардан ҳимоя қилиш масалаларига зарур даражада эътибор қаратилмади” [1], – дея таъкидлади. Дарҳақиқат, юртбошимиз билдирган танқидлар ҳамда мазкур соҳада белгилаб берган вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимиз ёшларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб вазифалардан ҳисобаланади.

Шу ўринда савол туғилади: “Ватан”, “ватанпарварлик” тушунчалари нимани англатади? Бу муқаддас туйғу ҳақида саноқсиз фикрлар, ғазаллар, китоблар

ёзилган. “Ватан” тушунчаси – кенг қамровли, кўп маъноли тушунча. Инсон ўз киндик қони тўклилган, туғилиб ўсан диёрини Ватан дейди, аммо ҳар бир инсон бу тушунчага ўз маънавий камолот даражасидан келиб чиқиб, қамров беради. “Ўз уйим – ўлан тўшагим”, дейди бирор, бошқаси туғилган шаҳар ёки қишлоғини Ватаним, юртим дейди. Аммо қандай талқин этилмасин, муҳими, “Ватан” тушунчаси маънавий қадриятдир. У инсон онгида ҳар хил камол топади, вазиятлардан келиб чиқиб, турлича талқин этилади. Агар уларнинг барчаси назарга олинмаса, қиёсий таҳлилдан ўтказилмаса, ёш авлод руҳига сингимайди, оддий бир шиор даражасида қолиб кетаверади. Ватан (араб. ўсан жой, юрт) – кишининг туғилиб ўсан ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр ёхуд киши туғилиб ўсан ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт [2]. “Ватан” аниқ тушунча. У кенг ва тор маъноларда қўлланади. Бир ҳалқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудудни ифодалаганда у кенг маънога эга бўлади. Яъни тили, эътиқоди, урф-одат ва миллий хусусиятлари бир бўлган авлодлар яшаётган жуғрофий мухит – Ватанин ифодалайди.

Барча тинчликсевар мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам инсон ҳуқук, эркинлиги, давлат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг эркин, фаровон ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароитларни яратиш каби вазифалар мавжуд. Албатта, мамлакат ёшларида бу вазифаларнинг амалда таъминлаш кўникмаси ортган, малака ва тажрибаси шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Уларда ҳарбий ватан-парварлик қиёфаси ёшликтан камол топган бўлиши мамлакат тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда ҳам 2018 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида

тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарори билан “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси” қабул қилинди. Унда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишига оид яхлит таълим-тарбия тизимининг узвий, ажралмас қисми сифатида қаралиб, Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, бугунги Ўзбекистон ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равищда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди [3].

Дарҳақиқат, ёшларни ҳарбий-ватан-парварлик руҳида тарбиялаш масаласи умумиллий миқёсдаги вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ватанпарвар бўлмаган инсон ўз юрти, ҳалқи учун қайғурмайди, жонини фидо қилмайди. Зоро, ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний таъкидлагиндек, ҳар бир кишининг туғилиб-ўсан шаҳар ва мамлакатини шу кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсан ерини жонидан ортиқ суръ. Ҳатто бу Ватан ҳис-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз Ватанидан – ўюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-фароғатда яшамас, майшати талх бўлиб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз Ватанининг муҳаббати турар [4]. Демак, инсон онгли мавжудот сифатида ўз Ватанини улуғлаши, тараққиёти учун қайғуриши, тинчлиги, хавфсизлиги учун курашмоғи унинг ватанпарварлигидан далолат беради. Таълим муассасаларида тахсил олаётган ёшларни мана шу руҳда тарбиялаш мамлакат равнақи учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Асосий қонунимизда “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқук ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва

ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” [5], дейилган. Ушбу нормадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз барча фуқаролари учун инсонпарварлик принципидан келиб чиқсан ҳолда бир хил эътибор қаратилади. Шу сабабали ҳам озод ва обод Ватанимизни севиш ва қадрлаш, у билан фаҳрланиш, унинг сарҳадларини мудофаа қилиш ватанпарварлик намунасиdir. Конституциямизнинг 52-моддасида “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар” [6], деган хуқуқий норманинг киритилганлиги ҳам ҳар бир фуқарога ватанпарварлик унинг ажралмас бурчи эканлигини англатади. Ёшларимизда ватанпарварлик фазилатларини шакллантириши ёшликтан амалга оширишимиз муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, у фақатгина ижтимоий-маънавий масала бўлибгина қолмай, балки Ўзбекистон Конституциясига асосланган ҳолда сиёсий-хуқуқий масала эканлигини ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдирсак, уларнинг ватанпарварлигини янада юқори чўққи-ларга кўтариш имконияти юзага келади.

Ёшларнинг ҳарбий, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига республикамизда катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, ёшларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ўкув муассасалар ва бошқа ўкув юртлари: “Ватанпарвар” мудофага кўмаклашувчи ташкилот ўкув тўғаракларида, чақириққача ва чақириқ ёшидаги ёшларнинг ҳарбий тайёргарлик тизимида; Қуролли Кучларда шахсий таркибининг муддатли ҳарбий хизматни ўташи давомида, ҳарбий лицейлар, республика фуқаролик олий таълим муассасаларининг ҳарбий факультет ва кафедраларида, Қуролли Кучларга тегишли бўлган маҳсус тузилмаларда [7],

куч ишлатар тузилмаларнинг академик лицейларида олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида “Чақириққача ҳарбий тайёргарлик” фани, кўпчилик олий таълим муассасаларида ҳарбий кафедралар, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида “Чақириққача ҳарбий таълим” йўналиши доирасида ўқувчи ва талаба ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор берилмоқда.

Ёшлар – Ватанимиз, миллатимизнинг таянчи. Ватанимиз тақдирини уларга ишониб топширас эканмиз, аввало, улар зиммаларига юклатилаётган мураккаб ва масъулиятли вазифани бутун моҳияти илиа чуқур англашлари, унга ўзларини ҳиссаларини қўшишлари лозим. Зеро, Ватанин севиш, унга меҳр-муҳаббат қўйиши бевосита ҳар кимнинг шу юрт равнақи йўлида амалга ошираётган бунёдкорона ишлари билан белгиланади. Миллий ўзликни англашнинг ривожланишида миллий ватанпарварлик ғоялари билан сугорилган, теран фикрловчи ёшларни тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун Ватан ҳимоясига тайёрланаётган ёшларимизнинг ҳар бири юксак ватанпарварлик руҳида тарбияланиши шарт.

Ватанпарварлик – юксак инсоний фазилат ҳисобланади. Алишер Навоий шаҳзода Бадиuzzамонга ёзган мактубларидан бирида мақсад хусусида шундай ибратли фикрларини баён этган: “Одамнинг мурод-мақсади бўлмаса, балолардан омон қолмайди. Аммо ҳар кишининг муроду кўпроқ бўлса, ҳақтаоло амрига итоати кўпроқ бўлади” [8]. Ватани бор одамнинг ғурур-ифтихори юксак, мақсад-муддаоси аниқ бўлади. Ватани – тоғдек таянчи борлигини ҳис этган инсон ҳар қандай синовга, ҳар қандай машаққатга доимо тайёр туради. Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик,

Амир Темур каби халқ қаҳрамонларининг жасорати, душманга қарши кураш, Ватан озодлиги йўлидаги мардлиги ва жонбозлиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Мустақиллик туфайли халқимиз ўзининг ҳақиқий тарихи ҳақида гапириш хуқуқига эга бўлди, Ватан озодлигига эришди. Таълим муассасаларида ўқувчи, талаба, тингловчи ва курсантларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш бош ғоямизнинг маъно-мазмунини уларнинг онгу шуурига сингдириш воситасида амалга оширилади.

Айрим ҳолатларда ватанпарварлик деган тушунчанинг мазмуни нотўғри талқин этилиб, бир томонлама тавсиф берилади. Яъни ватанпарвар деганда, ҳарбийжасорат ёки қаҳрамонликкўрсатган шахслар назарда тутилади. Бизнинг фикримизча, бу ватанпарварликнинг муайян бир кўриниши бўлиб, унга мустақил фикрлаш, маънавиятлилик, маҳсус қасбга эга бўлиш кабилар унинг кирраларини кўрсатиб беради. Ҳақиқатан ҳам мустақил фикр бўлмаган жойда тобелик, маънавий таҳдид мавжуд бўлади. Ўз қарашига эга бўлган инсон ҳеч қачон ўзгаларга қарам бўлмайди. Мустақил фикр яратувчалик ва бунёдкорликнинг маънавий йўлидир. У мавжуд бўлмаган жойда эса сотқинлик бошланади. Демак, ёшларимизнинг мустақил фикрлашга ўргатиш, энг аввало. уларни нопок йўллардан асраб қолади. Бежизга ҳадисларда “ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир”, дейилмаган. Президентимизнинг бу ҳақда билдирган қуйидаги фикрлари ҳаммамиз учун дустуруламал вазифасини ўташи керак: “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда,

Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғилқизларимиз амал қилишларини мен жудажуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ” [9].

Ёшларда ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш адолат-парварлик билан ҳам мустаҳкам боғлиқ. Инсон умрига маъно-мазмун бахш этувчи адолат ҳақиқатга риоя қилишда, ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўя билишда намоён бўлади. Жоҳиллик, ялқовлик ва бекорчилик, худбинлик ва ҳасадгўйлик, қўрқоқлик, журъатсизлик ва такаббурлик охир-оқибатда Ватан тақдирига бефарқлики вужудга келтирадиган иллатлардан хисобланади. Бекорчилик – ҳар қандай истеъдод учқунини учирив, бошланган эзгу ният ва интилишларни йўққа чиқарадиган, қўлга киритилган муваффақиятларнинг бой берилишига олиб келадиган иллат. Бекорчилик оқибатида инсон ўз ҳаётида хаёлдан ва хоҳиш-истакдан нарига ўта олмайди. Инсон умри оқар сув каби тез ўтиб кетади. Халқимиз мақолларидан бирида таъкидланганидек, “Йўқолган олтин топилар, йўқолган вақт топилмас”. Шундай экан биз ҳар бир сония ва имкониятдан оқилона фойдаланишга интилишимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ватан равнақига ғов бўладиган ҳаракатларга йўл кўймаслик, уларга нисбатан муросасиз бўлиш ҳам Ватанга муҳаббат ҳиссини камол топтиришга хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи // URL – <http://press-service.uz/uz/lists/view/1419>.
2. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Т. 1. – Т., 2006. – Б. 444.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарори // <http://lex.uz/docs/3571158>.
4. Ўзбекистон – Ватаним маним: Метод.-библиогр. Қўлланма. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. Тузувчи М. Матмурадова // муҳаррир Шукур Қурбон // масъул муҳаррир Ҳ. Маматраимова. – Т., 2009. – Б. 9
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <http://lex.uz/docs/20596#39092>.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <http://lex.uz/docs/20596#39092>.
7. Сатибалдиев А.А., Мамуров У.И. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси. Ўкув қўлланма. – Т., 2007. – Б. 7–8.
8. Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. – Т., 1996. – Б. 126.
9. Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // [https://nrm.uz/contentf?doc=480816_o'zbekiston_respublikasining_saylangan_presidenti_shavkat_mirzievning_o'zbekiston_respublikasi_konstituciysi_qabul_qilinganining_24_yilligiga_bag'ishlangan_tantanali_marosimdagি_maruzasi_\(2016_yil_7_dekabr\)](https://nrm.uz/contentf?doc=480816_o'zbekiston_respublikasining_saylangan_presidenti_shavkat_mirzievning_o'zbekiston_respublikasi_konstituciysi_qabul_qilinganining_24_yilligiga_bag'ishlangan_tantanali_marosimdagি_maruzasi_(2016_yil_7_dekabr)).

КУРСАНТ ВА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада курсант ва тингловчиларнинг тарбия масалалари ҳамда оиласда курсантларни маънавий қадриятлар асосида тарбиялашда нималарга аҳамият қаратиш кераклиги тўғрисида тавсиялар берилган. Маънавий-ахлоқий тарбия, ижтимоий муносабатлари характеристи, оила, махалла, миллий урф-одатларга ижобий муносабат мотивларини шакиллантириш чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўзлар: қадрият, меҳр, таълим-тарбия, эмоционал муносабатлар.

Аннотация. В статье на основе духовных ценностей даются рекомендации по вопросам воспитания курсантов и слушателей. Указаны меры по формированию духовно-нравственного характера общественных отношений, положительного отношения к семье, соседям по махалле, национальным традициям.

Ключевые слова: ценности, щедрость, эмоциональные отношения.

Annotation. This article gives recommendations on the basis of spiritual values on the issues of education, what you need to pay attention to when educating cadets and listeners. Measures are indicated for the formation of spiritual and moral motives, the nature of public relations, a positive attitude towards the family, neighbors in the mahalla, national traditions.

Keywords: values, generosity, emotional, attitudes

Истиқлол бизга улкан имкониятлар ҳамда дунё ҳамжамиятидаги тенглик каби ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган ҳуқуқимизни қайтариб берди. Пировардида ўзлигимизни англайдик, миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаетган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш фояннинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда[1]. Бўлажак мутахассисларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, узлуксиз маънавий тарбия

концепциясида “Тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга, билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради”[2], – дея таъкидланди. Шунингдек, профессионал таълим тизимида маънавий маърифий ва тарбиявий ишларнинг мониторингини олиб бориши, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган тарбия технологиялари, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши, тайёрланаётган бўлажак ёш кадрларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш мухим, долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда профессионал таълим тизими ўқув-услубий таъминотини миллий қадриятлар асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Кези келганда айтиш жоизки, миллий қадрият деганда, энг аввало, тарихий синовларга бардош берган, халқимизнинг миллий манфаатларини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган, замонавий тараққиёт талабларига бутунлай жавоб бера оладиган, асрлар ўтгани сайн қадр-киммати ортиб борадиган ғоялар тушунилади. Ҳаёт ривожланиб бораркан, қадрият ҳам такомиллашиб, мукаммаллашаверади. Яна бир нарса аёнки, миллий қадриятни бир ёқлама, сунъий равишда улуғлаш, ундан сиёсий мақсадларда фойдаланиш жамият тараққиётига акс таъсир этиши ҳам бор гап.

Қадрият тушунчаси маҳсус фалсафий луғатда XIX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлганлиги таъкидлаб ўтилган. Фалсафий луғатнинг 5-жилдиқ қадриятга қуидагича таъриф берилган: “Қадрият фалсафий ва социологик тушунча. У биринчидан, бир объектнинг ижобий ва салбий қийматини, иккинчидан, ижтимоий онгнинг норматив белгиловчи баҳоловчи жиҳати (субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари)ни ифода этади”, “Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт” номли илмий ишлар тўпламида “Қадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиласиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим”, деб таъкидлаб ўтилган. Қадриятларни теран англаган ёшлар ота-оналари яратиб берган имконият ва шароитлардан фойдаланибгина қолмай, ўзлари ҳам келажаклари учун ҳаракат қиласилар. Бу борада мукаммал билим олиб, уни ҳаётга татбиқ эта билиш катта аҳамиятга

эгадир. Қадриятлар уйғуллиги инсоннинг комил инсон даражасига етиш учун интилишида, эркин яшашида, фаровон ҳаёт кечиришида алоҳида восита ҳисобланади. Қадриятларни асраб-авайлаш, ривожлантириш ижтимоий тараққиёт учун муҳимдир. Ўтмишдаги барча фалсафий таълимотларда, қадриятларнинг моҳияти ва уларнинг жамият тараққиётидаги тутган ўрни масаласига катта эътибор берилиб, улар ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсули жамият маънавий камолотининг муҳим омили эканлиги кўрсатиб ўтилади. Қадриятлар жамият тараққиётининг, моддий ва маънавий бойликлар ривожининг якуни, инсон камолотининг келажак учун ҳам катта аҳамият касб этадиган ижобий маҳсулидир. Ҳар бир қадриятнинг моҳияти тараққиёт, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиёт таъсир этиши имкониятлари асосида белгиланади.

Масалан, минг йиллик тарихга эга бўлган Марказий Осиё халқларининг муштарақ бадиий мерос намуналари бўлган “Манас”, “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби достонлар асрлар давомида халқ оғзаки ижодиёти намуналари тарзида авлоддан-авлодга ўтиб, келажак авлодлар маънавий дунёси, руҳий олами, миллий қадриятларининг шаклланишида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. “Авесто”да оила қуришда наслнинг поклиги, тозалигига алоҳида урғу берилган, яқин қариндош-урӯлар, aka-укаларнинг қуда бўлишига салбий қарашлар мавжуд бўлган. Айнан шу маънода “Авесто”нинг Шарқ халқлари педагогикаси тарихи учун қимматли манба экани шубҳасизdir[3]. IX–XIасрлар давомида Марказий Осиёда яшаб ўтган Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, И smoил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али ибн Сино, Аз-Замахшарий, Кайковус каби буюк алломалар яратган асарларда шахс, оилада бола тарбияси, унинг инсон

ҳаёти, фаолиятидаги аҳамияти ёрқин мисолларда ўз ифодасини топган. Бу олимлар ўз ижодлари, асарлари билан Марказий Осиё халқлари шуҳратини бутун оламга ёйдилар.

Уларнинг педагогикага оид асарларида таълим-тарбия ва ахлоқ одобга оид педагогик фикрлар, инсонпарварлик, билимга эътиқод, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, улуғлаш, комил инсонни тарбиялаш, адолат ва халқпарварлик тамойилларига асосланган етук жамоа барпо этиш каби ғоялар катта ўрин эгаллади. Бу асарлардан ўрин олган инсоннинг баҳтли фаровон ҳаёти, маънавий камолотга эришиши, оила қуриши, фарзанд қуриши ва бола тарбиялашдаги масъулияти ва бурчлари, оила муқадdasлиги каби масалалар мана шу ғоянинг ёрқин тасвиридир. Бир сўз билан айтганда, инсон моддий эҳтиёжларини маънавий эҳтиёжларига бўйсундириши Шарқ фалсафаси ва адабиётининг етакчи мавзуси бўлиб келган.

Юсуф Хос Ҳожибининг таъкидлашича, оила тарбияси болаларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришда бош ўринни эгаллайди. “Ўғил-қизинг хулқ-атвори ярамас бўлса, бу ярамас ишни ота қилган бўлади, ундан бошқаси эмас. Ота болани назорат қилиб, ўргатиб турса, улар улғайгач, ўғил-қизим бор, деб севинади”[4]. Демак, бола муттасил отона назоратида бўлмоғи лозим.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида миллий қадриятлар орқали таълим бериш билан бирга, тарбиявий тадбирлар ўтказишга ҳам катта аҳамият бериш лозим. Курсант ва тингловчилар маънавий тафаккурини шакллантиришда таниқли олим, ёзувчи, шоир ҳамда мустақиллигимиз, Ватанимиз равнақи учун ўзининг муносаб ҳиссасини қўшаётган инсонлар билан ўтказиладиган учрашувлар мухим омил бўлади. Бу тадбирлар курсант тингловчиларда катта таассурот қолдиради. Чунки уларда миллий қадриятларимизга

алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасалари курсант-tinglovchilari ташабbusi билан ўтказиладиган илмий ва бадиий анжуманлар курсантлар таълимтарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Яна шуни ҳам қайд этиш жоизки, курсантларни қадимий ёдгорликлар, азиз қадамжолар, тарихий ва адабий музейлар билан таништириш ҳам уларнинг маънавий ва маърифий тарбиясида улкан мавқега эгадир.

Маънавиятимизнинг ўзаги миллий-анъаналаримиз оила бағрида, маҳалла остонасида шаклланиб камол топган бўлиб, асрлар давомида аждодларимиздан авлодларга мерос сифатида етиб келган урф-одатларимиз, қадриятларимиз, анъаналаримиз ҳам миллийлигимиз рамзи бўлиб, катта қадрга эгадир. Ёшлилар жамиятнинг энг катта ва ҳаракатчан қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни ҳар доим кузатиб, назорат қилиш замоннинг долзарб масалалари қаторига киради. Ҳозирги даврда тараққиётимиз учун хавфли бўлган, ёшлар маънавиятига салбий таъсир этувчи, ёшларни душманлик руҳида тарбиялайдиган бузғунчи ғояларга қўшимча таъсирлар сифатида қуидаги воситалардан ҳам фойдаланимокда, булар: Интернет, спутник алоқалари, бадиий адабиёт, газета ва журналлар, санъат (тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, кино, сериаллар, мусиқа, рақс) орқали салбий таъсир ўтказишdir. Бундай таҳдидларнинг турлари, уларнинг хусусиятлари ошкора ва баъзан ўта махфий, ички, яширин бўлади.

Бу мақсадларни билиш ва ўз вақтида англаш ҳамда унга қарши жавоб бериш учун ёшлар юксак маънавиятли, ғоявий онгли, маънавий баркамол бўлишлари шарт. Фақат шундай ёшларгина бундай таъсирлардан ҳимояланишга қодир бўлади.

XIX аср охири ва XX аср бошларидағи ўзбек миллий маданиятининг машхур вакилларидан бири маърифатпарвар

шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний (1879–1934) яратган асарларда Ватан, ахлоқ, она тили равнақи, меҳнатнинг жамиятда ва инсон ҳаётидаги ўрни ҳақидаги педагогик ғоялар ифодаланган[5]. Авлонийнинг таъкидлашича, Ватан туйғуси энг инсоний, мўътабар туйғудир. Ватан дарди билан яшамоқ, унинг баҳтидан кувонмоқ, у билан фаҳрланмоқ керак. Ватан онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлиги ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини бирга баҳам кўриш фарзанднинг муқаддас бурчидир.

Ҳозирги кундаги мавжуд мазкур мағкуравий, маънавий хуружларнинг мақсад ва моҳиятини ўз вақтида англаб оладиган, уларга қарши ўз фикри, мустақил дунёқарашига эга бўлган баркамол авлодни тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни бекиёсdir. Миллий қадриятлар инсонни ўз-ўзини англаши, миллий ғурурга эга бўлиши, ўз миллати ва унинг тарихи билан фаҳрланувчи, юксак идеалларга интилувчи, меҳнатсевар, иймонли, инсофли, ўтмиш аждодлар ва кексаларга нисбатан иззат-хурматли ҳамда юрт тақдирини ўз тақдирни билан бир, деб ҳисобловчи шахс бўлиб етишиши учун хизмат қиласи. Ёшлар фаоллигини таъминлашнинг яна бир муҳим ўйналиши улар онгода миллий урф одат ва анъаналарни шакллантиришdir. Миллий урф-одатлар ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига сингиб кетган бўлиб, булар бизни айнан қайси халқ вакили эканлигимизни кўрсатувчи изоҳ, яъни бизнинг ким эканлигимизни исботловчи далил ҳисобланади. Ал-Форобий фикрича: “Инсоннинг ва жамиятнинг ғалабага эришуви, яхшиликни қўлга киритиши, ахлоқий ва ақлий ўйналишга эришуви инсон ва жамоанинг ўз қўлидадир”. Табиий бошланғич тарбия таъсири остида камол топиб, инсонга айланишгина кифоя қилмайди, чунки у инсон бўлиб, инсоний камолотга эришуви учун сўзлаш қобилияти ва касб-хунарга

муҳтоҷдир[6]. Олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган курсант-tinglovchilarning юқорида кўрсатилганидек қилиб тарбиялаш учун авлод-аждодларимиз яратган бой илмий-маданий меросимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганишимиз, тарбиявий соатлар ўтиш жараёнида ҳарбий таълим муассаса курсант-tinglovchilarini улардан баҳраманд этишимиз лозим.

Ёшларимизнинг маънавий тарбиясида бепарволик ва лоқайдлик хукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Аксинча, қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур хукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга бўлади. Олдимизда турган эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барчаси, авваламбор, ёш авлод, унибўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Курсант-tinglovchilar тарбиясида доимо огоҳ ва сергак бўлиш, миллий қадриятларимизни уларнинг онгига сингдириш барчамизнинг бурчимиздир.

Форс мутафаккири айтганидек, “ҳар бир миллатни ривожлантириш ва тараққий этишини хоҳласанг уларнинг қизлари ва оналарини гўзал хулқ эгалари бўлиши ва чиройли, нафосатли бўлишини таъминлаш зарур[7]”. Бу ҳикматли сўзлар негизида бир миллатнинг яралиши ва ривожи ҳақида чуқур маъно ётади.

Курсант ва tингlovchilarning маънавий тарбиялаш уларнинг бутун ўқиши давомида амалга оширилиши лозим. Бироқ бу вазифа индивиднинг курсантлик даврида, айниқса муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу даврда курсант-tinglovchilarning ижтимоийлашуви, маънавиятнинг негизи бўлган

қадриятларни ўзлаштириш жараёни жуда тезлашиб кетади. Курсант ва тингловчиларнинг маънавий ривожланишига мана шу даврда озгина эътиборсизлик қилинса, у аксилижтимоий йўналишга бурилиб кетиши, жамиятимиз учун ёт бўлган мафкуралар, ғоялар таъсирига тушиб қолиши мумкин. Маънавий тарбияни самарали амалга ошириш учун маънавиятнинг методологик ва умумий жиҳатларини аниқлаб олиш зарур. Бу йўналишда жаҳон, айниқса, мамлакатимиз файласуфлари, сиёsatшунослари, педагог олимлари томонидан кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Айни пайтда мамлакатимиз психологлари томонидан шу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни етарли, деб бўлмайди. Курсантлик даврида шахс ўзининг маънавий-ахлоқий ривожланишида ҳал қилувчи қадамларни қўяди. Шу холатнинг ўзи ҳам ўсмирларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва бу жараёнга таъсири ўтказувчи барча омилларни, жумладан, психологик механизм сифатида оилавий қадриятларни тадқиқ қилиш қанчалик муҳим аҳамият касб этишидан гувоҳлик беради. Курсант ва тингловчиларнинг маънавий-ахлоқий ривожлантириш масаласига тизимли ёндашув, жумладан бу жараёнда когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор компонентларини бир-бирига мутаносиб равишда ривожлантириш

белгиланган мақсадларга эришишнинг энг самарали усули экани ҳақидаги фараз тасдиқланди. Курсант ва тингловчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялаш уларнинг ўзларини ўзлари тарбиялашга йўналтириш билан қўшиб олиб борилгандагина юқори самарали бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фараз ҳам ўз тасдигини топди.

Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнидан кўзланган мақсадларга факат тарбиянинг ўзини-ўзи тарбиялаш жараёни билан уйғунлаштирилганда эришиш мумкинлигини ҳисобга олиб, курсант ўзини-ўзи тарбиялашга йўналтирилиши биринчи даражали аҳамият касб этади. Бунга эришиш учун курсант-tinglovchilar онгida маънавий-ахлоқий қадриятлар устувор аҳамиятга эга бўлишини таъминлайдиган тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, тарбия жараёнида курсант-tinglovchi иродасини ва эмпатия туйғусини ривожлантиришга қаратилган самарали ишлар амалга ошириш тавсия этилади.

Миллий қадриятлар – миллат юзи, қалб шууридир. Шундай экан, миллий қадриятларимиз баробарида, мустақилликни олий қадрият даражасига кўтариш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади. Зоро, биз эришаётган жамики ютуқлар ана шу муқаддас неъмат шарофатидандир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори.
3. Донишманлар тарбия хусусида. – Т., 1982. – 67 б.
4. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Т., 1991. – 56 б
5. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т., 1992. – 346.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т., 1993. – 45-б.
7. ЎзМУ хабарлари // Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий Университети илмий Журнали. – 2021. – 189 б.